

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ХУЗУРИДАГИ АМАЛДАГИ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИ  
МОНИТОРИНГИ ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**ШУҲРАТ РЎЗИНАЗАРОВ  
ОБИДЖОН МАДАЛИЕВ  
ЖАМОЛИДДИН АБДУРАҲМОНХЎЖАЕВ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ  
БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ИНСТИТУЛарНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

**ТОШКЕНТ-2012**

Рўзиғатаров Ш.Н., Мадалиев О.М., Абдураҳмонзўяев Ж.Х.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуклари бўйича миллӣ институтларнинг шаклланishi ва ривожланиши. Монография – Тошкент: ТДОИ нашриёти, 2012. – 194-бет.

Сарлавҳада: Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги конун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Адлик вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти

ББК67.404 (5У)

**Монография А-1-025 шифрлама “Ўзбекистонда инсон ҳуқуклари бўйича миллӣ институтларнинг шаклланishi ва ривожланиши” мавзусидаги давлат транги яосинда бажарилган ва нашр этилган.**

**Масъул мұхаррір:**

ю.ф.д., проф. Ш.Н.Рўзиғатаров

**Таҳризчилар:**

Ю.ф.д. Мамасидзиков М.М.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги конун ҳужжатлари мониторинги институтининг бўлим бошлиғи

**Ю.ф.д. Ҳәқбердиева Р.Т.**

Ўзбекистон Республикаси Миллӣ Университети “Жиноят процессынг ҳуқуқи” кафедраси мудири

**Муаллифлар жомояси:**

1. Рўзиғатаров Ш.Н. – Кирош, II, IV боблар, V бобнинг 5.1§ ва хулоса;

2. Мадалиев О.М. – II боб;

3. Абдураҳмонзўяев Ж.Х. – I боб ва V бобнинг 5.2§, 5.3§.

Монографияда Ўзбекистонда инсон ҳуқуклари бўйича миллӣ институтлар тушунчаси, тизими шаклланishi ва ривожланиши, инсон ҳуқуслари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти ва моҳияти, инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишининг ҳалқаро ва миллӣ кафолатлари, инсон ҳуқуклари маданияти ва миллӣ қадрияларнинг ўзаро алокаси ҳамда уларни уйгулаштириш масалалари, инсон ҳуқуклари маданиятини шакллантиришида дунёвий ва диний қадрияларнинг ўрни ва исбати, демократии ислоҳотларни янада чуқулаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантирища инсон ҳуқуклари маданиятини юксалтиришининг истижболлари, инсон ҳуқукларини ҳимоя қилишда ҳуқукий тизимининг етуклиқ кўрсаткич сифатида юксак ҳуқукий маданиятининг зарурити ва муаммолари, инсон ҳуқуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллӣ маркази фаoliyatining ташкилий ҳуқукий яослари, инсон ҳуқуклари бўйича Миллӣ марказнинг инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги роли, вазифаси ва ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуклари бўйича вакили (Омбудсман) фаoliyati конунчилик асосларининг ривожланиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуклари бўйича вакили (Омбудсман)нинг фуқаролар ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуклари бўйича вакили (Омбудсман)нинг конун ҳужжатларини тақомиллаштирища иштироки, инсон ҳуқукларини ҳимоя қилишда адвокатура институтининг туттиғи ўрни ва роли, адвокатура фаoliyatining ташкилий-ҳуқукий шакллари ва асослари, инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатлар ҳуқукий мақомининг ўзига хос хусусиятлари бен этилган.

Монография давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, суд ва ҳуқуқни муҳофаза килювчи органлар мутахассислари, мустаҳид таъқиотчилар, магистрантлар, талабаларга ҳамда кент китобхонлар оммасига мулжалланган.

© Рўзиғатаров Ш.Н., Мадалиев О.М., Абдураҳмонзўяев Ж.Х.

© Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги институти, Тошкент давлат юридик институти, 2012.

коши ҳуқуқларни мониторинги  
Anishev Navoiy10 414 86  
32013/91  
A  
6831nomidagi  
O'zbekiston MK

## *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 20 йилтигига багишиланади*

*Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳукуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳукуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинаади.*

### *Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддаси*

#### **Кириш**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бевосита инсон ҳукук ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя килиш билан чамбарчас боғлиқдир. Мустақиллик йилларида инсон ҳукуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя килиш тизими қарор топди ва мустаҳкамланиб бормоқда.

Президент И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳукуқларидан бири - бу тинч яшаш ҳукуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳукуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдан иборат. Бу ҳукуқни амалга ошириш-давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам биринчи галда ана шу мезон билан ўлчанади”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб халқнинг асрий орзу-армонларини амалга оширишга киришди. Адолатли демократик ҳукукий давлат куришни ўзининг энг бирламчи ва муҳим вазифаси сифатида белгилади<sup>2</sup>. Инсон ҳукук ва эркинликларини ҳимоя килиш миллий конунчилик тизимининг ўзагини ташкил этади. Шу сабабли қонун ижодкорлиги фаолиятининг самараадорлиги кўп жихатдан қонунларда инсон ҳукук ва эркинликларини ҳимоя килиш тизими қай даражада ифода этилишига бевосита алокадордир. Шу ўринда айтиш лозимки,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак мънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 73 б.

<sup>2</sup> Азизхўжаев А. Чин узбек иши. – Т.: Узбекистон, 2011. – Б 74-75.

“Фукаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш учун шароитларни яратиш Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирин хисобланади”<sup>1</sup>.

Айниқса, инсон ҳуқук ва эркинликлари ҳуқукни қўллаш амалиётида таъминланиши улар манфаатларини устувор ҳимоя қилишининг энг муҳим кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маъруzasida “Ўзбекистонимиз босиб ўтган кейинги ўн йиллик давр ахолимизнинг кенг қатламлари қўллаб-кувватлайдиган турли хил фукаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлганлигини” алоҳида таъкидлайдилар.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишини ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан самарали таъминлаш масаласи ҳозирги кунда демократик ҳуқуқий давлат ва фукаролик жамиятини барпо этишга максад қилиб кўяётган ҳар бир давлат учун муҳим вазифа ва жараён бўлиб хисобланмоқда. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият бўлиб хисобланади. Шу боис, давлатимиз ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширилаётганлиги ҳар бир йўналиш бўйича ислоҳотларнинг устивор вазифаси сифатида қаралётганлигидан далолат бермоқда. Инсон ҳуқуқлари масаласи ҳар бир демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у давлатнинг қай даражада ҳуқукий жиҳатдан ривожланганлитини кўрсатувчи мезон сифатида намоён бўлади.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида” номли асарларида “Миллий давлат курилиши соҳасидаги миллатлараро алокаларни яхшилаш, гражданларнинг кайси миллат вакили эканлигидан, тили ва диний зътиқодидан катъи назар, уларнинг ҳуқук ва эркинликларини

<sup>1</sup> Рустамбов М.Х. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни ўрганиш бўйича маъруза матни. ЎзР Адми низарияти ТДЮСИ. -Т. Ташкент давлат юридик институти, 2011. - 48 б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруzasasi - Т. Ўзбекистон, 2010. - Б 41-42.

таъминлаш биринчи даражали аҳамият касб этади<sup>1</sup> деб таъкидлайдилар. Шу ўринда айтиш лозимки, инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингти институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман). “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази, ҳамда адвокатура институти каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ўрни мухим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг шаклланиши ва ривожланишини ҳуқуқий жиҳатдан тадқик этиб ўрганиш инсон ҳуқук ва эркинликларини таъминлашда ҳам мухим аҳамият касб этади. Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳалқаро универсал ҳуқуқий нормалар ва минтақавий ҳужжатлар билан бир каторда, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ҳам мухим рол ўйнайди. Шу боис, мазкур монографияда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тушунчаси, тизими шаклланиши ва ривожланиши, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти ва моҳияти, инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳалқаро ва миллий кафолатлари, инсон ҳуқуқлари маданияти ва миллий қадриятларнинг ўзаро алоқаси ҳамда уларни уйғунлаштириш масалалари, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда дунёвий ва диний қадриятларнинг ўрни ва нисбати, демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришнинг истиқболлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий тизимнинг етгуклик кўрсаткичи сифатида юксак ҳуқуқий маданиятнинг зарурияти ва муаммолари, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари, инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги роли, вазифаси ва ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолияти қонунчилик асосларининг ривожланиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг фуқаролар ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ваколатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

инсон хукуклари бўйича вакили (Омбудсман)нинг қонун хужжатларини такомиллаштиришда иштироки, инсон хукукларини ҳимоя қилишда адвокатура институтининг тутган ўрни ва роли, адвокатура фаолиятининг ташкилий-хукукий шакллари ва асослари, Инсон хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатлар хукукий мақомининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ масалаларни ёритиб бериш нафақат илмий балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ўринда шуни таъкидлаш керакки, инсон хукуки миллий институтлар билан биргаликда тегишли давлат органларининг инсон хукуклари бўйича махсус тузилган бўлимлари фаолиятини ўрганиш ҳам муҳим масала бўлиб ҳисобланади. Бироқ тегишли давлат органлари инсон хукуклари ҳимояси бўйича бўлимлари фаолиятини махсус тарзда тадқик этиб ўрганишни тақозо этмоқда.

Монографияда баён этилган хулоса, таклиф ва тавсиялардан хукукни кўллаш амалиётида, қонун хужжатларини такомиллаштиришда, ўқув машғулотларини олиб боришида ва келгусида ушбу муаммолар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришида фойдаланиш мумкин.

Мазкур монографияда айрим камчиликларга йўл кўйилган бўлиши мумкин, шу сабабли муаллифлар бу ҳақида билдирилган таклиф ва истакларни мамнуният билан қабул қиласи ва келгусида бундай туркумда тайёрланадиган ишларида зътиборга олади, деб ишонч билдиради.

# **І БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА МИЛЛИЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИННИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**

## **1.1§. Инсон ҳуқуклари бўйича миллий институтлар тушунчаси, тизими, шаклланиши ва ривожланиши**

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида турли хил фуқаролик жамияти институтлари шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланишига қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Ҳар бир демократик давлатнинг ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли бекиёсdir.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъбири билан айттанди, “... юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётiga асосланган ҳуқуқий-демократик давлат куриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституциямизнинг мустаҳкам пойdevор бўлиб келаёттанини мамнуният билан эътироф этамиз”<sup>1</sup>.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, давлатимиз босиб ўтган кейинги ўн Йиллик давр аҳолимизнинг барча қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг янада ривожланиши даври бўлди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ яъни 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиниши ва унда мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармокларининг ривожланиши учун қулай ҳуқукий шарт-шароит яратди.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, “Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатнын модернизация килиш йўлини язил давом эттириш – тараққиётимизнинг мухим омилидир // Демократик ислоқотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш-мамлакатимиз тараққиётимизнинг асосий мезонидир. –Т: Ўзбекистон, 2011. Т.19. –Б 111-112.

манфаатларини ҳимоя килишнинг мухим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рӯёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иктисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашта кўмаклашмоқда”<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, “... мустақил, демократик суд-хуқуқ тизими мавжуд бўлмасдан туриб мамлакатнинг ижтимоий, иктиносидий ва маънавий ҳаётининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаб бўлмайди”<sup>2</sup>. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини самарали таъминлаш мақсадида суд-хуқуқ ислоҳотлари амалга оширилаётганлиги билан бир қаторда, инсон ҳуқуқларини суд ва ҳуқуқни муҳофаза килувчи органлар ҳамда ўзлари томонидан ҳимоя килишнинг таъсирчан механизмларини яратиш мақсадида аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, “Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдеворидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол ижобий таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг жисплашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда осоиишта ҳаётини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омил”<sup>3</sup> эканлигини таъкидлайди. Фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини тобора ривожланиши, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинакам мустақилигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя килиш, фаолиятини ташкилий-хуқукий, моддий-техникавий жиҳатдан кўллаб-куватлашни кучайтиришига қаратилган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 2007 йилда кабул қилиниши мухим аҳамият касб этади<sup>4</sup>.

Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳалқаро нормалар ва коидаларнинг амалга оширилишини таъминлашда ҳалқаро универсал ва минтақавий ҳужожатлар мухим ўрин тутади. Айниқса, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг роли бекиёсdir. Ҳалқаро ҳуқуқ бундай органлар тизимини ҳам, уларнинг ваколатларини ҳам

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилар палатаси за Сенатининг Қўшимча маъқисидаги маъруzasи - Т.: Ўзбекистон, 2010. – 42 б.

<sup>2</sup> Рустамбоев М.Х., Тухшашева У.А. Ўзбекистон Республикасида суд ҳаётимига ва суд-хуқуқ ислоҳоти: ишмий-публицистик нашир – Т.: ТДРОИ, 2009. – 3 б.

<sup>3</sup> Махмудов Л. Ҳуқуқий маданият етуклик зоси // Инсон ва қонун. 2011 йил 5 июль.

<sup>4</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовининг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни ўрганиш бўйича маъруза матни. ЎзР Адлия вазирлигига ТДРОИ. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2011. – 49 б.

белгилаб бермаган. Дарҳақиқат, инсон ҳукуклари бўйича миллий институтлар деганда, фаолияти инсон ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга каратилган турли хил давлат ва нодавлат ташкилотлар - инсон ҳукуклари бўйича миллий марказлар ёки миллий комиссиялар, омбудсманлар ва бошқа ташкилотлар тушунилади. Инсон ҳукуклари бўйича миллий институтларни ташкил этиш ғояси 1946 йилда ЭКОСОС аъзо давлатларга Инсон ҳукуклари бўйича комиссия ишига кўмаклашиш мақсадида ҳамкорлик қилиш учун инсон ҳукуклари бўйича ахборот гурухлари ёки комиссиялар тузиш масаласини кўриб чиқишин таклиф қилганидан сўнг туғилган.

Бинобарин, демократия ўз ҳолида инсон ҳукуклари ишончли ҳимояланишини кафолатламайди. Миллий институтлар инсон ҳукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муаммоларини тезкорлик билан ва катта харажатларсиз ҳал қилиш имкониятини яратади. Тизимли таҳлил натижалари далолат беришича, инсон ҳукуклари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари билан нафакат ҳалқаро ҳукуқ нормаларига риоя қилган ҳолда, балки ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олиб шуғулланадиган миллий институтларнинг таъсирчанлиги ва нуфузи каттадир. Бундан ташқари, миллий институтлар инсон ҳукуклари ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларга доир ҳалқаро шартномаларнинг бажарилиши билан шуғулланувчи органлар учун ҳукумат маърузаларини ўз вақтида ва ҳақоний тузишга кўмаклашадилар. Кези келганда шуни айтиш жоизки, инсон ҳукуклари бўйича миллий институтлар ўз мамлакатларида тўплangan кенг ахборотга асосланган ҳолда илмий-назарий ва амалий тадқиқотлар ўtkазиш имкониятига эга. Бизга маълумки, инсон ҳукуклари бўйича миллий институтларга муайян талаблар қўйилган биринчидан, миллий институтлар эркин, юридик ва сиёсий жиҳатдан мустақил ҳамда кенг ваколатлар доирасига эга бўлишлари керак иккинчидан, улар фуқаролар мурожаатлари учун қурай ва очик бўлиши ҳамда энг асосийси инсон ҳукуклари бўйича миллий институтлар фаолиятининг ташкилий-ҳукукий асослари мустаҳкам қонун ҳужжатлари тизимиға эга бўлиши лозим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти инсон ҳукуклари бўйича миллий институтлар гурухини алоҳида ажратиб ва уларнинг вазифаларини белгилаб қўйди. Хусусан, маърифий фаолият, ҳукуматларга инсон ҳукуклари соҳасидаги масалалар юзасидан маслаҳат бериш, давлат субъектлари (баъзан хусусий субъектлар)

томонидан содир этилган ҳуқукбузарликлар тўгрисидаги шикоятларни текшириш ва тартибга солиш, таълим дастурларини амалга ошириш инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг вазифалари жумласига киритилди.

Париж принциплари (1991 йил) талабларидан келиб чиқиб инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолиятини йўлга кўйишга эришилаётганлигини қайд этиш лозим. Бу эса ўз навбатида, ушбу тадрижий жараёнда ташланган мухим қадам бўлди. Париж принциплари инсон ҳуқуқлари бўйича миллий комиссияларнинг стандарт мақомини ва маслаҳат ролини белгилаш билан миллий институт концепциясига аниклик киритишга ҳаракат қилинган. Агар бу стандартлар нафакат “комиссия” деб ифодаланган институтларга, балки миллий институтларнинг умумий категориясига нисбатан қўлланилса, у холда миллий институт конституция ёки қонунга мувофиқ инсон ҳуқуқлари соҳасида муайян вазифаларни бажариш учун таъсис этиладиган орган бўлиши лозим.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, миллий институт концепцияси ҳали пухта ишлаб чиқилмаган. БМТнинг ушбу соҳадаги фаолияти мақсадлари учун миллий институт деганда ҳукумат томонидан конституцияга ва қонунга ёхуд фармойишга мувофиқ тузиладиган, вазифалари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш сифатида аниқ белгилаб қўйилган орган тушунилади. Амалда мазкур таъриф билан қамраб олинадиган барча институтлар “маъмурий” хусусиятга эга бўлиб, ушбу сўзнинг тор маъносида суд органи ҳам, норма ижодкорлиги институти ҳам ҳисобланмайди. Коида тариқасида уларга миллий ёки халқаро даражада инсон ҳуқуқлари бўйича кундалик маслаҳат ваколати берилади. Бу мақсадга маъмурий воситалар ёрдамида, фикр-мулоҳазалар ва тавсиялар бериш ёки айрим шахслар ёки шахслар груҳи томонидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш йўли билан эришилади.

Айрим мамлакатларнинг конституцияларида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт ташкил этиш назарда тутилган. Бундай институтлар кўпинча давлат қонун ҳужжатларига ёки алоҳида ҳужжатга мувофиқ ташкил этилади. Кўпгина миллий институтлар ижро этувчи ҳокимият билан муайян тарзда боғлиқ бўлса-да, бу институтларнинг мустакиллик даражаси бир қанча омиллар, шу жумладан, уларнинг таркиби ва тузилиши, моддий-техник ва молиявий таъминоти ҳамда фаолият усуллари билан белгиланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтнинг умумий тавсифи, таснифлаш билан боғлик қийинчилликларни бартараф этмайди. Миллий институтларнинг аксарияти икки муҳим категория – “инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия (марказ)” ёки “омбудсман институти”га мансублигига кўра таснифланади. Омбудсман ваколатлари шикоятларни қабул қилиш ва текшириш ваколатига эга бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия (марказ) ваколатларига кўп жиҳатдан ўхшаш бўлиб ҳисобланади. Иккала органнинг вазифаси фукароларнинг ҳуқуқларини химоя қилишдан иборат бўлиб, ҳукукий жиҳатдан ижро этиш учун мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш ҳукуқига уларнинг бирортаси ҳам эга эмас. Айни вактда, бу икки органнинг вазифалари ўртасида муайян фарқлар мавжуд. Бу фарқлардан нима учун айрим мамлакатлар иккала институтни ҳам таъсис этиши ва уларнинг фаолиятини таъминлашини англаш мумкин. Агар омбудсманинг вазифаси давлат бошқаруви соҳасида адолат ва қонунийликни таъминлашдан иборат бўлса, инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия кўпроқ инсон ҳуқуқларининг бузилиши масалалари, айниқса, камситиш муаммоси билан шуғулланади ва кўпинча юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳатто, ҳукуматнинг хатти-ҳаракатларини ҳам текширади.

Инсон ҳуқуқлари тушунчасига турли хил йўналишларда таърифлар келтирилган. Жумладан, “Инсон ҳуқуқлари – жамиятнинг энг олий қадрияти”<sup>1</sup>. Инсон ҳуқуқлари - бу кенг қамровли юридик тушунча бўлиб, илмий адабиётларда у индивидни ижтимоий ҳаётнинг ҳамма тармоқларидағи эркин фаолияти, инсоний қадриятлари ва ҳаётини таъминлаб берувчи табиий имкониятлар йигиндиси деб таърифланади<sup>2</sup>. А.Сайдовнинг фикрича, “Инсон ҳуқуқлари ҳар бир шахс одамзод авлодига мансуб бўлганилиги учунгина унга тааллукли бўлган ҳуқуқлар мажмуидир”<sup>3</sup>. Х.Одилкориев “Инсон ҳуқуқлари – адолат, тенглик ва эркинликнинг кўлами ва меъёрини ифодалайди. Улар давлат ҳокимиияти билан инсон (фуқаро) ўртасидаги муносабатларни мувозанатлаширади”<sup>4</sup> деб таъкидласа, М.Ахмедшаева “Инсон ҳуқуқлари ва уларни таъминлаш масаласи бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдида

<sup>1</sup> Азаров А. Права человека. Новое знание. –М.: 1995.- 58 с.

<sup>2</sup> Рахмонкулов Х., Абдумажидов Г. Омбудсман в Узбекистане. –Т.: Жаҳон, 2001. –32 с.

<sup>3</sup> Сайдов А.Х. Инсон ҳуқуқлари: парламент аъзослари учун қўйламча. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, 2007. - 1 б.

<sup>4</sup> Одилкориев Х. Конституция – инсон ҳуқуқларининг кафолатлари. / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жамиятни янгилаш курунчаликни асоси. Ілмий-назарий ағжуман материаллари. -Т: ТДЮИ. 2005. - 55 б.

турган энг долзарб масалалардан биридир. Инсон ҳуқуклари бу инсоннинг табиий ҳуқуқларига асосланган, давлатнинг Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган асосий ҳуқуқ ва эркинликлари<sup>1</sup> деб эътироф этади. Шуни алоҳида айтиш лозимки, инсон ҳуқукларини ҳимоя килиш фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришда ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, инсон ҳуқуклари табиий хусусиятта эга бўлиб, шахс билан узвий боғлиқдир. Инсон ҳуқуклари чегара ва миллат танламайди, давлатнинг қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб кўйилган ёки қўйилмаганидан кати назар амал қиласди, ҳалкаро-ҳуқукий тартибга солиш ва ҳимоя обьекти ҳисобланади. Бундай ҳуқуклар шахсни инсоният вакили сифатида тавсифлайди, шу маънода умумий ва айни вактда нормал ҳаёт кечириши учун зарур асосий ваколатлар сифатида амал қиласди. Инсон ҳуқуклари муайян давлатнинг қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган ҳолда, мазкур давлат фуқаросининг ҳуқукларига ҳам айланади<sup>2</sup>. Бугунги кунда мамлакатимиизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга караганда 2,5 баробар кўпdir. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. Булар қаторида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-кизлар қўмитаси, “Софлом авлод учун”, “Нуроний” жамғармалари, “Ижод” фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларини санаб ўтиш мумкин<sup>3</sup>. Мамлакатимиизда нодавлат нотижорат ташкилотлар айниқса, фуқаролик жамияти институтлари бўлган миллий институтларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли ва вазифаси жамиятимиизда тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг

<sup>1</sup> Ахмедзяева М. Конституция – инсон ҳуқукларининг кафолатлари. /Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жамиятни янтилаш ва мамлакатни модернизация ютиши асоси Илмий-назарий инжуман митериналлари. -Т: ТДРЮ, 2005. - 47 б.

<sup>2</sup> Саидов А.Х. Инсон ҳуқуклари бўйича универсал шартномаларин ўрганишга кириш / Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуклари бўйича ҳалкаро шартномалари. -Т: Адилат, 2002. - Б. 5-6.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Мамлакатимиизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятимииз ривожлантириш концепцияси. /Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуччалик палатаси ва Сенатининг кўшима мажлисидаги маъруzasи. -Т. Узбекистон. 2010. - 42 б.

кайфиятини, мамлакатда кечәётган ўзгаришларга муносабатини аниклашнинг мухим воситаларидан бири хисобланади.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганлари идеқ, “... давлат идораларининг аҳоли билан, барча жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг уюшмалари билан, такрор айтаманки, қонунни бузмаётган, муаммоларни ҳал этишга, одамларнинг турмушини яхшилашга, вазиятни барқарорлаштиришга астойдил кўмаклашишни истаётганларнинг ҳаммаси билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш кераклиги тўғрисида бораяпти. Ўзаро душманликка, ёвузлик ва зўравонликка, ҳар кандай белгиларга караб инсон хукуклари камситилишига карши курашаётганларнинг ҳаммаси билан бир сафда туриб иш кўриш кераклиги тўғрисида бораяпти”<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда “Парламент томонидан инсон ҳукуқлари ва эркинликларининг барча тоифалари – шахсий, сиёсий, ижтимоий, иктисадий ва маданий ҳукуқларни кафолатловчи 400 дан ортиқ конунлар кабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси томонидан 70 дан ортиқ халқаро шартномалар, жумладан инсон ҳукуқлари бўйича Халқаро билл, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотларининг инсон ҳукуқлари соҳасидаги асосий ҳужожатлари ратификация қилинган”<sup>2</sup>.

Юкоридагилардан келиб чиқиб айтиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда том мъянода "... Омбудсман, Инсон хукуклари бўйича миллый марказ, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази, Амалдаги конун ҳужжатлари мониторинги институти каби инсон хукуклари бўйича миллый институтлар ва бошқа бир катор ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда"<sup>3</sup>. Мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фукаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фукароларнинг энг муҳим социал-иктисодий муаммоларини ҳал этишга каратилган 200 дан ортиқ конун ҳужжатлари қабул килингани ҳам бу соҳа ривожига бўлган катта зътиборни кўрсатади. Юртбошимиз И.Каримов "... гражданларнинг хукукларини ҳимоя килувчи барча давлат муассасаларини назорат этиш ҳам катта аҳамият касб этмоқда" деб таъкидлайдилар<sup>4</sup>. Айтиш

<sup>1</sup> Каримов Н. А. Ўзбекистон мустақиллика эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. -132 б.

Рашидова С.Ш. Ўзбекистонда инсон хукук ва ёрқинликлари таъминланниш каби давлат сиёсатининг устувор жиҳадларі – давлат органдарига фоилиятидаги инсон хукуқлари маданийтиши шакилларини асосидир // Инсон хукуклари маданийтиши шакилларини масалаларни маънусидаги Республика илмий-назарий конференция материяллари. ТДЮИ, 2011 - Б.3-4.

<sup>3</sup> Каримов Н.А. Мамлекеттің демократик настохттарын явада чукурлаштырыш үшін фуқаролық жамияттаниң ривокжантығының концепциясы // Уәлиханов Республикасы Ойын Мажлиси Конунчылық палатасы ва Сенатының күмбезінде марапатталған макулдасы - Т. - Ұәлиханов, 2010 - 43 б.

<sup>4</sup> Каинак Н.А. Узбекистон мұстакорлық зерттегі оғарнас�다 -Т: Ұзбекистан, 2011.-148 б.

керакки, фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинакам мустақилигини таъминлаш, хукук ва конуний манфаатларини химоя қилиш, фаолиятини ташкилий-хукукий, моддий-техникавий жихатдан кўллаб-кувватлашни кучайтиришга қаратилган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Конуннинг қабул қилиниши мухим аҳамият касб этди. Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятини амалга оширишда давлат ҳокимият ва бошқарув органларидан мутлако мустақиллар, амалдаги конун хужжатларида белгиланган ҳолатлардан ташқари уларга ҳисобот бермайди ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар давлат бошқарувни идораларининг назорати остида бўлмайди. Сўнгти йилларда “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Хомийлик тўғрисида”ги конунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошка катор хужжатлар қабул қилинди ва улар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини кучайтиришда мухим омил вазифасини бажармоқда. Шунингдек, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошка институтларини кўллаб-кувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги кўшма қарори ҳам алоҳида аҳамиятта эга бўлди. Ўз навбатида, Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари кирган Парламент комиссиясининг ташкил қилиниши ҳам эътиборга сазовордир. Мазкур комиссиянинг фаолияти “учинчи сектор” деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини кўллаб-кувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очиқ, ошкора, аник йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда таксимлашни таъминлаш имконини бермоқда. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Факат кейинги уч йилнинг ўзида фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга

ошириш учун Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан 11 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Давлатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ўрни ва ролини янада кучайтирмасдан туриб фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон хамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша олмаймиз.

Юртбошимиз И.А. Каримов 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли мътирузаларида “Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини тъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Конуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунда ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз ахолиси турли қатламларининг ҳуқук ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳукукий механизmlарни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳукукий нормалар кўзда тутилиши даркор” деб таъкидлаганлари бежиз эмас.

Дарҳакиқат, инсон ҳукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси нодавлат тизимнинг асосини ташкил этувчи фуқаролик жамияти институтлари жадал ривожланмоқда. Айтиш жоизки, мамлакатимизда суд ва ҳукукни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан назорат соҳасига фуқаролик жамияти институтларини янада кенг жалб этиш тизими босқичма-босқич ислоҳ этилмоқда. Шу ўринда С.Ш. Рашидова “Инсон ҳукуклари муаммосининг муҳимлигидан келиб чиқсан ҳолда, уларни ҳал қилиш факат давлатнинг эмас, балки умуман жамият зиммасида экан, нодавлат ташкилотлар эътибори ва саъий-харакатларини ушбу муаммога қаратиш, улар фаолиятини демократик қадриятлар, инсон ҳукуклари ҳимоясига, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳукукларига риоя этилиши бўйича доимий

жамоатчилик мониторингини амалга оширишга йўналтиришдек вазифа турибди<sup>1</sup> деб таъкидлаши эътиборга моликдир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши хақида хорижий давлатларнинг эксперtlари томонидан билдирилган айрим фикр ва мулоҳазаларини баён этиш ўринлидир. Хусусан, Украина Стратегик тадқиқотлар миллий институти директори маслаҳатчиси, Фуқаролик жамияти муаммоларини тадқик этиш маркази раҳбари В.Кулик таъкидлаганидек: “Ўзбекистонда кисқа вакт мобайнида фуқаролик жамиятининг қудратли пойдевори шаклланганини тан олмасликнинг иложи йўқ”<sup>2</sup>. Шаркий Европада бозор иктисодиёти ва демократияни ривожлантириш жамияти раиси Детлеф Краа (ГФР) таъбири билан айтганда, “Ўзбекистонда давлат кучли фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур бўлган барча шароитларни таъминламоқда. Бунда улар шунчаки, кузатувчи бўлиб эмас, балки демократик жараёнда фаол иштирок этмоқдалар. Демократик тенглик тамойили ҳар бир фуқарога мамлакат келажагини белгилашда катнашиш имконини беради. Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг тажрибаси жуда ибратлидир”<sup>3</sup>.

Хулоса килиб айтганда, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ масалаларни ҳар томонлама ўрганиш нафакат илмий балки, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатларини самарали ва сифатли ҳимоя килишнинг амалий натижаси билан ҳам белгиланади. Зоро, Президентимиз И.Каримов айтганларидек, “Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чикиш долзарб аҳамиятта эга. Ушбу дастур энг аввало суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқук ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга онд конунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак”<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Рашидов С.Ш. Узбекистонда инсон ҳуқук ва эркинликлари таъминланнини каби давлат смесатининг устувор жиҳатлари – давлат органлари фаoliytiдаги инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш асосидир // Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш масалалари маътусидаги Республика илмий-назарий конференция материяллари. ТДОИ, 2011 - 4 б

<sup>2</sup> Ҳалқ сўзи, 2010 йил 10 деҳабр.

<sup>3</sup> Узб жоъла.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривоҷлантириш концепцияси // Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчошлиқ палатаси ва Сенатининг кўшия мижлислидаги маъруzasи. - Т: Ўзбекистон, 2010. - 46 б.

## 1.2 §. Инсон ҳуқуклари умумжахон декларациясининг ахамияти ва моҳияти

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг инсон ҳуқук ва эркинликларини химоя қилишни таъминлаш масаласига муҳим вазифа сифатида алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ҳар бир демократик ҳуқукий давлат учун инсон ҳуқук ва эркинликларини химоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқук ва эркинликларини химоя қилиш масаласи ҳуқукий жиҳатдан мустаҳкамланган бўлиб унда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуклари, эркинликлари ва бурчлари алоҳида моддаларда баён килинган. Конституция асосида қабул килинган Кодекс ва амалдаги конунлар ҳамда Президент Фармонларида инсон ҳуқуклари масаласига алоҳида эътибор берилиб ўзининг чукур ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари борасида Конституциямиз Инсон ҳуқуклари умумжахон декларациясининг барча асосий ғоя ва коидаларини ўзига сингдирган. Инсон ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш масаласи нафакат миллий давлатларда балки, ҳалкаро муносабатларда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов таъбири билан айтганда, “Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий кадриятларимизга суюниб, шу билан бирга, тараккӣ топган давлатлар тажрибасини хисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, ҳалқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаёттан ютуқларимизни ҳалкаро ҳамжамият тан олгани - бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чукур англаймиз”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майда қабул килинган “Инсон ҳуқуклари умумжахон декларацияси қабул килинганинг 60 йиллигига бағишлиланган тадбирлар дастури тўғрисида”<sup>2</sup>ги Фармонида белгиланишича, “Мамлакатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуклари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуклари бўйича миллий марказ, Амалдаги конун ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Ўзбекистон

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юқсак маънавият – ёнгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008 – 3 б.

<sup>2</sup> Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотхонаси, 2008 йил, 5-сон, 253-модда.

2013/91 A 683/	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
----------------------	--

Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигигида инсон хукуклари ҳимояси бүйича маҳсус тузилган бўлинмалар каби инсон хукуклари бўйича миллий институтлар тизими яратилган ва улар фаол ишламоқда”<sup>1</sup>.

Демократик хукукий давлатда фуқаролар хукукий онги ва маданиятини оширишда шунингдек, улар ўз хукук ва эркинликларини ҳимоя қилиши учун халкаро ва миллий конунчилик соҳасидаги билимларини янада чукуррок ўзлаштиришлари талаб этилмоқда. Чунки, ҳар бир инсон аввало унинг ўзи Конституция ва амалдаги конун хужжатларида мустаҳкамланган, ўз хукук ва эркинликларини ҳимоя қилишни англаши, тушуниб етиши демократик хукукий давлат қуришга инициаёттан жамият учун мухим аҳамият касб этади.

Дарҳакиат, Инсон хукуклари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганилигига 2011 йил 10 декабрда 63 йил тўлади. Бу инсон хукук ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик қоида ва талабларни ўзида акс эттирган халқаро хукукий хужжатнинг тантанали байрами халкаро жамоатчилик ва давлатимизда кенг нишонланмоқда. Инсон хукуклари умумжаҳон декларациясининг мазмун ва моҳияти шундан иборатки, бу хукукий хужжат бутун инсоният оламини хукук ва эркинликлари, манфаатларини дунёда ҳар бир давлат ва жамиятда ҳимоя қилиши билан белгиланади. Инсон хукуклари умумжаҳон декларацияси инсон хукук ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид халқаро хукукий хужжатdir. Инсон хукук ва эркинликларини ҳимоя қилишда давлатлар мана шу хужжатда белгиланган хукукий қоида ва талабларга амал қилишининг содиқлигига ҳамда ўз давлатларида ишлаб чиқилаёттан конун ҳамда конун ости норматив-хукукий хужжатларининг асл моҳияти, аввало, инсон манфаатларидан келиб чиқиб ушбу Декларация ва миллий Конституция талаблари билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиши лозим. Инсон хукуклари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганидан кейин орадан узок йиллар ўтган бўлса ҳам, ўзининг юридик аҳамияти ва моҳиятини ҳозирги кунга кадар сақлаб қолганлиги билан ҳам умумбашарий кадриятdir. Ушбу хужжат жуда кўп давлатларнинг миллий Конституция ва конунчилигини ишлаб чиқицда мухим рол ўйнайди. Шунинг учун кўргина демократик хукукий давлатларнинг миллий конунчилиги шакланишида ушбу хужжат хукукий асос бўлиб ҳисобланган.

<sup>1</sup> Халқ сўзи. 2008 йил 2 май.

Юридик адабиётларда таъкидланганидек, хуқуқий давлатчилик назариясининг асосий коидаси, бу ҳар қандай шароитда ҳам инсон хуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари олий қадрият деб тан олинишидир. Чунки, хуқуқий давлатчилик Конституция ва конун устунылигига асосланган бўлиб, бу тамойил мамлакатда барча фукароларнинг хуқуқ ва эркинликлари химоя қилинишининг гаровидир. Тарихдан бизга яхши маълумки, “1946 йилда БМТнинг Инсон хукуклари бўйича Кўмитаси ташкил этилди”<sup>1</sup>. Мазкур кўмита ишли гурӯҳи зиммасига инсон хукуклари бўйича ҳалқаро ҳужжатларнинг дастлабки лойиҳасини ишлаб чиқиши юқлатилган эди.

Б.Саломовнинг фикрича, “Инсониятнинг азалий орзуси – инсон озодлигини ифодаловчи ва барча хуқуқ ҳамда эркинликларни ўзида мужассамлаштирган ягона ҳалқаро хуқуқий ҳужжат бўлмаган эди ва ушбуни бартараф этиш йўлида 1948 йил 10 декабрда БМТ томонидан инсоннинг асосий хукукларини ҳалқаро миқёса мустаҳкамлаш мақсадида Инсон хукуклари умумжаҳон декларацияси қабул килинган”<sup>2</sup>.

БМТ томонидан ишлаб чиқилган ва ҳалқаро муносабатлар соҳасида биринчи хуқуқий ҳужжат ҳисобланган Инсон хукуклари умумжаҳон декларацияси тузилишига кўра, Муқаддима, Бош Ассамблея ва 30 та моддадан иборат бўлиб, унинг ҳар бир моддасида инсоннинг асосий хукуклари, қадр-киммати, инсон шахсининг беназирлиги, барча инсонларнинг тенг ҳукуқлилиги ва олий қадрият эканлиги ўз ифодасини топган.

Ушбу ҳалқаро ҳужжатда БМТ аъзо бўлган давлатларнинг инсон хуқуқ ва эркинликларини химоя килиш борасида ўз мажбуриятларини олганликлари, ўзаро ҳамкорлик қилишни хуқуқий жиҳатдан кафолатлашнинг асосий йўналишлари белгилаб кўйилган. Инсон хукуклари умумжаҳон декларацияси ҳалқаро хукукнинг замонавий, бош йўналишини белгилаб берадиган асосий хуқуқий ҳужжатдир. Инсон хукуклари умумжаҳон Декларацияси инсон оиласи ҳамма аъзоларининг ажралмас ва узвий хукукларини эълон килган асосий ҳалқаро хуқуқий ҳужжатдир. Инсон хукуклари умумжаҳон декларацияси инсон хукуклари ва уни химоя қилишга доир ҳалқаро хуқуқий ҳужжат бўлиб, БМТ томонидан ишлаб чиқилган ва қабул килинган. Бу тарихий ҳужжатнинг ишлаб

<sup>1</sup> Инсон хукуклари курс ўқув кўпламишси. (муаллифлар жамоаси) –Т.: Ўзбекистон, 1997.-71 б.

<sup>2</sup> Садомов Б. Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаoliyati. унинг хафолатлари ва адвокатларнинг ижтиёмий ҳимояси. Юридик фанлар доктори илмий дарражасини олиш учун ёзилган диссертация. ТДЮИ, 2005. – 71 б.

чикилиши ва эълон килиниши инсониятнинг тарихий тақдирида, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида, халқаро ташкилотлар, сиёсий партиялар, ижтимоий ташкилотларнинг ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида мухим ахамият касб этади. Инсон ҳукуклари ва уни ҳимоя килиш масалаларини ҳал килишда давлатлар ушбу ҳужжатда эълон килинган ҳукукий меъёрларга амал қилиши, унинг асосида ишлаб чиқилаётган ҳукукий ҳужжатларнинг самарали ва адолатли бўлишида мухим ўрин тутади.

Бизга маълумки, инсон ҳукуклари ва эркинликларини ҳимоя килишни ҳукукий ва амалий жиҳатдан реал хаётда самарали таъминлаш масаласи ҳозирги кунда демократик ҳукукий давлат ва фуқаролик жамиятини қурмоқчи бўлган ҳар бир давлат учун мухим вазифа хисобланади. Инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш ҳар бир демократик ҳукукий давлатнинг мухим белгиларидан бири булиб, у давлатнинг кай даражада ҳукукий жиҳатдан ривожланганлигини кўрсатувчи мезон сифатида намоён бўлади. Инсон ҳукуклари умумжаҳон Декларациясида инсоннинг асосий ҳукуклари, кадр-киммати, инсон шахсининг беназирлиги ҳамда эркаклар билан аёлларнинг teng ҳукуклилиги ўз ифодасини топган.

Инсон ҳукуклари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳукукий ҳужжатdir. Демократик ҳукукий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини куришни ўз олдига мақсад килиб олган Ўзбекистон инсон ҳукуклари ва манфаатларини ҳукукий ҳимоя килишни давлатнинг бош вазифаси килиб белгилади. Инсон ҳукуклари умумжаҳон декларацияси асосий принциплари ва коидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа миллий конун ҳужжатларида ўзининг ифодасини топган. “Мамлакатимизда барпо килинаётган демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятида ҳар бир фуқаронинг шаъни, кадрияти, обрў-эътиборини ҳимоя қилувчи катор қонунларнинг жорий этилиши халқаро ҳукук нормаларига тўла мос келади ва ҳакикий демократик, инсонпарвар, адолатли давлат тузимининг инсоний моҳиятидан келиб чиқади!“

Ушбу халқаро ҳукукий ҳужжат инсон ҳукук ва эркинликларини ҳимоя қилишга каратилган бошқа жуда кўплаб халқаро ҳужжатлар учун ҳукукий ва эмалий асос булиб хисобланади. Декларациянинг асосий вазифаси – унда эълон қилинган ҳукук ва эркинликлар

<sup>1</sup> Сайдов А., Султонов С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳукуклари. -Т. Адолат, 1998.-46 б.

давлатлар томонидан тан олиниши ва уларни амалга оширишни таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолатидир. Мазкур декларацияда ҳар бир инсон ҳар қандай давлат ва жамиятда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида холисона ҳамда очик-ошкора фикр юритиш имкониятини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиши билан белгиланади. Декларациянинг барча қоида ва талаблари ҳар бир давлатнинг миллий Конституция ва амалдаги қонунчилигида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари ўз аксини топиши лозимдир.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жамиятда демократия ривожланиши ва инсон ҳукукларига риоя қилишнинг кафилидир”<sup>1</sup>.

Декларациянинг муқаддимаси биринчи бандида “Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳукукларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлигини эътиборга олиб” деб мустаҳкамланган. Шунингдек, унинг бешинчи бандига кўра, аъзо бўлган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда инсон ҳукуклари ва асосий эркинликларини хурмат қилиш ва унга риоя қилишга кўмаклашиб мажбуриятини олганлигини эътиборга олиб” барча ҳалқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифалар сифатида белгилангандиги боис, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш механизимлари ишлаб чикилиб жамиятда карор топаётганлигининг ёрқин далолатидир.

Мазкур декларациянинг I-моддасига кўра. “Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳукукларида эркин ва тенг бўлиб тугиладилар. Уларга ақл ва виждан ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак”<sup>2</sup> деб бутун инсоният аҳлини бирдамликка, аҳилликка ҳамда ўзаро эркинлик ва тенгликка шунингдек, уларни қайси миллат ва златта мансублигидан қатъи назар ўзаро ҳамжиҳатликка ундаётганлигини англашимиз мумкин. Инсон ҳукуклари умумжаҳон Декларациясининг тарихий-ҳуқуқий ҳужжат сифатидаги аҳамияти ва моҳияти яна шу билан белгиланадики, унинг 2-моддаси биринчи қисмига асосан, “Ҳар бир инсон ирки, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бунедкорлик йўлида. Т.4. -Т.: Ўзбекистон, 1996.-193 б.

<sup>2</sup> Инсон ҳукуклари курс ўкув кўлланмаси (муаллифлар жамоаси) –Т.: Ўзбекистон, 1997. – 184 б.

келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатын назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур” деб эътироф этилган.

Ушбу Декларацияда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият деб эълон қилинганлиги, ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгалити тан олинган. Ҳакиқатан ҳам инсоннинг ажралмас узвий ҳамда энг олий, табиий ҳуқуқларидан бири бўлган яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳар бир демократик ҳуқуқий давлат томонидан маҳсус ҳуқуқий ҳимоя килиниши ўз аксини топган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 5-моддасига асосан, “Ҳеч ким кийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак” деб баён қилинган бўлиб бу ҳуқуқий норманинг ҳам, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай шафқатсизликдан шунингдек, инсон қадрини хўрловчи турли хил муносабатда бўлишнинг олдини олишдаги ҳуқукий ва амалий аҳамияти бекиёсдир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг таъсир доираси нафақат давлатларнинг миллий қонунчилигига, балки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган ва иш олиб бораётган ҳалқаро ва миллий нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятида ҳам муҳим ўрин эгаллади.

Ҳалқаро ҳуқукий ҳужожат бўлган ушбу Декларациянинг асосий тамоиллари ва ғоялари 1992 йил 8 декабрда кабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва миллий қонунчилигимизни шакллантиришда алоҳида ўрин эгаллади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддима, барча бўлим, боб ва моддалари тўла-тўқис инсон ҳуқуқ ва эркинликларига содиклигини ифодаловчи юридик кафолатлар йиғиндисидир.

Президентимиз И.Каримов мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатларини амалда ҳимоя килинганилгининг бир мисоли сифатида қўйидагиларни ёзадилар: “Турли йилларда ноҳақ жабр кўрган, қамалган кишиларни оқлаш мақсадида 30-50-йилларда ўринсиз айбланган кўплаб одамларнинг ишлари қайта кўриб чиқилди. Сталин қатағонига учраган кишилар оқланяпти. Уларнинг сони ҳозирги кунгача 3 минг 500 кишига етди. “Пахта” иши деб ном олган қисматимизга келсак, оқланганлар сони ҳозир 2 минг кишига етди. Бунга чукурроқ назар ташланса, ана шу ракамлар замирида канчадан-канча шикастланган қисматлар, канчадан-канча азоб чеккан тақдирлар бор. Ноҳақлик, адолатсизлик

жабрдийдаларни ҳаммамиз бир тасаввур қилиб кўрайлик. Буни яна шунинг учун айтапманки, энди ҳеч қачон бундай ноҳақликлар, адолатсизликлар тақрорланмасин, бунинг учун эса ҳаммамиз курашимишиз керак<sup>1</sup>.

Хукуқшунос олимларнинг фикрича, “Мамлакатимизда барпо қилинаётган демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятида ҳар бир фуқаронинг шаъни, кадрияти, обрў-эътиборини химоя қилувчи қатор қонунларнинг жорий этилиши халқаро ҳукуқ нормаларига тўла мос келади ва ҳақиқий демократик, инсонпарвар, адолатли давлат тузимининг инсоний моҳиятидан келиб чиқади”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида ҳам “Ўзбекистон Республикаси барча фуқароларнинг бир ҳил ҳукуқ ва эркинликка эталиги, уларнинг жинси, ирки, миллати, тили, дини ҳамда ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” деб мустаҳкамланган ҳукуқий норманинг мавжудлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Инсон ҳукуқлари умумжаҳон Декларациясининг асосий қоидалари, принципларидан келиб чиқиб ифода этиб берилганлигини кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда Конституция асосида қабул қилинаётган қонунларимиз ҳам бевосита умумзэтироф этилган халқаро ҳукуқий ҳужжатлар талабига жавоб беради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”<sup>2</sup> ги Қонунининг 6-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун ва суд олдида тенгдир. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам қонун ва суд олдида тенгдир” деб мустаҳкамланганилиги давлатимизда фуқаролар нафақат қонун олдида тенглиги балки, суд олдида ҳам уларнинг ҳукуқий тенглиги эътироф этилиб мустаҳкамланган.

Юкоридагилардан келиб чиқиб айтиш лозимки, давлатимиз инсон ҳукуқлари ва эркинликларини химоя қилиш ва уни амалий ҳаётда таъминлаш учун куляй ҳукукий шарт-шароит ва имкониятлар шакллантиришдан манбаатдор чунки, бундай фаолият давлат учун ҳам халқаро жамоатчилик, айникса, фуқароларимиз манбаатларига

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустаҳкамланган зериагини остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. -325 б.

<sup>2</sup> Сайдов А., Султонов С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳукуқлари. –Т.: Адолат, 1998.- 46 б.

<sup>3</sup> Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2000 г., № 11, ст. 155.

тўла хос ва мос келади. Шунинг учун ҳам бугун инсон ҳукуқ ва эркинликлари ҳимоясидаги бизнинг ҳалқаро фаолиятимиз, инсон ҳукуклари ҳимоясига қаратилган шартномаларга кўра. Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро мажбуриятлари ҳалқимиз талаби ва манфаатлари учун хизмат қилмоғи зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муқаддимаси “инсон ҳукукларига ва давлат суверенитети ғояларига содиклигини тантанали равишда эълон қилиб” деган инсонпарварлик ғояси сўзлари билан бошланганлиги, давлатимизнинг инсон ҳукуқ ва эркинликларига содиклиги ҳамда мамлакатимизда барча фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинларни, манфаатлари ва ҳақ-ҳукуклари устунилиги Конституциявий равишда мустаҳкамланган ва кафолатланганлигини англатадиган ҳукукий норма ўз аксини топган. Инсон ҳукуклари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий конунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган. Демократик ҳукукий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳукуқ ва эркинликларини таъминлашни жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилади.

Декларациянинг 8-моддасига кўра, “Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳукуклари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳукукларнинг самарали тикланиши ҳукукига эга”<sup>1</sup> унинг 10-моддасида эса, “Ҳар бир инсон ўз ҳукуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиной айбнинг канчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳукукига эга” деб мустаҳкамланган. Яна шуниси аҳамиятлики. Декларациянинг 11-моддасига биноан “Жиноят содир эттанликда айбланганд ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби конуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир. Ҳеч ким, содир этиялан вактда миллий қонунлар ёки ҳалқаро ҳукукларга кўра жиноят деб топилмаган хатти-ҳаракати ёки

<sup>1</sup> Савдов А.Х. Инсон ҳукуклари: парламент аъзодларя учун кўпламма. - Т.: Инсон ҳукуклари бўнича Миллий маркази, 2007.- 124 б.

фаолиятсизлиги учун жазога ҳукм қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, жиноят содир этилган вактда кўлланиши мумкин бўлган жазога нисбатан оғиррок жазо берилиши мумкин эмас" деб мустаҳкамланган.

Инсон ҳукуклари умумжаҳон декларациясининг юкоридаги нормалари талабларига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддаси тўлиқ жавоб беради. "Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳукуклари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳукук ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас" деб ифодаланганлиги фикримизни ёркин тасдиклайди. Ушбу баён этилган ҳар иккала ҳукукий хужжат нормалари бир-бирини тўлдириб, улар нормалари ўзаро ўйғун тарзда ифодалаб берилган. Шуни алоҳида айтиш лозимки, Инсон ҳукукулари умумжаҳон Декларацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳукук ва эркинликларининг олий қадрият эканлиги эътироф этилиб, барча фуқаролар бузилган ҳукук ва эркинликларини суд орқали самарали ҳимоя қилишларига ҳеч қандай тўсиқлар йўқлиги ҳамда уларнинг ҳукук ва эркинликлари суд қарорисиз бошқа ҳеч қандай давлат органи ва мансабдор шахс томонидан чеклаб қўйилмаслиги билан белгиланади. Бинобарин, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳукуклари ва эркинликларини таъминлар экан, бунда ҳар бир шахсга ўз ҳукук ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳукуки кафолатланади. Дарҳакиқат, "Демократик ҳукукий давлатда суд ҳокимиятига хос бўлган унинг янги ташкилий тузилмалари шакллантирилди, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятга нисбатан "тийиб туриш ва мувозанат" воситасини амалга оширувчи суд ҳокимиятининг барча тармоғи – Конституциявий суд таъсис этилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хўжалик муносабатларидан келиб чиккан низоларни ҳал қилувчи хўжалик судлари ҳамда собиқ ҳарбий трибуналлар ўрнида ҳарбий судлар тизими яратилди. Умумий юрисдикция судларининг ихтинослашуви амалга оширилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари

бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, ишларни кўриб чикишнинг апелляция тартиби жорий этилди”<sup>1</sup>.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамиятли томони яна шундаки, унда никоҳ ва оила, уй жой дахлсизлиги, шахсий маълумотларнинг сир сақланиши ҳамда инсон номус ва шаънига қилинган тожовуздан конун орқали ҳимоя этилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор бериб ҳуқукий жиҳатдан мустаҳкамлаб кўйилган. Декларациянинг 12-моддасида “Ҳеч кимнинг шахсий ва оиласий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиш, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидағи сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан конун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга”<sup>2</sup> деб белгиланган. Шунингдек, Декларацияда балогат ёшига етган эркаклар ва гўллар ирқи, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳаклилиги ҳамда улар никоҳдан ўтишда, амалда никоҳда бўлган вактларида ва уни бекор қилиш вактида бир хил ҳуқуқдан фойдаланиш ҳуқуқига эгаликлари белгиланган. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Декларацияда никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг хоҳиш-иродаси билан бирга уларнинг эркинлиги ва тўлиқ розилиги бўлгандагина никоҳ тузишга йўл қўйилиши ҳуқукий ҳимоя қилиниб ўз ифодасини топган.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг маҳсус XIV боби оила деб номланган бўлиб, оила жамиятнинг асосий бўгини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги шунингдек, мамлакатимиизда никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланган ҳолда тузилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида нафақат никоҳга оид муносабатлар тартибга солинмасдан балки, ота-оналар, болалар, фарзандлар ҳамда таълим тарбия ва бошқа масалаларни ҳуқукий ҳимоя қилишнинг ифода этиб берилганилиги ҳам аҳамиятлидир. Унга асосан, ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, шунингдек, давлат ва жамият инсонпарварлик нуқтаи назаридан етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш,

<sup>1</sup> Жамолов Б. Суд қосинингти (ваҳаря ва амалиёт масалалари); монография –Т. Yurist-media маркази, 2011 - 5 б.

<sup>2</sup> Сайдов А.Х. Инсон ҳуқуқлари: парламент яъзлари утун кўлланма. - Т. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази, 2007. - 203 б.

тарбиялаш ва ўқитишини таъминлайди деб белгиланганлиги мамлакатимизда инсон ҳукуқ ва эркинликлари алоҳида эътиборга олингандигини ва уни давлат Конституцияси даражасида ҳимоя қилингандигини амалий ифодасидир. Шунингдек, унда давлат болалар келажаги ва истиқболини таъминлаш мақсадда уларга бағишланган хайрия ва хомийлик фаолиятларини амалга оширишни тўлиқ кўллаб-қувватлаши мустаҳкамланган.

Шу билан бирга, инсонпарварлик нуқтаи назаридан давлат томонидан оналик ва болалик алоҳида муҳофаза қилиниши, вояга етган, меҳнатга лаёкатли фарзандлар эса вақти келганда ўз отоналари ҳакида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар, деб белгиланган.

Юқоридаги ҳукуқий нормалар замирида ўзбек ҳалқининг узок тарихий, миллий - маънавий қадриятлари, урф-одат ва анъаналарига, инсон ҳукуқ ва эркинликларига содиклиги ифода этилганлигининг ёрқин намунасиdir.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ўтган давр мобайнида эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган ана шундай иллатларга, зл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш, кўхна қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият қуриш йўлида ҳалқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезон деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим”<sup>1</sup>.

Бизга маълумки, Инсон ҳукуклари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида, “Ҳар бир инсон фикр, виждан ва дин эркинлиги ҳукуқига эга” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ҳар бир инсон фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳукуқига эгалиги ҳамда ҳар бир инсон ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳукуқига эгалиги мустаҳкамланган. Фақатгина истисно тариқасида, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот тарқатиш ҳамда фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги давлат сири ва бошқа сирларга таалтуқли бўлган тақдирдагина, қонун билан чекланиши мумкинлиги белгиланган. Бу эса, авваломбор, фуқароларимизнинг тинчлиги, осойишталиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам муҳим аҳамиятта эгадир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юқсак маънавият – енгисимас куч. – Т.: Маънавийт. 2008. - 6 б.

Ундаги нормалар Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Конунда (1997 й.) мантикий ривожлантирилди. Мазкур қонун ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқукларини таъминлаш, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза килиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги ҳавфсизлигини конун йўли билан таъминлашга йўналтирилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда демократик жараёнларни янада чукурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритганда, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва гояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантиrmасдан туриб, юкоридаги ўз олдимизга кўйган улуғвор максадларга эришиб бўлмайди.

Президентимиз И.А.Каримов айтгандаридек, “... фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади”. Мамлакатимизда ўтган Йиллар давомида, айниқса охирги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кент қамровли ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирлар амалга оширилди. Юртимизда аввало оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўrsatiшини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Сўнгги Йилларда янги таҳрирдаги “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Конунга, шунингдек, “Телекоммуникациялар тўғрисида”, “Реклама тўғрисида”, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар

<sup>1</sup> Рустамбоев, М.Х. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовини: “Мамлакатимизда демократик ислоқотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни ўрганиш бўйича маъруза матнини ЎзР Аддия вазирлиги ТДЮИ –Т. Тошкент давлат юридик институти. 2011. – 33 б.

киритилди. Бу эса янги сиёсий шарт-шароитларда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириши таъминлади. Шу билан бирга, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг камровли институционал ислоҳотлар амалга оширилди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, нодавлат оммавий ахборот воситаларини кўллаб-кувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида бир қанча жамоат ташкилотлари ташкил этилди ва улар ўз таркибида 100 дан ортик электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди шулар жумласидандир. Юридик ва жисмоний шахсларнинг, ахборот технологиялари ва тизимларини кўллаган ҳолда, ахборот ресурсларидан фойдаланиш механизмларини белгилаб берган янги таҳрирдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Конуннинг кабул қилиниши оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни жадал ривожлантиришида муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алока тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чикадиган ҳалқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшилтиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вакт режимида жаҳонга узатилмоқда. Бундай кенг миёсдаги ишлар натижасида факат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони карийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг карийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам таркатилмоқда. Энг муҳим янгилик эфир орқали узатиладиган материалларни тайёрлаш жараёнига замонавий ракамли ва мултимедиа технологиялари жорий қилинаётганида намоён бўлмоқда. Юртимизда Интернет тизимидан

фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормокда. Бугунги кунда уларнинг сони 6 миллиондан ортиб кетганини алоҳида айтиш лозим<sup>1</sup>. Шу ўринда айтиш лозимки, “Жамоатчиликни хукукий ахборот билан таъминлаш жараёнида илмий-оммабоп адабиётлар нашр қилиниши ва тарқатилишини давлат томонидан қўллаб-куватлаш, хукукий таълим-тарбия воситалари ва усуулларини такомиллаштириш, юридик таълим соҳасида қадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини ривожлантириш борасида сезиларли ишлар қилинмоқда. Бу жараёнда ижтимоий-хукукий тадқиқотларни кўпайтириш, ҳалқаро тажрибадан кенг ва самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш давр тақозосига айланди”<sup>2</sup>.

Давлатимиз раҳбари И.Каримов ўтмиш воқеалари хақида шундай ёзадилар: “... кариндошини кўмиш маросимида қатнашишга ҳам эскилиқ саркити, деб қаралди, бундай одамларга, айникса, раҳбарларга нисбатан тазийик ўтказилди. Диндорлар билан мулокотда бўлиш, улар билан бамаслаҳат иш юритиш масалаларини кўяверинг. Хуллас, бўлганича бўлди. Шунинг учун бугун бу ишларни каттиқ қоралашимизни, ҳалқ анъаналарига, унинг меросига, одамларнинг диний эътиқодларига қатъий ҳурмат ва эътибор билан қараш кераклигини яна бир бор уқтириб ўтмоқчиман”<sup>3</sup>. Мамлакатимизда барча фуқаролар учун виждон эркинлиги кафолатланганлиги ва ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки хеч кайси динга эътиқод қиласлик хукукига эгалиги ҳамда диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл кўйилмаслиги ҳимоя қилиниб ўзининг хукукий ифодасини топган.

Бизга маълумки, “Виждон эркинлигининг асосий юридик кафолатларидан бири бўлган Конституцияда, шунингдек, 1998 йил 1 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг ҳам мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқоди хукукини, динга мансублигидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конуниччилик палатаси ва Сенатининг кўшима мажлисидаги мвърӯзаси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.-30 б.

<sup>2</sup> Ножмийә Ш. Хукукий маданиятни ошириш эркин фуқаролик жамияти барпо этишининг муҳим шартидир // Ozbekistou oxoji. 2011 йил 5 июль.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустаҳкамтика эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.-144 б.

шунингдек, диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат"<sup>1</sup>.

Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларациясида инсонларнинг энг асосий ҳуқукларидан бири бўлган сиёсий ҳуқуқлари ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, унинг 21-моддасига кўра, “Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда катнашиш ҳукукига эга. Ҳар бир инсон ўз мамлакатида давлат хизматига киришда тенг ҳукукقا эга. Ҳалқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим; бу ирова даврий ва сохталаشتирilmagan, ялпи ва тенг сайлов ҳукуқида, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошка тенг кийматли шакллар воситасида ўtkaziladigancha сайловларда ўз аксини топиши лозим”<sup>2</sup> деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXIII бобида маҳсус сайлов тизимига оид ҳуқукий муносабатлар ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикасининг фукаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳукукига эгалиги, шунингдек, ҳар бир сайловчи бир овозга эга бўлиб овоз бериш ҳуқуки ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлигини ҳуқукий кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Коракалпогистон Республикаси Жўкорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишлилигига кўра, уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда - декабрь ойи учинчى ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўtkaziliishi anik belgilab kuyiltgan. Мамлакатимизда сайловлар умумэътироф этилган ҳалқаро ҳукуқ норма талабларига жавоб бериб умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуки асосида яширин овоз бериш йўли билан иштирок этиш белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган барча фукаролари сайловларда иштирок этиб сайлаш ҳуқуки кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Коракалпогистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари

<sup>1</sup> Абдураҳмонхужаев, Ж., Қурбонов, С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жамиятни янгилаш ва мувалқатни модернизация юлини асоси // Илмий-назарий анжуман материаллари. – Т.: ТДОИ, 2005. - Б. 92-93.

<sup>2</sup> Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари: парламент аъзолари учун кулланим. - Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Мавлий маркази, 2007. - 204 б.

депутатларининг тегишли кўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланишлари белгиланган. Конституцияда белгиланишича, суд томонидан муомалага лаёкатсиз деб топилган фукаролар, суд хукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сакланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловларда катнашмайдилар. Бошка хар кандай ҳолларда фукароларнинг сайлов хукукларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл кўйилмайди.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, “Сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган хукукий нормаларнинг нечоғлиқ демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик хукукий давлатнинг узвий белгиси, ҳалкнинг ўз хошиш-иродасини эркин ифода этишининг, фукароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал килувчи аҳамиятга эга масаладир<sup>1</sup>.

А.А. Азизхўжаев “Чин ўзбек иши” китобида “Сайловларимизда хар сайловчининг бир овозга эга бўлиши, сайловда тенг асосда иштирок этиш тенг хукуклилик тамойилининг ижтимоий адолат амалиётига якъол далилидир. Тенг хукуклиликка республикамиз Президенти Ислом Каримов ишлаб чиқсан тамойиллардан бири – конун устуворлиги тамойилида ҳам алоҳида зътибор берилган” деб изоҳлайди.

Давлат бошқарувида иштирок этишнинг бу тури сайловлар ва вакиллик органлари, хусусан миллый парламент тузиш йўли билан аҳолининг давлат ишларида катнашиши, ўз иродаларини ифода этиши ва хукуматни ҳисботтга чакириши орқали амалга оширилади<sup>2</sup>.

Сайловлар жараёнида сиёсий партияларнинг роли ошиб фаоллашуви даражаси жiddий тус олди. Шу боис сиёсий партия жамиятнинг харакатлантирувчи кучидир. И.Беков “Сиёсий партия – жамиятдаги маълум бир гурухлар, тоифалар, катламларнинг кизиқишиларини акс эттирадиган ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва давлат ишларида катнашиш орқали уларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўядиган кишиларнинг бирлигини

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янеда чукурлашгирин ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Олӣ Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кушма мажлисидаги маърузаси. - Т.: Ўзбекистон, 2010. -35 б.

<sup>2</sup> Азизхўжаев А. “Чин ўзбек иши”. - Т.: Ўзбекистон, 2011.-79 б.

<sup>3</sup> Саидов А.Х. Иносон хукуклари парламент аъзодлари учун қўлламча. - Т.: Иносон хукуклари бўйича Миллый маркази, 2007.- 158 б.

ифодалайди<sup>1</sup>” деб таъкидлайди. Дарҳакиқат, сиёсий партиялар хар бир демократик давлатнинг энг муҳим институтларидан бири бўлиб, улар фаолиятини янада ривожлантириш фуқаролик жамиятининг асосий шартларидан биридир. Шу ўринда айтиш жоизки, “Демократиянинг асосий хусусиятларидан бири кўлпартиявийлиқдир. Республикаизда ҳозирги шароитда бир неча сиёсий партиялар фаолият кўрсатмоқда”<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нафақат умумэътироф этилган ҳалқаро ҳукуқ нормаларга балки, инсоний қадриятларга тўла мос келиши билан ҳам муқаддасdir. Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясида ҳамда Конституциямизда хар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш каби ҳукуқлари кафолатланган. Уларда белгиланишича, хар бир инсон ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳак олиш ҳукуқига эгалиги ҳам ўз ифодасини топган. Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддасига кўра. “Ҳар бир инсон таълим олиш ҳукуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмагандан бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак. Техник ва хунар таълими ҳамманинг қурби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун етарли имконият доирасида бўлмоғи керак. Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳукуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Таълим барча ҳалқлар, иркӣ ва диний гурухлар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайриҳоҳлик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни саклаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши керак. Кичик ёшдаги болалари учун отаоналар таълим турини танлашда имтиёзли ҳукуқка эгадир” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам Декларациянинг асл максади ва вазифасини ўзида ифодалаган бўлиб, ҳар ким билим олиш ҳукуқига эгалиги шунингдек, мамлакатимизда белуп умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши ҳамда мактаб ишлари тўлиқ давлат назоратида эканлиги мустаҳкамланган.

<sup>1</sup> Беков Н. Ўзбекистонда инсон ҳукуқ ва эркинликлари таъминланниш каби давлат сиёсатининг устувор жижхатлари – давлат органлари фаолиятидаги инсон ҳукуқлари маданийтигин шакллантириш асосидар // Инсон ҳукуқлари маданийтигин шакллантириш масалалари мавзусидаги Республика илмий-иззарий конференция материяллари. ТДЮИ, 2011 - 146 б.

<sup>2</sup> Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. - Т. Ўзбекистон, 2011. - 80 б.

Дарҳакиқат, “Таълим олиш ҳуқуқи инсон қадр-қимматига бевосита боғлиқликда кўрилиб, унинг амалга оширилиши шахснинг ва бутун бошли жамиятнинг ривожланишига хизмат килади”<sup>1</sup>.

Инсон ҳуқуклари умумжахон декларациясида нафақат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари балки, уларнинг бурчлари ва мажбуриятлари белгиланган бўлиб ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширипда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузмасликлари ҳамда уларни хурмат қилишини таминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини кондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг X боби бевосита “Инсон ҳуқуклари ва эркинликларининг кафолатлари” деб номланган 43-моддасига кўра, “Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуклари ва эркинликларни таъминлайди” деб белгиланган. Бу эса ўз навбатида фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш билан боғлиқdir. Фуқаролар биринчи навбатда Конституция ва амалдаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда мажбуриятларини яхши билишлари ва уларга катъий амал қилишлари талаб этилади. Шунингдек, фуқаролар инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мажбурият билан боғлик бўлган ҳуқуқий билимларни яхши ўзлаштиришлари улар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишининг муҳим омили бўлиб хисобланади.

Ўзбекистон инсон ҳуқуклари соҳасидаги халкаро мажбуриятларини изчил ва катъий бажариб келмоқда, бу масалалар буйича БМТнинг тегишли органларига доимий равишда ўзининг миллий хисоботларини ўз вақтида тақдим этмоқда. Уларнинг тавсияларини бажаришда давлат идоралари, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва бевосита фуқаролар фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Инсон ҳуқуклари умумжахон декларацияси нафақат тарихий ҳуқуқий ҳужжат балки, умуминсоний қадриятдир. Шу мъянода Инсон ҳуқуклари умумжахон декларацияси аҳамияти, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишининг халкаро ва миллий кафолатларини ўрганиш муҳимдир. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя

<sup>1</sup> Сайдов А.Х. Инсон ҳуқуклари парламент аъзолари учун кўллянма. - Т.: Инсон ҳуқуклари буйича Миллий маркази, 2007.- 194 6.

қилишнинг халқаро ва миллий кафолатларини тизимли таҳдил қилиш баробарида унинг тушунчаси, моҳияти, ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини ёритиб бериш нафақат илмий балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятта эгадир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси аҳамиятини ва бошқа инсон ҳуқук ва эркинликлари билан боғлиқ халқаро ҳуқук нормаларини чуқур ўрганиш ва уларга амал қилиш ўз навбатида унинг моҳиятини тушунишда ҳамда фукароларнинг бу борадаги ҳуқуқий онги ва маданиятни юксалтиришда муҳим омил бўлиб хисобланади.

Юртбошимиз И.Каримовнинг таъбири билан айтганда, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий хужожат бўлди. Демократик ҳуқуқий давлат, кучли фукаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилади<sup>1</sup>. 2008 йилда халқаро жамоатчилик инсон ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мужассам этган, бу соҳада бутун халқаро ҳуқук тизимини шакллантиришнинг сиёсий ҳуқуқий асосига айланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси кабул қилинганлигининг 60 йиллигини нишонлади”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси кабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишлиланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилинганлиги мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқларига содиклигининг ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиб ижтимоий ҳаётда қарор топтираётганлигининг ёрkin далилидир.

Хулоса килиб айтганда, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Конституцияга асосланган миллий қонунчилигимиз инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг кафолати бўлиб хизмат килиши баробарида мамлакатимизда демократик

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси кабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишлиланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи 2008 йил 2 май.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси кабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишлиланган тадбирлар дастури тўғрисида”ғы Фармони // Халқ сўзи, 2008.- 2 май.

ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим пойдевор вазифасини бажармоқда.

### **1.3 §. Инсон ҳукуқ ва эркинликларини химоя қилишнинг халкаро ва миллий кафолатлари**

Мамлакатимизда инсон ҳукуклари энг олий қадрият бўлиб ҳисобланади. Шу боис, давлатимиз ўз сиёсатининг инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширилаётганлиги ҳамда ҳар бир йўналиш бўйича ислоҳотларнинг устувор вазифаси сифатида қаралаётганлиги ўзининг натижасини бермоқда. Бошқача айтганда, кенг кўламли янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни халқимиз ва халкаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “... ёргу келажагимизни таъминлашнинг мухим шарти ва гарови ҳаётимизнинг барча жабхаларини – бу сиёсий ёки иктисадий соҳа бўладими, ижтимоий ҳаёт ёки суд-ҳукуқ тизими бўладими-буларнинг барчасини янада такомиллаштириш, ахолимизнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини кучайтириш, кўп партиявийлик тизимини ривожлантириш, жамиятимизни янада эркинлаштириш, ижтимоий ва нодавлат ташкилотларнинг мавқеи ва таъсирини ошириш, бир сўз билан айтганда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишга эришишдан иборатdir”<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда “инсон ҳукуклари саҳасида халкаро ҳамкорлик фаол амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Шартномалар Қўмиталари томонидан инсон ҳукуклари бўйича олтита халкаро шартномаларнинг бажарилиши бўйича Ўзбекистоннинг 18 та Миллий мъурузаси кўриб чиқилди ва улар юзасидан тавсиялар берилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон инсон ҳукуклари бўйича Кўмитанинг “Фуқаролик ва сиёсий ҳукуклар тўғрисидаги халкаро пакт” юзасидан ҳукук бузилишларга оид шахсий шикоятларни кабул қилиш ваколатини тан олди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Шартномалар қўмиталарининг тавсияларини бажариш мақсадида Хукумат томонидан Миллий харакат дастурлари кабул қилинган, ҳукукни муҳофаза қилиш органлари томонидан инсон ҳукукларига риоя этилиши аҳволини ўрганувчи Идоралараро ишчи гурухи тузилган.

<sup>1</sup> Каримов. И.А. Ўзбекистон Республикаси Мустаквалийгининг 17 йиллигига бағишланган таътифни маъросимида сўзлағаш табрик сўзи // Халқ сўзи. 2008 - 1 сентябрь.

Ушбу гурух таркиби Омбудсман вакили ҳам кирганлиги<sup>1</sup> инсон ҳукуқларини таъминлашда миллий институтларни таъсиричан фаолиятини ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Ўтган давр мобайнида инсон ҳукуклари ва қонуний манбаатларини таъминлаш масаласига ҳалқаро муносабатларда ҳам кенг аҳамият берилмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, “Инсон ҳукуқларини ҳимоя этишга қаратилган кўплаб декларация, хартия ва битимлар қабул қилинган бўлиб, уларда инсон ва унинг ҳақ-ҳукуқларини ҳимоя қилиш қоидалари, меъёрлари мустаҳкамланган. Жумладан, Инсон ҳукуқлари умумжаҳон Декларацияси (30.09.1991 й), Бола ҳукуклари тўғрисидаги Конвенция (09.12.1992 й), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуклар тўғрисидаги ҳалқаро пакт (31.08.1995 й), Фуқаролик ва сиёсий ҳукуклар тўғрисидаги ҳалқаро пакт (31.08.1995 й), Ирқий камситишнинг барча шаклларини тутатиш тўғрисидаги ҳалқаро Конвенция (31.08.1995 й)лар ва бошқа кўплаб ҳалқаро ҳукукий ҳужжатлар қабул қилинди ва ўз навбатида мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан ратификация қилиниб, миллий қонунчилигимизга имплементация қилинмоқда.

Инсон ҳукуклари умумжаҳон декларациясида ҳам, конституцияда ҳам “инсон ҳукуклари дахлисизлиги ва ҳар бир шахс тутилиши биланоқ муайян бир ҳукукларга эгалиги эътироф этилган. Шу ўринда Декларациянинг биринчи моддасига эътибор бериб ўтсан, у ерда қўйидаги бандлар ўз ифодасини топган: “Ҳамма одамлар ўз қадр-киммати ҳамда ҳукукларида эркин ва тенг бўлиб тугиладилар. Уларга ақл ва виждан ато қилинган ва улар бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабат қилишлари керак”. Ушбу фикрлар ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва мамлакатимизнинг бошқа қонун ҳужжатларида ҳам берилган<sup>2</sup>.

Давлатимизда инсон ҳукуклари давлат манбаатларидан, умумэътироф этилган ҳалқаро ҳукуқ нормалари эса миллий ҳукукий меъёрлардан устунлиги ҳам Конституцияда муҳрлаб кўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг хаёти,

<sup>1</sup> Раипова С.Ш. Ўзбекистонда инсон ҳукуқ ва эркинликлари таъминлантиши каби давлат синестининг устувор жihatлari – давлат органлари фоатлиятидаги инсон ҳукуклари маданийтини шакллантириш асосларидан // Инсон ҳукуклари маданийтини шакллантириш масалалари маъзуусидаги Республика илмий-назарий конференция материаллари. ТДЮИ. 2011 - Б 4-5.

<sup>2</sup> Райланов И., Курболов Ш. Инсон ҳукукларини ҳимоя қилишнинг ҳалқаро ҳукукий асослари // Инсон ҳукуклари маданийтини шакллантириш масалалари маъзуусидаги Республика илмий-назарий конференция материаллари. ТДЮИ. 2011. - 333 б.

эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”<sup>1</sup> деб белгиланган. Конституция ва қонунлар нафақат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилабгина колмасдан, балки уни амалга ошириш чегараларини ҳам мустаҳкамлайди. Яъни, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар ҳам умумэтироф этилган ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган тарзда ифода этилган. Давлат қайд этилган ҳуқуқларни нафақат конституциявий нормада мустаҳкамлайди, балки уни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш асосларини ҳам кафолатлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, “Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади” деб мустаҳкамланган. Мамлакатимизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга. Фуқаролар жинси, ирки, милллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бирбирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизdir, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда: “Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир<sup>2</sup>. Бинобарин, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш муҳим ўрин тутади. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриконуний хатти-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ватан саъдагоқ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 177 б.

харакатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Инсон ҳуқуқларига оид умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга ва миллий қадриятларга асосланиб миллий ҳуқуқий тизим ривожланаётганлиги мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқларига содиқлигининг ёрқин намунасидир. Давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб инсон ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қонунчиликка имплементация қилиб, уни ижтимоий ҳаётда жорий этиб бораётганлиги, инсон ҳуқуқларига оид институционал тузилмаларнинг давлат ва нодавлат шаклида ташкил этилиб самараали фаолият юритаётганлиги ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Энг муҳими, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан ҳам қизғин кўллаб-куватланаётганлиги республикамизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг исботидир. Суд-ҳуқук соҳасидаги ислоҳотлар ҳам пировардида инсон ҳуқуқлари устиворлигидан келиб чиқиб ижтимоий ҳаётта татбик этилаётганлиги, бундай эътирофнинг ифодасидир.

Г.Тўлаганова ёзишича, мустақиллик йилларида “... судларнинг қатагончилик машинаси сифатидаги ролини йўқ қилиб, унинг демократиянинг муҳим белгиси бўлмиш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли воситасига айлантирилганлигини”<sup>1</sup> тъькидлайди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, инсон ҳуқуқлари масаласига жиддий эътибор бериб келмоқда ва бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчилигимиз мазмун-моҳиятида ўзининг яқол ифодасини топмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан айни бир кунда яъни 2008 йил 1 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтининг янада ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида”<sup>2</sup>ти ва “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”<sup>3</sup>ти Фармонлари нафақат миллий ҳуқуқий тизим тараққиёти нуқтаи-назаридан, балки

<sup>1</sup> Тўлаганова Г. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллопининг йигирма йиллиги: суд-ҳуқук ислоҳотларининг олимлари // Ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ва ҳуқуқшунослик фанларини ривожлайтирилсинт долглар мұымылар жавоусидаги конференция материалылари.-Т.: ТДОН, 2011. -197 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ююни ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 18-сов, 144-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ти Фармони // Халқ сўзи. 2008 - 2 май

Конституциямизда мухрлаб кўйилган инсон ҳукук ва эркинликларига давлатимиз содиқлиги ва уларни ҳимоя қилиш кафолатлари амалий ифодасини топаёттланлигининг тасдигидир. Ш.Рўзиназаров фикрича, “Янги жамиятни барпо этишда адвокатура институти Конституция ва конун устуворлигини таъминлашга хизмат килади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширас экан, уни таъминлашда адвокатура ҳам ўзига хос ўрин тутади”<sup>1</sup> деб тъкидлайди. Бизнинг фикримизча, инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш адвокатура фаолияти билан узвий боғлиқ. Адвокатура институти барқарор ривожланаётган нодавлат институт сифатида фуқароларнинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда салмоқли ўрин тутмоқда. Адвокатларнинг жиноят ишлари бўйича судларда фаол иштироки таъминланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда, айниқса уларга малакали юридик ёрдам кўрсатишда ёрқин намоён бўлмоқда. Адвокатура институти нафақат ўз миллий тажрибамиз балки ривожланган давлатларнинг бу соҳа бўйича ҳукуқни кўллаш амалиёти ижобий ютукларини инобатга олиб, унинг ташкилий тизими мустаҳкамланиб ҳукуқий кафолатлари яратилаётганлиги суд-ҳукуқ ислоҳотларини амалга оширишнинг муҳим ютуғи бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Айниқса, 2008 йилда “Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”<sup>2</sup>ги Қонуннинг қабул килиниши бу борада ғоят муҳим аҳамият касб этди. Шу асосда амалдаги қонунчилигимизга суд-ҳукуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳукуқлари ҳимоясини таъминлаш жараёнининг энг муҳим таркибий қисми бўлган адвокатура

<sup>1</sup> Рўзиназаров Ш. Ўзбекистонда демократлаштиришни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этишда адвокатура институтининг тутган ўрни ва роли // Адвокатлик фаолияти: назария ва амалиёт масслалари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. / - Т. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳукуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. 2010. -23 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда.

мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу қонунга мувофиқ ҳимоячига жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслардан мутлако мустақил равишда жиноят иши процессининг хар қандай босқичида малакали юридик ёрдам кўрсатиш хукуки берилгани эътиборга сазовордир. Шу билан бирга, ҳимоячининг кўрилаётган ишда иштирок этиш учун хукуқни муҳофаза қилувчи органлардан ўзига ижозат берилгани тўғрисида ёзма равишдаги тасдикловчи ҳужжат ва шунингдек, ўз ҳимоясидаги шахс билан учрашиш учун рухсат олиш мажбуриятини белгилайдиган нормалар жиноят-процессуал қонунчилигидан чиқарилди. Эндиликда буларнинг барчаси учун адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлик муассасаси томонидан бериладиган ордернинг ўзи кифоядир. Мазкур Қонуннинг яна ўзига хос хусусияти шундаки, унда адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, унинг ўз ҳимояси остидаги шахсга нисбатан позициясини ўзгартириш мақсадида хар қандай шаклда таъсир ўтказишга қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланганини эътироф этиш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 15 сентябрдаги “Жиноят процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида”ти Қонуннинг янги таҳририга кўра, ҳимоячи гумон қилинувчининг, айланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуклари ва конуний манфаатларини конунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахседир.

Ишда ҳимоячилар сифатида адвокатлар иштирок этишлари мумкин. Адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокат гувоҳномасини кўрсатгандан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдикловчи ордерни тақдим этгандан кейин йўл кўйилади. Гумон қилинувчининг, айланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки конуний вакилларидан бирининг адвокат билан бир қаторда ҳимоячи сифатида иштирок этишига гумон қилинувчининг, айланувчининг, судланувчининг илтимосномаси бўйича суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суд ажримига биноан йўл кўйилиши мумкин. Ҳимоячининг ишда иштирок этишига фукарога айлов зълон қилинган вақтдан бошлаб ёки у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор зълон қилинган пайтдан ёхуд у ушланган пайтдан бошлаб рухсат этилади.

Бинобарин, адвокатура ҳимоя институти бўлганлиги боис, малакали юридик ёрдам олишга бўлган эҳтиёж тобора ортмокда. Ҳукукий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш ҳамда бозор иктисодиётига ўтиш шароитида малакали юридик ёрдам олиш доираси шакл ва мазмун жиҳатдан кенгаймокда. Фуқароларнинг ҳукук ва манфаатларини ҳимоя қилишда адвокатуранинг мавқеи янада ошаётганлигини назарда тутсак, адвокатлик касбининг жамиятда обрўси ва нуфузини ошириш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда нафакат жиноят процессининг ҳар қанақанги босқичида, балки фуқаролик ишларини ва хўжалик низоларини кўриб чиқишда ҳам малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун барча зарур ҳукукий шарт-шароит яратилган. Фуқароларга ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш жараёнида адвокат давлат органлари ва мансабдор шахслардан мутлақо мустақил равишда фаолият кўрсатади. У ўз ҳимояси остидаги шахснинг, ишонч билдирувчининг ҳукук ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, қонун билан тақиқланмаган ҳар қанақанги восита ва усуllibардан фойдаланиш ҳукуқига зга. Ҳеч ким, шу жумладан, бирон-бир мансабдор шахс ҳам адвокатнинг ўз касб фаолиятини эркин амалга оширишга тўқсқинлик қилишга ҳакли эмас. Бундай ҳаракатлар ва адвокатга у эгаллаган позицияни ўзгартириш мақсадида таъсир ўтказишга ҳар қанақанги уриниш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради<sup>1</sup>.

Суд-хукуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг терлов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳукукини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш ҳам пировардида жамият аъзоларининг ҳукукий маданиятини оширишга қаратилгандир. Чунки, янги ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларидан бири сифатида аҳолининг ҳукукий таълими ва ҳукукий маданиятини оширишга қаратилган ҳукукий тарғибот ишларини амалга ошириш белгиланганини ҳам уларнинг бу борада

<sup>1</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни ўрганиши бўйича маъруза матни. ЎзР Адлия вазирлигига ТДЮИ. –Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2011. – 21 б.

фидоийлик кўрсатишини такозо этади. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг бу борада тизимли чоратадбирларни ишлаб чиқиб уни ижросини таъминлаши ўз навбатида, жамиятда адвокатлар фаолиятини кучайтириш баробарида аҳолининг хукукий билими ва хукукий маданиятини ошириш имкониятини янада кенгайтиради.

Инсон хукуклари умумжаҳон декларациясида ҳар бир инсоннинг хукук ва эркинликлари бузилган ҳолларда малакали юридик ёрдам олиши ва судлар томонидан бу хукукларнинг самарали тикланиши хукуки ўз аксини топган. Суд-хукук соҳасини ислоҳ этиш натижасида, судлар ваколатлари янада кенгайтирилди. Ҳозирги кунда суд – инсон тақдирининг ҳимоячисидир. Судлар ўз фаолияти давомида фуқароларнинг хукук ва эркинликлари ҳамда қадрқимматининг камситилишига қарши курашади<sup>1</sup>. Инсон хукуклари ва манфаатларини суд ҳокимияти орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида, “Судлар жиной, фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича ихтиносластирилди, суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш институтлари, ярашув институти жорий қилинди. Прокурор ва адвокат хукукларининг тентлигини таъминлаш чоратадбирлари амалга оширилмоқда<sup>2</sup>”. Шу ўринда айтиш лозимки, фуқаролар қонуний кучга кирган биринчи инстанция суд қароридан норози бўлган тақдирда, ўз хукук ва қонуний манфаатларини кассация инстанциясида, ўз адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имконига эга бўлишди. Шу тарика фуқароларнинг биринчи инстанция судларининг қарорларига нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилганини таъкидлаш лозим. Амалга оширилган ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, жорий этилган янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолатига айланди. Агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида тузатилган бўлса, 2009 йил якунларига кўра, бундай

<sup>1</sup> Хожаназаров И.Э Суд-соҳасини ислоҳ этиш – фуқаролар хукук ва эркинликларининг кафолати // Суд-хукук тизимини ислоҳ қилиш самародорлити (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ‘Мадмакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси’ маъруусаси асосида илмий-змалий конференция материяллари тўплами) – Т: ТДЮИ, 2011. 132 б.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон хукуклари умумжаҳон декларацияси кабул хиниятингининг 60 йиллигига бағишиланган тадбирлар дастури тутрисида” ти Фармони Халқ сўни, 2008 - 2 май

ҳолатларнинг 85 фоиздан ортиги апелляция ва кассация тартибида бартараф этилган<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда суд-хуқук тизимини либераллаштириш жараёнини изчил ва босқичма-босқич амалга оширилиши инсон хуқук ва эркинликларига риоя этилишининг кафолати бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида белгиланишича, “Сўнгти йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиютигининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди”<sup>2</sup>. Кези келганда айтиш лозимки, “... инсон ҳуқуқларини муҳофаза этишга қаратилган органлар ва уларнинг ходимлари томонидан инсон ҳуқуқлари бузилиши жуда салбий ҳолат бўлиб, у фуқаролар билан ҳокимиюти ўртасидаги ишончга салбий таъсир кўрсатиши билан хавфлидир”<sup>3</sup>. Шу боисдан, Конституция ва амалдаги қонун ҳужжатларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса суд ҳокимиюти мустақиллигини мустаҳкамлаш, улар фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш, ҳимоялаш асосий вазифаси қилиб белгилаб қўйилди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан барча меъёрларни бажариш давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбурияти ҳисобланади. Унда жамият кенг қатламларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги билимларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади<sup>4</sup>.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёsatни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамоийлларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакотимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунишлик палатаси ва Сенатининг кушма мажлисидаги маъруzasи. - Т. Ўзбекистон, 2010. -18 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005, 32-33-сон. - 242-модда.

<sup>3</sup> Ахмедшова М. Ўзбекистонда инсон ҳуқук ва эркинликлари таъминлантиши каби давлат сиёsatининг устувор жижатлари – давлат органлари фаолиятидаги инсон ҳуқуқлари мазлумнинг ташқлантириш асосидир // Инсон ҳуқуқлари мадданиятини шакилантириш масалалари мавзуисидаги Республика илмий-казарий конференция материаллари. ТДЮИ, 2011 - Б 4-5.

<sup>4</sup> Таджиканов У., Одилкориев Х., Сайдов А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияий ҳукуки. -Т. 2001. -Б.336-338.

Ушбу соҳада амалга оширилган чора-тадбирлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан 2001 йилда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш хақида”<sup>1</sup>ги Конуннинг қабул килиниши улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этганини айтиш лозим.

Ярашув институти жиноят қонунчилигида янгилик ҳисобланади ва қуидагиларни ўз ичига олади: бир тарафдан, бу ижтимоий хавфи катта бўлмаган ишларни тезкор ва самарали ҳал этиш мikonини берадиган одил судловнинг бузилган хукукларини тиклаш шакли бўлса, иккинчи тарафдан ушбу институтнинг кўлланилиши жабрланувчиларнинг хукукларини тўла ва самарали химоя килиш имкониятини беради<sup>2</sup>.

Юқоридаги конунга кўра, жиноятларнинг таснифи ўзгаририлди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни кўллаш имконияти анча кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мulkни мусодара килиш тарзидаги жазо тури чикариб ташланди. Шунингдек, Жиноят кодексининг 11 та моддасига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо кўлланмаслиги хақидаги қоидалар киритилди. Шу ўринда айтиш жоизки, “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни кўллаш имконияти анча кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мulkни мусодара килиш тарзидаги жазо тури чикариб ташланди”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2001, N 19, ст.135

<sup>2</sup> Рустамбоев М.Х., Тухташев У.А. Узбекистон Республикасида суд хокимиёти ва суд-хукуқ ислоҳоти: алмий – публицистик нашр – Т. ТДЮИ, 2009 - Б. 289-290

<sup>3</sup> Мустафов Б. Узбекистон Республикаси мустакилларининг 20 йиллигига багишиниң ўтказилган “Суд-хукуқ тиҷонилаги ислоҳотлар ютувлар ва истикболлар” мавзусидаги илмий-ималий конференция материаллари туплами / - Т. Узбекистон Республикаси Олий суди хуурийдаги Таджикко миражи, 2011 - 21 б.

Юртбошимиз И.А. Каримов 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаларида “... жазо тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилган бундай чора-тадбирларнинг накадар тўғри бўлганини хаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Ишончим комил, хўжалик ишлари билан боғлиқ жиноий ишлар бўйича одамларни камаш шарт эмас – бу давлатга жуда қимматга тушади, колаверса, бундай жазо тури маҳкумларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш вазифасини ҳал қилмайди”.

Жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги бундай чоралар натижасида Ўзбекистонда ҳозирги кунда қамоқдагилар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткични, яъни хар 100 минг нафар аҳолига 166 кишини ташкил килади. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Россияда бу кўрсаткич 611 кишини, АҚШда 738 кишини ташкил этади. Мамлакатимизда сўнгти ўн йилда озодликдан маҳрум килиш жойларида сақланаётган маҳбуслар сони икки баробардан кўпроқ камайганининг ўзи хам бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларимизнинг кандай ижобий натижалар бераётганидан далолатdir.

Давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб мулк ва мулкий муносабатлар масаласи олиб борилаётган ислоҳотлар марказида бўлди. Конституциямиз ва конунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб кўйилди ва унинг ишончли конституциявий кафолатлари таъминланди. Бугунги кунда хусусий мулк негизидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим аҳамиятига ва салмоқли ўрнига эга бўлди<sup>1</sup>.

Давлатнинг жиноий-хукукий сиёсатини либераллаштиришга мустақилликни илк кунларидан зътибор берила бошланди, унинг асосий максади сифатида адолат ва инсонпарварлик принципларини таъминлаш, жиноий жазо тизимидағи жазолаш функцияларининг торайтириш йўлидан бориш белгилаб олинди. Жумладан, 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Конунга мувофиқ Жиноят кодексидан 174-модда (хусусий тадбиркорлик ва тижоратда воситачилик килиш) ва

<sup>1</sup> Мирзаев У.М. Соҳиба тадбиркорлар учун жавобгарликни деқриминализация килиш масалалари // Суд-хукук тизимини ислоҳ килиш самародорлиги (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маърузаси асосида илмий-амалий конференция материаллари тўплами). – Т.: ТДЮИ, 2011. - 86 б.

177<sup>3</sup>-модда ва 174-(хусусий-тадбиркорлик ва савдо фаолияти) ва 177<sup>3</sup>- (ноқонуний савдо фаолияти билан шуғулланиш) моддалар ЖҚдан чиқарилди. Ушбу қилмишлар учун жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилганлик учун мол-мулки мусодара қилиниб, 10 йилгача ва 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган эди. 1993 йил 29 декабрда қабул қилинган Қонунга мувофиқ, Жиноят кодексидан мол-мулки мусодара қилиниб, ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган 175-модда (чайқовчилик) чиқарилди<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат мустақиллик шарофати билан нафақат жиноят-хукукий соҳада балки, жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида инсон хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилигани мазкур масаланинг долзарб аҳамият касб этишидан далолат беради. Шу ўринда айтиш лозимки, 1994 йилги Жиноят кодексида шахс, унинг хукуқ ва эркинликлари ва ундан кейин жамият ва давлат манфаатларининг муҳофаза қилиниши сифатида белгиланган<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”<sup>3</sup> ги ва ушбу йилнинг 8 августида “Қамоққа олишга санкция бериш хукуқини судларга ўтказиш тўғрисида”<sup>4</sup> ги Фармонлари қабул қилиниши суд-хукуқ ислоҳотларини янги босқичга кўтарди. Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-хукуқ ислоҳотларининг муҳим ва тарихий босқичи, шубҳасиз, ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан олиб ташланиши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш хукуқини судларга ўтказилиши бўлди<sup>5</sup>. Маълумки, Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди. Ўзбекистоннинг 1959 йилдаги Жиноят кодекси 30 дан ортиқ жиноятлар бўйича ўлим жазоси тайинлаш мумкинлиги назарда тутилган эди. 1994 йилда қабул қилинган мустақил Ўзбекистоннинг Жиноят кодекси

<sup>1</sup> Ахрапов Б. Мустақиллик йилларида жиноят-хукукий соҳадаги ислоҳотлар самараси // Хукукшунос кадрлар тайёрлани ва хукукшунослик фанларини ривожлантиришининг долзарб муаммолари мавзусидаги конференция материалы - Т.: ТДЮИ, 2011. -174 б.

<sup>2</sup> Ахрапов Б. Мустақиллик йилларида жиноят-хукукий соҳадаги ислоҳотлар самараси // Хукукшунос кадрлар тайёрлани ва хукукшунослик фанларини ривожлантиришининг долзарб муаммолари мавзусидаги конференция материалы.- Т.: ТДЮИ, 2011. -176 б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005.- 8-сон. - 292-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 йил, 32-33-сон, 242-модда.

<sup>5</sup> Ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш хукуқини судларга ўтказишга оид норматив-хукукий хужжатлар тўплами: Раҳмий нацир.-Т.: Адолат, 2007, 20 б.

умумэътироф этилган халкар о хукук принцип ва нормаларининг миллий конунчилигимизга интеграция қилиш асосида ишлаб чиқилган ва халкаро стандартларнинг талабларига тулик жавоб бериш максадини кўзда тутган<sup>1</sup>. Шуни алоҳида айтиш лозимки, Жиноят тўғрисидаги янги конунчилигимизда (1994 йилдаги ЖК) ўлим жазоси факатгина 13 та турдаги жиноятлар учун кўзда тутилган бўлиб, мазкур ўлим жазоси мустақиллик йилларида суд-хукук ислоҳотлари натижасида боскичма-боскич кисқартирилиб жиноят конунчилигидан батамом олиб ташланди.

1998 йилда Жиноят кодексига киритилган ўзгартиришлар натижасида ушбу жазо 8 та, 2001 йилда эса 4 та, 2003 йил 12 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ 2 та жиноят (жазони оғирлаштирувчи холатларда одам ўлдириш ва терроризм) учун қолдирилди. Амалга оширилаётган жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсати туфайли 2008 йил 1 январдан ўлим жазоси бекор қилинди. Ривожланган Европа давлатларида мазкур жазо 200 йил мобайнида бекор килинган бўлса, Ўзбекистонда мустақилликка эришилганидан сўнг 17 йилда шундай натижага эришилди ва айримларнинг “Ўлим жазосининг бекор килиниши жиноятчилик миқдорининг кескин ошишига сабаб бўлади”, деган фикри амалда ўз тасдиғини топмади<sup>2</sup>. Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор килиниши халкаро ҳамжамиятнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлгани албатта ижтимоий-сиёсий ахамиятта молик ўта муҳим воқеадир. Нуфузли хорижий экспертларнинг таъкидлашига кўра, ушбу чора ва бу соҳада юкорида кўрсатилган бошқа бир қатор ишларнинг амалга оширилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди. Халкаро экспертларнинг бу борадаги қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, умрбод озодликдан маҳрум килиш жазоси Германия ва Полшада 5 та, Белгия ва Россияяда 6 та, Данияда 9 та, Швецияда 13 та, Францияда 18 та, Голландияда 19 та жиноят тури бўйича тайинланиши мумкин.

Ўзбекистонда эса умрбод озодликдан маҳрум килиш фавқулоддда жазо чораси бўлиб, факат икки турдаги жиноят, яъни жанобгарликни оғирлаштирувчи холатларда қасдан одам ўлдириш ва терроризм

<sup>1</sup> Рустамбоев М.Х.. Тухташева У.А. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиётни ва суд-хукук ислоҳоти: илмию – публицистик нашр – Т. ТДЮИ. 2009 - 224 б.

<sup>2</sup> Абдурасулова Қ.Р. Инсон – олий ҳилкат, унинг хукуқлари олий қадриятлар // Суд-хукук тизимини ислоҳ килиш саворадорлиги (Ўзбекистон Республикаси Президенти И А Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” мъарузаси асосида илмий-амалий конференция материалылари тўплами). – Т. ТДЮИ. 2011 - 25 б.

учун тайинланади. Ушбу жазо тури бизнинг мамлакатимизда хотин-кизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшига етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Ушбу жазони қўллашда юқорида кўрсатилган чеклашлар кўпдан-кўп мамлакатларнинг қонунчилигида акс эттирилмаган. Масалан. Япония, Корея, Хитой, Франция, Австрия, Польша, Швейцария, Швеция, Голландия, Дания, АҚШ каби давлатларда умрбод озодликдан маҳрум килиш тарикасидаги жазони қўллашда хеч кандай чеклашлар назарда тутилмаган<sup>1</sup>. Халқаро ташкилотларнинг маълумотига биноан 2005 йилда Эронда 159 та, АҚШда 59 та, Веътнамда эса 64 та одамга нисбатан ўлим жазоси қўлланилган. Ўлим жазосининг тайинланишини кўзда тутувчи канча хукмлар чиқарилганлигидан ёки улардан қанчаси ижро этилганлигидан қатъи назар, ўлим жазосини қўллаш имкониятининг ўзи конунда белгиланганлиги инсон хукуқларига ва демократия идеалларига зиддир<sup>2</sup>. Яқинда АҚШнинг жамоатчилик фикрини ўрганадиган “Гэллапа институти” томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, Ўзбекистон ахолисининг 70 фоизи одил судловга ишонч билан карайди. Бу кўрсаткич Украина - 17 фоиз, Россияда - 28 фоиз, Қозоғистонда - 41 фоиз, Словенияда – 32 фоизни ташкил этади<sup>3</sup>.

Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси З-моддасида “Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий даҳлсизлик хукукларига эгадир”<sup>4</sup> деб белгиланган коида ва тамойилларини Ўзбекистон амалда рўёбга чиқариш ва таъминлаш максадида суд-хукуқ ислоҳотларини жадал амалга оширмоқда. Жиной жазо тизимидан ўлим жазосининг чиқариб ташланиши инсон хукуклари умумжаҳон декларацияси ва бошка халқаро хукукнинг умумзътироф этилган принциплари ва нормаларига ҳам тўла мос келади. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор килиниши юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-хукуқ тизими ислоҳотларининг навбатдаги босқичи ҳамда мантиқий давоми эканлигини қайд этиш лозимdir.

<sup>1</sup> Ахриров Б. Мустақиллик йилларидан живоят-хукуқий соҳадеги ислоҳотлар самараси // Хукукшунос кадрлар гайдорлар ва хукукшунослик фахарларни ривожлантиришининг долзарб мувассидалари мавзусидаги конференция материалы - Т.: ТДЮИ, 2011. - 180 б.

<sup>2</sup> Рустамбоев М.Х., Тухташева У.А. Ўзбекистон Республикасида суд қокимиги ва суд-хукуқ ислоҳоти: илмий – публицистик нашр - Т.: ТДЮИ, 2009. - 227 б.

<sup>3</sup> Мустақафов Б. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йилигига бағишланниб утказилган “Суд-хукуқ тизимидағи ислоҳотлар: ютуклар ва истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари гуллами. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузуридаги Таддикот маркази, 2011. - 23 б.

<sup>4</sup> Сайдов А.Х. Исов инсон хукуқлари: парламент възолари учун кўлланма. - Т.: Инсон хукуқлари бўйича Миллий маркази, 2007. - 120 б.

Шунингдек, мамлакатимизда ўлим жазосини бекор қилиш масаласининг ижобий ҳал қилиниши демократик ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамиятини кураётган Ўзбекистон Республикасининг нафакат минтақада балки, ҳалқаро хамжамиятда инсон ҳукуклари ва эркинликларига риоя қилиниши ҳамда уни реал ҳаётда амалга оширишга ҳукуқий шарт-шароитлар яратиш борасида обруси ва нуфузини ошишига хизмат қилмоқда. Буни бир неча нуфузли ҳалқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳам таъкидламоқда. Масалан, Европада Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси Александр Стубнинг фикрича, “Ўзбекистонда инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасида эришилаётган ютуклар, шу жумладан, ўлим жазосини бекор қилиниши ва “Хабеас корпус” институтининг жорий этилиши қизгин қўллаб-кувватланмоқда. Бунда фуқаролик жамиятининг мустакил вакиллари муҳим ахамият касб этади”<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда жиноий қонунчиликни эркинлаштириш борасида оқилона сиёsat олиб борилиши жиноят учун жазо тайинлашнинг янгича демократик ёндошувлари вокеликка айланиб, адолат ва инсонпарварлик мезонларига уйғунлашиб бормоқда. Шунинг натижаси ўлароқ сўнги йилларда иқтисодий соҳада жиноятга кўл урган шахсларга нисбатан иқтисодий санкциялар қўллаш имконияти кенгайтирилди. Мол-мулкни мусодара қилиш жазоси жазо тизимидан чиқариб ташланди. Эндиликда факат жиноят куроллари мусодара қилинадиган бўлди. Бундан бўён қонунчилигимизга кўра жиноятчининг айби учун унинг оила аъзолари ва якин қариндошларининг жавобгарлигига йўл кўйилмайди. Ундан ташкари вояга етмаганлар, хотин-қизлар ва кекса кишиларни жазолаш тизими ҳам қайта кўриб чиқилди. Тергов босқичида тергов килинаётган шахсларни гаров эвазига озод қилиш шакли фаол жорий этила бошланди. Натижада судлар озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тобора кенгрок қўлламоқда<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, қонун устуворлигига эришиш, қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда инсон ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда

<sup>1</sup> Ҳалқ сўзи, 2008 йил 24 июно.

<sup>2</sup> Отажонов А.А. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилзётган суд-ҳукуқ ислоҳотларининг можияти // Суд-ҳукуқ тизиминын ислоҳ қилини самарадорлиги (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларин янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маъruzаси асосида илмий-амалий конференция материаллари тўплами). – Т: ТДЮИ, 2011. - Б.39-40.

суд органларининг ўрни бекиёсдир<sup>1</sup>. Мамлакатимизда ўттан давр мобайнида дастлабки тергов боскичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилганини таъкидлаш лозим. Бу борада “Хабеас корпус” институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида камоқка олишга санкция бериш хукуки прокурордан судга ўтказилиши принципиал қадам бўлди. Ушбу карорнинг ўз вактида ва пухта ўйлаб қабул қилингани бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбик этилиши инсоннинг конституциявий хукук ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Б.Аҳаров “Концепцияда илгари сурилган судга қадар иш юритиш боскичида кўлланиладиган лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини факат судьянинг санкцияси асосида кўллаш тартибини жорий этиш фукароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб кўйилган хукук ва эркинликлари дахлсизлигини, улардан суд карорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб кўйишга ҳеч ким ҳакли эмаслигини мустаҳкамловчи конституциявий принципни тўлиқ амалга ошириш имконини беради. Кўрсатилган процессуал мажбурлов чораларини суд тартибида кўллаш белгиланиши суриштирув ва дастлабки тергов ишларини юритиш устидан суд назоратини кучайтиради, жиноят процессида Хабеас корпус институтини кўллаш доирасини кенгайтиради”<sup>2</sup> деб таъкидлайди. М.Мамасидиков судга қадар иш юритиш боскичида кўлланиладиган лавозимдан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини кўллаш амалиётининг тартиби ва хукукий асослари ҳақида қўйидагиларни ёзади: “Шу ўринда хорижий давлатлар жиноят процессуал конунчилитини кузатадиган бўлсак. Францияда айни лавозимдан четлаштиришга ўхшаш чора судьянинг ташаббуси билан, шунингдек айловчининг таклифи ёки манфаатдор иштирокчиларнинг илтимоси билан суд томонидан кўлланилади. АҚШ, Германия конунчилигига кўра ҳам

<sup>1</sup> Усманов А. Конун устуворлишининг моҳияти ва суд-хукук тизимида конунчиликни мустаҳкамлашният асосий йўнилишлари // Иксон ва қонун. 2011 йил 1 ноябрь

<sup>2</sup> Аҳаров Б.Ж. Ўзбекистонда амалга оширилётган суд-хукук соҳасидаги ислоҳотларнинг моҳияти // Суд-хукук тизимини ислоҳ килиш самародорлиги (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакетимизда демократия ислоҳотларни янада ҳуқурулаштириш ва фукаролик жамиятини ривоҷлантириш концепцияси” матбуати асосида илмий-амалий конференция материаллари тушлами). – Т.: ТДКОИ, 2011. – 23 б.

айбланаётган шахс судьянинг қарори билан шартли равишда вактингчалик лавозимидан четлаштирилиши мумкин”<sup>1</sup>.

“Habeas Corpus Act” – энг кадимий қонун ҳужжатларидан бири, унинг дастлабки куртаклари Англияда 725 йилда қабул килинган “Хукук ёрлиги”да ифодаланган бўлса-да, бу ҳақда қонун кариб ўн аср давомида шиддатли, ҳатто қонли тортишувлардан сўнг, 1679 йили 26 майда имзоланган. У баъзи ўзгартишлар билан ҳозиргача амал килаётган, дунёдаги аксарият ривожланган давлатлар тан олган ва умум эътироф этган халқаро хукук манбаига айланган<sup>2</sup>. З.Ф. Иногомжонова, З.Г.Тўлаганова ёзишларича, 1679 йилда жорий қилинган “Habeas corpus act”га мувофиқ, озодликдан маҳрум этилган ҳар қандай шахс судга келтирилиши лозим. Унинг мазмуни шундаки, ўзини ноқонуний ушлаб турилган деб хисоблаган ҳар бир фукаро бузилган хукукларини тикиш максадида холис судга мурожаат килиб, хукукларини ҳимоя килиши мумкин<sup>3</sup>. “Ушбу институт жорий этилган 2008 йилнинг январидан бўён судлар томонидан дастлабки тергов органларига 700 мартадан ортиқ ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилингани ҳам буни яқол тасдиқлаб турибди”.<sup>4</sup> Мамлакатимизда жиноий-хукукий соҳани либераллаштириш борасидаги ислохотлар ҳакида фикр юритганда, жиноят-процессуал қонунчилигимизга киритилган ўзгартишларга мувофиқ тергов ва шахсни қамоқда саклаш муддатлари кискартирилганини таъкидлаш лозим. Шунингдек, хукукни қўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда. Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ коплаб берган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилмайди. Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек ҳалқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик

<sup>1</sup> Мамасидиков М. Суд-хукук тизимини вазифол демократлаштириш ва либераллаштиришининг хукукий асосларини тақомиллаштириш мисаллари // “Суд-хукук тизимини янада тақомиллаштириш: Концепцияда белгиланган устувор вазифалар” мавзусига имлмий-амалий конференция материяллари тұлپами. ТДЮИ. 2011.-25 б.

<sup>2</sup> Абдумажидов F.А. Суд хокимиятинг мустақиллигини таъминалашта оид мулоҳазалар // Суд-хукук тизимини ислоҳ килиш самарадорлиги (Ўзбекистон Республикасы Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократияни ишлаб чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш кошентациясе” маъruzаси асосида имлмий-амалий конференция материяллари тұлпами). – Т.: ТДЮИ, 2011.-168 б.

<sup>3</sup> Иногомжонова З.Ф., Тўлаганова З.Г. Хабес кордус институтини кўллаш соҳасини янада кучайтиришнинг зарурати // Суд-хукук тизимини ислоҳ келинүү самарадорлығы (Ўзбекистон Республикасы Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатымизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маъruzаси асосида имлмий-амалий конференция материяллари тұлпами) – Т.: ТДЮИ, 2011.-Б. 157-158.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. – 20 б.

анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди. Ҳозирги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини кўллаш имконияти назарда тутилган. Шу борада яна бир мисолга эътибор берайлик. Ярашув институтининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фукаро жиной жавобгарликдан озод этилди<sup>1</sup>.

Юридик адабиётларда ярашув институти ўз мохиятига кўра, судга қадар иш юритиш жараёнида турли хил коррупцияни олдини олишда муҳим аҳамиятга эга<sup>2</sup> эканлиги таъкидланади. Ярашув институти билан боғлиқ масалани Тошкент вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, мазкур конун қабул қилинган 2001 йилда 118 нафар шахсга нисбатан ярашув кўлланилган бўлса, бу кўрсаткич 2002 йилда 452 нафар, 2003 йилда 1162 нафар, 2004 йилда 1277 нафар, 2005 йилда 1675 нафар, 2006 йилда 1653 нафар, 2007 йилда 1874 нафар, 2008 йилда 1561 нафар, 2009 йилда 2193 нафар, 2010 йилда 2171 нафар ва 2011 йилнинг биринчи ярмида 939 нафар шахсни ташкил қилинган. Ярашув институтининг бу таҳлитдаги ўсиб бориш динамикаси ярашувнинг самарадорлик даражасини кўрсатиб турибди<sup>3</sup>.

Сўнгти йилларда юртимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда, прокуратура фаолиятини ислоҳ килиш, уни собиқ тузум даврида бўлганидек партиявий элита кўлидаги жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг катъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқук ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Масалан, 2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”<sup>4</sup>ги Конунга мувофиқ фукаролар прокурор назорати обьектлари қаторидан чиқарилди. Айни пайтда

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятига ривожлантириш концепцияси / Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конуничилик палатаси ва Сенатининг қўзига мажлисида мэрзусаси. – Т.: Узбекистон, 2010. – 23 б.

<sup>2</sup> Тұташева У.А. О перспективах развития института примиерия в уголовном процессе Республики Узбекистан // Суд-хуқуқ тизимини ислоҳ килиш самарадорлиги (Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятига ривожлантириш концепциясы” маъruzаси асосида өтмий-амалий конференция материалында тұлдамы). – Т.: ТДОИ. 2011. – 25 б.

<sup>3</sup> Маманов И. Одил судлов соқасидаги ислоҳотлар босқичида ярашув институтининг жорий этилиши. Узбекистон Республикаси мустақилитининг 20 йиллигига бағишланниб ўтказилган “Суд-хуқуқ тизимидеги ислоҳотлар: ютуклар ва истиқболлары” маътусидаги ылмий-амалий конференция материалында тұлдамы. – Т.: Узбекистон Республикаси Олий суди кузуридаги Таджикот маркази, 2011. - 74 б.

<sup>4</sup> Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1993 г., № 1, ст. 29.

прокуратуранинг инсон ҳуқук ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулияти оширилди. Шунингдек, суд қарорлари ижросини тұхтатиб туриш ҳуқуқи прокуратура ваколатлари доирасидан чиқарылды. Туман ва шаҳар прокурорларининг эса тергов ва айблануучини қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ҳуқуқлари бекор килинди. Суд-ҳуқук тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, суднинг нуғузі, обрүси ва мустақиллігини мустаҳкамлаш, одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлашда инсон ҳуқук ва эркинликларининг ҳуқукий ҳимоя қилиниши мухим ажамият касб этади. Аввало, суд ҳокимияттінің босқич-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллігини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли<sup>1</sup> ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқук ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат киладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқукий чора-тадбирлар амалга оширилди. Ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш мақсадида “Судлар тўғрисида”<sup>2</sup> ги Конун янги таҳrirда кабул килинди, шунингдек, бу даврда жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса ўз навбатида суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июнь куни “Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллігини таъминлаш бўйича тадқикот марказини ташкил этиш тўғрисида”<sup>3</sup> ги Қарори қабул килинди. Ушбу Қарор ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳуқукий ҳимоя қилиш мақсадини кўзлайдиган мухим ҳуқукий хужожатdir. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқук ислоҳотларининг асосий мақсади инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, суд тизимини демократлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқларини янада самарали таъминлаш ва адвокатуранинг ролини ошириш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларини янада жадаллаштиришга қаратилгандир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси конун хужожатлари тўплами. 2000. 11-сон. 155-модда.

<sup>2</sup> Халқ сўзи. 2008 йил 24 июнь.

Хулоса килиб айтганда, мамлакатимизни демократик янгилашнинг энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуки ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқук тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш билан бир қаторда ҳуқукий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқукий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолади.

## **II БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

### **2.1 §. Инсон ҳуқуқлари маданияти ва миллий қадриятларнинг ўзаро алоқаси ҳамда уларни уйғунлаштириш масалалари**

Миллий қадриятлар инсон ҳукуки маданиятини шакллантиришда асосий омиллар. Энг аввало, мустақиллик қадриятларини эъзозлаш, миллий ифтихор туйғуларини тўла шакллантириш миллий истиқлол ғояларига содик бўлиш алоҳида аҳамият касб этади. Миллий истиқлол ғояси инсон ҳукуки маданиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Мустақиллик олий неъмат эканлигини тушунган ҳолда ушбу тушунча ва ғояларни янада теран ҳис этиш жамият аъзоларига ўта масъулиятли вазифа юклайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «Бугун ҳамма бўлмаса ҳам, лекин кўпчилик одамлар яхши англайдики, фақат замон билан тенг қадам ташлаётган, тез ўзгараётган дунёнинг қатъий шарт ва талабларига жавоб беришга интилаётган мамлакатнинг келажаги ёруғ бўлиши мумкин. Шу маънода мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устивор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади. Инкор этиб бўлмайдиган ушбу ҳакикат шу мукаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсоннинг қон-қонига, вужудига сингиб кетишини истардим».

Инсон ҳукуки маданиятини шакллантиришда одоб-ахлоқ қоидалари муҳим ўрин тутади. Унинг асосини Президент И.Каримов томонидан асослаб берилган миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари ташкил этади.

Ҳар бир инсон энг аввало миллий ғоя ва истиқлол мафкурасига содик бўлиши Ватан равнаки, юрт тинчлиги, халқ фаравонлиги каби тушунчаларнинг моҳиятини чукур англаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти эътироф этганидек, жаҳон ҳўжалик алоказарига кўшилишнинг асосий шарти сифатида умум қабул қилинган норма ва қоидаларга кўпроқ яқинлашишга интилган ҳолда, республиканинг ўз ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишида унинг ижтимоий-иқтисодий ва миллий ўзига хос хусусиятлари иложи борича тўла ҳисобга олинниши керак. Шу билан бирга янги қабул килинаётган қонун ҳужожатларида аҳолининг кундалик турмушига

сингиб кетган халқ анъаналари, урф-одатлари, шахсларо ва миллиатлараро муомала ҳамда диний эътиқодларнинг асрий тарихидан мерос қилиб олинган, умуминсоний қадриятларга, одамларнинг ҳукуқ ва эркинликларига зид бўлмаган ахлоқий нормалар албатта акс эттирилиши керак<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасига кўра, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаравонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади. Дарҳақиқат, ижтимоий адолат - хулқнинг кенг доирасини ўзида камраб олади ва унинг яхлит мазмунини ўзида акс эттиради. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ахлоқий тушунчалар ва нормалар ифода этилган, ҳусусан, Кодекснинг 9-моддасига кўра, фуқаролик ҳукуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳукуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилишлари керак. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 3-моддасига унинг принциплари ифода этилиб, «инсонпарварлик», «одиллик» кабилар белгилаб берилган. Шунингдек, ушбу Кодекснинг 6-моддасига жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки жамоалар жиноят содир этган шахслар ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилиниши мумкинлиги белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 4-моддасига фуқаролик суд ишларини юритишнинг принципи сифатида «ижтимоий адолат», «фуқаролар ўртасига тинчлик ва миллий тотувлик» каби қадриятлар ўзининг мужассам ифодасини топган.

Жамият ва давлат ижтимоий фаол, одобли ахлоқли ва қонунга итоаткор инсонларни тарбиялашдан манфаатдор. Миллий одоб-ахлоқ қадриятлари асосида комил инсонни тарбиялаш демократик ҳукуқий давлатнинг асосий вазифасидир. Миллий ҳукуқий тизимни фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларига зид бўлмаган одоб-ахлоқ қоидалари билан тўлдириб бориш конунчилик фаолиятимизнинг ҳам бош мезони бўлиши керак. Мустақиллик ҳукуқий тафаккури, умуминсоний ва миллий қадриятлар, ватанларварлик, адолатпарварлик, ҳукуқий меросни асраб-авайлаш ва ижтимоий ҳайётнинг ҳамма жабхаларида уни карор топтиришга қолаверса,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иктисол, сийасат, мағибура Т.1. – Т.2. Ўзбекистон, 1996. -173 б.

ахлоқий фазилатларни шакллантиришга ёрдам беради. Абу Наср Фаробий ибораси билан айтганда, «аҳолиси хушхулқقا зга бўлмаган мамлакатда ҳокимиятга эҳтиёж сезилади. Демак, жамиятнинг нечоғлик демократлашуви фуқаролар эрки, хукуқ, эркинликлари, бурчларини бажариши энг аввало, адолатли жамият аҳолисининг феъл-авторига, маънавий-ахлоқий ва улар хукукий камолотига боғлиқдир. Миллий одоб-ахлоқ ва анъаналар ҳам инсон хукуки маданиятини оширишда муҳим ўрин тутади.

Хукуқ назариясидан бизга маълумки, одоб-ахлоқ қоидалари ўз-ўзидан хукуқ манбаси бўлиб ҳисобланмайди. Ушбу қоидалар агар муайян норматив хукукий ҳужжатда ўз аксини топсагина хукуқ манбаси бўлиши мумкин. Бундай ҳолда одоб-ахлоқ қоидаси хукуқ нормаси бўлиб тегишли хукукий муносабатга татбиқ этилиши мумкин. Фуқаролик хукукий муносабатларда тарафларнинг эркинлиги нафақат ёзма битимларда балки унда ифода этилмаган одоб ахлоқ муомала шартларига риоя этиши, уни бажарилишини таъминлашнинг муҳим омилидир. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 192-моддасида одоб-ахлоқ нормаси сифатида йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни ёки ашё эгасини ёхуд уни олиш хукукига эга бўлган ўзга маълум шахслардан биронтасини дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга кайтариши шарт. Бинобарин, одоб-ахлоқ қоидалари фуқаролик хукукининг манбаси бўлмасада, фуқаролик конун ҳужжатларининг маъносини тушунишда ва унда ифода этилган қоидаларни амалиётга тўғри татбиқ этишда муҳим ўрин тутади. Фуқаролик кодексининг 116-моддасига кўра, конун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек хукуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин карши максадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Битим тарафлари бундай битимни тузишда мулкий оқибатлар келтириб чиқаришини англашлари лозим. Шу сабабли бундай қоидалар жамият ахлоқий негизларининг муҳим асоси бўлиб хизмат қиласди.

Мамлакатимизда суд-хукуқ ислоҳотларини амалта оширишда жавобгарликни эркинлаштиришда фуқаролар хукуқ ва эркинликларида зид бўлмаган одоб-ахлоқ қоидалари хукуқ нормаси сифатида ифода этилишининг таъминланиши янги жамиятда ижтимоий адолат тамойилларининг қарор топишида муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис, миллий қонунчиликни одоб-ахлоқ қоидалари билан ўйғунлаштириш қонун ижодкорлик фаолиятининг ҳам муҳим

йўналиши бўлмоги лозим. Конун ҳужжатларининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни жуда катта. улар жамият аъзоларининг хулқ-автор қоидаларини белгиловчи олий юридик кадрият сифатида инсон фаровонлигини таъминлаш воситаси бўлиб ҳизмат килади. Президент И.А.Каримов таъбири билан айтганда, «хуқукий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам қонундир. Биз жамиятни конун асосида ва қонун ёрдамида бошқаришга аҳд қилган эканмиз. ислоҳот қисматини айрим расмиятчилар қўлига топшириб қўймаслигимиз зарур». Ёки бўлмаса, жаҳон донишмандлик ақидаси сифатида эътироф этилган, «қонун инсоний доноликнинг юксак ифодаси бўлиб, одамлар тўплаган тажрибадан жамият фаровонлиги йўлида фойдаланилади» ёхуд, «қонуннинг моҳияти – инсонпарварлик» деган ибораларда ҳам оқилона ҳикмат мужассамлашганлиги бежиз эмас. Тан олишимиз лозимки, миллий қонунчилигимизни яратишда одоб-ахлок қоидаларини хукук нормаси сифатида ифода этишга старли эътибор берилмаяпти. Хукукий тус берилган одоб-ахлок қоидаларини амалиётда қўллаш даражаси ҳам бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермайди.

Айникса, инсон ҳуқуки маданиятини юксалтиришга оид қонунчилик нормаларини одоб-ахлоқ қоидалари билан уйғунлашувига тўлиқ эришиш зарур. Шу боис конун ижодкорлик фаолиятида бундай ёндашув миллий хукукий тизимни ривожлантиришнинг асосий ва ҳал қилувчи шартларидан биридир. Хукукий фан нұқтаи назаридан одоб-ахлоқ муаммоларини ҳар тамонлама илмий-назарий таҳлил этишга эҳтиёж сезилмоқда. Шунингдек, ҳуқукий тус берилган одоб-ахлоқ қоидаларни амалиётда қўллаш асосида Олий суд ва Олий хўжалик суди томонидан Пленум қарорларининг қабул қилиниб тегишли тушунтиришлар берилиши, жавобгарликни эркинлаштириш шароитида ҳукукбузарлик содир этган шахсларга нисбатан бу қоидаларнинг улар хулқ-авторига самарали таъсир қилиш имкониятини яратади. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда нафақат конунларнинг устуворлигини таъминлаш балки миллий одоб-ахлоқ қоидаларининг ижтимоий тартибга солувчи восита тарзда мавқеини ошириш ҳар бир инсонни хушхулкли сифатида тарбиялашида ҳам катта аҳамиятга эгадир. Абу Райхон Беруний таъбири билан айтганда, яхши хулқ яхшилик аломатидир. Инсон ҳуқуки маданияти ва миллий қадриятлар негизида ҳам одоб-ахлоқ қоидалари мужассам ифодасини топган. Инсоният тарихида ҳуқуқ нормалари яратилгунга кадар ижтимоий тартибга солишининг

элементи сифатида одоб-ахлоқ мұхим ўрин тутган. Инсонлар онгига хукукий хулқ атвөр мезонларынға нисбатан одоб-ахлоқ қадриятлари устуворлық қасб эттан. Одоб-ахлоқ қадриятлари хулқ-атвөрни ва хукукий маданиятни шакллантиришга ёрдам беради. Ахлоқда ҳал қилювчи мезон сифатида одоб ва хукукий маданият талаблари мужассамлашған. Диний қадриятлар ҳам инсоннинг одоб-ахлоқига ва улар маданиятига мос бўлиб ҳисобланади. Хукуқ ижтимоий тартибга солувчи восита сифатида одоб-ахлоқ талабларига жавоб бериши керак. Ўз навбатида, хукуқ-ижтимоий тараққиётнинг барометри, уни амалга оширувчи ва кафолатчисидир. Шу сабабли, хукуқ ва ижтимоий тараққиёт бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Хукуқнинг ёрдамисиз, унинг умуммажбурлов кучисиз, давлат томонидан кафолатисиз жамият бир бутун тузилма сифатида яшай олмайди. Хукуқ факат жамият тараққиёти билан боғлик бўлиб қолмай, балки уни ҳаракатта келтирувчи куч, восита, ижтимоий тараққиёт кафолатчиси сифатида ҳам хизмат қиласди. Одоб-ахлоқ ҳам хукуқ каби демократик тараққиётни жадаллаштиришга ўзининг фаол таъсирини кўрсатади. Юридик жавобгарликни эркинлаштиришда хукукни ахлоқийлаштиришга аҳамият беришга жиддий зътибор беришни тақазо этади. Шунингдек, ҳар бир инсонни тарбиялашда хукуқ нормалари ва одоб-ахлоқ қадриятларини шахс онгига сингдириш улар маданиятини юксалтиришнинг мұхим омили бўлиб ҳисобланади. Юридик жавобгарликни эркинлаштириш ўз навбатида, жамият аъзолари хукукий хулқ-атвөр соҳиби бўлишни ва улар онгига юксак одоб ахлоқий фазилатларни қарор топтиришни тақозо этади. Шу сабабли, юридик жавобгарликни Эркинлаштириш муаммоларини ҳал қилиш миллий қадриятлар ва инсон хукуки маданияти негизида одоб ахлоқни шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, юридик жавобгарликни эркинлаштириш агар соғлом хукукий хулқ-атвөр ва одоб ахлоқ шакллантирилмасдан ёки бу борада тегишли амалий чоратадбирлар ишлаб чиқилиб ҳаётга татбик этилмасдан амалга оширилса кутилган натижани бериш қийин, албатта. Қайд этилганларга асосан баён этиш жоизки, соғлом хукукий хулқ атвөр, одоб ахлоқ негизида юридик жавобгарликни эркинлаштиришни босқичма-босқич ҳал қилиб борилиши суд-хукуқ ислоҳотларини амалга оширишнинг мұхим шарти бўлиб хизмат қиласди.

Хукуқнинг ахлоқийлиги энг аввало этик-юридик талаб асоси бўлмиш адолат негизлари ифодаланганлиги билан тавсифланади.

Одоб-ахлоқ ва ҳуқук шахсни тарбиялашда мухим ўрин тутади. Шу сабабли, уларнинг мавжуд бўлиши ахлоқий мезон ва баҳолашни ҳам ўзига камраб олади. Ўз навбатида, ҳуқук одоб-ахлоқни шакллантиришга ҳам ижобий ёрдам кўрсатади. Одоб-ахлоқ принциплари жамиятда ҳукукий асосни вужудга келишида ҳам мухимдир. Одоб-ахлоқ ва ҳуқук бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиши билан бир каторда, ҳар иккаласи ҳам мустақил умуминсоний ва миллий кадрият бўлиб ҳисобланади. Биринчидан, ахлоқ, адолат, оқибат, меҳр-муруват ва бошқа ахлоқий талаблар инсонга унинг онги, маънавий дунёси оркали унга ичидан таъсир кўрсатади. Ҳуқук эса ташки тартибга солувчи восита бўлиб норматив-ҳуқук тизимга муайян формал ёзилган қоидаларни ўзида мужассам этади. Иккинчидан, ахлоқ-инсоннинг соф онгги билан боғлиқ бўлиб уларнинг маънавий ҳаёти ва дунёкарашига таъсир этувчи восита бўлиб мажбурий ташқаридан объектив ҳолда ифода этиш талаб этилмайди. Ҳуқук эса ижтимоий тартибга солувчи восита бўлиб ёзма ҳукукни ўзида акс эттиради. Учинчидан, одоб-ахлоқнинг мазмуни энг аввало, инсонларнинг бир қатор муносабатларда яъни, қарз, мажбурият, жавобгарлик кабиларда мужассам бўлади. Ҳуқук эса ҳукук йўл кўйган харакатларда, алоҳида шахсларнинг субъектив ҳукукларида намоён бўлади. Одоб-ахлоқ ижтимоий тартибга солувчи восита сифатида юксак фазилатли инсонни тарбиялаш ва ҳимоя килиш учун хизмат қиласди.

Ахлоқ ва ҳукук бу иккита маънавий, ижтимоий тартибга солувчи восита сифатида жамият ҳаётида мухим ўрин тутади. Одоб-ахлоқ кишилар ўртасидаги муносабатларни ижтимоий тартибга солувчи восита сифатида хизмат қиласди. Тарихдан маълумки, ҳар бир жамиятнинг ахлоқий талаблари мавжуд бўлиб ўзига хос ҳолда намоён бўлган. Ахлоқ қоидалари одатда ҳулкнинг умумий принципларини белгилайди. Ахлоқий нормалар жамият таъсир чоралари билан кафолатланади. Одоб-ахлоқ ҳукукни шакллантириш ва уни амалга оширишда роли бекиёсdir. Президент И. Каримов эътироф этганидек, биз барча ислоҳотларни ҳаётга татбик этишда ўтмишимизни теран ҳис этиб, ҳалкимизнинг руҳиятини, унинг тарихий ва миллий ўзига хос жихатларни, анъана ва урф-одатларни, Ўзбекистоннинг буюк ҳалқи ўзининг кўп асрлик тарихи давомида тўплаган ажойиб фазилатларини имкон қадар инобатта олган ҳолда иш тутамиз. Ўтказилаётган ислоҳотларда миллий ва маҳаллий шартшароитни назарда тутиш, акс эттириш биз учун уларни

муваффакиятли амалга оширишнинг кафолати бўлиб хизмат килади<sup>1</sup>. Ўтмишдан сақланиб келаётган юксак инсоний фазилатлар кишилар одоб-ахлоки, маданиятида ҳам ёркин намоён бўлади. Бой одоб-ахлок меросини миллий қадрият сифатида эъзозлаб ундан инсонларни тарбиялаш ва уларни ҳимоя қилишда унумли фойдаланишини таказо этади. Ҳадис-шарифдаги одоб-ахлок мажмуига оид коидалар ижтимоий тартибга соловчи тушунчаларда ўз аксини топган. У инсонни комилликга элтувчи, уни эзгу, савоб ишларга даъват этувчи маънавий-ахлокий ҳазина бўлиб ҳисобланади. Ҳадисларда тарбия, одоб-ахлок, дўстона муносабатлар, қариндош, ота-она ва фарзандларнинг ҳак-хукуқлари, меҳр-оқибат, ҳалоллик, адолат, инсоф каби фазилатлар билан бир каторда, разолат, кибри-ҳаво, адоват, ҳасад, ҳиёнат, ёлғончилик, фиски-фасод, зулм каби иллатлар кораланади. Инсон ўзининг табиати жиҳатидан кўп хислат ва фазилатлар соҳибидир. Инсон ўзининг ҳулки ва одоби билан покиза, ҳасаддан йироқ бўлиши, одамларнинг оғирини енгил киладиган, меҳр-мурувватли бўлиши лозим. Аммо, аксинча заҳар-заддум, кўпол сўзли, дилозор, ҳудбин, такаббур, айёр, ақидапараст бўлса унинг ҳулки, одоби шунга яраша бўлади. Имом Ал Бухорий ҳадисларида кўрсатилганидек, “инсонларга берилган фазилатларнинг энг яхиси ахлоқdir”. Юсуф Ҳожибининг “Кутадгу-билик” асарида одоб-ахлок, илм маърифат, жамоат жойларида ўзини қандай тутиш, сўзнинг аҳамияти ва қадри, меҳмондўстлик коидаси, инсон маънавий оламининг кўп жиҳатлари ижтимоий тартибга соловчи восита сифатида баён этилган. Ижтимоий тартибга соловчи тушунчалар жуда кўп бўлиб у ўзининг теран мазмунига эга. Ҳусусан, акл, адолат, андиша, одоб, авф, баҳил, бурч, фаросат, фазилат, ҳакорат, ҳасадгўй, истиқбол, оила тўқислиги, инсоф, диёнат, илм, иродা, камситиш, миннат, сахий, миллий ғуур, савоб, такаббурлик, таъмагир, ҳушомадгўй, яхшилик, ялқовлик, ёмонлик, ғийбат, чакимчилик, меҳр-мурувват, ота-она дуоси, ҳалоллик, дўстлик, орасталик, эҳтиёткорлик кабилар ижобий ва салбий ҳулқ тушунчаларини ўзида мужассам этади. Ўз навбатида, Юсуф Ҳожиб айтганларилик, “киши икки нарса билан қаримайди, бири эзгу ҳулки, бири эзгу сўзи”. Одоб-ахлок ҳукукий ҳулқ-атвор маданиятини шакллантиришга ҳам ижобий таъсири кўрсатади. Ёмон ҳулқ одобига эга бўлиш, ҳусусан ялқовлик, таъмагирлик, текинхўрлик, боқимандалик, кўл учида меҳнат қилиш, ишёқмаслик, эринчоклик, манманлик кабилар салбий ҳулқ бўлиш

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидаи. Т 4. – Т. Ўзбекистон, 1996. -23 б.

билин бир каторда, одобдан эмас. Булар ижобий хулк-аттворни шакллантиришга ҳам ёрдам бермайды. Инсон табиатига заарлар хулк ва одатлардан үзини тийиши лозим. Бошқача айтганда, одоб-ахлоқ нормаларини аста секин ҳукук нормалари билан уйғунлаштирилиши инсон онгига ички ва ташки ижтимоий тартибга солувчи воситаларнинг таъсири уларнинг камолотга эришишига ёрдам беради. Бундай уйғунлашув фуқаролик жамиятини ҳукукий асосларини шакллантиришда мұхым үрин тутади.

Инсон ҳукуки маданияти билан одоб ахлоқ бир-бири билан узвий боғлиқдир. Шу боис ҳукукий онг жамият онгини турли шаклларида ҳам ифодаланиши мүмкін. Гарчи, жамиятта инсон ҳукуки маданияти мухим үрин тутсада, жамият аъзоси ҳукуқ билан тартибга солинмаган қадриятларни, яъни маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат килишлари лозим. Демократик жамиятни барпо этишда юксак одоб-ахлоқ маданиятига эга бўлган кишиларни тарбиялаш мұхим масаладир. Чунки, одоб сабоқлари - ҳаёт сабоқлари деб бежизга айтилмаганлиги бунинг ёрқин исботидир. Одоб-ахлоқ коидалари ҳалқ мақолларининг мазмун мөҳиятига ҳам сингган. «Инсон одоби билан, осмон офтоби билан гўзал», «Ҳурмат килсанг, ҳурмат топасан», «Бола азиз-одоби ундан азиз», «Яхши бўлсанг ўзарсан, ёмон бўлсанг тўзарсан», «Ўзинг яхши, олам яхши», «Яхшилардан ибрат ол, ёмонлардан йирок бўл», «Одобнинг боши-ассалому аллайкум», «Камтарга камол, манманга завол», «Ёлгоннинг умри қиска», «Яшини ёмон кунда сина», «Дўстлик –синовда чиникади», «Мехнат - меҳнатнинг таги роҳат», тежамкорлик одоби сифатида «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар», «Одоб –бозорда сотилмас», «Одоб кишининг зебу зийнати», «Одоб олтиндан киммат», «Одобли бола элга манзур», «Олтин олма, одоб ол, одоб олтин эмасми», «Ота бўлиш осон, одоб бериш қийин», «Яхши ҳулқ - кишининг ҳусни». «Турки бузукдан ҳулқи бузук ёмон» кабилар шулар жумласидандир.

Одоб-ахлоқ коидалари маколларда узок ўтмишдан ўз аксини топиб тақомиллашиб авлоддан авлодга етиб келмоқда. Шу сабабли одоб-ахлоққа оид ҳалқ мақолларининг ҳам ижтимоий тартибга солувчи восита сифатида роли бекиёсдир. Миллий қадриятларнинг инсон ҳукуки маданиятини шакллантиришдаги аҳамиятини эътиборга олиб уни ҳар томонлама ўрганиш нафақат фан олдидағи вазиға бўлиб қолмасдан балки у амалий жиҳатдан мұхим үрин тутади. Демократик жамиятта инсоннинг фаол жамоатчилик фаолияти,

ватанпарварлик, инсонпарварлик, фидоийлик, жасорат кўрсатиш ва шу ватаннинг муносиб фарзанди бўлишдек олийжаноб туйгу ва хислатларини намоён қилиши, хукукий маданият ва юксак фазилатли одоб-ахлок коидаларига риоя этиш билан уйғунлашган тарзда қарор топиши адолатли жамият аъзоси баркамоллигининг ёркин наъмунасиdir. Давр руҳи билан ҳамоҳанг яшаётган хар бир инсон давлат ва жамият ишида шижоат кўрсатишлари, ижтимоий ҳаётда мардонавор истиклол жонкуяри бўлиши, давлатимиз равнақи ва гуллаб яшнаши учун фидокорона меҳнат қилиши, ўз тақдирини ватан тақдирни билан, ўз келажагини ватан келажаги билан боғлаши, шу она заминнинг фахри ва ифтихори бўлишдек олийжаноб хислатларни ўзида мужассамлаштирган одоб-ахлок ва инсон хукуки маданияти коидаларига риоя этиб яшашни турмуш тарзига айлантирган авлод бўлишини тақозо этади. Ҳикматларда айтилганидек, «Инсон феъли кенглиги меҳнатсеварлиги, камтарлиги, бирорни камситмаслиги билан элда азиздир». Одоб ахлокни шакллантиришда инсон руҳияти, миллий гурур, айниқса том маънодаги эркин бўлиши хам назарда тутилади. Бу ҳакда Ҳусайн Ваиз Кошифий таъкидлаганидек, инсон руҳини тарбиялаш воситасида уни гўзал ва ҳамиша ёқимли хулк - автор соҳиби, фазилат эгаси килиб камолга етказиш мумкин. Ёки бўлмаса, Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек:

*Эркин улким, сайд этиб нафсоният.*

*Голиб ўлса умрида руҳоният.*

Инсон эркинлигини таъминлаш, ўз навбатида хар бир шахснинг хукукий маданияти даражасига ҳам боғлиқдир. Эркинлик конун устиворлигини таъминлашнинг ҳам муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бобомиз Амир Темурнинг «қаерда конун ҳукмроњлик қилса, ўша ерда эркинлик бўлади» деган ўғитлари хозирги пайтда ҳам ўзига хос маъно касб этмоқда. Демократик жамиятни барпо этишда унинг аъзолари хукукий хулк авторга эга бўлиши ва одоб-ахлок коидаларига риоя этиши, улар хукукий маданиятини оширишга ҳам ёрдам беради. Инсон хукуки маданияти ва одоб-ахлоки энг аввало, жамиядта кишининг хулки, юриш-туриши ва ҳаёт фаолиятининг маҳсули сифатида намоён бўлади. Жамиядта кишиларнинг хулки турли шаклларда бўлиб хукукий хулк-автор, одоб-ахлок жиҳатдан баҳоланиши мумкин. Ҳар бир инсон ўзининг хукукий маданиятини шакллантиришдан бевосита манфаатдор бўлиши ва ҳар доим уларнинг ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, хулк автори жамоатчилик назоратида бўлишини таъминлаш, ўз навбатида

қонунларнинг ижросини амалга оширишнинг муҳим гарови бўлиб ҳисобланади. Агар жамият аъзоси хатти-ҳаракатига, ҳулк авторига ва одоб ахлокига ижтимоий баҳо берилмаса, ҳуқуқни қўлловчи идоралар томонидан конуний муносабат билдирилмаса, бу ҳолат жамият учун ёт иплатларнинг илдиз отишига ёки тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Шахс ҳулк авторига жамоатчилик таъсири катта бўлиб уларнинг камолотга эришувида ҳамда уларда инсоний фазилатларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутади. Шу сабабли демократик жамиятда инсонни тарбиялашда жамоатчилик назорати институтидан ҳам самарали фойдаланиш фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга ёрдам беради. Жамоатчилик назоратининг одоб ахлокка ва инсон ҳуқуқи маданиятига таъсири негизида конунийлик, адолат, ҳаққиат, эркинлик каби тушунчалар мөхияти теран хис қилинмоғи лозим. Шу сабабли, ҳар бир инсон Конституция ва қонунларни ҳурмат килиши ва уни нормаларига риоя этиши, улар ҳулк авторининг юксаклигидан далолат беради. Шунингдек, улар ижтимоий фойдали, жамият ва давлат томонидан ижобий баҳоланадиган ҳулк авторга эга бўлиши лозим.

Инсон ҳуқуки маданияти конунни ҳурмат қилиш, давлат суверенитети ғояларига содик бўлиш, ижтимоий ҳаётда ҳозирги ва келажак авлодлар олдидағи ўзининг фуқаролик ва инсоний маъсулиятини англаш тушунчалари билан узвий боғлиқидир. Ҳар бир шахс ўзбек давлатчилиги ривожланишининг тарихий тажрибаси асосида миллий ҳуқуқий қадриятларни эъзозлаши ва уни ҳар томонлама тарғиб этиши керак. Қолаверса, демократия қадриятларини ҳурмат қилиши ва ижтимоий адолатта садоқатли бўлиши, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга ўзининг муносиб ҳиссасини кўшиши, юрт тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш масъулиятини чукур хис этиши лозим. Бундан ташкари, ҳар бир шахс эркин фикр юритиш асосида ижтимоий ҳаётда фаол катнашиши даркор. Ўзбекистон Республикаси Президенти тақидлаганидек, «Олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал килувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда озод, ўз ҳак-ҳуқукларини яхши танийдиган, бокимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини ҳалқ, ватан

манфаатлари билан уйгун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир<sup>1</sup>.

Ҳар бир шахс демократик умумисоний қадриятларни эъзозлаши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги шаъни, қадр-киммати ва дахлсизлигини таъминлашга масъулдир. Ижтимоий ҳаётда фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларини қадрлаши ва унга зиён етказмаслиги шарт. Виждон эркинлигини амалга ошириш факат унинг ўзига тегишли эканлигини пухта англаши диний қарашларни мажбурий сингдиришга, бузғунчиликка, диний фанатизм, ақидапарастликка карши қурашмоги лозим. Айникса, қабоҳат ва жаҳолатнинг турли хил кўринишларига нисбатан муросасиз бўлиши, адолат, тинчлик, биродарлик, ижтимоий тараққиёт ва фаровонлик ғояларини моҳиятини чукур англаши ва олий максадларнинг тарғиботчиси бўлиши лозим. Шу билан биргалиқда ўзида ватанпарварлик, фидоийлик, ўзининг фуқаролик бурчи, умумисоний қадриятларни мужассамлаштириш улар камолотининг муҳим негизидир. Ҳар бир инсон гуманизм ва ижтимоий тараққиёт, миллӣ юксалиш ғояларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этувчи бўлиши керак. Миллӣ уйғониш, фикрларнинг хилма-хиллиги, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, дунёвийлик каби соғлом ғоя ва мафкурани ёшлар онгига сингдиришда фаол бўлиши лозим. Ҳурфикрлиликни, ғоялар ва қарашлар хилма-хиллиги, баҳс-мунозара маданиятига таяниб жамиятда ёт иллатларга карши муросасиз қурашчи бўлиши зарур. Аҳмад Яссавий ибораси билан айтганда, «Кўнгли қаттиқ дилозордан худо безор» ёки ҳадисларда ифода этилганидек «Бошқалардаги камчиликларни кўриб ўзини тузатган одам саодатлидир».

Ҳар бир шахс миллӣ манфаатлар, умумбашарий қадриятлар ахлоқий мезонларга зид хатти-ҳаракатдан ўзини тийиши, мустақиллик неъматини қадрлашга қодир инсон бўлиши талаб этилади. Айникса, заарли оқимлар хавф-хатарларига доимо муросасиз бўлиши, ҳар қандай ноинсоний мафкурадан ҳоли равища инсон қалби ва онгига бунёдкорлик хислатларини мужассамлаштиришга эришишга ҳаракат қилмоғи керак. Ҳалқнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаши, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши улар ҳукукий хулк-авторининг колаверса, одоб-ахлоқининг ёрқин намунаси бўлиши лозим. Шунингдек оилани мұқаддас деб билиши, ота-оналар,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз көнжагымизни ўз ќўлимиз билан курамиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон. 1999 -159 б.

карияларга чукур хурмат, фарзандларини комил инсон сифатида тарбиялашга масъул эканлигини идрок этиши зарур. Ҳар бир шахс нафақат миллий ғояга содиклигини намоён қилиб қолмай, балки жаҳон мағкуралар майдонида бўлаётган жараёнлардан воқиф бўлиб ўзининг ҳаётий нуқтаи-назарига баҳо бериш имконига ҳам эга бўлиши керак. Ҳар бир фукаронинг фаравонлиги бутун жамиятнинг фаравонлигидир. “Мустақиллик хуқуқ демакдир”, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Биз ҳеч кимга қарам бўлмаймиз”, “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” каби пурхикмат ақидаларни моҳиятини теран англаши ва ўз ҳаёт мамотини шиорига айлантириб олиши зарур.

Энг муҳими, ҳар бир шахс ҳалқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб япаш рухининг устунлиги, жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл юрт тушунчаларининг муқаддаслиги, ота-она, маҳалла кўй, умуман жамоатга юксак ҳурмат-эътибор, миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат, каттага ҳурмат ва кичикка иззат, меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи - аёл зотига эҳтиром, сабр-бардош ва меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳроқибат, урф-одат каби миллий хусусиятларни қадрлаши лозим. Бундан ташқари, умумбашарий қадриятларни, хусусан, қонун устуворлиги, инсон ҳақ-хукуклари ва ҳур фикрлилик, турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан баҳамжихатда яшаш, диний бағрикенглик дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик ва ўзга ҳалқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиши керак.

Ҳар бир шахс - озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт барпо этишда масъулдир. Ватан равнаки, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги йўлида толмас оташин курашчи бўлиши зарур. Улар комил инсон бўлиши билан бир каторда, жамиятни комиликка элтувчи куч сифатида миллат ва ҳалқ келажагини яратувчисидир. Жамиятнинг энг устивор мақсад ва манфаатларини ўзида мужассам этадиган илғор ғоялар миллий таракқиётни ҳаракатта келтирувчи куч сифатида намоён бўлмоғи лозим. Ижтимоий мавқеи, дунёкараши ва эътиқодидан катъи назар жамиятнинг устивор мақсад ва манфаатларини акс эттирадиган миллий ғояларнинг амалга ошиши учун ўзини масъуллигини идрок этиши лозим.

Инсон ҳуқуки маданиятини ҳар бир шахс қалби ва онгига сингдириш миллий ўзини англашда муҳим аҳамият қасб этади. Инсон ҳуқуки маданияти мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ва ҳар бир

фуқаронинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришга хизмат қилади.

## 2.2 §. Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда дунёвий ва диний қадриятларнинг ўрни ва нисбати

Мустақиллик эзгу ва ноёб умуминсоний ва миллий қадрият. Шу боис уни ҳар бир ҳалқ ва злат улуғлайди ҳамда эъзозлайди. Мустақилликка эришилганлиги туфайли миллий қадриятларнинг том маънода рўёбга чикариш имконияти яратилмоқда. Айникса миллий қадриятларимизнинг инсон ҳуқуки маданиятини юксалтиришда роли бекиёсдир.

Дарҳақиқат, Амир Темур бобомиз таъбири билан айтганда, ҳимматни баланд тутмак керак, кўнгилни худога бағишиламак керак, то ҳазрати Аллоҳ ҳар ишда мададкор бўлғай. Дарҳақиқат, дунёвий ва диний-ҳуқуқий қадрият сифатида инсон, унинг манфаатлари, ҳуқук ва эркинликлари улуғланади ва ҳимоя қилинади. Президент И.Каримов таъкидлаганидек, “... амалда ҳар бир кишининг виждан эркинлигини, эътиқодининг эркинлигини таъминлашимиз керак”<sup>1</sup>. Шу боис юксак инсоний ғоялар ва мұқаддас қадриятларимизни ўзида ифода этган манбаларни ўрганиш, тарғиб этиш ва авлоддан-авлодга етказиш мухим вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Айникса, маънавий-ахлоқий тарбия ишларида дунёвий ва диний-ҳуқукий ғоялар бир-бирини бойитиб боришга эришиш демократик тараққиёт учун хизмат қилади.

Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “Виждан эркинлиги масалаларига ҳам биз янгича позицияларда ёндашишимиз лозим. Биз динга карши зўравонлик билан курашиш усуллари ва ўзбошимчалиқдан воз кечиб, давлат билан дин ўртасидаги ўзаро муносабатларда конуний принципларни тўла тиклаш тарафдоримиз”<sup>2</sup>. Ушбу ўринда давлат раҳбарининг таъбири билан айтганда, дунёвий ва диний ғоялар бир-бирини бойитиб борган шароитда тараққиёт юксак боскичга кўтарилади<sup>3</sup>. Дарҳақиқат, бугунги кунда маънавий-ахлоқий ҳамда ҳуқуқий тарбияда дунёвий ва диний қадриятлар асл мазмунини ўзаро диалектик жуфтлик ва узвийликда тушунишни

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. -159 б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. -229 б

<sup>3</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоилилар. Т.: Ўзбекистон, 2001.- 18 б.

тақозо этмокда. Дунёвий ва диний қадриятлар том маънода давлат, хукуқ, конунчиллик, хуқукий тарғибот ва хуқукий маданият, диний ҳафсизлик тушунчалари билан ҳамоҳангидир. Бошқача айтганда, шахс, жамият тафаккурининг ривожи ҳам ана шу юксак қадриятлар уйгунлигига узвий боғлиқдир. Демократик қадриятларнинг равнақ топишида дунёвий ва диний ғоялар билан озиқланган фуқаролик жамиятида ижтимоий тартибга солиш воситаси сифатида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг роли янада ортади. Дунёвий ва диний қадриятлар жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга хизмат қиласди. Айниқса фуқаролик жамияти институтларининг фаоллашуви, ижтимоий шерикчилик, жамоатчилик институтларини ривожлантиришда дунёвий ва диний қадриятларнинг уйгунлашуви муҳим аҳамият касеб этади. Бугунги авлод дунёвий ва диний қадриятларни эъзозлаб тарихий ва миллий анъаналарга сайқал бериб, тадрижий ривожлантириб борган тақдирда демократик тараққиёт йўлидан событқадамлик билан бориш имконияти яратилади.

Юрбошимиз И.Каримов таъбири билан айтганда, “Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг ҳайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби муқаддас динимизнинг ҳаккенийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аждодлардан авлодларга етказишдаги бекиёс ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Ва ҳалқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўлмайди, деб ўйлайман. Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тұхмат ва бўхтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсіб келаёттан ёш авлодимиға тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда”<sup>1</sup>.

Эътиқод йўқ жойда мустақиллик бўлмаслигини яхши тушунган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мустақил ҳаётимизнинг дастлабки кунлариданоқ маънавият масалаларига алоҳида эътибор берди. Юрбошимиз ҳалқимизнинг минг йиллик

<sup>1</sup> Киримов И. Юксак маънавият-сигилим куч. –Т. 2008 – Б 16-17.

яшаш ва фикрлаш тарзини белгилаб келган муқаддас динимиз – ислом дини ва у билан боғлиқ маданиятимизни тиклашнинг ташабускори бўлди<sup>1</sup>.

Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига карши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, гоявий ва информацион хуружлар назарда тутилади. Шу фикрни мантиқий давом эттириб, маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир. Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак. Шунинг учун ҳам ўзлигини, инсоний қадр-қимматини англаб етган ҳар қандай одам бу ҳақда ўйламасдан яшашини тасаввур қилиш қийин. Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳакиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимиdir<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида таъкидлаганидек, “Шу нуқтаи назардан караганда, Инсон ҳуқуклари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур энг аввало ҳуқукни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқук ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуклари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришига қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак”<sup>3</sup>.

Маълумки, бутунги куннинг долзарб масалаларидан бири жамиятда инсон ҳуқуклари бўйича маданиятни шакллантириш ва диний ҳавфсизликни таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Юртбошимиз

<sup>1</sup> Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. Т.: Ўзбекистон, 2011. -166 б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – сенгимас кўч - Т.: 2008.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Маданиятнинг демократик испахотларни янада чукурлаштириш ва фужаролик жамиятни таржомалантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги матъузаси - Т.: Ўзбекистон, 2010. - 46 б.

И.Каримов таъбири билан айтганда таассуфки, баъзан ислом дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бир-биридан фарқлай олмаслик ёки ғаразли мақсадда уларни тент кўйиш каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга, ислом динини никоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузогига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундай ножўя харакатлар аввало муқаддас динимизнинг шаънига доғ бўлишини, охир-оқибатда эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чукур англаб олишимиз ва шундан хулоса чикаришимиз зарур<sup>1</sup>. Шу сабабли демократик ҳукукий давлатни ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда энг долзарб масала, таъбир жоиз бўлса, муҳим вазифа диний хавфсизлик масаласидир. Бошқача айтганда, жамият ва давлат олдида турган вазифаларни диний хавфсизликни таъминламасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Чунончи, диний хавфсизлик ёки “жамиятнинг диний хавфсизлиги” деган янги илмий-сиёсий тушунча шаклланмоқда. Бу ибора орқали муайян мамлакат ва жамиятдаги диний вазият тадрижий ривожининг табиийлигини таъминлаш назарда тутилади. Масаланинг муҳимлиги шундаки, хавфсизлик чораларини кўриш орқали динимизнинг шаффоғлиги таъминланади, бузғунчи ғояларнинг ёйилиш хавфи бартараф этилади. Чunksi, дин, жамият ва давлатнинг интеллектуал, руҳий, маънавий асосларининг шаклланиш жараёнига бевосита таъсир ўтказадиган ижтимоий кучdir. Диний хавфсизликни таъминлаш орқали дунёвий анъана томонидан кабул қилиниши мумкин бўлган рационал ютуқларга эришилади.

Бундай мезондан қараш диний хавфсизликни таъминлаш баробарида дунёвий маърифий масалалар ҳақида мушоҳада юритишини тақазо этади. Диний хавфсизлик ўз навбатида ислом ҳақидаги холис билимларни кенг ёйиш, ҳақиқий мусулмон ҳукукий маданияти билан танишириш, маданиятили ва маърифатпарвар ислом динини соғлом идрок этишга хизмат қилади. Энг муҳими, диний хавфсизлик диннинг бутун жамият манбаатлари ва орзу-умидларини акс эттирувчи барчага маъқул жиҳатлари ва қадрият эканлигини мушоҳада этишга ундейди. Диний хавфсизликни таъминлаш, унинг ахлоқий-маърифий аҳамиятини очиб беришга ёрдам беради. Қолаверса, уни сиёсийлаштиришнинг олдини олишда ҳам диний

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.. 2008 -17 б.

хавфсизлик чораларини қўллашни тақозо этади. Диний хавфсизлик демократик жараёнларнинг табиий ривожланишида ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қиласди. Диний хавфсизлик ёт иллатлар таъсирида ижтимоий-сиёсий кескинлик ва бекарорликни келтириб чиқарувчи хавфни бартараф этиш имконини беради. Ундан ташкари диний хавфсизлик ислом таълимоти ҳакида ҳаққоний билимларни ёйилишига, цивилизациялароро ва конфессиялароро ҳамжиҳатликни чукурлаштиришнинг муҳим омилидир. Хуллас, диний хавфсизлик пировардида демократик қадриятларга асосланган ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамиятини куриш жараёнида дунёвийлик билан динийлик ўртасидаги янги мантикий нисбатни шакллантиришга хизмат қиласди.

Ҳадис илмининг асл моҳияти ахлоқий тарбия ва билимни узвий боғлашда муҳим аҳамиятга эга. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мустақилликни олий неъмат сифатида эъзозлаш, миллий ифтихор туйгуларини тўла қарор топтириш миллий истиклол ғояларига содик бўлиш, виждан эркинлиги ва диний бағрикенглик тамойилларини терсан англашни тақозо этади.

Юргбошимиз И.Каримов таъбири билан айтганда, "... демократик жамиятни, энг аввало қонунга қулок солиш деб биламан. Шахснинг ҳак-ҳукуқларининг бузилишига йўл қўйиб бўлмаслигини белгилаб берадиган ёзилмаган қонунлар, маънавий қоидалар тўплами зарур"<sup>1</sup>.

Дарҳакиқат, ижтимоий онгнинг турли хил шакллари бўлиб унинг ёрдамида инсонлар уларни ўраб турган табиат ва жамиятни англайди. Ижтимоий онгнинг сиёсий, маънавий (ахлоқий), эстетик, диний ва ҳукуқий каби шакллари мавжуд. Кучли ҳукуқий давлатдан - кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида айнан ҳукуқий онг ижтимоий жиҳатдан тӯғри ҳулқ-атворни рағбатлантирувчи вазифани бажаради. Жамият ва шахс ҳукуқий онгини уйғунлашуви баробарида том маънода, ўзини ўзи бошқариш тизими устуворлик касб этади. Бу дегани – ҳукуқий онгни шакллантирмасдан туриб ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириб бўлмаслиги ҳаммамизга аён. Шу боис, ҳукуқий онг ва ҳукуқий маданият шундай қурдатли воситаки, бусиз демократик тараққиётга эришиш мушкулдир<sup>2</sup>. Ўз навбатида, бусиз ижтимоий интизомни мустаҳкамлаб ҳам бўлмайди, қолаверса, комил инсонни тирбиялашни зарур шарти бўлиб ҳисобланади.

<sup>1</sup> Каримов И А. Ўзбекистон мустақиликка эришиш остонасида. -Т: Ўзбекистон, 2011. -Б: 346-347.

<sup>2</sup> Бу масалага ҳукуқий адабиётларда ўтибор картилтилоқда бетаффосил қаранг: Маматов К. Ҳукуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятнинг шаклланниши муаммолари. -Т: YURIST- MEDIA MARKAZI, 2009.

А.Азизхўжаев таъкидлаганидек, “Президент иқтисодий ва сиёсий-ижтимоий масалаллар билан маънавият соҳасидаги муаммоларга бир хил кўз билан қараб, уларни ҳал этиш ишларини мутаносибликда олиб бормоқда. Халқнинг маънавий тарбияси пировард натижада буюк ва мустақил Ўзбекистон давлатининг юксалиши учун асосий, етакчи омил эканини Юртбошимиш аввал бошиданоқ чукур ҳис этиб, ҳар бир нутқ ва маърузасида буни алоҳида қайд этмоқда<sup>1</sup>.

Дунёвий ва диний қадриятларни уйғун ҳолда тушунишда ҳукукий билимларнинг роли бекиёс эканлигини эътиборга олиб диний ходимларнинг ўкув ва малакасини ошириш жамиятда Конституция ва қонуннинг устуворлигини таъминлаш бўйича кўникмаларни шакллантиришнинг тадрижий шартидир. Шу боис диний ходимларнинг дунёвий-ҳукукий маданиятини юксалтириш бўйича маҳсус ўкув қўлланма тайёрлаш ва уни таълим жараёнида жорий этиш дунёвий-ҳукукий билимларни ўзлаштиришга ёрдам беради. Дунёвий ҳукукий билимларсиз диний ходимларнинг ҳукукий маданиятини ошириб бўлмайди. Юксак маънавиятли жамият барпо этиш ҳамда дунёвий ва диний қадриятларнинг уйғунлашувини таъминлаш, ўзгаларни мафтун этадиган демократик тараққиётга эришиш учун хизмат қиласди. Диний ва дунёвий гояларнинг бир-бирини бойитишида ҳукукий билимлар мухим ўрин тутади. Ислом дини ва ҳукукий қадриятлар узвий боғлиқдир. Зоро, сиёсий-ҳукукий комилликка эришиш ўз навбатида инсон ҳукуки, эркинлиги, комиллиги, адолат, инсоф. диёнат, виждан, одиллик каби гоялар замирида инсон ҳукукий онти ва маданиятини ривожлантиришни тақозо этади. Шу боис ҳар бир дунёвий ёки диний билимга эга бўлган шахс ҳукукий онг ва ҳукукий маданиятга ҳам эга бўлиши зарур. Дунёвий ва диний билимлардан воқиф бўлиш, ўз навбатида шахснинг ҳукукий маданияти даражасига чамбарчас боғликлиги айни ҳакиқатдир. Шу боис диний таълим муассасаларида ҳукукий таълимга алоҳида эътибор қаратиш, диний ходимлар ҳукукий маданиятини юксалтиришга қаратилган маҳсус дастурлар ишлаб чикиш ва уларнинг бу ҳақдаги кўникмаларини шакллантириш дикқат эътибордаги мухим вазифа бўлмоғи лозим. Албатта, бундай ўкув дастурни ишлаб чикишда диний ходимларнинг дунёвий билимларни ўзлаштириш даражаси ва кўникмаларига эга бўлиш холатига алоҳида аҳамият берилиши лозим. Шунингдек, диний ходимларнинг ёши,

<sup>1</sup> Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши – Т. Ўзбекистон, 2011. – 107 б.

хукукий билимлардан хабардорлик даражаси ҳам бундай хукукий билимлар ўкув дастурларини ишлаб чиқиша зътиборга олиниши лозим.

Жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган ҳозирги шароитда диний ходимларнинг хукукий маданиятини ошириш вазифаси устувор масалалардан бўлиб ҳисобланади. Шу боис фукаролик жамияти институтларининг, шу жумладан иодавлат ва нотижорат ташкилотларининг шу жумладан. диний ташкилотларнинг бу борадаги фаоллигини кучайтириш лозим. Маълумки диний таълимотларнинг диний билимларни тарғиб қилиши билан бир қаторда, дунёвий хукукий билимларни ўрганиш борасида дастурларини ишлаб чиқиб амалиётда татбиқ этиш фурсати етди. Айниқса диний ташкилотларнинг хукукий маърифат бўйича диний ва дунёвий хукукий билимлар ўрганиш бўйича фаолиятининг самарадорлигини ошириш демократик тараққиёт учун хизмат қиласи. Бунинг учун диний ташкилотлар ҳеч қандай кўрсатмани кутмасдан ўзлари мустақил ва эркин ҳолда бу борадаги хукукий маърифий ишларнинг суръатини кучайтиришлари лозим. Бунинг учун ҳар бир диний ходим нафқат диний билимларни балки дунёвий-хукукий, маърифий билимлардан воқиф бўлиши, ўзининг ҳаётий эҳтиёжи сифатида уни ўрганмоғи лозим. Диний ва дунёвий хукукий билимларни ўрганиш – бу тадрижий тараққиёт йўли. Бусиз демократик ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш қийин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтганда, демократик хукукий давлат ва фукаролик жамиятини ривожлантиришда ҳал этилиши лозим бўлган қуидаги айрим ташкилий-хукукий масалаларни ижтимоий ҳаётда тўлиқ амалга оширишга эришиш лозим:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримовнинг дин ва диний ташкилотлар жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш ҳақидаги ғоя ва карашларини кенг тарғиб қилиш ҳамда диний ходимларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишларини ташкил этиш; иккинчидан, диний ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси қонунлари расмий нашрларидан шу жумладан, электрон дастурлардан кенг фойдаланишни йўлга кўйиш ва диний ташкилотлар фаолиятига доир норматив-хукукий ҳужжатларни амалий кўлланма сифатида чоп этиш; учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунининг мониторингини ўtkазиш натижалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш

ҳамда ҳуқуқий ва маърифий тарғибот ишларига диний ташкилотлар масъул ҳодимларини кенг жалб этиш; тұртингидан, диний ҳодимларнинг ҳуқуқий билим ва савияларини ошириш бўйича ўкув машгулотларини мунтазам ташкил этиш ҳамда дунёвий фан нуктаи назаридан диний ташкилотлар фаолиятига оид устувор илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш бўйича монография, илмий тўплам ва рисолалар чоп этишни йўлга кўйиш; Юридик фаннинг тегишли ихтисослик шифрлари бўйича миллий-ҳуқуқий меросни ўрганиш мақсадида илмий ишларни амалга оширишни янада кучайтириш ва диний ҳодимлар иштирокида ўтказиладиган ўкув машгулотларида улардан самарали фойдаланиш; бешинчидан, “Умуминсоний ва миллий қадриятлар, виждон эркинлиги ҳамда диний ташкилотлар фаолиятига оид қонун ҳужоатлари диний ҳодимлар нигоҳида” мавзусидаги туркум телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш; олтинчидан, диний ҳодимларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш чора-тадбирларини мунтазам равиша кўриб боришни таъминлаш, диний ташкилотларга малакали юридик ёрдам кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш, мамлакатимиздаги диний ташкилотларнинг диний, маърифий-ҳуқуқий, маънавий ишлар бўйича ижобий тажрибаларини оммалаштириш, энг яхши диний ва дунёвий илм тарғиботчиси кўрик танловини ўтказиб бориш ва танлов ғолибларини рағбатлантириш чораларини кўриш ва диний ташкилотларнинг ҳуқуқий ахборот таъминотини мунтазам яхшилаш чора-тадбирларини кўриб бориш; диний ташкилотларга юридик таълим муассасалари томонидан ўкув-услубий ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий билимлар тарғиботи бўйича самарадорлигини ошириш. Айникса, маҳалланинг роли ва мавкеини юксалтириш, дунёвий-маърифий давлат, фуқаролик жамияти, виждон эркинлиги, диний ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми ва диний хавфсизликнинг муаммоли-мақсадли жиҳатлари бўйича давра сухбати, семинарлар ва конференциялар ташкил этиш, кўргазмали ҳуқуқий тарғибот воситаларидан самарали фойдаланиш кабилар шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, дунёвий ва диний қадриятларнинг инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришдаги ролини ошириш ўз навбатида кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мухим омили бўлиб ҳисобланади.

## **2.3 §. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришнинг истиқболлари**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонларварлик сиёсатининг таркибий қисми инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш билан узвий боғлиқдир. Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантирмасдан мустақил демократик тараққиётта эришиш мушкул масаладир. Тараққиётнинг “Ўзбек модел”ининг ҳам асл моҳияти инсон ҳуқуқлари устувор жамият ва давлат барпо этишдир. Инсон ҳуқуқлари давлат суверенитети гоялари билан ҳамоҳангдир. Инсон ҳуқуқлари ҳимояси нафакат ҳозирги, балки келажак авлод олдиғаги юқсан мастьулиятни англаш ҳам демакдир. Инсон ҳуқуқлари маданияти маъно ва мазмунига кўра жуда кенг теран тушунча бўлиб, жамиятда демократик қадриятларни рўёбга чиқариш ва ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг ўзагидир. Инсон ҳуқуқлари маданияти кенг маънода ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва қонунчиликни ривожлантириш борасидаги ислоҳотларнинг амалий ифодасини ўз ичига камраб олади. Ҳар қандай ислоҳотнинг замирида ҳам инсоннинг муносаб ҳаёт кечиришларини таъминлаш гоясини амалга ошириш мужассамлашган. Инсон ҳуқуқлари маданияти том маънода инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим шартидир.

Президентимиз И.Каримов таъбири билан айтганда, “Биринчи навбатда инсон, унинг эҳтиёжи ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши республикада бўлажак миллий-давлат ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг марказида бўлиши шарт”<sup>1</sup>.

Демократик тараққиёт концепциясининг мақсади барчани ҳавасини келтирадиган демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборат. Янги жамиятнинг асосий белгиси инсон ҳуқуқлари устуворлигига асосланиб кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдир. Мустақилликка эришиш туфайли фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, кадр-қиммати ва дахлсизлигини рўёбга чиқаришнинг имконияти яратилди. Ҳаётимизга инсон ҳуқуқи маданияти деган янги тушунча кириб келганлиги ҳам мустақилликнинг буюк неъматидир.

Кучли фуқаролик жамиятига таянган ҳуқуқий давлат куришга эришиш учун барчанинг Конституция ва нормаларига мувофиқ

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остоносидা –Т. Ўзбекистон, 2011. -156 б.

яшаши, конунларни хурмат қилиш ва уларга қатый риоя қилишига эришиш зарур. Шу туфайли амалга оширилаётган испоҳотларнинг муваффакияти кўп жиҳатидан жамиятдаги ҳуқуқий онг ва ҳукукий маданият даражасига боғлик. Шу муносабат билан мамлакатда ҳуқукий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқукий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Концепцияда асосий вазифалардан бири этиб қўйилди. Бу вазифани амалга ошириш мамлакатимизда конун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқук ва манбаатларини янада ишончлироқ ҳимоя қилиш максадларига эришиш имконини беради<sup>1</sup>.

Инсон ҳуқуки маданияти комплекс ахамиятга эга бўлган давлат – ҳуқуқий категориядир. Инсон ҳуқуки маданияти нафақат миллӣй балки умуминсоний қадриятдир. Шу боис инсон ҳуқуклари, эркинликларини ҳимоя килишга доир ҳалқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар ва келишувларнинг ахамияти бекиёсdir. Инсон ҳуқукларига оид умумэътироф этилган ҳалқаро ҳуқук нормалари уни ҳимоя қилишнинг устувор асосидир.

Давлат ва жамият инсон ҳуқукларини рӯёбга чиқаришга масъулдир. Чунки инсонсиз давлат ва жамиятни ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Инсоннинг давлат ва жамият билан алоқадорлиги унинг ҳаётида фаол иштирокида ҳам ёрқин намоён бўлади. Бу юрт инсон ҳуқукларини улуғлаган ва эъзозлаган буюк алломалар замини. Давлат – ҳуқук – инсон тушунчаларини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Инсон ҳуқуки маданияти кенг маънода шахснинг давлат, жамият ўртасидаги муносабатларини ҳам келтириб чиқаради.

Юртбошимиз И.Каримов “Мустақил Ўзбекистоннинг куч қудрат манбаи – ҳалқимизнинг умуминсоний қадриятга содиклигидир”<sup>2</sup> деб таъкидлайдилар. Инсонларга тегишли бўлган ҳуқук ва эркинликлар давлат томонидан қабул килинган қонунларда назарда тутилади. Инсон ҳуқуки маданиятининг моҳияти яна шу билан изоҳланадики, давлат ўз фуқароларига тенг ҳуқук ва эркинликлар беришидан манбаатдордир. Уларга берилган турли хил ҳуқук ва эркинликлар давлат ва жамият тараққиётининг мухим омили бўлиб хисобланади. Давлат ва жамиятни инсон ҳуқуклари кафолатланган ҳуқук ва эркинликларсиз тараққий эттириб бўлмайди. Инсон ҳуқуки

<sup>1</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик испоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятни ривожлантириш концепцияси”ни ўрганиш бўйича маъруза матни. ЎзР Адлия вазирлиги ТДЮИ. –Т. Тошкент давлат юридик институти, 2011. – 31 б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллӣй истиклол, иккисод, спёсат, мафкура. –Т.: 1993. – 74 б.

маданияти юксак бўлган давлат ва жамиятгина демократик тараккиётга эришиши мумкин. Давлат ўз фуқароларига ҳукук ва эркинликлар бериш баробарида ўз зиммасига ушбу ҳукук ва эркинликларни амалга оширишни таъминлаш мажбуриятини ҳам олади. Кучли демократик ҳукукий давлатнинг асосий белгиси шу билан изоҳланадики, давлат қонун билан кафолатланган ҳукукларнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя килишга қаратилган қонун ҳужжатларининг бажарилишини ҳам таъминлайди. Инсон ҳукуки маданияти ижтимоий-иктисодий, гоявий, ҳукукий қадриятлар билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис ҳар бир фуқаро ушбу кафолатлар моҳиятини билиши ва бу хакида амалий кўнинкамаларга эга бўлиши лозим. Инсон ҳукуки маданиятининг туб моҳияти қонун билан кафолатланган ҳукук ва эркинликларини тўлиқ амалга ошириш кобилиятига эга бўлиши, уларнинг ижтимоий ҳаётда сиёсий-ҳукукий фаоллигини ошириш имкониятини яратади. Инсон ҳукуки маданияти уни амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг муҳим воситасидир.

Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “Ҳукукий давлатнинг асосий белгиси – барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлашдир”<sup>1</sup>. Инсон ҳукуки маданиятини шакллантириш билан боғлиқ масалалар демократик жамиятда ҳар доим ҳам долзарблик касб этади. Бугуннинг талаби эса шундай: “.... биз одамларимизнинг эскича психологиясини ўзгартириб уларда янги ҳукукий онгни шакллантиргимиз лозим. Шундай бўлсинки, ҳар бир ишни инсон эркинликлари – айни вақтда муайян бурч: мажбурият ва маъсулият эканлигини чукур ҳис этиб турсин”<sup>2</sup> Инсон ҳукуки маданияти ҳукукий онгнинг таркибий элементидир. Ўз навбатида ҳукукий онг ва ҳукукий маданиятсиз инсонпарвар демократик давлатни барпо этиш мушкул масаладир. Зоро, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “... ҳукукларни ҳаётта жорий этиш учун ҳар бир инсон ҳар бир фуқаро ўз конституциявий ҳукукларини, унга шу ҳукукларни берадиган қонунларни пухта билиши зарур. Бусиз инсон ҳукуклари ва инсон эркинликлари тўгрисидаги барча мушоҳадалар курук гап бўлиб колаверади”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Узбекистон келожаги буюк давлат. Узбекистон: маглуб ястикот, иктисад. сиёсат. мағибура. Т.1.-Т. 1996. – 125 б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришининг муҳим вазифалари. -Т. Узбекистон 1996. – 25 б.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2-чакарлик 12-сессиясида суръатан нутжи.

Инсон ҳуқуки маданияти – ижтимоий тараккиётнинг барометридир. Чунки жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятининг холати у ёки бу давлатнинг демократик тараккиёт даражасини ҳам белгилайди. Давлатнинг инсон ҳуқуки маданиятини юксалтириш борасидаги сиёсатини асосий мақсади жамиятда инсон ҳуқуки устуворлигини таъминлаш ва ҳар бир шахснинг қонун билан кўрикландиган манфаатларини химоя қилишдан иборатdir. Юртбошимиз И. Каримов таъбири билан айтганда, “... Токи жамиятнинг ҳар кайси аъзоси ўз ҳуқуки, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёжи сифатида англамас экан бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъий-харакатларимиз бесамар кетаверади. Бугун одамларнинг дунёкараши онги-тасаввурини ўзгартириш мана шу масала билан чамбарчас боғлик бўлиб қолди”<sup>1</sup>.

Инсон ҳуқуки маданияти муаммоси ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Инсон ҳуқуки маданияти ва демократия тушунчалари ҳам бир-бири билан узвий алоқадордир. Шу боис инсон ҳуқуки маданияти демократик қадриятлардан озиқланади ва рӯёбга чиқади. Инсон ҳуқукларисиз демократияни тасаввур этиб бўлмайди. Инсон ҳуқуклари бу бутун инсониятнинг интилишлари, орзу-умидларини ижтимоий ҳаётда қарор топтириш билан боғлик кенг камровга эга бўлган демократик қадриятdir. Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари бўйича 500га яқин ҳалқаро хужжатлар мавжуд бўлиб, уларда инсон ҳуқукларига оид коида ва нормалар ифодасини топган. Инсон ҳуқуки маданиятининг умумий андозалари қўйидаги қоидалар билан тавсифланади. Биринчидан, демократия ва инсон ҳуқуклари ҳамда эркинликларини тан олиш ва химоя қилиш – бу давлат мажбуриятидир; Иккинчидан, инсон ҳуқуклари ва эркинликлари кафолати ҳалқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада ҳалқаро ҳуқукнинг устуворлиги; Учинчидан, инсон ҳуқуклари ва эркинликлари унга тутиганидан бошлиб тааллуклидир, яъни табиий ҳуқуқ ғояси назарияси зътироф этилиши; Тўртинчидан, ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуклари ва эркинликларининг тентг ва баробар тааллуклиги; Бешинчидан, инсон ҳуқуклари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этишлиги; Олтинчидан, фукароларнинг кафолатланган суд химояси билан таъминланиши;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовинг Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раиси саволларига жавоблари // Ҳалқ сўюз. 1998 йил 14 ноябрь.

Еттингидаң инсон ҳуқүк ва эркинликларини амалга ошириш бошқа шахс ҳуқуқларини бузмаслиги.

Хозирги замонда дунё мамлакатларидағи демократия ва инсон ҳуқуқларига оид конунчилердегі ўзига хос ҳусусиятларига инсон ҳуқуқларини тұла амалга оширишнинг ҳуқуқий қафолатларини таъминлаш; конституциявий юстиция (судлов) ни ривожлантириш; инсон ҳуқуқларига оид халқаро міллій институтларни шакллантириш; янги демократик институтларни жумладан Омбудсман институтини тараққий еттириш киради<sup>1</sup>.

Инсон ҳукуки маданияти жуда кенг камровли түшунча бўлганлиги сабабли фуқаро ва аҳолининг амалдаги конун ҳужжатларининг инсон ҳуқуқларига оид умумий негизларини билиши ва ундан фойдаланиш қобилиятыга эга бўлишини ҳам тақозо этади. Айникса, давлат ҳокимияти тизимида ишлайдиган ҳар бир ходим инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва міллій конун ҳужжатларини мукаммал эгаллаган бўлиши шарт.

Агар инсон ўз ҳукуки ва конун билан кўрикланадиган манфаатларини қандай химоя килишни билмаса, бундан давлат ҳокимиятидаги бюрократлар фойдаланади. Энг ачинарли тарафи шундаки, ҳукукни қўлловчи субъект томонидан конунни кўллашни билмаслиги инсон ҳуқуқларини бузилишига сабаб бўлади. Конституция ва инсон ҳуқуқларига оид конун нормаларини билмаслик инсон ҳукуки маданиятини юксалтиришга ҳам ёрдам бермайди. Инсон ҳукуқига оид конунчилек норманинг мохиятини тўғри идрок этмаслик уларнинг конун билан кўрикланадиган манфаатларига путур етказади. Бошқача айтганда, инсон ҳукуқининг бузилиши шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солади. Инсон ҳукуқини олий қадрият сифатида ҳурмат қилиш ва уни эъзозлаш ҳар бир шахс, жамият ва давлат олдида турган муҳим мажбуриятдир. Конунийлик инсон ҳукуки маданиятининг ажralmas қисмидир. Кучли ҳуқуқий давлатни барпо этишга конунийликни таъминламасдан ва инсон ҳукуки маданиятини юксалтирмасдан зришиб бўлмайди.

Юртбошимиз И.Каримов таъбири билан айтганда, “Инсон – жамиятга, жамият – инсонга ҳамнафас”, деган шиор турмушимизнинг конуни бўлиб колиши, республикамиздаги ҳар бир кишининг турмуш фаровонлигини оширишда энг муҳим шартга айланиши керак...”<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Сайдов А.Х., Жўзжоний А.Ш. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари: тарихий ҳуқуқий лавҳалар. -Т. 1998. -Б 19-21.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Узбекистон мустақилликка зришии останасида. -Т. Узбекистон, 2011. - 229 6.

Ўтмишдан бизга маълумки, ижтимоий ҳаётни бюрократлаштириш ва маъмурий-бошқарув усули инсон ҳукукларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатди. Бундай шароитда инсон ҳукуки маданиятини ошириш ҳам мураккаб масала бўлиб хисобланар эди. Ҳукуқнинг бунёдкорлик ижтимоий ролига баҳо бермаслик демократик ҳукукий давлатнинг функционал фаолиятига ҳам хавф солади. Инсон ҳукук ва эркинликларининг чекланиши ва тақиқланиши улар сиёсий-иктисодий, ҳукукий фаоллигига пуртурсизади. Бошқача айтганда, инсоннинг бунёдкорлик фаолиятларини рўёбга чикариш имконини бермайди.

Айни маънода инсон ҳукуки жамият ва давлат тараққиётининг ҳал қилувчи омилидир. Жамият ва давлат ўз фуқароларига қанчалик кенг ҳукук ва эркинликларни берса, шунчалик ривож топади ва фаровонликка эришиш таъминланади. Ўтмишда фуқароларнинг энг муҳим иктисодий ҳукуки чекланганлиги сабабли тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имкониятини бермади. Ҳолбуки, инсоннинг мулкдорлик ҳукукини таъминламасдан озод, обод ва фаровон жамият ва давлат барпо этиб бўлмаслик аниқ ва равшан эканлиги барчамизга маълум. Мамлакатимизда демократик бозор ислоҳотларини янада чукурлаштириш баробарида тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатланганлиги жамиятни олға силжитувчи куч сифатида намоён бўлмоқда. Инсонга берилган ҳукук ва эркинликлар уни ташаббускорликка, тадбиркорликка ва ишга ижодий муносабатда бўлишга чорлайди. Айникса ҳозирги шароитда бозор тамойилларига асосланган бошқарув тизими қобилияти, ташкилотчи, ижодкор ва ўз масъулиятини зиммасига оладиган кишиларга муҳтоҷдир. Қонун нафакат давлат эрки-хоҳишини балки, инсон ҳукуки маданиятининг олий ҳукукий шақли ва унга эришишнинг норматив-ҳукукий асосидир. Бошқача айтганда, эндилиқда қонунларнинг энг аввало устувор жиҳатдан инсон эрки-хоҳишини ўзида тўлик мужассамлаштиришига эришиш зарур. Ўтмишдан маълумки, қонунчиликдаги оғирлаштирувчи ҳолатлар ва кучли жазолаш амалиёти ижобий натижа бермади. Бундай ёндошув инсонларнинг собик тоталитар давлатга нисбатан нафратини уйғотганлиги яқин ўтмишимиздан ҳам барчага аён.

Мустақиллик қадриятларининг карор топиши туфайли миллий қонунчилигимиз ғояси, фалсафаси тубдан ўзгариб, ижтимоий адолат ва қонунийликнинг инсонпарварлик жиҳатларига алоҳида эътибор каратишни устувор вазифа килиб белгиланганлиги ўз натижасини

бермоқда. Инсон шаъни, қадр-кимати, ҳукуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида баҳоланиши миллий конунчиликни ривожлантиришнинг истиқболини белгилаб бермоқда. Юртбошимиз И.Каримов зътироф этганидек, “Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурларини ишлаб чиқариш энг аввало ҳуқуқни муҳофаза килиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳукуқ ва эркинликларини химоя килишни таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид конунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак”<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, инсон ҳукуқ ва эркинликлари химоясини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади. Бу олий қадриятнинг ғоятда муҳимлиги шу билан изоҳланадики, ҳар бир давлатнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаши билан бир каторда, демократик қадриятларга шунингдек умуминсоний, маънавий-аҳлоқий принципларга содиқликнинг даражаси ҳам назарда тутилади.

Ўзбекистон мустакилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини рағбатлантириш, мустаҳкамлаш бўйича мақсадга мувофиқ, изчил ва зътиборга молик сиёsat амалга ошириб келаётганлиги ва ҳалқаро ҳамжамият томонидан ҳар томонлама кизгин зътироф этиб келинаётганлиги фикримизнинг ёркин далилидир. Бундай сиёsat бирорларга кўз-кўз килиш маъносида эмас, балки барчани ҳавасини келтирадиган кучли ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида собитқадамлик билан бугунги ва келажак авлоднинг баҳт-саодати ва фаровонлигини назарда тутиб амалга оширилаётган тадрижий жараёндир. Бундай йўналишдаги илк қадамлардан бўлиб, мустакил Ўзбекистоннинг Конституцияси кабул килинганлиги ва унда умумэтироф этилган ҳалқаро ҳукуқ нормаларига мос ҳолдаги ҳукуқ ва эркинликлар мустаҳкамлаб қўйилганлигидир. Бу оламшумул аҳамиятга молик воқеадир. Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид 100 га яқин ҳалқаро ҳужжатларга қўшилган ҳолда инсон ҳукуқ ва эркинликларини рағбатлантириш ва химоя килиш учун зарур ташкилий-ҳукукий шароитларни яратиш бўйича ўз зиммасига олган

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик испохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш кошенишлари // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг кушма мажлислидаги маърузаси - Т. Ўзбекистон. 2010. - 46 б.

мажбуриятларини сабитқадамлик билан бажариб келмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳонда инсон ҳуқук ва эркинликларига содиклиги, унинг обруси, нуфузи ва мавкеининг тобора ошиб боришини таъминламоқда. Мамлакатимиз ўзининг тараккиёт моделига таянган ҳолда инсонларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва моддий ҳукукларини амалта оширишнинг механизмларини таъминлайдиган ташкилий-ҳукукий чоралар кўрилаётганлиги ҳамда бу борада киска муддатлар ичидаги эътиборга лойик ишлар амалга оширилганлиги барчанинг хавасини келтирмоқда, деб айтиш учун тўлиқ асослар мавжуд.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ Ўзбекистонда демократия умуминсоний принципларга асосланади. Уларга кура инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-киммати ва бошқа дахлсиз ҳукуклари олий кадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқук ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Конституциявий нормаларнинг таҳлили кўрсатишича, инсон ҳукуклари олий кадрият сифатида мустаҳкамланганлиги давлат уни ҳимоясини таъминлашга масъул эканлигидан далолат беради. Шу боис инсон ҳукуклари ҳимояси Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши таъминланади. Бошқача айтганда, жамиятда Конституция ва қонуннинг устуворлигини таъминламасдан туриб инсон ҳукуклари ҳимоясини таъминлаш мушкул масаладир. Конституциянинг 14-моддасида ҳам ифода этилганидек, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

Инсон ҳукукларининг олий кадрият сифатида тавсифи қўйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, инсон ҳукуки у туғилганидан бошлаб вужудга келади, унинг мутлоқ ҳукуки бўлиб ҳисобланади; иккинчидан, инсон ҳукуки давлат ҳимояси остида бўлиб, хар бир шахснинг тенг ҳукуклилиги ва кафолатланган ҳукуклар мажмуасига эга бўлишда ёркин намоён бўлади; учинчидан, инсон ҳукуки – олий қадриятдир, уни хурмат килиш унга риоя этиш ва ҳимоялаш давлатнинг устувор мажбуриятидир. Бу мажбуриятни бажармаслик инсон ҳуқук ва манбаатларига пуртур етказилишига сабаб бўлади. Шу боис хар кандай демократик давлат инсон ҳуқук ва эркинликларига риоя килиш масаласига давлат сиёсатининг устувор вазифаси деб карайди; туртингчидан, инсон ҳукуклари – давлат ҳокимияти устидан назорат килишнинг муҳим воситаси бўлиб,

халқаро ва миллий институтлар томонидан унинг химояси кафолатланади; бешинчидан, инсон ҳуқук ва эркинликлари таъминланиши уни ҳар қандай белгилар бўйича камситиш билан номутаносибдир; олтингчидан, инсон ҳуқук ва эркинликларининг амалга оширилиши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслиги лозим; еттинчидан, шахсий, сиёсий, иктисадий ва маданий ҳуқук ва эркинликлар ўзининг аҳамияти ўзаро яқин узвийлиги, ажралмаслиги билан тенг равища баҳоланади ва олий қадриятлар бўлиб хисобланади. Энг муҳими, инсон ҳуқуқлари химоясини таъминлашда умумэътироф этилган халқаро ҳуқук нормалари билан бир қаторда Конституция, қонунлар ва миллий қадриятларнинг роли бекиёсdir.

Инсон ҳукуки ва аҳолининг ҳуқуқий маданияти тушунчалари узвий боғлик ва ҳамоҳангдир. Шу боис инсон ҳуқуқлари жуда кенг тушунча бўлиб ўз ичига тизимли равища ҳуқуқий маданиятни ҳам қамраб олади. Кучли ҳуқуқий давлатдан-кучли фуқаролик жамиятига ўтишда биринчидан, инсон ҳукуки маданияти иккинчидан, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини узвийлигини таъминлаш баробарида уни юксалтиришга зериши мустакил демократик тараққиётнинг гаровидир. Конституциявий нормалар таҳлили далолат беришича. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқук ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чикиши, зътиоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар факат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқук ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд карорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга хеч ким ҳақли эмас. Фуқаролар ўз ҳуқук ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт. Яшаш ҳукуки ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига сунқасд килиш энг оғир жиноятдир. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Хеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки камоқда сақланиши мумкин эмас. Жиноят содир этганлиқда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор хисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини химоя қилиш учун барча

шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка шафқатсиз ёки инсон кадр-кимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийкқа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас. Ҳар ким ўз шашни ва обрўсига қилинган тажковузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан химояланиш ва турар жойи дахлислиги ҳукукига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташкири бирорнинг турар жойига кириши, тинтуб ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳукукига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳукукига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳукукига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошка чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқук ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим. Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қиласлик ҳукукига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл кўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши ҳукукига эгадирлар. Бундай иштирок этиши ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиши йўли билан амалга оширилади. Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалта ошириш ҳукукига эгадирлар. Ҳокимият органлари факат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳукукига эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш,

оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳукуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқулари, эркинликлари ва қадркимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат орғаниларга, муассасаларига ёки ҳалк вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳукуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт. Ҳар бир шахс мулқдор бўлишга ҳақли. Банкка кўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳукуки қонун билан кафолатланади. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин қасб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳукуқига эгадир. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади. Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳукуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳак тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳукуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб кўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳукуқига эга. Ҳар ким билим олиш ҳукуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқлариidan фойдаланиш ҳукуки кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига гамхўрлик қиласи. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонуларда мустаҳкамланган ҳуқулари ва эркинликларини таъминлайди. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқук ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриконуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳукуки кафолатланади. Вояга етмаганлар, меҳнатта лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқулари давлат ҳимоясидадир. Хотин-қизлар ва эркаклар тент ҳукуклидирлар.

Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадркимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрashга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир. Фуқаролар атроф табиий муҳитга эктиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар. Фуқаролар қонун билан белгиланган соликлар ва маҳаллий йигимларни тুлашга мажбурдирлар. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Дарҳақиқат, қонунда белгиланишича инсон ҳуқуқлари эркинликлари ва бурчлари бўйича маданиятни юксалтириш уни олий қадрият сифатида жамиятда қарор топтиришнинг муҳим омилидир. Инсон ҳуқуқи маданияти шахснинг ижтимоий ва ҳуқуқий фаоллиги даражасига ҳам чамбарчас боғлиқдир. Шу боис инсон ҳуқуқи бўйича таълим ва маърифий ишларни тизимли ташкил этиш инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ёрдам беради. Ўз навбатида жамият аъзоларини сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг барқарор ривожланишида улар иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Айниқса, миллий қадриятлар асносида сиёсий-ҳуқуқий фаоллик инсон ҳуқуқи маданиятининг юксалишига ҳам олиб келади. Шахснинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги ва инсон ҳуқуқи маданиятини шакллантиришга эришишга ҳам ёрдам беради. Бошқача айтганда, инсон ҳуқуқи маданияти жамиятда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида ҳимоясини таъминлэшнинг ғоятда муҳим кафолати бўлиб ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқи маданиятининг шахснинг ҳалқаро глобал муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга бевосита алокадорлигини назарда тутсак, инсон ҳуқуқи маданияти ва улар ҳавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқий давлатни барпо этишининг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Айниқса, инсон ҳуқуқи маданияти ва мустақиллик қадриятларининг узвийлиги ва барқарорлиги демократик тараққиётга эришишнинг ҳал қилувчи шартидир. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантаришида инсон ҳуқуқи маданиятини юксалтиришга эришилаётганлиги, мустақил

демократик тараққиёт борасида миллий моделимизнинг ижтимоий ҳаётда татбиқ этилиб, ўзининг самарасини берадётганлигининг ёрқин кўрсаткичидир.

Инсон ҳуқуқи маданияти кучли демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг ноёб фазилатидир. Том маънода инсон ҳуқуқи маданияти фуқароларнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ҳуқуқий фаолликларини, шу жумладан, улар ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини рӯёбга чиқаришга кўмак берадиган ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир. Инсон ҳуқуқлари маданияти биринчидан, жамият ва давлатни инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришнинг энг муҳим воситаси ва ғоятда зарур шарти ҳисобланади. Иккинчидан, инсон ижтимоий гурухлар ва жамиятнинг умуман конституциявий-ҳуқуқий институтларга тегишлича муносабатда бўлишларини шакллантиришга таъсир кўрсатади. Учинчидан, шахснинг фуқаролик фазилатларини (ҳуқуқни инсон ҳуқуқлари орқали идрок этиш, фуқаролик фаоллиги, жамият ва давлат манфаатларини англаш ва ўз хатти-харакатлари учун жавобгарлик) ривожлантириш имконини беради. Тўртинчидан, ҳуқуқий онг бузилиши ва ҳуқуқий нигилизмни бартароф этишнинг муҳим воситаси десак, муболага бўлмайди. Бешинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг конституциявий муносабатини ўзгартиради, ундан фойдаланиш кўникмаларини самарадорлигига ишончни шакллантиради<sup>1</sup>.

Инсон ҳуқуқлари маданияти умумий маданият турларидан бири бўлиб, инсонлар томонидан ўз ҳуқуқларини англашлари, уларнинг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолдаги фаолияти хусусиятларини ифода этади. Инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашда унинг хавфсизлиги чораларини кўриш энг долзарб вазифадир. Бинобарин, ҳар қандай хавфсизликни таъминлашда шахс омили биринчи ўринда туради. Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “Узбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари ташки ва ички таҳдидлардан кафолатланган тарзда ҳимояланганлигини билдирадиган миллий хавфсизлик комплекс тадбирлар тизимиdir”<sup>2</sup>. Энг муҳими инсон ўз ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамда эркинликлари,

<sup>1</sup> Бу ҳакида матбуотда асосли ишқтан-назарлар билдирилмоқда масалан, қаранг: Сайдов А.Х. Мустақаблик ва инсон ҳуқуқлари маданияти // Миллый тикшорсан. 2011 йил 11 июль

<sup>2</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт. Бўлида Т 6 – Т. Узбекистон, 1998. -142 б.

ҳаёти, мулкини ҳуқуқий ҳимоя қила олиш ва ўзининг хавфсизлигини таъминлаши бўйича чоралар кўриш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Давлатимиз раҳбари И.Каримов таъбири билан айтганда, “Барча замонларга ва ҳалкларга хос бўлган энг асосий, энг муҳим, энг умумий мақсадни аниқлайдиган бўлсак, шуни тўла асос билан айтиш мумкинки, давлат пайдо бўлгандан буён, инсон ўзининг хавфсизлигини ҳимоя қилишни, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланишини давлатдан кутади, ҳокимиятдан нажот излади. Ҳокимият шу табиий талабларга жавоб беролмаса, очигини айтганда, бунақа ҳокимият ҳеч кимга керак бўлмайди”<sup>1</sup>. Шу маънода шахс хавфсизлиги ва инсон ҳуқуқий маданияти уйғун тушунчалардир. Шахс хавфсизлигини тушуниш мақсадида уни бир неча гурухларга ажратиб тавсифлаш мумкин. Буларга шу жумладан, инсоннинг шахсий (жисмоний хавфсизлиги – унинг ҳаёти, соглиги ва қадр-кимматини ҳимоя қилиш; фуқаролик (сиёсий) хавфсизлик - инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишнинг таъминлангани; инсоннинг экологик хавфсизлиги – қулай атроф-мухитга эга бўлиш ҳуқукининг кафолатлангани; мулкий хавфсизлик – мулкий ҳуқуқларнинг таъминлангани; тадбиркорлик хавфсизлиги – жиной тадбиркорлик ва монополистик фаолият ва носоғлом рақобатчилик намоён бўлишдан ҳимояланиш; ахборот хавфсизлиги бир томондан шахс ҳақида унинг розилигисиз ахборот тўплаш, саклаш, фойдаланиш ва тарқатиш иккинчи томондан эса, инсоннинг ҳаёти ва соғлиги учун таҳдидни вужудга келтирадиган фаолият ва ҳолатлар бўйича ахборотлар олиш; меҳнат хавфсизлиги – хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароити мажбурий меҳнатни тақиқлаш, ишисизликдан ҳимояланиш; истеъмол хавфсизлиги – лозим дараҷадаги сифатли, инсонни ҳаёти ва соғлигини кафолатлайдиган товар ва хизматларни олиш эҳтиёжи ҳамда ҳуқуқи киради. Шунингдек, инсоннинг биологик, ижтимоий психологик генетик, репродуктив, интеллектуал ва маънавий хавфсизлигини таъминлаш ҳам унинг ҳуқуқий маданиятининг таркибий кисмидир. Кайд этилганларга асосан эътироф этиш жоизки, инсон ҳуқуки маданияти жуда кенг қамровли тушунча бўлиб бундай олий умуминсоний маданиятни шакллантириш улар хавфсизлигини таъминлашнинг ғоятда муҳим кафолатидир. Шахс хавфсизлигини таъминламасдан туриб инсон ҳуқуки маданиятини юксалтириб

<sup>1</sup> Каримов И.А. Одамлар биздан амалий ишлар, аниқ, нағижаларни кутмоқда // Ўзбекистон мустақиллик сарниши остонасида. –Т: Ўзбекистон, 2011. -124 б.

бўлмайди. Шу боис инсон ҳукуки маданиятини юксалтиришда шахснинг хавфсизликка бўлган ҳукуқни таъминлаш чораларини кўриш жамият ва давлат олдида турган муҳим вазифадир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда инсон ҳукуки маданиятини юксалтиришнинг таъминланиши демократик тараққиётта эришишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласи.

#### **2.4 §. Инсон ҳукукларини ҳимоя қилишда ҳукуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичи сифатида юксак ҳукукий маданиятнинг зарурияти ва муаммолари**

Бугун биз тарихий бир даврда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш босқичида аҳолининг, болалар ва ёшларнинг ҳукукий маданиятини ошириш айниқса, Конституция ва қонунларга ғоятда чукур хурмат ғояси ҳаёт қоидасига айланган, жамият ҳукукий тафаккурини ривожлантириш борасида тўғри ва аниқ мақсадни кўзлаб, улкан натижалар қўлга киритилаётган замонда яшамоқдамиз. Ҳукукий маданият кузатиш қийин бўлган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Ҳукукий маданиятнинг ахборот, баҳолаш ва эрк-ҳоҳиш каби элементлари мавжуд. Инсон қонунни англаб, уни баҳолаб қонунда назарда тутилган шартларда нима қилиш лозимлигини ҳал этади. Зеро қонун асосида ҳаракат қилиш шахс, жамият ва давлат манфаатига тўлиқ мос келади. Ҳукукий маданиятсиз шахс, жамият, давлат ҳаётини тасаввур этиб бўлмайди.

Президентимиз И.А.Каримов айтганидек, “Ҳалқимизнинг ҳукукий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта улут ҳукукка эга бўлиш деган тушунча ётади. Яъни, мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини куриш, балки ўз ҳаёт-мамотини ҳал этишда катта ҳукуқка эгалик ҳам демакдир”. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “Ўзбек модели”га мос ҳолда барча демократик ислоҳотлар Конституция ва қонун устуворлиги асосида амалга оширилаётганлиги барчамизга аён. Фуқароларнинг ҳукукий онги ва маданияти ислоҳотларни амалга

оширишнинг. эркин ва фаровон жамият барпо этишнинг, хукукий тафаккурли комил инсонни шакллантиришнинг муҳим тадрижий шартидир. Миллий хукукий тизимнинг жадал ривожланаётган шароитида хукукий маданиятга эга бўлган шахсина ислоҳотларни амалга оширишда фаоллик кўрсата олиши, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашимиз учун фидоийлик билан курашишга қодир бўлиши мумкин. Ўтмишдан фаркли ўларок хукукий маданият фуқаролик жамиятининг зарурӣ белгиси, хукуқни амалга ошириш ва уни ҳимоя қилишнинг шарти сифатида инсонни инсон бўлиб шакллантиришда, конунчиликка асосланган барча ислоҳотларни харакатга келтирувчи куч ва юридик “бойлик” сифатида муҳим иҷтимоий омил бўлмоқда. Қолаверса, ҳалқимизда “Хукуқини билган ҳақини бермас”, деган нақл бор. Энг аввало, хукуқ нормалари талаблари бевосита инсонларга қаратилади. Шу сабабли бу талаблар уларнинг эрки-ҳоҳиши асосида хукукий онг ва хукукий маданият юридик усқурманинг ажралмас қисми сифатида шахс ва жамиятнинг маънавий юксалиш учун зарурдир.

Бу ўринда мамлакатимиз икки палатали парламенти томонидан қабул қилинган қонунларнинг инсоннинг юксалишида ва диёримиздаги барча ислоҳотларга даҳлдорлик туйғуси билан яшаш демократик тараққиётга эришишнинг энг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Миллий хукукий тизимни модернизация қилиш ва шу жумладан, аҳолининг хукукий маданиятини ошириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳар бир шахснинг манфаатига хизмат қилаётганинг, онгу шууримиздан чукур жой олган азалий ва замонавий миллий қадриятларнинг амалий ифодасидир.

2010 йил 12 ноябрда Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”<sup>1</sup> мавзусидаги маъруzasida таъкидланганидек, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффакияти кўп жиҳатдан одамларнинг хукукий онги ва хукукий маданият даражасига боғлиқdir. Юксак хукукий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруzasи - Т: Узбекистон, 2010. -27 б.

маданият – демократик жамият пойдевори ва хуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир. Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-хуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда хуқукий таълим ва маърифатни, жамиятда хуқукий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда кабул қилинган “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” том маънода миллий хуқукий донишмандликнинг тарихий анъаналарига, инсон манфаатларига мос келадиган, давлат ва жамият аҳамиятига молик хуқукий ҳужжат вазифасини бажармоқда. Бундай ҳужжатнинг хорижий давлатлар қонунчилик амалиётida камдан кам ҳолларда кузатилиши жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида барчанинг ҳавасини келтирадиган норматив-хуқуқий ҳужжат эканлигидан далолат беради.

Маълумки, миллий дастурнинг асосий мақсади аҳолининг барча катламлари хуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги хуқукий онгга зга бўлишлари ҳамда хуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун хуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратишдир. Ушбу мақсадга эришиш борасидаги асосий вазифалар қўйидагилардан иборат: Хусусан, хуқуқий таълим ва хуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш; барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда ҳуқуқка хурмат билан муносабатда бўлишига эришиш; аҳолининг хуқуқий саводхонлигини ошириш; фуқароларнинг ижтимоий-хуқуқий фаоллигини таъминлаш.

Хуқукий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш соҳасидаги давлат сиёсати қўйидаги принципларга асосланади: Чунончи, инсон хуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги; Конституция ва қонуннинг устунлиги; демократияга асосланганлик; ижтимоий адолат; илмийлик; узлуксизлик; хуқуқий тарбиядаги ворислик ҳамда умумийлик; хуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги; хуқуқий тарбия ва хуқуқий маорифнинг бирлиги ҳамда уларга табақалаштирилган ёндашув.

Юксак хуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари бўлиб: фуқаро. жамият ва

давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқукий маданияти ҳамда ижтимоий фаоллиги юксалишини таъминлаш; аҳолининг ҳуқукий маданиятини шакллантиришда фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш; аҳолини ҳуқукий ахборот билан таъминлаш, илмий-оммабоп юридик адабиётлар нашр қилиниши ва тарқатилишини давлат томонидан кўллаб-кувватлаш; ҳуқукий таълим ва ҳуқукий тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштириш; юридик таълим, кадрларни тайёрлаш ва кайта тайёрлашнинг замонавий тизимини ривожлантириш; ҳуқукий маданиятнинг илмий асосларини тадқиқ этишни рағбатлантириш, ижтимоий-ҳуқукий тадқикотларни ташкил этиш; миллый анъаналар ҳамда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш асосида аҳолининг ҳуқукий онги ва ҳуқукий маданиятини шакллантириш кабилар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш борасида белгиланган энг муҳим устувор вазифаларни бажариш максадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги 6 та Фармойиши билан Концепцияда белгиланган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуки эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чукурлаштириш йўналишлари бўйича жами бўлиб 47 та норматив-ҳуқукий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш вазифалари белгиланган. Бу ҳам ўз навбатида, янги сиёсий-ҳуқукий воказеликни ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши назарда тутилаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ижрочи ва аҳолига, айниқса ёшларга етказиш бўйича кенг камровли ҳуқукий маданиятни юксалтириш чора-тадбирларини амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги “Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада

чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини шакллантириш Концепциясини суд-хуқук тизимини ислоҳ этиш соҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармойишининг 6 бандига кура бугунги сиёсий-хуқуқий вокеликни хисобга олиб мамлакатимизда хуқукий таълим ва маърифатни, жамиятда хуқукий тарғиботни тубдан яхшилашга йўналтирилган Жамиятда хуқукий маданиятни юксалтириш миллий дастури” лойихасини тайёрлаш вазифаси белгиланган. Жамиятда хуқукий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг янги таҳририни тайёрлаш ва кўриб чикишнинг аҳамияти ва заруриятини бир катор омилларга кура тавсифлаш мумкин.

Энг аввало, депутатлар корпуси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, маслаҳат бериш ва маърифий фаолиятни амалга ошираётган фукаролик институтларининг фукаролар хуқукий маданиятини, юксак хуқукий онгини ошириш бўйича ишларни ташкил этишдаги фаолиятининг самарали мувофиқлаштиришни таъминлаш зарур. Бундай кенг кўламдаги хуқукий маданиятни юксалтириш фаолиятини амалга оширишда хуқукий тарбия ва тарғиботнинг замонавий таъсирчан шакл ва усусларидан, аҳборот коммуникация технологиялари ва оммавий аҳборот воситаларининг имкониятларидан самарали фойдаланишни такозо этади. Энг муҳими, аҳолининг, хуқукий соҳа ходимларининг, маслаҳат бериш ва маърифий ишларни амалга оширувчи жамоат бирлашмалари ходимларининг хуқукий маданиятини ошириш устувор вазифа сифатида қаралмоғи шарт. Қолаверса, фукароларга хуқукий таълим бериш ва уларни тарбиялаш уларда конунларга, инсон хукуклари ва эркинликларига хурмат билан муносабатда бўлишни, конунга итоаткор хулқ-атворни шакллантириш соҳасидаги ишларни самарали ташкил этишга нафақат сўзда, балки амалда эришишни таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият берилиши лозим. Шунингдек, хуқукий билимлар марказлари тармокларини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ривожлантиришни, масоғадан туриб хуқукий маслаҳатлар кўрсатиш ҳамда оммавий аҳборот воситаларида аҳолининг хуқукий маданиятини оширишга қаратилган доимий руқнларни кўпайтириш, ушбу соҳага оид янги ўқув дастурлари, дарсликлар ва услубий кўлланмаларни ишлаб чиқиши йўли билан фукароларнинг хуқукий аҳборотдан эркин фойдаланишини кенгайтириш билан боғлик бир

қатор вазифаларни ҳал этиш қайд этилган миллий дастурни янги таҳрирда ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқармокда.

Тизимли таҳлил натижалари жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат беради. Хусусан, “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”ни комплекс мониторинг қилиш амалиётига талаб даражасида эътибор қаратилмаётгандлиги; амалдаги миллий дастурнинг айрим талаб-коидаларини бажаришга тўлиқ эришилмаганлиги (масалан, жамоатчилик юридик маслаҳатхоналар ташкил этиш, Ўзбекистон юристлар уюшмасини ташкил этиш, ҳуқуқий тарбияни қўллаб-кувваглаш бўйича ҳукуматга қарашли бўлмаган жамғармани тузиш, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданияти даражасига нисбатан алоҳида талаблар ишлаб чиқиши билан боғлик талаблар ижроси таъминланмаганлиги); жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича идоралараро мувофиқлаштиришнинг самарали тизими йўлга қўйилмаганлиги; ҳуқуқий маданиятга оид конун ҳужжатларининг тизимлаштирилган тўплами мавжуд эмаслиги; ҳуқуқий нашрлар ададининг камлиги сабабли уларни ҳуқуқий ахборот истеъмолчиларига етказиб бериш имкониятининг чекланганлиги; аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича давлат ва нодавлат ташкилотлари ижтимоий шерикчилигининг механизми ишлаб чиқилмаганлиги; аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш чора-тадбирлари “таркок”, “мавсумий” тусда булиб, тизимлаштирилган мазмунга эга эмаслиги; ҳукуқшунос мутахассисла<sup>р</sup> ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида ҳуқуқий маданият дастурларини комплекс рӯёбга чиқаришнинг тизими. Бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги; ҳуқуқий тарғибот билан шуғулланадиган мутахассисларнинг малакаси ва қасб-маҳоратини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқишга етарли аҳамият берилмаётганлиги; давлат ва хўжалик бошқаруви коллегиал органлари ва йиғилишларида “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”нинг тегишли тармоқ ёки соҳаларда ижро қилиш холати бўйича таъсиричанликнинг этишмаслиги; аҳолининг ҳуқуқий маданияти билан шуғулланадиган ҳуқуқий соҳа ходимлари ва ҳуқуқий ахборот исеъмолчилари ўртасида

самарали ва тизимли ҳамкорлик ўрнатилмаганлиги; ахборот коммуникация технологиялари орқали ҳуқуқий ахборотни олишнинг самарали тизими ишлаб чиқилмаганлиги; ҳуқуқий ахборот етказиш бўйича тегишли давлат ҳокимияти органлари матбуот хизматлари фаолиятининг сустлиги; юридик таълим муассислари ва бошка ҳуқуқий тарғибот амалиёти билан шугулланадиган мутахассисларни рагбатлантириш механизмининг бугунги кун талабига жавоб бермаслиги ва ҳ.к.

Янги сиёсий-ҳуқуқий воқелик шароитида, ахолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг назарий асосларини, ахолининг, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, депутатлик корпушлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза кивлувчи органлар, таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш, ахолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш жараённida замонавий шакл ва усуслардан, ахборот коммуникация технологиялари ва оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш ва ахолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг ўкув-услубий асосларининг самарадорлигини ошириш борасида куйидагилар тақлиф этилади:

1. Ахолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг назарий асосларини ўрганиш борасида: Энг аввало, демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда давлат ва ҳуқуқ назарияси нуктаи назаридан ахолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги тушунчаси ва илмий категорияларининг назарий асосларини, ҳуқуқий маданият вазифаси, ҳусусияти, принциплари ва функцияларини тадрижий тадқиқ этиш; фуқаролик жамиятини шакллантиришда конунчилик, ижро, суд ҳокимияти, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари, ижрочи, ахоли, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги роли ва аҳамиятини очиб бериш; умуминсоний маданият, одоб-ахлок, ҳуқуқий ахлоқ, ҳуқуқий хулк-атвор, юксак маънавият, ҳуқуқий эрк-ҳоҳиш, юридик жавобгарлик, ҳуқуқий кадрият, ижтимоий онг, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий ғоя, ҳуқуқий маданият, юридик хизмат, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий маданият психологияси, ҳуқуқий маданият социологияси, ҳуқуқий нигилизм ва унинг олдини олиш, ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий идрок, ҳуқуқий хиссиёт, ҳуқуқий эътиқод, ҳуқуқни кўллаш, инсон хавфсизлиги, ҳуқуқбузарлик, инсон

хукуклари бўйича маданият, жамоатчилик фикри ва назорати, сиёсий маданият, иктисадий маданият, касбий хукукий маданият, процессуал хукукий маданият, хукукий фаолият тушунчаларининг ўзаро нисбати ва алоқаси бўйича тадқиқот ишларини бажариш; хукукий маданиятнинг юридик лингвистик, юридик хавфсизлик, юридик танқидчилик каби тушунчалар билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш; ахолининг хукукий маданиятини юксалтириш бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқот мавзуларини белгилаш ва унинг долзарб устувор йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини янада кучайтириш; ахолининг ва турли хил соҳа вакилларининг хукукий маданияти бўйича социологик тадқиқотларни амалга ошириш; ахолининг хукукий маданиятини оширишнинг ташкилий-хукукий шакллари, усуслари ва истиқболлари бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларини тайёрлаш бўйича замонавий тадқиқот ишларини жадаллаштириш; умумэътироф этилган халқаро хукук нормаларини ва ахолининг хукукий маданиятини ошириш бўйича ривожланган давлатларнинг тажрибасини киёсий ўрганиш юзасидан тизимли тадқиқот ишларини бажариш; хукукий маданиятни давлат-хукукий ва хусусий-хукукий институт сифатида табиатини очиб бериш; хукукий онгнинг тарқибий кисмлари: хукуқни билиш, хукукка муносабат ва унинг кўрсатмаларини бажаришни илмий тадқик этиш; ахолининг, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан онлавий тадбиркорлик субъектларининг хукукий маданиятини юксалтириш муаммоларини тадқик этиш; фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари- хусусий тадбиркорлик ва онлавий бизнесни ташкил этиш ва ривожлантириш борасидаги вазифаларини амалга ошириш бўйича тизимли тадқиқот ишларини бажариш лозим.

2. Ахолининг, бола ва ёшларнинг хукукий маданиятини ташкилий-хукукий асосларини юксалтириш борасида: Чунончӣ, “Жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш миллий дастури”нинг мониторингини ўтказиб, мавжуд муаммолар, уларни ҳал килиш чоралари ишлаб чиқиш; “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да назарда тутилган норматив-хукукий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини ёритиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиб унинг ижросини таъминлаш; хукукий тарғибот бўйича идоралараро Кенгаш тузиш ва уни мувофиқлаштиришнинг самарали тизимини йўлга қўйиш; янги сиёсий-хукукий воқелик шароитида

хукукий маданиятни юксалтириш бўйича адлия, суд ва хукукни муҳофаза қилувчи органлари ролини янада ошириш чораларини кўриш; юридик таълимни табакалаштирилган тарзда тадрижий такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётда татбиқ этиш; хукукий тарбияни кўллаб-қувватлаш бўйича нодавлат нотижорат ташкилот сифатида ижтимоий фонд ташкил этиш; жамоатчилик юридик маслаҳатхоналари ва экспертизасини ташкил этиш ва улар фаолиятининг мониторингини юритиш; мактаблар, лицейлар ва касб-хунар коллежларида хукукий маданият асосларини ўрганиш бўйича ишларни самарали ва оқилона ташкил этиш ҳамда хукукий фанлар бўйича дарс берувчи ўқитувчилар малакасини оширишнинг мақбул шакл ва усулларини янада такомиллаштириш; фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида аҳолининг хукукий маданиятини ошириш бўйича юридик хизматларни ташкил этиш; хукукий маданиятни юксалтириш бўйича театр, санъат, радио, кино, телеведения имкониятларидан кенг фойдаланиш; давлат ва хусусий корхоналари, нодавлат ташкилотлари, таълим муассасалари, барча ҳўжалик юритувчи субъектларда ойлик “Хукукий билимлар куни”ни жорий этиш; хукук нормаси ҳар қандай бузилишининг олдини олишга қаратилган мустахкам ва оқилона маънавий хукукий иммунитетини шакллантириш чораларини кўриш; ҳар йили фуқаролар мурожаатлари мониторингини ўтказиб бориш ва унинг натижалари бўйича аҳолининг хукукий ҳабардорлигига эҳтиёж мавжуд бўлган соҳалар бўйича тарғибот ишларини кучайтириш; нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг хукукий тарғиботда фаоллигини ошириш чораларини кўриш; хукукий тарбиянинг ишонтириш, огоҳлантириш, рағбатлантириш, мажбурлаш, жазолаш каби асосий усулларидан самарали фойдаланиш зарур.

3. Депутатлик корпушлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, суд ва хукукни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида: Шу жумладан, янги сиёсий-хукукий воқелик шароитида аҳолининг хукукий маданиятини юксалтириш бўйича депутатлик корпушлари, сенаторларнинг истиқболга мўлжалланган маҳсус режа ва дастурларини ишлаб чиқиш; аҳолининг хукукий маданиятини юксалтиришда парламент, ижро, суд журналистикаси имкониятларидан самарали фойдаланиш; аҳолининг ва хукукни кўлловчи субъектларнинг хукукий ҳабардорлик даражасини ошириш мақсадида конун ҳужжатларининг расмий манбалардан (шу

жумладан электрон дастур шаклида) фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш; ҳукукий таълим ва маърифатта ҳамда ҳукукий билимлар тарғиботи учун масъул бўлган мансабдор ва масъул шахсларнинг тасдиқланган режа ва дастурлар ижросини таъминлаш борасидаги масъулиятини ошириш; ҳукукий нигилизмнинг хар қандай кўринишларига хусусан, онгли равишда қонун ва конун ости ҳужжатлар талабларини бузиш ҳолатлари билан боғлик чораларни кўриш; ҳукукий маданият қонун ижодкорлик фаолияти ва ҳукукни кўллаш амалиётининг мезони эканлигини инобатга олиб комплекс чора-тадбирлани ишлаб чикиш.

4. Ахолининг ҳукукий маданиятини юксалтириш жараёнида замонавий шакл ва усуллардан, ахборот коммуникация технологиялари ва оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш борасида: Чунончи, жамиятда ҳукукий маданиятни юксалтиришнинг медиа режаларини ҳар йили ишлаб чиқиб, уни ижросини тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш; Республика ва вилоятлар миқёсида ҳукукий тарғиботга оид маҳсус телекўрсатув ва радиоэзишлишларни, уларнинг эфир вактларини катъий белгилаб, уни тизимли амалга ошириш чораларини кўриш; ҳукукий мавзуларда ёзадиган журналистларни тайёрлаш, уларни ихтисослаштириш, норматив-ҳукукий ҳужжатларни қабул килиш ҳукукига эга бўлган субъектлар матбуот хизматларининг бу борадаги ваколатларини белгилаш ва уни такомиллаштириш чораларини кўриш; кўп тиражли маҳсус ҳукукий нашрларни жорий этиш ҳамда уларни олис кишилек ва тоғли ҳудудларга етказишнинг амалий чораларини кўриш; мамлакатда Концепция, режа ва дастурлар асосида қабул килинаётган янги норматив-ҳукукий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳақида мунтазам маҳсус ахборот бериб боришнинг самарадорлигини ошириш чораларини кўриш; ҳукукий маданиятни юксалтириш бўйича замонавий ахборот коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланиш (масалан, Интернет оркали) фуқароларнинг ҳукукий саволларига мунтазам жавоб бериб бориш амалиётини йўлга кўйиш; кўргазмали тасвирий ва турли хил ҳукукий мавзудаги давра сұхбати, семинар ва конференцияларда видео техника ва бошка техника воситаларига асосланган ҳукукий тарғибот шаклларидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш; уяли телефонда ҳабар жўнатиш орқали мамлакатда қабул килинаётган қонунлар ҳақида фуқароларни боҳабар қилиб бориш (бунда қабал қилинаётган қонуннинг номи кўрсатилиб, унинг тўлиқ матни билан Адлия вазирлигининг

Интернетдаги [www.lex.uz](http://www.lex.uz) сайти оркали танишиш мумкинлиги кўрсатилади) каби амалий чораларни кўриш зарурияти вужудга келмоқда.

5. Аҳолининг хукукий маданиятини юксалтиришнинг ўкув-услубий асосларининг самарадорлигини ошириш борасида: Яъни, аҳоли айниқса, бола ва ёшлар учун оммабоп хукукий адабиётларни нашр этиш; мансабдор шахслар учун уларнинг хукукий маданиятини юксалтиришга қаратилган ўкув-услубий ва амалий қўлланмаларни нашр этиш; таълим муассасалари, кадрларни кайта тайёрлаш марказ ва курсларида хукукий маданиятнинг ихтисослашуви йўналишларидан келиб чиқиб маҳсус дастур ва қўлланмалар тайёрлаш; аҳолининг хукукий маданиятини юксалтириш бўйича давлат органлари ва нодавлат ташкилотларининг ижтимоий шерикчилигига қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чикиш; турли хил соҳаларнинг хусусиятларини ўз ичига олган маҳсус, тизимлаштирилган электрон маълумотлар порталини яратиш; амалдаги конун хужжатлари шарҳлари, савол-жавоб шаклида тайёрланадиган амалий қўлланмаларни мунтазам нашр этиш чораларини кўриш талаб этилмоқда.

Дарҳақиқат атоқли француз юристи Ж.Карбоне тъкидлаганидек, “Агар инсон ривожланган хукукий онга эга бўлишни хоҳласа унга конун ҳакида ахборот керак. Фукаро бундай хукукий онгда нима конуний эканлигини англаб олишга кодир бўлади”. Демак, хукук маданий феномен сифатида умуминсоний маданиятнинг ажралмас кисмидир. Хукукий маданият кишилар ижтимоий ҳаёти хукукий шаклларининг барча жиҳатларини қамраб оладиган ва уларнинг жамиятда фаоллигини таъминлайдиган барометрdir. Хукук жамият хукукий маданиятининг ажралмас кисми ва таркибий элементидир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантиришда хукукий маданиятни юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг тизимли амалга оширилиши фукароларнинг орзу ва интилишларини конунлар асосида рӯёбга чиқариш ҳамда дунёга намойиш этишининг амалий ифодаси бўлиб ҳисобланади.

# ПІ БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

## 3.1 §. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтарнинг тутган ўрни ва роли беқиёсdir. Бизга маълумки, ҳар бир демократик ҳуқуқий давлат инсон ҳуқуқлари соҳасидаги оид шартномаларни ратификация қилас экан, аввало ушбу давлатлар шартноманинг асосий принциплари ва қоидаларини тўғридан-тўғри миллий қонунчиликка сингдириш орқали унинг қоидаларини амалда рўёбга чиқариш мажбуриятини олади. Айтиш лозимки, шунинг учун инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган андозалар ва ҳуқуқий нормалар, унга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация килган давлатларнинг ички қонунчилигини ташкил топиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Кўпгина мамлакатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунлар ва қоидаларнинг самарали кўлланилишини таъминлаш учун комиссиялар (кўмиталар, марказлар) ташкил этилган. Комиссиялар (марказлар) кўпинча бошқа давлат органларидан мустакил равишда иш олиб борадилар, аммо уларга вакти-вакти билан қонун чиқарувчи органларга ҳисобот бериб туриш вазифаси юкланиши мумкин<sup>1</sup>.

Айтиш лозимки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган турли хил комиссиялар ва марказлар мустакил бўлганлиги учун уларнинг таркибига, одатда, инсон ҳуқуқлари соҳасида муайян билим ва кўниkmaga ҳуқуқни кўлаш амалиётида тажрибага эга бўлган аҳолининг турли катламларидан вакиллар киради. Шу ўринда ҳар бир демократик давлатда миллий институтлар бўлмиш комиссиялар ва марказлар аъзоларни танлашда муайян талаблар ва чекловлар белгиланиши мумкин. Масалан, турли касб тоифалари, нодавлат ва нотижорат ташкилотларидан, сиёсий партиялар ёки бошқа соҳалар вакилларидан, ҳудудлардан вакиллар ёки номзодлар сонига аниқ квоталар белгиланиши мумкин.

<sup>1</sup> Ozbekiston Respublikasida advokatlik faoliyati. Дарслик: 2 жилотик. ІІ. Муаллифлар: F Абдумажидов ва бошк. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ТДОИ. – Т.: KONSAUADITINFORM-NASHR, 2007. - 250 б.

Инсон ҳукуқлари бўйича комиссиялар (марказлар) асосан фуқароларни камситишнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш, шунингдек, инсоннинг фуқаролик ва сиёсий ҳукукларини ҳимоя қилиш билан шуғулланади. Бундан ташқари, уларга иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқларни ҳимоя қилиш вазифаси ҳам юкланди. Муайян комиссия (марказ) ваколатлари ва вазифалари қонун ҳужжатида ёки уни ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатда аник белгилаб қўйилади. Бу қонун ҳужжати ёки норматив ҳужжат мазкур комиссия (марказ) текшириш ваколатига эга бўлган ҳаракат турларини белгилашга ҳам хизмат қиласди. Айрим комиссиялар (марказлар) конституцияда тан олинган ҳукуклардан исталган бирининг бузилганлиги билан боғлиқ ҳолларни текшириш билан шуғулланади. Айрим комиссиялар (марказлар) ҳар-хил белгилар, хусусан, ирқ, дин, жинс, этник мансублик, ногиронлик, ижтимоий ҳолат, сиёсий эътиқодлар, ёш, оиласвий ахволга кўра камситиш билан боғлиқ ҳолларни кўриб чиқиш имкониятига эга бўлиши мумкин<sup>1</sup>.

Айрим шахсларнинг (баъзан гурухларнинг) инсон ҳукуклари соҳасидаги миллий қонунчиликда белгилаб қўйилган ҳукукларининг бузилганлиги тўғрисидаги шикоятларини олиш ва текшириш инсон ҳукуқлари бўйича барча комиссияларнинг (марказларнинг) муҳим вазифаларидан бири хисобланади. Комиссия (марказ) ўз вазифаларини лозим даражада бажариш учун одатда, текширилаётган масалага таалуқли далилларни олиш имкониятига эга бўлади. Бу ваколатлар, хатто улардан кам фойдаланилган тақдирда ҳам катта аҳамиятга эга, чунки улар устидан шикоят берилган шахс ёки орган томонидан ҳамкорлик қилишга интилиш йўклиги натижасида текширишга каршилик кўрсатишга йўл қўймайди. Шикоятларни текшириш ва ҳал қилиш жараёнида инсон ҳукуклари бўйича турли комиссияларда (марказларда) ҳар хил тартиб-таомиллар кўлланилсада, уларнинг аксарияти яратширув ёки арбитраж таомилларидан фойдаланади. Комиссия (марказ) тарафларни яратшириш жараёнида ўзаро мақбул натижага эришиш максадида улар ўртасидаги зиддиятни бартараф этишга ҳаракат қиласди. Низони яратширув таомили ёрдамида ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, комиссия (марказ) арбитраж таомилидан фойдаланиб, иш тингланганидан сўнг ўз ажримини чиқариши мумкин.

<sup>1</sup> Ozbekiston Respublikasida advokatlik fachiyati. Дарслик 2 жилдлик Й. Муаллифлар: F. Абдулмажидов ва бошк. Узбекистон Республикаси Адлия вазнорлиги ТДОН. – Т.: KONSAUADIT/INFORM-NASHR, 2007.-253 б.

Инсон ҳукуклари бўйича комиссиялар (марказлар), одатда, низолашаётган томонлар учун ижро этилиши ҳукукий нуктаи назардан мажбурий бўлган қарорлар чиқаришга ҳақли эмас. Аммо, бу улар тавсия этувчи низони ҳал килиш усуслари ёки ҳукукий ҳимоя чораларини эътиборсиз колдириш мумкин, деган маънони англатмайди. Айрим ҳолларда ҳал этилмаган шикоятнинг низоли масалаларини маҳсус суд кўради ва ўз қарорини чиқаради. Маҳсус суд бўлмаган тақдирда, комиссия (марказ) ҳал қилинмаган шикоятларни оддий судларга узил-кесил ва мажбурий ҳал қилув қарорлари чиқариш учун толшириши мумкин.

Кўпгина комиссияларнинг (марказларнинг) муҳим вазифаларидан бири - инсон ҳукукларига риоя килиш борасидаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар киритиш мақсадида ҳукуматнинг инсон ҳукуклари соҳасидаги сиёсатини тизимли таҳдил этиш ва мунтазам кузатиб боришдан иборат. Инсон ҳукуклари бўйича комиссиялар (марказлар) мазкур давлат инсон ҳукуклари соҳасидаги ўз қонун хужжатлари ва ҳалқаро нормаларга риоя қилишини кузатиб бориши ва зарур ҳолда уларга ўзгартиришлар киритишни тақлиф қилиши мумкин. Муайян комиссия (марказ) фаолияти умумий таъсирчанлиги ва самарадорлигининг муҳим омили бу унинг ўз номидан текширув иши қўзғатиш қобилиятидир. Бу айрим шахслар ёки шахслар гурухлари шикоят юбориши учун молиявий ёки ижтимоий ресурсларга эга бўлмаган ҳолларда айниқса яхши самара беради.

Умуман олганда, инсон ҳукуклари бўйича миллий институтлар тўғрисидаги масала биринчи марта 1946 йил БМТнинг Иктиносидий ва ижтимоий кенгаши томонидан муҳокама этилган.

1978 йил Инсон ҳукуклари бўйича комиссия миллий муассасаларнинг таркибий тузилиши ва фаолият кўрсатишига оид раҳбарий принципларни ишлаб чиқди. Ушбу раҳбарий принципларга биноан миллий институтлар қуйидаги вазифаларни бажариши лозим: ўз мамлакатининг ҳукумати ва ҳалки учун инсон ҳукуклари бўйича маълумот манбаи сифатида ҳаракат қилиш; жамоатчиликни маърифатли қилишда ёрдам бериш ва инсон ҳукукларини англаш ҳамда ҳурмат қилишга кўмаклашиш; бирон-бир мамлакатда юзага келиши мумкин бўлган ва ҳукумат хоҳлаган тақдирда, бирон-бир конкрет ишни кўриб чиқиш, муҳокама қилиш ва унга оид тавсиялар бериш; ҳукумат томонидан бериладиган инсон ҳукукларига оид барча масалалар бўйича маслаҳат бериш; инсон ҳукукларини

рагбатлантиришга қаратилган қонунчиллик, суд қарорлари ва маъмурӣ фармойишларни ўрганинг ҳамда кузатиб бориш ва ушбу масалалар бўйича тегиши органларга маърузалар тайёрлаш; давлат иштирок этадиган инсон ҳукуклари соҳасидаги халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларга биноан бошқа вазифаларни бажариш<sup>1</sup>.

1991 йил Парижда Инсон ҳукукларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган миллий муассасаларга оид масалалар бўйича биринчи халқаро кенгаш ўтказилди. Унинг хулосалари инсон ҳукукларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган миллий муассасаларнинг макоми ва фаолият кўрсатишига оид принциплар сифатида Инсон ҳукуклари бўйича комиссия томонидан 1992/54-сонли Резолюция билан, кейинчалик Бош Ассамблеянинг 1993 йил 20 декабрдаги 48/34-сонли Резолюция билан қўллаб-кувватланди. Ушбу принциплар миллий институтларга инсон ҳукукларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича ваколатлар ва Конституцияда ёки қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб кўйилган жуда кенг мандат берилиши лозимлигини яна бир бор тасдиқлади ва унга асосан: инсон ҳукукларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга оид ҳар қандай масалалар бўйича парламент, ҳукумат ҳамда бошқа ҳар қандай ваколатли давлат органига тавсиялар бериш, таклифлар киритиш ва маърузаларни тақдим этиш (жумладан, қонунчиллик ва маъмурӣ қоидаларга ҳамда инсон ҳукуклари бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатга оид); миллий қонунчиллик ва амалиётни инсон ҳукуклари бўйича халқаро ҳужжатлар билан уйғунлаштиришни рағбатлантириш; халқаро ҳужжатларни ратификация қилишга кўмаклашиш ва халқаро стандартларнинг амалга оширилишини кузатиб бориш; халқаро ҳужжатларга мувофиқ тақдим этиладиган маърузаларни тайёрлашда кўмаклашиш; инсон ҳукуклари масалалари бўйича ўқитиш ва тадқиқ қилишга оид дастурларни ишлаб чиқишида иштирок этиш, ва инсон ҳукуклари ҳакида маълумот тарқатиб, жумладан, ҳабардор қилиш ва маърифий фаолият орқали ушбу масалаларга жамоатчиллик эътиборини жалб қилиш; БМТ, миңтақавий ташкилотлар ва бошқа давлатларнинг миллий муассасалари билан ҳамкорлик қилиш. Кенгашда ҳар бир давлат ўзининг халқаро

<sup>1</sup> Сайдов А.Х. Бакаева Ф.Х. Арсланова К.Ш во бошқа: Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлиги. Инсон ҳукуклари умуумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш миллий тинми - Т. Ўзбекистон, 2010.- 205 б.

даражадаги аниқ эҳтиёжларига энг кўп мувофиқ келадиган тузилмаларни танлаш хукуқига эгалиги таъкидланди.

Миллий муассасалар соҳасида иш олиб бориш жараёнида БМТ барча мамлакатларга инсон хукуқлари соҳасидаги ҳалқаро маъжбуриятларни бажариш учун зарур бўлган механизм сифатида миллий институтларнинг ягона моделини тавсия этиш мумкин эмас ва керак ҳам эмаслиги ҳақида холосага келди. Ҳар бир давлат бошқа мамлакатлар тажрибасидан унумли фойдаланиши мумкин бўлсада, маллий институтлар маҳаллий маданий ва хукукий анъаналарни ҳамда мавжуд сиёсий ташкилотни эътиборга олган ҳолда тузилиши керак<sup>1</sup>.

Ушбу муассасаларнинг реал ёки эҳтимол тутилган кучи ва самарадорлиги муассасанинг юридик мандати билан бевосита боғлиқ. Миллий институт ўзини таъсис этган қонун туфайли заиф ва самарасиз бўлиб чиқса, ўзининг техник ваколати даражасини кўтариши мумкин, лекин қонунчиликни ўзгартирмай ўзининг таркибий камчиликларини хеч қачон бартараф эта олмайди.

Ҳалқаро эксперталарнинг фикрича, инсон хукуклари бўйича мавжуд муассасаларни мустаҳкамлаш турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Хукumatлар миллий институтларга кенгроқ мандат бериш ёки бошқа йўл билан уларнинг ваколатларини кенгайтириш мақсадида, уларни таъсис этган қонунларга ўзгартиришлар киритиш орқали мавжуд миллий муассасаларни такомиллаштириш тўғрисида карор кабул килиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов зътироф этгандаридек, “бугун Конституция тўғрисида, унинг маъно-мазмунни ва устувор тамойиллари ҳақида гапирав эканмиз, Асосий қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатларининг давлат манфаатларидан устун этиб белгилангани, инсон унинг хукуқ ва эркинликлари ҳамда манфатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилган”<sup>2</sup>.

Хукуқпунос олимларнинг фикрича, “Инсон хукукларини самарали амалга ошириш учун уларни рағбатлантирувчи ва ҳимоя қилувчи миллий инфратузилмалар яратилиши керак. Сўнгти йилларда кўп мамлакатларда инсон хукукларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ вазифалар юклатилган муассасалар (Инсон хукуклари

<sup>1</sup> «Национальные учреждения по правам человека», серия документов по вопросам профессиональной подготовки № 4. ООН, Женева. Центр по правам человека. 1995 г.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Инсон унинг хукуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14 – Т. Узбекистон, 2006 – 62 б.

бўйича комиссия, Омбудсман ва бошқалар) тузилган. Бундай муассасаларнинг вазифалари ҳар бир давлатда турлича бўлсада, уларнинг барчаси биргаликда инсон ҳукуқларини рағбатлантириш ва химоя қилиш бўйича миллый муассасалар деб номланади<sup>1</sup>. Инсон ҳукуқларини химоя қилиш Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳукуқий давлат барпо этишга йўналтирилган туб ислохотларнинг асосий мақсадидир<sup>2</sup>. Дарҳакиқат, мамлакатимизда инсон ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш мустақил давлатимизнинг бош мақсади ҳисобланади. Ҳукуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этар эканмиз, ҳар бир шахс ўз ҳукуқ ва эркинликларининг давлат томонидан кафолатланганингига ишонч ҳосил қилишлари лозим.

Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллый маркази фаолиятининг ташкилий-ҳукуқий асосларини ўрганиш ва уларнинг роли ва моҳиятини очиб бериш истиқболли йўналишлардан бўлиб ҳисобланади. Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллый маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 октябрдаги ПФ-1611-сонли “Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллый марказини тузиш тўғрисида”<sup>3</sup>ги Фармони асосида ташкил топган. Ушбу Фармонда қайд этилишича, “Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллый маркази” Инсон ҳукуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирили воситасини барпо этиш, ҳалқаро ва ҳукуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолининг инсон ҳукуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида, БМТнинг инсон ҳукуқлари ва бошқарув тизимини демократлаштиришни қўллаб-куvvatлаш дастурига мувофиқ таъсис этилган. Мазкур Фармон билан инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллый маркази давлатга қарашли, таҳлил, маслаҳат, идоралараро ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланиши белгилаб кўйилган. Қайд этилган Фармон мазмунидан кўринадики, аввалимбор

<sup>1</sup> Сайдов А.Х., Бакаева Ф.Х. Арсланова К.Ш ва бошк. Ўзбекистон Республикаси миллый маркази. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Инсон ҳукуқлари умумжоҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳукуқларини химоя қилиш миллый тизими. – Т. Ўзбекистон, 2010.- 204 б.

<sup>2</sup> Усманова Х. Инсон ҳукуқлари бўйича миллый институтлар // Инсон ҳукуқлари маданиятини шакллантириш масалалари мазмусидаги Република илмий-назарий конференция материалылари.-Т: ТДЮИ, 2011.- 335 б.

<sup>3</sup> Собрание постановлений Правительства Республики Узбекистан, 1996 г., N 11, ст. 32.

Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бу - давлатга қараапли ташкилот ҳисобланади. Бу билан эса, давлат ваколатларидан фойдаланилгани ҳолда, фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунларида қайд этилган ҳуқук ва эркинликларини муҳофаза қилишининг давлат механизмидан тўлиқ фойдаланади. Давлатнинг барча идоралари, корхоналари, ташкилот ва муассасалари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва мансабдор шахслар билан ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази юридик шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тайинланадиган директор бошчилик қилади. Шу ўринда айтиш лозимки, марказ директори лавозимига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши инсон ҳуқук ва эркинликларини тъъминлаш масаласига алоҳида этибор берилаётганлигининг намунасидир.

Инсон ҳукуқлари бўйича мазкур миллий муассасанинг мақсад ва вазифаларига миллий ҳаракат режасини, шунингдек, Конституция, қонунлар ва инсон ҳукуклари соҳасида умумэтироф этилган халқаро ҳуқук нормалари коидаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чикиш; Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳукуқлари соҳасида халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш; Ўзбекистон Республикасида инсон ҳукуқларига риоя этилиши ва бу ҳукуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, шунингдек, инсон ҳукуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш фаолиятини амалга ошириш; давлат органларининг инсон ҳукуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасида ўқитиш, тарғиб қилиш, ўкув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш; Ўзбекистон Республикасида инсон ҳукукларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш; давлат органларининг инсон ҳукуқларига риоя этиш ва бу ҳукуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрлаш; инсон ҳукукларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишининг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш кабилар киради.

Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 октябрдаги ПФ-1611-сонли "Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон

Республикаси Миллий марказини тузиш тўғрисида”ги Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 13 ноябрдаги №399-сонли “Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”<sup>1</sup> ги Қарори ҳам қабул қилинган. Мазкур Қарор билан 1-илова сифатида Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тўғрисида Низом тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказини тузиш тўғрисида”ги Фармонида Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг сўровига мувофиқ республикада инсон ҳукуклари масалалари бўйича зарур ахборотни тақдим этишга мажбурлиги мустаҳкамланиб қўйилган. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 13 ноябрдаги Қарорига мувофиқ (9-банди) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Прокуратура ва Олий суди, Миллий ахборот агентлиги, “Ўзтелерадио” компанияси Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказига инсон ҳукукларини қўллаб қувватлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига оид маълумотлар, таклифлар, хуносалар ва бошқа зарур материалларни тақдим этиши шарт.

Марказ зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қўйидаги бўлимлардан иборат бўлган аппарат тузилган: яъни ахборот-ҳукуқ бўлими; инсон ҳукуклари соҳасида таҳлил ва тадқиқотлар бўлими; инсон ҳукуклари бўйича халқаро ҳамкорлик бўлими; инсон ҳукуклари масалалари бўйича таълим бўлими; жамоатчилик билан алоқалар бўлими; котибият; таҳририят-нашиёти бўлими (“Демократлаштириш ва инсон ҳукуклари” журнали нашиёти); инсон ҳукуклари оммавий кутубхонаси.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолияти асосан Париж принциплари, мақсадлари ва вазифаларига мос бўлиб, уларга биноан инсон ҳукуклари бўйича миллий институт: инсон ҳукукларини олга суриши; инсон ҳукуклари бўйича ҳукуматларга маслаҳат бериши; инсон ҳукукларига оид конунчиликни қайта кўриб чиқиши; инсон ҳукуклари бўйича ҳисоботларни тайёрлаши; аҳоли томонидан келиб тушадиган шикоятларни қабул қилиши ва кўриб чиқиши шарт.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1996 й., 11-сон, 12-модда

Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази юридик шахс бўлиб, ўз номи битилган мухрга, штампга, бланкларга ва конун билан белгиланган тартибда рўйхатга олинган бошка реквизитларига эга. Марказ ўз фаолиятини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси ва хорижий банкларда миллий ва чет эл валютасида ҳисоб очиши мумкин. Марказнинг мустакиллиги ва ҳеч кимга боғлик бўлмаган тезкор фаолияти у бошқа бирон-бир шахс, ташкилот, идора ёки органдан мустакил ҳолда ҳар қунги фаолиятини олиб бориши мумкин деганидир. Марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида тузилган бўлиб, у Марказнинг мустакил давлат тузилмаси сифатида унинг юридик мустакиллигини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан. Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолияти молиявий жиҳатдан давлат бюджети маблағи ва хайрия маблағлари ҳисобидан таъминланади. Вазирлар Мажхамасининг 1996 йил 13 ноябрдаги Қарори билан тасдиқланган Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тўғрисидаги Низомда унинг таркибини тузиш тартиби мустаҳкамлаб кўйилган (8, 9-бандлари). Марказ директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий майший таъминот, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароити бўйича Ўзбекистон Республикаси вазирига, директор ўринбосари Ўзбекистон Республикаси вазирининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади. Марказ директори бошқариш соҳасида тўлик мустакил бўлиб: Марказ фаолиятига раҳбарлик қиласи; Марказ бўлинмалари бажариши мажбурий бўлган бўйруқлар ва фармойишлар чиқаради, кўрсатмалар беради; хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан музокаралар олиб боради; Марказ зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши ва унинг ўз функцияларини амалга ошириши учун шахсан жавоб беради, хизматлар раҳбарларининг жавобгарлиги даражасини белгилайди; Марказ харажатлари сметасини тасдиқлайди; белгиланган ходимлар сони ва иш ҳаки фонди доирасида Марказнинг штатлар жадвалини тасдиқлайди; Марказ мутахассисларини хорижий мамлакатларга хизмат сафарларига юбориш тўғрисидаги низомни тасдиқлайди; Марказ ходимлари ўртасида лавозим вазифаларини тақсимлайди; Марказ номидан жумладан, меҳнат бўйича шартномалар, битимлар тузади; меҳнат конунчилиги нормаларига биноан Марказ ходимларини ишга қиласи ва ишдан бўшатади; Марказ

ходимларини моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш шаклини белгилайди. Марказнинг юқори малакали мутахассисларига ва маъмурий ходимларига маҳсус моддий рағбатлантириш фонди хисобидан тариф ставкасининг 100 фоизигача миқдорда ҳар ойлик устама белгилайди; инсон ҳуқуқлари соҳасида тадқикотларни ташкил этиш учун консультантлар, экспертлар ва мутахассисларни, шу жумладан хорижий мамлакатлардан жалб этишининг турли иктисадий шаклларидан, чунончи, хорижий мутахассислар учун контрактлар бўйича эркин муомаладаги валютада ҳақ тўлаш шаклидан фойдаланади; Марказ маблағларини тасарруф этади, мол-мулкни бошкариш бўйича карорлар қабул қиласи, молия, тўлов хисоб-китоб хужжатларини ва бошқа хужжатларни имзолайди, ишончномалар беради; Марказ фаолиятининг бошқа масалаларини кўриб чиқади ва ҳал қиласи. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази буклетлар, брошюралар, плакатлар чоп этиш, маҳсус ахборот-маърифий тадбирлар ўтказиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида чикиш орқали аҳолини ўз фаолияти ҳакида кенг хабардор қиласи.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий таъминланиши улар ваколатларини самарали амалга ошириш имкониятини яратади.

### **3.2 §. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги роли, вазифаси ва ваколатлари**

Инсон ҳуқук ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг роли, вазифаси ва ваколатларини амалга ошириш мухим аҳамиятга эга. Ушбу марказнинг инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги роли тобора ошиб бормокда. Ўтган йиллар мобайнида улар фаолиятини амалга ошириш борасида тўплланган тажриба инсон ҳуқук ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш бўйича институционал тузилма эканлигини исботлади.

Юқорида кайд этилганидек, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 13 ноябрдаги

“Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 339-сонли Қарорига асосланган бўлиб, унда Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тўғрисида Низом ва унинг таркиби тасдиқланган, Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тўғрисидаги Низомда Марказнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 октябрдаги Фармонида кўзда тутилган вазифалари ва функцияларига янада аниклик киритилган.

Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг асосий вазифалари жумласига инсон ҳукукларига оид халқаро конвенцияларнинг бажарилиши хақида миллий маърузалар, инсон ҳукуклари ва эркинликлари соҳасида миллий ҳаракат режалари ва дастурларини тайёрлаш; инсон ҳукуклари масалалари бўйича давлат органларига тавсиялар тайёрлаш, уларга маслаҳат бериш ва уларнинг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофикаштириш; ноҳукумат, ҳукукни химоя килиш ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, уларга инсон ҳукуклари соҳасида маслаҳат бериш, ушбу соҳада жамоатчилик ташаббусини рағбатлантириш ва мувофикаштириш; ахолининг ҳукукий маданиятини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, инсон ҳукуклари ва эркинликлари масалалари бўйича ахборот базасини яратиш, инсон ҳукуклари бўйича адабиётлар чоп этиш; Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳукуклари соҳасидаги халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш, биргалиқдаги лойихаларни амалга ошириш, давлатлараро шартномаларни ишлаб чиқиш кабилар киради.

Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятининг юқорида қайд этилган йўналишларини амалга ошириш учун бир катор ҳукукларга эгадир. Чунончи, ушбу марказ инсон ҳукуклари тўғрисида ахборот тайёрлаш ва тарқатиш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган ва шу ерда жойлашган дипломатик миссиялар билан бевосита ўзаро ҳамкорлик қилиш; давлат ва жамоат бирлашмаларига, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги ваколатхоналарига сўровлар юбориш ҳамда инсон ҳукукларини рағбатлантириш ва химоя килиш бўйича ахборот, таклиф, хулоса ва бошқа зарур материалларни мажбурий тартибда олиш; инсон ҳукукларини химоя қилишининг ахволини тадқиқ этиш бўйича мувофикаштирувчи ва бошқа кенгашлар,

эксперт комиссиялари ташкил этиш; инсон ҳуқуклари соҳасида ахборот-таҳлил материалларини тайёрлаш бўйича олимлар, мутахассислардан вақтингчалик ишчи гурухлар ташкил этиш; инсон ҳуқуклари соҳасидаги таклифлар бўйича маслаҳатлашиш, уларни ўрганиш ва тайёрлаш учун Ўзбекистон ҳамда чет эл олимлари, мутахассислари ва экспертларини жалб этиш; инсон ҳуқуклари шароитларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш масалалари бўйича дастурлар ишлаб чиқишига кўмаклашиш; Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуклари тўғрисидаги ахборотни нашр этиш ва жаҳон ҳамжамиятига тарқатиш; Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги ваколатхонасидан ва бошқа ҳалқаро ташкилотлардан инсон ҳуқуклари бўйича масалаларнинг кўриб чиқилиши ва кабул килинган қарорлар хусусидаги ахборотларни мажбурий тартибда олиш; ҳуқукни муҳофаза қилиш бўйича ҳалқаро ва миллий ташкилотлар билан зарур ахборотларни айирбошлаш; инсон ҳуқуклари бўйича ҳалқаро анжуманларда қатнашиш. Марказ мутахассисларини чет элга хизмат сафарига ва ўқишга юбориш; давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, вазириклар, давлат кўмиталаридан Ўзбекистон Республикасининг конунлари ва норматив ҳужожатларини зарур йўрикнома, ҳисобот, ахборот ва таҳлилий материалларни мажбурий тартибда текин олишга ҳақлидири.

Инсон ҳуқуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллый маркази мувофиқлаштирувчи орган бўлиб, Ўзбекистон томонидан инсон ҳуқуклари соҳасидаги ҳалқаро мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида миллий маърузаларни тайёрлаш унинг вазифасига киради. Марказ ўз фаолияти давомида инсон ҳуқуклари тўғрисидаги миллий маърузаларга киритиладиган маълумотларни тўплаш ва таҳлил килишнинг тегишли тизимини яратишга муваффак бўлди, бу эса уларни БМТнинг тегишли шартномавий органларига ўз вактида тайёрлаб юбориш имконини берди. Бугунги кунда БМТнинг тегишли Кўмиталарига Ўзбекистон Республикасининг 24 та миллий маърузаси тақдим этилган. Марказ ўз фаолияти давомида Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуклари соҳасидаги ҳалқаро мажбуриятлари бажарилиши ҳақида миллний маърузаларни тайёрлаш бўйича маҳсус тартиботларни ишлаб чиқди. Ушбу тартиботларни амалга оширилишини бир нечта боскичга бўлиш мумкин. Хусусан, БМТнинг тегишли Кўмитаси сессиясида кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикасининг миллний маърузасини тақдим этиш зарурлиги ҳақида ушбу қўмитадан хабар олиш; миллний маъруза лойиҳасини ишлаб чиқиш учун Инсон

хукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг ишчи гурухини тузиш; миллий маъruzанинг тегишли бўлимларини ёзиш учун Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан тегишли давлат органлари ва нодавлат тузилмалардан ахборот-таҳлил, статистик ва эксперт материалларни талаб килиб олиш; олинган материаллар асосида, миллий маъruzанинг лойиҳасини БМТнинг маъруза ёзиш бўйича белгиланган талабларига мувофик тайёрлаш; миллий маъруза лойиҳасини тегишли давлат ва нодавлат тузилмаларга экспертизага юбориш; миллий маъруза лойиҳасини тегишли органлардан келиб тушган хulosалар ва таклифларни зътиборга олиб, ишлаб, маромига етказиш; миллий маъruzанинг тугал вариантини тайёрлаш ва уни БМТнинг тегишли қўмитасига юбориш учун Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигига жўнатиш; БМТ Қўмитасидан миллий маъруза кўриб чиқиладиган сана хақида хабар ва Қўмита маъruzачисининг маъруза БМТ Қўмитаси сессиясида кўриб чиқилиши билан боғлиқ кўшимча саволларини олиш; БМТ Қўмитаси маъruzачисининг саволларини тегишли давлат ва нодавлат тузилмаларга юбориш ва уларга жавоб олиш; БМТ Қўмитаси маъruzасининг саволларига жавоб тайёрлаш ва уларни БМТнинг тегишли Қўмитасига жўнатиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигига юбориш; БМТ Қўмитаси сессиясида Ўзбекистон Республикасининг миллий маъruzасини кўриб чиқиш ва Қўмита аъзоларининг саволларига жавоб бериш; БМТ Қўмитасининг миллий маъruzани кўриб чиқиш натижалари бўйича якуний хulosалари ва тавсияларини олиш; ушбу хulosалар бўйича изоҳлар тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигига юбориш; БМТ Қўмитасининг тавсияларини амалга ошириш учун миллий харакат режасини тузиш; БМТ Қўмитасининг тавсияларини бажариш бўйича миллий харакат режаси коидалари амалга оширилиши устидан доимий мониторинг олиб бориш. Ушбу босқичлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси томонидан ўз халқаро мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги миллий маъruzаларни тайёрлаш Марказ фаолиятининг асосини, ўзагини ташкил этади, унга юқлатилган вазифаларни мувофиқлаштириш ва таҳлил килиш тизимнинг таркибий кисмини акс эттиради. Миллий маъруза каби жиддий хужжатни тайёрлаш узоқ вактни ва кўп давлат органлари, ноҳукумат тузилмалар, илмий тадқикот муассасалари, мутахassislar, турли йўналишдаги экспертларнинг сайд-харакатларини талаб

қиласи. Марказ миллий маърузада Ўзбекистонда инсон хукукларининг муайян жиҳатлари бўйича ижтимоий-сиёсий ва хукукий тафаккурнинг ривожланганлик даражасини акс эттиради, бу эса халқаро тузилмаларга Ўзбекистон инсон хукукларини рағбатлантириш, уларга риоя қилиш ва уларни химоя килиш соҳасида қайси боскичда эканлигини тушуниб олишига ёрдам беради. Маърузаларни тайёрлашда Ўзбекистонда инсон хукукларини таъминлашнинг хукукий ва ташкилий механизмларига мухим зътибор қаратилади. Маърузада амалдаги қонунчилик тўлиқ тавсифланади, инсон хукукларига оид қонунчиликни амалга татбиқ этадиган институтларнинг максад ва вазифалари ёритилади ҳамда инсон хукукларини таъминлаш учун масъул бўлган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш шакллари ва йўналишлари хақида маълумот берилади. Айнан шў маълумот инсон хукуклари бўйича миллий механизмлар хақида ва ушбу соҳадаги халқаро стандартларни самарали имплементация қилиш хақида аник тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Маърузани тайёрлашда вазирликлар ва идоралардан ҳамда халқаро ва нодавлат ташкилотлардан олинган маълумотлардан фойдаланилади, булар: Олий Мажлиснинг Инсон хукуклари бўйича вакили (Омбудсман) аппарати; Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти; Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси; Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги; Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси; “Софлом авлод учун” халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси; Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамиятининг марказий қўмитаси; “Махалла” фонди; “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқалар. Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг яна бир мухим вазифаларидан бири — давлат органларининг инсон хукукларини рағбатлантириш ва химоя қилиш соҳасида ўқитиш, тарғиб қилиш, ўқув-услубий адабиёт чоп этиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришdir.

Марказ таркибида Инсон хукуклари бўйича гаълим бўлими амал қиласи, инсон хукуклари соҳасида қўп мақсадли таълим тизимини ташкил этиш унинг бевосита ваколатига киради. Бўлим консультатив вазифаларни бажаради ва инсон хукуклари соҳасида қўп мақсадли таълим тизими жараёнини ташкил этишда услубий ёрдам беради.

Инсон ҳукуклари бўйича таълим бўлимининг асосий вазифалари жумласига инсон ҳукукларини рагбатлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасида ўқитиш, тарғиб қилиш, ўқув-услубий адабиёт чоп этиш бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш; инсон ҳукуклари соҳасида кўп мақсадли таълим тизими жараёнининг илмий-услубий истиқболларини белгилаш ва ривожлантириш; кўп мақсадли таълим тизимини ташкил этиш жараёнининг янги усуллари, шакллари ва мазмунини такомиллаштириш, илғор педагогик тажрибани жорий қилиш; инсон ҳукуқлари соҳасида кўп мақсадли таълим тизимини илмий, ўқув-услубий таъминлаш; инсон ҳукуклари соҳасида кўп мақсадли таълим тизими учун ўқув режалари ва дастурларини, ўқув-методик адабиётларни ўқитишнинг замонавий усулларини жорий қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чикиш; ўқув-услубий адабиётлар комплексини чоп қилиш бўйича ишларни ташкил этиш (дастурлар, дарсликлар, кўлланмалар, дидактик материаллар ва ҳ.к.) ва уларни амалда татбик этиш кабилар киради. Миллий марказ қўйидаги асосий ахборот материалларини тўплаш ва тарқатиш бўйича иш олиб боради: хусусан, муассасанинг ўзи ҳакидаги маълумот, жумладан йиллик хисоботлар; инсон ҳукуклари ва тегишли стандартларга оид халкаро-ҳукукий ҳужжатлар (жумладан, ратификация ҳақида маълумот ва давлат томонидан киритилган изоҳлар); давлатнинг шартномалар бажарилишини кузатиб борган органларга маърузалари ва шундай маърузаларга ушбу органлар томонидан берилган шарҳлар; инсон ҳукукларига оид ички конунчилик ва бундай конунчиликни талкин киладиган ҳамда унинг кўлланилишини таъминлаб берадиган суд карорлари; инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш бўйича ички механизmlар (жумладан, бошқа миллий муассасалар, парламент комиссиялари, ноҳукумат ташкилотлар) ҳакида маълумот; халкаро даражада мавжуд бўлган инсон ҳукуклари амалга оширилишини таъминлаб берадиган механизmlарнинг тузилиши ва фаолияти ҳакида маълумот;

Марказ инсон ҳукукларига оид конун лойихалари экспертизасида фаол иштирок этади. Бинобарин, Миллий марказ томонидан: “Жамоат жамғармалари тўғрисида”ги; “Хайрия тўғрисида”ги; “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги; “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги; “Психиатрия ёрдам тўғрисида”ги; “Узбекистон Республикасининг норматив-ҳукукий ҳужжатлари тўғрисида”ги; “Судлар тўғрисида”ги (янги таҳрирда); “Терроризмга карши кураш тўғрисида”ги;

“Референдум тўғрисида”ги; “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги; “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги; “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги; “Ахборот эркинлигининг принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги; “Қизил Ярим Ой ва Қизил Ҳоч эмблемаларини ҳимоя килиш тўғрисида”ги; “Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги; “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуклари бўйича вакили тўғрисида”ги ва бошка конунлар лойиҳалари юзасидан таклифлар берилган. Шунингдек, Марказ инсон хукукларига оид тегишли конун лойиҳаларини ишлаб чикиш бўйича ўз таклифларини киритиб, конун ижодкорлиги фаолиятини режалаштиришда иштирок этади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сўровномасига биноан, Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Ҳукуматнинг конун лойиҳалари бўйича 2006, 2007, 2008, 2009, 2010, 2011 йилларга мўлжалланган иш режаларига киритиш учун конун лойиҳаларини ишлаб чикиш бўйича ўз таклифларини юборди. Дарҳакикат, Марказ томонидан режаларга: «Бола хукуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ювенал юстиция тўғрисида»ги, «Бола хукуқлари бўйича Омбудсман тўғрисида»ги, «Етим болалар ва ота-она қарамогисиз қолган болаларга ижтимоий кўмак кўрсатиш тўғрисида»ги, «Эркаклар ва аёллар учун тенг хукуқлар ва имкониятлар тўғрисида»ги сингари муҳим конун лойиҳаларини ишлаб чикишини киритиш таклиф этилган. Ушбу рўйхатдан Марказ аёллар ва болалар хукуқларига алоҳида эътибор бераёттанлигидан далолат беради.

Марказ томонидан бошка давлат органлари билан биргаликда бир қатор ахборот-маърифий тадбирлар амалга оширмоқда. Хусусан, инсон хукуклари соҳасидаги вазиятни таҳлил ва муҳокама килиш; инсон хукуклари бузилиши ҳолатларининг энг кўп учрайдиган турларини аниклаш; давлат органларининг фуқаролар хукуқлари чекланиши ёки поймол қилинишига олиб келадиган фаолиятидаги оддий ҳолат бўлиб қолган камчиликлар ва бузилишларни аниклаш; инсон хукуклари ҳамда эркинликларини ҳимоя килиш усуслари ва воситалари, инсон хукуклари бўйича халкаро стандартлар ҳақида хабардор килиш; давлат бошкаруви органлари фаолиятини тақомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чикиш ва фуқароларнинг хукукий саводхонлик даражасини ошириш шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, ўз навбатида, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашиб келмоқда. Яъни нодавлат нотижорат ташкилотлар учун маҳсус семинарлар ва тренинглар ўтказиш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун ўтказиладиган инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот тадбирларида иштирок этишга жалб қилиш; инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик мониторингини нодавлат нотижорат ташкилотлар иштироқида амалга ошириш; уларни БМТ Кўмиталари Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариши ҳакидаги миллий маърузаларини кўриб чикиш натижалари бўйича берган тавсияларини бажариш учун миллий ҳаракат режаларига ижрочилар сифатида киритиш; Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маърузаларига киритиш учун инсон ҳуқуқларига оид тегишли маълумотни олиш; аҳолини инсон ҳуқуқлари бўйича билимини юксалтириш мақсадида биргаликда ахборот-маърифий тадбирларни ўтказиш ва ҳ.к. орқали уларга инсон ҳуқуқлари соҳасида уларнинг ваколатларини ошириш учун ҳар томонлама кўмак кўрсатади. Миллий марказ нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилганда битта йўналиш билан чекланиб қолмаслигини қайд этиб ўтиш жоиз. Марказ инсон ҳуқуқларининг барча турлари билан шуғулланганлиги боис, унинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги кенг қамровли ва кўп қиррали туслага эгадир. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ижтимоий ҳимояяга муҳтож қатламларига алоҳида эътибор берилишини инобатга олган ҳолда Марказ аёллар ва болалар нодавлат ташкилотлари ҳамда ногиронлар, қариялар муаммолари билан шуғулланадиган нодавлат ташкилотлар билан энг фаол ҳамкорликни амалга оширади. Марказ инсон ҳуқуқлари муаммоларига кизиқиш кўрсатадиган барча халқаро ташкилотлар билан алока ўрнатиб, муносабатларни ривожлантириб келмоқда. Марказ БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари (БМТД, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, ЮНИСЕФ), ЕХХТнинг Тошкентдаги Лойиҳалар координатори, «Конрад Аденауэр» ва «Фридрих Эберт» номидаги жамғармалар. Франция, Германия, Хитой, Япония ва бошқа давлатлар элчихоналари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Халқаро ташкилотлар ва элчихоналар билан ҳамкорлик қилганда Марказнинг асосий ҳаракатлари қуйидаги вазифаларда намоён бўлади. Чунончи, инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистоннинг позициясини ҳимоя

килиш ва асослаш; ўкув дастурлари, семинарлар, маъruzалар ва ўкув сафарларини ташкил этиш; инсон ҳуқуқлари бўйича ўкув дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда кўмак кўрсатили; инсон ҳуқуқлари ҳақидаги маълумотни умумлаштириш ва тарқатиш; инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро марказлар ва ташкилотлар билан техник ҳамкорликни ва ахборот алоқаларини ривожлантириш; демократлаштириш, бошқарув ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя килиш масалаларида техник ёрдам кўрсатадиган халқаро агентликлар фаолиятини жойида мувофиқлаштириш кабилар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар мухим рол ўйнайди. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тушунчасининг шаклланиши унга бўлган эҳтиёж ва имкониятлар билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон ҳуқуқларини тан олиш ва халқаро меъёрлар доирасида уларни ҳимоя қилишнинг турли воситаларини яратиш, айтиш мумкинки, асримиз маънавиятининг энг мухим ютукларидан биридир<sup>1</sup>. Миллий институтлар “БМТ ва БМТ тизими”даги ҳар қандай бошқа муассаса, минтақавий ташкилотлар ва инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасида ваколатларга эга бўлган бошқа мамлакатларнинг миллий муассасалари билан ҳамкорлик килиши шарт”. Ушбу принцип самарали миллий муассасалар якка ҳолда фаолият кўрсатмаслигини, балки бир катор бошқа ташкилотлар ва гурӯхлар билан алоқа ўрнатиб ҳамкорликни ривожлантиришини тушуниб киритилган. Ҳамкорлик ва биргаликдаги иш муассаса ташаббусларини кучайтиради ва бу билан унинг самарадорлигининг умумий даражасини оширади. Нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш зарурлигини айнан шундай тушуниш Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида шаклланган. Марказ томонидан ташкил этилган биронта ҳам тадбир нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокисиз ўтмайди. Марказнинг ноҳукумат сектордаги энг фаол ҳамкорлари — Ўзбекистон Болалар фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Оила», «Экосан», «Маҳалла» жамғармалари,

<sup>1</sup> Файбуллаев Ф. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсманни) ва адвокатури: ўзаро ҳамкорлик ва истиқболлар // Адвокатура институтини ислоҳ этишининг зўрим йўналишлари: давра сўхбати материаллари тўплами - Т.: ТДҶИ, 2009. -115 б.

«Ижтимоий фикр» маркази, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси ва ҳ.к.

Марказнинг ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш бўйича бошқа институтлар ўртасидаги роли ва тутган ўрнини қиёсан давлатимиздаги бошқа ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ваколатларига зътибор берилса, Марказ айнан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва хорижий миллӣ ташкилотлар билан ҳамкорлик фаолиятида яққол намоён бўлмоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг БМТдаги ваколатхонасидан ва бошқа халқаро ташкилотлардан инсон ҳуқуқлари бўйича масалаларнинг кўриб чиқилиши ва қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги ахборотларни мажбурий тартибда олиш ваколати факатгина Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллӣ маркази ваколатига тааллуклидир. Бундан ташқари, “Давлат ва жамоат бирлашмаларига, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги ваколатхоналарига сўровлар юбориш ҳамда инсон ҳуқуқлари шароитларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш бўйича ахборот, таклиф, хулоса ва бошка зарур материалларни мажбурий тартибда олиш”, “Халқаро ва миллӣ ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан зарур ахборотларни айирбошлаш”, “Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро анжуманларда катнашиш”, “Марказ мутахассисларини чет элга хизмат сафарига ва ўқишига юбориш” ваколатлари ҳам ўз мазмун ва моҳиятига кўра, бошка ҳукуқни ҳимоя қилиш бўйича мавжуд бўлган институтлардан фаркини кўрсатиб беради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллӣ маркази ўз ваколатлари нуткан назаридан бутундунё ҳамжамиятлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти зътироф этган инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган норматив ҳужжатларни, халқаро миқёсда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган фаолиятни Ўзбекистонда жорий қилиш бўйича воситачилик ролини ҳам бажаради десақ, хато бўлмайди. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллӣ маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатаси билан узвий боғликликда фаолият кўрсатиш учун ҳаракат қилиб келмоқда. Кучли фуқаролик жамияти куриш йўлида фаол иштирок этиш айнан Миллӣ марказ мақсади ва вазифаларига мувофиқдир. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллӣ маркази

нафақат БМТ балки Европа иттифоқи билан ҳам ОБСЕ ва БДИПЧ ташкилотлари билан ҳам ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Бундан ташкари, Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва фуқаролик жамияти институтлари билан инсон ҳукуклари соҳасида ҳамкорлик қиласди. Ҳудди шундай, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш бўйича ноширлик фаолиятини ҳам амалга оширади. Дарҳақиқат, инсон ҳукукларига тўлиқ риоя этилишига фақат лозим даражадаги қонун устуворлиги, суд ҳимояси ва маъмурий тартиб-таомиллар ёрдамида эришиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, инсон ҳукуклари бўйича комиссияларга (марказларга) кўпинча жамоатчиликнинг инсон ҳукукларидан хабардорлик даражасини ошириш вазифаси юкландади. Инсон ҳукуклари соҳасида тарғиботчилик ва маърифий фаолият комиссиянинг (марказнинг) вазифалари ва мақсадлари ҳакида жамоатчиликни хабардор қилиш, инсон ҳукуклари соҳасидаги ҳар хил масалалар юзасидан мунозаралар, семинарлар ташкил қилиш, маслаҳат хизматларини кўрсатиш ва маслаҳатлапув тадбирларини ўtkазиш, шунингдек, инсон ҳукуклари бўйича материаллар тайёрлаш ва уларни тарқатишни қамраб олиши мумкин.

Фуқаролар Миллий марказга ҳеч қандай чекловларсиз ташриф буюришлари, шикоят билан ёки зарур маслаҳат ёхуд маълумот олиш учун умумий қабулхонага мурожаат қилишлари мумкин<sup>1</sup>. Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бўйича фаолиятини ташкил этишда давлат ваколатларидан фойдаланилган ҳолда, фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунларида кайд этилган ҳукуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг давлат механизмидан тўлиқ фойдаланади. Давлатнинг барча идоралари, корхоналари, ташкилот ва муассасалари, шунингдек суд ҳамда ҳукукни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга ошириш юклатилган барча органлар билан фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бўйича ҳамкорлик қиласди. Марказ Конституция, Конунлар ва инсон ҳукуклари соҳасидаги умумэътироф этилган халкаро ҳукуқ меъёрлари қоидаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек,

<sup>1</sup> Сайдов А.Х., Бакадева Ф.Х., Арсланова К.Ш ва бошк.: Ўзбекистон Республикаси милий маркази, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига. Инсон ҳукуклари умумжадон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳукукларини ҳимоя қилиши малий тизими – Т. Ўзбекистон, 2010.- 212 б.

инсон ҳукуклари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш фаолиятини амалга оширишга оид функциясини бевосита фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиши билан муштарак тарзда олиб боради. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун талабларига риоя қилади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ариза ва шикоятларини мазмун ва моҳиятига қараб, аризачига ҳукуқий маслаҳат ва йўлланма беради. Аризада қайд этилган ҳукукбузарликларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда қонуний чора кўллашни сўраб, тегишли давлат идораси, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилади, зарур бўлган барча ҳолларда аризачини аризасини ёки шикоятини уларга тақдим этади ва натижасини ўз назоратига олади. Инсон ҳукуклари соҳасидаги таклифларни маслаҳатлашиш, ўрганиш ва тайёрлаш учун ҳам Ватанимиз, ҳам чет эл олимлари, мутахассислари ва экспертларни жалб этиш ваколатларидан кенг фойдаланган ҳолда, келиб тушган ариза, шикоят ва мурожаатни қонунан ҳал этиш учун барча чоралар кўрилади. Ариза, шикоят ва мурожаат билан Марказга мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларга қонун билан белгиланган муддат ва тартибда жавоблар тақдим этилади. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларида, мурожаатларида қайд этилган ҳукукбузарликларни, қонунбузарликларни аниқлаш, бартараф этиш, тегишли чоралар кўриш бўйича карор қабул қилиш ваколати ёки қабул қилинган қарорларни ушбу масалада бекор қилиш ва ўзgartириш Марказ ваколатига тааллуқли эмас. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларида, мурожаатларида қайд этилган ҳукукбузарликларни, қонунбузарликларни аниқлаш, бартараф этиш, тегишли чоралар кўриш учун тегишли ваколатли органга юбориб, бу ҳақда аризачига маълум қиласи. Тегишли органдан эса, қонуний чора кўрилганлиги ҳақида жавоб олиши ва ўз фаолиятида шу каби масалалар бўйича таҳлил қилиш учун материалларни талаб қилиш ҳукуқига эта. Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бўйича талаб қилган хужжатларини барча органлар ва мансабдор шахслар тақдим этишлари шарт хисобланади.

Шубҳасиз, инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг инсон ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги роли, вазифаси ва ваколатларига оид асослантирилган хуноса, таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилиши ва амалиётта

табиқ этилиши улар фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим гарови бўлиб хизмат қиласди.

## **IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ВАКИЛИ (ОМБУДСМАН) ФАОЛИЯТИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ**

### **4.1 §. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолияти қонунчилик асосларининг ривожланиши**

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда миллий институтларнинг роли бекиёсdir. Мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашнинг устувор қонунчилик асослари яратилибгина қолмасдан, балки уни амалга ошириш бўйича миллий институтларни шакллантиришга эътибор қаратилаёттанилиги ҳуқуқий тизимни ривожлантиришда муҳим аҳамият қасб этаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича яна бир миллий институт — парламент Омбудсмани ўзига хос ҳуқуқий мақомга эга бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда. Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман)нинг энг асосий ваколати — инсон ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақидаги шикоятларни қабул қилиш ва кўриб чиқишидир. Омбудсман фаолиятининг бошқа барча йўналишлари қўшимча бўлиб, улар шикоятларнинг кўриб чиқилиши самарадорлигини оширишга, фукароларнинг ҳуқуқий маданиятини кўтаришга, инсон ҳуқуқларига оид қонунлар ижро этилиши соҳасидаги вазият ҳақида жойлардан маълумот олишга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига олиб келаётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш максадида қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг конституциявий асослари яратилганлиги, уларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини муҳофаза қилишда асосий ҳуқуқий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқук ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Унинг 14-моддасида ҳам белгиланганидек, давлат ўз фаолиятини инсон ва

жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

Демократик институтлар каторида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳукуқлари бўйича вакили, яъни Омбудсманнинг роли ниҳоятда катта эканлигини ва унинг бу соҳадаги ваколатлари доирасининг ҳам кенглигини айтиб ўтиш жоиз. “Омбудсман” сўзининг (ўзининг) маъносига келадиган бўлсак, у шведча сўздан олинган бўлиб “Hombudsman” – бирор киши муносабатларининг вакили, баъзи мамлакатлarda парламент томонидан маҳсус сайланган (тайинланган) давлат органлари харакатларини қонунийлиги ҳамда фуқаролар ҳукуқ ва эркинликларига риоя этилишини кузатувчи мансабдор шахс деган маънони англатади<sup>1</sup>. Омбудсман — парламент тузилмаси бўлиб, бузилган инсон ҳукуқларини, факат ўзига хос усуслар ва воситалар орқали тикилашга кўмаклашади<sup>2</sup>. Ҳозирги кунда дунёнинг 107 дан ортиқ мамлакатида Омбудсман фаолиятини бажарувчи 150 дан ортиқ орган ва тизимлар мавжуд<sup>3</sup>.

Инсон ҳукуқлари миллий институтлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳукуқлари бўйича вакили (Омбудсман) муҳим ўрин тутади. Унинг ҳукукий асослари Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳукуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида<sup>4</sup>ти (янги таҳрирда) Қонун билан белгиланади. Ушбу қонун вакилнинг (Омбудсман) ҳукуқларини, мажбуриятларини, фаолиятининг асосий йўналишлари ва кафолатларини белгилайди.

Вакил ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонулари, бошқа қонун ҳужоатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек халқаро ҳукуқнинг умум зътироф этилган принциплари ва нормаларига амал қиласди. Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва у

<sup>1</sup>Равшанов И., Курбонов Ш. Инсон ҳукуқлари бўйича миллий институтлар // Инсон ҳукуқлари маданийтини тақдизайтириш масалалари мавзусидаги Республика илмий-назарий конференция материяллари. – Т. ТДЮИ, 2011.- Б.333-334.

<sup>2</sup> Сайдов А.Х. Бақаев Ф.Х, Арсланова К.Ш ва башка. Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳукуқларини ҳимоя ёкиниш миллий тизими. – Т. Ўзбекистон, 2010.- 212 б.

<sup>3</sup> Омбудсман в Ўзбекистане. Масъул мухаррир С.Рашидова. – Т. Жаҳон, 2001.- 19 б.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужоатлари тўплами, 2004 йил, 38-сон, 420-модда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобдордир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари жумласига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуклари бўйича вакили ва унинг ўринbosарларини сайлаш ҳам киради. Вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси ва Сенати томонидан беш йил муддатта сайланади. Вакил лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чикиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг ва Сенатининг вакилни сайлаш тўғрисидаги карори палаталарнинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул килинади. Вакил номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин бу масала юзасидан қабул килинган узил-кесил қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига конунда белгиланган тартибда юборилади. Вакил ўзининг ваколатлари муддати тугагач, янги вакил сайлангунига кадар ўз вазифасини бажаришни давом эттириб туради.

Сайланиш куни йигирма беш ёшга тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшаёттан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси вакил лавозимига сайланиши мумкин. Вакилнинг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан сайланадиган ўринbosари бўлади. Вакил ўз лавозимидан муддатидан илгари озод қилинган тақдирда, вакил ўринbosари унинг вазифасини янги вакил сайлангунига кадар бажариб туради ва вакил учун белгиланган кафолатлар ана шу даврда унга нисбатан татбиқ этилади. Вакил фаолиятининг асосий принциплари бўлиб конунийлик, адолатпарварлик, демократизм, инсонпарварлик, ошкоралик, ҳар бир инсон учун очиклик ҳисобланади. Вакилнинг ҳисоботи қонун ҳужжатларига мувофик ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида эшлилади. Вакилнинг йиллик ҳисоботи белгиланган тартибда зълон қилинади. Вакил инсон ҳуқуклари ва эркинликлари соҳасидаги ҳалқаро шартномаларнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг йиллик маъruzаларини тайёрлашда иштирок этади. Вакил сиёсий партияга аъзоликни ёки унда иштирок этишини ўз ваколатлари муддатига тўхтатиб туриши ёхуд тутатиши

шарт. Вакил илмий ва педагогик фаолиятдан ташкари ҳак тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шугулланиши мумкин эмас. Вакил лавозимдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан муддатидан илгари озод қилиниши мумкин: хусусан у ўз ваколатларини зиммасидан сокит қилиш тўғрисида ариза берган тақдирда; унинг соғлиги ҳолати баркарор тарзда бузилган ва бу тиббиёт муассасаси томонидан берилган гувоҳнома билан тасдиқланган тақдирда; унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда; у қонунга кўра Вакил фаолиятига номувофик бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда.

Вакил Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузаёттан ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ва у ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга. Вакил учинчи шахсларнинг, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг муайян бир киши ёки бир гурӯҳ шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқиш учун, башарти уларнинг бунга розилиги бўлса, қабул қиласи. Вакил суднинг ваколат доирасига кирадиган масалаларни кўриб чиқмайди.

Вакил арз қилувчига ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан ёки арз қилувчи, агар у ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланган ҳамда қабул қилинган карорлардан қаноатланмаган бўлса, ўз шикояти бўйича қабул қилинган охирги карордан хабар топган пайтдан эътиборан бир йил давомида берилган шикоятларни кўриб чиқади. Вакилга берилган шикоятда арз қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва манзили, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилинаётган ташкилотнинг номи, мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган, арз қилувчининг фикрича, унинг ҳуқуқларини бузган ҳаракатларнинг ёки ҳаракатсизликнинг моҳияти баён этилган бўлиши лозим. Шикоятга арз қилувчининг талабларини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа далиллар илова қилинади. Вакилга берилган шикоят учун давлат божи ундирилмайди. Вакил шикоятни кўриб чиқиш, арз қилувчи ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиши мумкин бўлган

воситалар ва шаклларни кўрсатиш, шикоятни унинг моҳиятига кўра ҳал қилишга ваколатли бўлган ташкилот ёки мансабдор шахсга юбориш, арз килувчини унинг ҳукуклари ва конуний манфаатларига дахлор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишириш, сабабини албатта кўрсатган ҳолда шикоятни кўриб чикишни рад этиш, конун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чоратадбирларни кўриш каби ҳукукларга эга. Вакил шикоятларни кўриб чикиш, шунингдек фуқароларнинг ҳукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташабbusи билан текшириш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда кўмаклашишни сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш, аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакилларини ва мансабдор шахсларни таклиф этиш, текширишни харакатлари ёки харакатсизлиги устидан шикоят берилган ташкилотга ёхуд мансабдор шахсларга топшириш мумкин эмас; ташкилотларга ва мансабдор шахслар хузурига монеликсиз кириш, ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни сўраш ҳамда олиш; мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш; аниқланиши лозим бўлган масалалар юзасидан ташкилотлар ва мутахассисларга хулосалар тайёрлашни топшириш; инсон ҳукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлор масалалар юзасидан ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан ўтказилаётган текширишларда иштирок этиш; ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган шахс билан учрашув ва сұхбатлар ўтказиш, ҳаракатларида инсон ҳукуклари ва эркинликлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўгрисида тегишли органларга илтимоснома билан кириш ҳукукларига эга. Фуқароларнинг ҳукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини текшираётганда маълум бўлиб колган, арз килувчининг ва бошқа шахсларнинг шахсий ҳаётига таалукли маълумотлар уларнинг розилигисиз ошкор килиниши мумкин эмас. Мансабдор шахслар фуқароларнинг ҳукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатлари бузилганлигига таалукли, вакил сўраган ҳужжатлар, материаллар ҳамда бошқа маълумотларни тақдим этишлари шарт. Вакил ўз фаолиятига доир масалалар бўйича давлат органларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан дарҳол қабул қилиниш ҳукукидан фойдаланади.Faолияти давлат сири ва конун билан кўрикланадиган бошқа сирлар билан

боғлиқ ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарга вакилнинг кириши тартиби, шунингдек давлат сири ёки қонун билан қўрикланадиган бошка сирни ташкил этувчи ахборотни вакилга тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Вакилнинг вазифаларини бажаришга тўсқинлик килиш белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Вакил шикоятни текшириш натижаларига биноан: арз қилувчига кўриб чиқиш натижаларини маълум қилиши; харакатлари ёки ҳаракатсизлигида фуқароларнинг хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги аникланган ташкилот ёки мансабдор шахсга бузилган хукукларни тиклаш юзасидан тавсиялар бўлган ўз хulosасини юбориши шарт. Бунда вакилнинг хulosасини олган ташкилот ёки мансабдор шахс уни кўриб чиқиши ва бир ойдан кечичтирмай асослантирилган жавоб юбориши шарт. Вакилнинг хulosасида иш ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан охирига етказилиши зарурлиги, ташкилот ёки мансабдор шахснинг карори ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши кераклиги, ташкилот ёки мансабдор шахснинг карори асосланиши зарурлиги, ташкилот ёки мансабдор шахс кўшимча карор қабул қилиши лозимлиги каби тавсиялар назарда тутилиши мумкин. Вакилнинг хulosасида бошқа тавсиялар ҳам бўлиши мумкин.

Вакил дахлизлик хукуқидан фойдаланади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилигисиз жиной жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, камоққа олиниши ёки суд тартибida бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Вакилга нисбатан жиноят иши факат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан кўзғатилиши мумкин. Вакилни мажбурий келтиришга, ушлаб туришга, шунингдек унинг шахсий буюллари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди. Вакилга шикоят берган шахс, шунингдек вакил томонидан ахборот тўплаш ва уни таҳлил этиши ёки эксперт баҳоси бериш топширилган шахслар бундай ҳаракат учун таъкиб қилиниши ёки хукуклари бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас.

Вакилнинг зиммасига юклangan вазифаларни бажариш юзасидан унинг фаолиятига кўмаклашиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Кенгашлари томонидан вакил раислигига инсоннинг конституциявий хукуклари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия тузилади. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган Регламентта амал килади. Вакил Комиссия

аъзосини ўз вакили этиб тайинлаши мумкин. Вакилнинг фаолиятини таъминлаш учун Котибият тузилиши мумкин, мазкур Котибият хакидаги низом вакил томонидан тасдикланади. Вакилнинг Котибияти юридик шахс ҳисобланади. Вакилнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ўз муҳри бўлади. Вакилнинг фаолиятини моддий ва бошқа жиҳатлардан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 10 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуклари бўйича вакили (Омбудсман) фаолиятини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тұғисида<sup>1</sup> ги қонунига кўра, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдикланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 216-моддасининг иккинчи кисми "ундан маслаҳат олиш" деган сўзлардан кейин "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуклари бўйича вакили (Омбудсман) билан монеликсиз ва холи учрашиш ҳамда сухбатлашиш" деган сўзлар билан тўлдирилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409-I-сонли Қонуни билан тасдикланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг 18-моддаси иккинчи кисмiga кўра, шикоятларни кўриб чиқиша, шунингдек фуқароларнинг ҳукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташабbusи билан текширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуклари бўйича вакили (Омбудсман) жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳукукига эга. Шунингдек, ушбу қонуннинг 40-моддаси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуклари бўйича вакили (Омбудсман) билан ёзишмалари бундан мустасно"<sup>1</sup> деган сўзлар билан тўлдирилди. Қайд этилган қонуннинг 79-моддасининг матни таҳририга асосан, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар чекланмаган миқдорда хат ва телеграммалар олишлари ҳамда жўнатишлари мумкин. Маҳкумларнинг хатлари ва бошқа жўнатмалари цензурадан ўтказилади, жазони манзилколонияларда ўтаётган шахсларнинг хатлари ва бошқа

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 15-сон, 179-модда

жўнатмалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуклари бўйича вакили (Омбудсман) номига жўнатиладиган хатлар ва бошқа жўнатмалар бундан мустасно. Мажкумларга хатларни топшириш ва уларнинг хатларини кўрсатилган манзилга жўнатиш муассаса маъмурияти томонидан хат келиб тушган ёки жўнатиш учун топширилган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичida амалга оширилади. Телеграммалар эгаларига дарҳол топширилади ва жўнатилади. Хатлар ва бошқа жўнатмалар олиш ҳамда юбориш, шунингдек уларни цензурадан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади. Озодликдан маҳрум этиш жойларида сакланаётган маҳкумлар ўртасида хат ёзишмалари факат ўзаро қариндошлар ўртасида ва муассаса маъмуриятининг рухсати билан амалга оширилиши мумкин. Прокурор номига йўлланган таклиф, ариза ва шикоятлар кўздан кечирилмайди ҳамда бир суткалик муддат ичida тегишлилиги бўйича жўнатилади. Шунингдек, ушбу қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда кабул қилинган 548-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси 50-моддасининг иккинчи кисмидаги "Сенати аъзоларининг" деган сўзлар "Сенати аъзоларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон хукуклари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг)" деган сўзлар билан алмаштирилди. Бундан ташкири, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда кабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Қонуни 23-моддаси таҳририга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон хукуклари бўйича вакили (Омбудсман) номзоди Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон хукуклари бўйича вакили (Омбудсман) ўринбосарининг номзоди Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон хукуклари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан киритилади. Конунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон хукуклари бўйича вакилини (Омбудсманни) ва унинг ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги карорлари Сенатта юборилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон хукуклари бўйича вакили (Омбудсман) номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин ушбу

масала юзасидан кабул килинган узил-кесил карор қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади. Қонунга киритилган янгиликнинг моҳияти шундан иборатки, яъни унинг 30<sup>1</sup>-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуклари бўйича вакилини (омбудсманни) дахлизизлик ҳукувидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тартиби ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуклари бўйича вакилини (Омбудсманни) жиной жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, камокқа олиш ёки унга нисбатан суд тартибida бериладиган маъмурий жазо чораларини кўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномаси ўн кун ичida Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади. Қонунчилик палатасининг сессиялари оралиғидаги даврда эса унинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, кейинчалик Қонунчилик палатаси Кенгашининг ушбу масала бўйича қарори Қонунчилик палатасининг мажлисида тасдиқланади. Қонунчилик палатасининг ёки унинг Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуклари бўйича вакилини (Омбудсманни) дахлизизлик ҳукувидан маҳрум этишга розилик бериш тўғрисидаги қарори яширин овоз бериш орқали қабул килинади. Қонунчилик палатасининг ёки унинг Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуклари бўйича вакилини (Омбудсманни) жиной жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, камокқа олиш ёки унга нисбатан суд тартибida бериладиган маъмурий жазо чораларини кўллашга розилик бериш тўғрисидаги қарори дарҳол Сенатга юборилади. Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуклари бўйича вакилини (Омбудсманни) дахлизизлик ҳукувидан маҳрум килишга розилик беришни рад этиши унга нисбатан жиноят ишини юритишни ёки суд тартибida бериладиган маъмурий жазони назарда тутадиган маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни истисно этадиган ва бундай ишларни тугатишга сабаб бўладиган ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда кабул килинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"<sup>1</sup>ги Қонунинг 19-моддаси таҳририга кўра

<sup>1</sup> Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2003, N 9-10, С. 137.

Конунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуклари бўйича вакилини (Омбудсманни) ва унинг ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги қарорлари Сенатга келиб тушганидан кейин Сенат ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуклари бўйича вакилини (Омбудсманни) ва унинг ўринбосарини сайлаш ҳақидаги масалаларни кўриб чикади. Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуклари бўйича вакилини (Омбудсманни) ва унинг ўринбосарини сайлаш масалаларига оид қарорлари Конунчилик палатасига юборилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуклари бўйича вакили (Омбудсман) номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин ушбу масала юзасидан қабул килинган узил-кесил қарор қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади. Ушбу Конуннинг ҳам 30<sup>1</sup>-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуклари бўйича вакилини (Омбудсманни) дахлизлик ҳукуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш назарда тутилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуклари бўйича вакилини (Омбудсманни) жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоқقا олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини кўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномаси ушбу масала бўйича Конунчилик палатасининг қарори Сенатта келиб тушганидан кейин ўн кун ичida Сенат томонидан унинг мажлисида, Сенатнинг мажлислари оралигидаги даврда эса Сенатнинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Сенатнинг ёки унинг Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуклари бўйича вакилини (Омбудсманни) дахлизлик ҳукуқидан маҳрум этишга розилик бериш тўғрисидаги қарори яширин овоз бериш орқали қабул килинади. Сенатнинг ёки унинг Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳукуклари бўйича вакилини (Омбудсманни) жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоқقا олиш ёки унга нисбатан суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларини кўллашга розилик бериш масаласига оид қарори дархол Ўзбекистон

Республикаси Бош прокурорига юборилади. Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуқлари бўйича вакилини (Омбудсманни) дахлизизлик ҳукуқидан маҳрум қилишга розилик беришни рад этиши унга нисбатан жиноят ишини юритишини ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони назарда тутадиган маъмурий ҳукукбузарлик тўғрисидаги ишни юритишини истисно этадиган ва бундай ишларни тутатишга сабаб бўладиган холат ҳисобланади<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда Омбудсман фаолиятини ривожлантириш хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш ва унинг ижобий жиҳатларини амалиётга татбик этиш билан боғлиkdir. Маълумки, хорижий мамлакатларда ҳам инсон ҳукуқлари ва эркинликларининг амалга ошишини назорат қилувчи органлар ва тузилмалар ташкил қилинган. Хорижий мамлакатларнинг бу борадаги амалиёти унинг ўзига хос ҳусусиятга эга эканлигидан далолат беради. Ҳусусан, Қозогистон Республикасида Президент ҳузурида инсон ҳукуқлари бўйича комиссия фаолият олиб боради. Ушбу комиссия давлат бошлиги ҳузуридаги маслаҳатчи орган ҳисобланиб, унинг энг асосий вазифаси Президентнинг инсон ҳукуқ ва эркинликларига риоя қилишнинг кафили бўлишлигига ёрдам беришдан иборатdir. Комиссия ўзига ва Президент номига келган мурожаатларни ҳам кўриб чиқишга ҳақлиdir. Ушбу комиссия таркиби гўйидагилар, яъни: раис, раис ўринбосарлари, котиб ва комиссия аъзолари киради. Ушбу таркиб Қозогистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Комиссия мажлиси ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади ва унинг ҳузурида жамоатчилик асосида эксперт кенгаши фаолият юритади. Дарҳакиқат, ривожланган демократик мамлакатларда инсон ҳукукларига амал қилишни назорат қилувчи тузилмалар ўзининг ривожланиш босқичига эгадир. Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, агар Ўзбекистонда инсон ҳукуқлари бўйича вакил мустақиллигимиз шарофати билан вужудга келган институт бўлса, хорижий мамлакатларда шундай тузилмалар узоқ ўтмишга эга бўлиб бир қатор ташкилий-ҳукуқий шаклда фаолиятини амалга ошириб келаётганлигидан далолат беради.

Хорижий тажрибани киёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, Омбудсман инсон ҳукукларининг амал қилишини назорат қилувчи муассаса сифатида ўзининг ўрни ва нуфузига эга. Айрим мамлакатларда Омбудсман сайланадиган, баъзи мамлакатларда эса

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2009 йил. 15-сон, 179-модда

тайинланадиган шахс бўлиб, у инсон ҳуқукларига амал қилишни назорат қилиш ваколатига эгадир. Тизимли таҳлил натижалари кўрсатишича, агар давлат бошқарув органлари инсон ҳуқукларига амал қилинишини фақат конун асосида назорат қилса, Омбудсманлар эса унга риоя қилиш бўйича назоратни мақсадга мувофиқлик, вижданлилик, адолат нуқтаи назаридан амалга оширади. Бу эса хорижий амалиётда синалган демократик институт эканлигидан далолат беради. Инсон ҳуқуклари бўйича вакил фаолияти билан шуғулланувчи мансабдор шахслар, яъни Омбудсманлар хорижий давлатларда турлича номда юритилади. Масалан, Швеция, Дания, Хиндистонда Омбудсман, Испания ва Колумбияда ҳалқ ҳимоячиси, Францияда воситачи, Руминияда ҳалқ адвокати, Россияда инсон ҳуқуклари бўйича вакил ва ҳоказо. Қайд этилган давлатларда Омбудсман турли давлат органлари томонидан турли муддатта сайланади ёки тайинланади. Бунга бир қатор мисолларни келтириш мумкин. Масалан, Испанияда Омбудсман беш йил муддатта парламент томонидан сайланса, Франция давлатида эса Вазирлар Кенгаши томонидан тайинланиши конун билан аниқ белгиланиб кўйилган. Хорижий мамлакатларнинг аксариятида конун ва шаклланган амалиётта кўра, Омбудсманларга ҳар қандай фуқаролар бевосита мурожаат қилишлари мумкин. Агар бундай орган, яъни Омбудсман фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари бузилишини аниқлаган тақдирда, тегишли идораларга ҳуқук ва эркинликларни тиклаш ҳақида таклиф киритишга ҳақлидир. Башарти, омбудсманларнинг таклиф ва тавсиялари тегишли органлар томонидан бажарилмай рад этилса, Омбудсманлар суд органлари билан бир қаторда парламентта ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Маълумки, инсон ҳуқук ва эркинликларининг бузилиш ҳоллари аниқланганда, уларнинг ўзи ҳуқук ва эркинликларни тикламайди балки уларни тиклашни тегишли органлардан сўрайди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, башарти тегишли идоралар ҳуқуқий ҳимояни таъминламаса, унда фуқаролар ҳуқук ва эркинликларни тиклаш ҳақида судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади. Энг муҳими, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш шундан далолат берадики, инсон ҳуқуклари ва эркинликлари ҳимояси бўйича турли давлат ва нодавлат тузилмаларининг фаолият юритиши ва уларнинг ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариши инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, Омбудсман институтининг назарий ва амалий муаммоларини шу жумладан, бу борадаги хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш мавжуд қонун ҳужжатларини амалиётга кўллаш даражасидан ортда қолмоқда. Бошқача айтганда, Омбудсман фаолиятининг ҳуқукий асосларини амалиётта кўллаш ҳолати, муаммолари ва уни ҳал килиш бўйича маҳсус илмий тадқиқот ишларини амалга оширишни жадаллаштириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) миллий ҳуқукий тизимда нисбатан янги ҳуқукий институт бўлиб ҳисобланади. Вакил фаолиятининг қонунчилик асосларини тизимли таҳлил этиш далолат беришича, у тобора такомиллашиб бормоқда. Кучли ҳуқукий давлатдан кучли фуқаролик жамият сари боришда ушбу миллий институтнинг роли тобора ошиб боради. Шу сабабли, вакил фаолиятининг ҳуқукий тартибга солиш самарадорлигини ошириш истиқболдаги мухим вазифа бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли биринчидан, ушбу қонуннинг мониторингини ўтказиб уни янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқиш, иккинчидан, қонунга шарҳлар тайёрлаш, учинчидан, вакил фаолиятини ҳуқукий тартибга солишга оид илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, туртинчидан, вакилнинг минтақавий тузилмалари ҳуқукий макомини аниқлаш, бешинчидан, ихтисослариган вакилнинг макоми ҳуқукий асосларини ишлаб чиқиш, вакил ҳуқуқларини амалга оширишнинг процессуал тартиб ва асосларини такомиллаштириш ўзининг ечимини кутаётган масалалар бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини вакил томонидан ҳимоя қилиниши улар ваколатини амалга оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қиласди.

#### **4.2 §. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ваколатлари**

Маълумки, инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият бўлиб ҳисобланади. Шу боис, давлатимиз ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширилаётгандиги ҳар бир йўналиш

бўйича ислоҳотларнинг устувор вазифаси сифатида қаралаётганлигидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов эътироф эттанидек, инсон ҳукуқларининг давлат манфаатларидан, умумзътироф этилган халқаро ҳукуқ нормаларининг эса миллий ҳукукий меъёрлардан устунлиги ҳам Конституцияда мухрлаб қўйилди. Асосий Қонуннинг 13-моддасида белгиланишича, давлат фукароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳукуқ ва эркинликларни таъминлайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳукуқ ва эркинликларни суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳатти-харакатлари судга шикоят қилиш ҳукуки кафолатланади.

Мамлакатимизда барча фукаролар бир хил ҳукуқ ва эркинликларга эга. Фукаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, зътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, конун олдида тенгдирлар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фукароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳукуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фукароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳукуқ ва эркинликлари дахлсизdir, улардан суд қарорисиз маҳрум этишта ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Конституция ва қонунлар нафақат фукароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини белгилабгина қолмасдан, балки уни амалга ошириш чегараларини ҳам мустаҳкамлайди. Яъни фукаролар ўз ҳукуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳукуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шахсий ҳукуқ ва эркинликлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳукуқлар ҳам умумзътироф этилган халқаро ҳукуқ нормаларига асосланган тарзда ифода этилган. Давлат қайд этилган ҳукуқларни нафақат конституциявий нормада мустаҳкамлайди, балки уни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш асосларини ҳам кафолатлади. Мамлакатимизда инсон ҳукуқлари бўйича миллий институтларнинг шаклланиб улар фаолияти такомиллашиб бораётганлиги ҳам инсон манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ушбу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, инсон ҳукуқларини ҳимоя қилишда миллий институтларнинг роли тобора ортиб бермоқда. Айниқса, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтининг жорий этилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда кабул килинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”<sup>1</sup> ги (янги таҳрири) Қонун вакилнинг ҳуқукий мақомини аниқ белгилайди.

Вакилнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишдаги ваколатлари ўзига хос хусусиятга эгадир. Биринчидан, вакил ўзининг мақоми жиҳатидан мансабдор шахс бўлиб ҳисобланади. Иккинчидан, вакилга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган. Яъни вакил инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларни риоя этилиши бўйича ягона парламент назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсdir. Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилишининг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради. Вакил Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиласи. Шунингдек, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади. Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобдордир. Вакил ўз ваколатларини амалга оширишда қонунда белгиланган принципларга амал қилиши шарт. Бундай принциплар бўлиб, қонунийлик, адолатпарварлик, демократизм, инсонпарварлик, ошкоралик, ҳар бир инсон учун очиқлик ҳисобланади. Қонунийлик принципининг моҳияти шундан иборатки, вакил ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, бошқа қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига, шунингдек ҳалқаро ҳукуқнинг умум зътироф этилган принциплари ва нормаларига амал қилиши зарур. Вакил ўз ваколатларини ижтимоий адолат принципларига асосланган ҳолда амалга ошириши талаб қиласи. Колаверса, умуминсоний, демократик принциплар асосида вакил

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси донуз ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 38-сон, 420-модда.

фаолиятининг ташкил этилиши унинг ваколатларини тўлақонли бажариш имкониятини яратади. Вакил фаолиятининг инсонпарварлиги шундаки, у инсон ҳукуки ва эркинликларига риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга оширади. Бошқача айтганда, инсонпарварлик унинг ваколатини амалга оширишда муҳим ўрин тутади. Инсонпарварлик ҳар бир инсон учун очиқлик, фуқаролар ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлигини таъминлашга ҳам хизмат қиласди. Ҳар бир фуқаро эркин, ошкора, очиқ ҳолда, хеч қандай тўсиксиз вакилга ўз ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши учун мурожаат этишга ҳақлидир. Вакилга бундай мурожаат қилишнинг кулаги фуқаролар ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни унга берилган ваколат доирасида ҳал қилиш имкониятини яратади. Вакил фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўзига берилган ваколат доирасида шикоятларни кўриб чиқиш ва текширувни ўтказиш орқали амалга оширади. Қонунга кўра, вакил Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўз ҳукуклари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузётган ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг харакатлари ёки харакатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ва у ўз текширувни ўтказиш ҳукукига эга. Бундай шикоятлар ўзининг ҳукукий табиатига кўра қонунбузилиши ҳолати билан боғлиқдир. Яъни ташкилотлар ёки мансабдор шахслар харакатлари ёки харакатсизлиги оқибатида фуқароларнинг, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда улар вакилга ҳам шикоят билан мурожаат этишга ҳақли бўлади.

Бундан ташқари, вакил учинчи шахсларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг муайян бир киши ёки бир гурӯҳ шахсларнинг ҳукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқиш учун башарти уларнинг бунга розилиги бўлса қабул қиласди. Фуқаролар вакилга мурожаат қилишининг талаб ва шартларини ҳам мукаммал билиши талаб этилади. Бундай талаб ва шартларни билмаслик фуқароларнинг шикоятларини оқибатсиз қолдирилишига сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, суднинг ваколат доирасига кирадиган масалаларни кўриб чиқмаслиги қатъий мустаҳкамлаб кўйилган.

Қонунда Вакил томонидан шикоятларни кўриб чиқишинг шарти белгиланган. Вакил арз қилувчига ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан ёки арз қилувчи агар у ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланган ҳамда қабул қилинган карорлардан қаноатланмаган бўлса, ўз шикояти бўйича қабул қилинган охирги қарордан хабар топган пайтдан эътиборан бир йил давомида берилган шикоятларни кўриб чиқади. Қонунда вакил томонидан шикоятларни қайд этилган шартлар асосида кўриб чиқиши муддати бир йил давомида деб белгиланган. Демак, бундай муддат давомида вакил томонидан шикоятларни кўриб чиқиш ва текшириш амалга оширилади. Вакил томонидан шикоятни кўриб чиқиши ва текшириш натижалари бўйича хulosasi тайёрланади. Вакилнинг хulosasi ҳуқуқни кўллаш ҳужжати бўлиб тегишли ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиради. Вакилнинг хulosасида иш ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан охирiga етказилиши зарурлиги, ташкилот ёки мансабдор шахснинг қарори ўзгартирилиши ёхуд бекор қилишини кераклиги, ташкилот ёки мансабдор шахснинг қарори асосланиши зарурлиги, ташкилот ёки кўшимча қарор қабул қилиши лозимлиги ва бошқалар кўрсатилиши мумкин. Вакилнинг хulosasi асосида ташкилот ва мансабдор шахсга бериладиган тавсиялар фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос усули бўлиб ҳисобланади.

Хulosasi қилиб айтганда, вакил томонидан фуқаролар ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини амалга ошириши улар манфаатларига путур етказилишининг олдини олишда муҳим ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади.

#### **4.3 §. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда иштироки**

Мустақил мамлакатимизда давлат ҳокимияти тизимининг ҳамма тармоқларида, бозор муносабатларини ривожлантиришда ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда қонуннинг ролини ошириш долзарб муаммолардан бўлиб ҳисобланади. Давлат томонидан қонунчилик фаолиятини тубдан яхшилаш борасида миллий ҳуқуқий тизимни шакллантиришга ва том маънода қонуннинг устуворлигини

таъминлашга ғоятда муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Конун ижодкорлиги соҳасида давлат сиёсати самарали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, тараққиётимиз ва демократик янгиланиш заминини белгилаб берадиган қонунларни ўз вақтида қабул қилишимиз, уларга ҳайт тақазо этаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишимиз зарурати бугун нечоғли долзарб эканини англаш, тушуниш қийин эмас.<sup>1</sup>

Конун ижодкорлик фаолиятида парламент роли ва ўрни бекиёсdir. Мамлакатимизда икки палатали парламентнинг ташкил этилиши бу жараёнда янги истиқболли йўналишни бошлаб берди, конун ижодкорлик фаолияти жамиятда Конституция ва конуннинг устунлигини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига кўра, "Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва конунларга мувофиқ иш кўрадилар". Шунингдек, 16-моддасига асосан, мазкур Конституциянинг биронта қоидаси Ўзбекистон хукуқ ва манфаатларига заرار етказадиган тарзда талкин этилиши мумкин эмас. Конун ижодкорлик фаолиятида Конституция ва қонуннинг устунлигини таъминланган ҳолда ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоклари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатни белгилайдиган асосларни вужудга келтириш долзарб вазифадир.

Конун ижодкорлик фаолиятини субъект таркибига кўра, шартли равишда учта гурухга биринчидан, қонунчилик иккинчидан, ижро учинчидан, суд ҳокимияти қонун ижодкорлик фаолиятига ажратиш мумкин. Бундай фаолият қонунчилик ташабbusи хукуқига эга бўлган субъектлар томонидан амалга оширилади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 83-моддасига биноан қонунчилик ташабbusи хукуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи оркали Қорақалпогистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг

<sup>1</sup>Каримов И.А. Ийсон манбаатларин таъминлаш, ижтиёёнӣ ҳамоҳ тизминни такомиллаштириш-устувор вазифамиздир / Президент Ислом Каримевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йилитига бағишиланган таңтанаҳи маросимиидаги маърузаси // Ҳалқ сўзи. 2006 йил 8 декабрь.

Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳукук конунчилик ташаббуси ҳукуки субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Конунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Ҳозирги шароитда қонун ижодкорлик фаолиятининг асосий йўналиши мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилганлигини қайд этиш жоиз. Конунчилик фаолияти билан шуғулланишинг тармоклари кенг ва хилма-хилдир. Давлатнинг мавжуд бўлиши ҳам айнан Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашга боғлиқdir. "Кучли давлатдан - кучли фукаролик жамият сари" деган методологик асос қонун ижодкорлик фаолиятининг негизини ташкил этади.

Маълумки, икки палатали парламентнинг ташкил этилганлиги конунчилик ташаббуси ҳукукига эга бўлган субъектлар олдига муҳим талабларни кўймоқда. Ушбу субъектлар фаолиятининг ўзаро мувозанатини ва фаоллигини таъминламасдан туриб конунчилик жараёнининг самарадорлигига эришиш мушкул. Конунчилик амалиёти кўрсатишича, бундай ташабbus ҳукуқидан фойдаланувчи субъектларнинг конунчилик жараёнида бевосита иштирокисиз, бошқача айтганда, уларнинг қонун ижодкорлик фаолиятини янада такомиллаштирасдан туриб давлат ҳокимияти тизимида конуннинг устунлигига эришиш мураккаб масала бўлиб хисобланади. Гарчи, кенг миқёсда қонун ижодкорлик фаолияти амалга оширилаётган бўлса-да, молиявий-иқтисодий инқироз шароитида конунчиликни такомиллаштириш борасида янги истиқболли йўналишларни белгилаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги шароитда қонун ижодкорлик фаолиятининг хусусияти шундан иборатки, қонуншунос энг аввало ҳукук нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатнинг тури, туси, унга кўлланадиган ҳукук нормаси доираси, чегарасини аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги даврда қонунчилик фаолиятидаги ўзига хослик шундан иборатки, биринчидан, мавжуд ҳукукий нормаларнинг кай даражада бугунги кунда ҳукукий восита вазифасини бажаришга кодирлиги, уни такомиллаштиришга объектив эҳтиёж сезилаётганлик холатини аниқлашга боғлиқdir. Иккинчидан, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида вужудга келаётган

муносабатларни тартибга солишга оид ҳуқук нормаларини мустаҳкамлашга зарурият пайдо бўлаётганлиги билан тавсифланади.

Қайд этилган йўналишнинг ҳуқуқий асосларини яратишда ва такомиллаштиришда энг аввало, у ёки бу ҳуқуқий муносабатни тартибга солувчи норманинг ҳаётйлиги, бошқача айтганда унинг амалиётда кай даражада ҳуқукий восита сифатида хизмат қилаётганлиги таҳлил этилиши лозим. Кези келганда айтиш жоизки, қонунни қўллаш амалиётини пухта таҳлил килмасдан туриб қонун ижодкорлик фаолиятининг самарадорлигига эришиш қийин. Шу сабабли, қонунни амалиётда қўллашни ҳар томонлама изчил ўрганиб бориш, мониторинг килиш узлуксиз амалга ошириладиган мураккаб жараёндир.

Қонун ижодкорлик фаолияти ижтимоий муносабатларнинг ривожидан оркада колмаслиги лозим. Чунки, ижтимоий муносабатларнинг мазмунни ва можияти фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиёти чуқурлашуви жараённида ўзгаришлар мунтазам таҳлил қилиниб уни ҳуқуқий тартибга солишда қонун нормаларидан самарали фойдаланишни талаб этади. Шу сабабли, жамиятда самарали ҳуқук нормаларининг амал қилиши, демократик ҳуқуқий тараққиётнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқук нормасини факат назарий асосга таяниб бир томонлама белгилаш ҳам ўзининг самарасини бермайди.

Қонун ижодкорлик фаолиятида ҳуқук нормасининг тузилиши, мазмунни, асослари чегарасини аниқлаб бошка ҳуқуқий коидалар билан ўзаро мутаносиблигини таъминламасдан туриб уларнинг ҳаётйлигига эришиб бўлмайди. Қонун нормаларини айниқса, фуқаролар ҳуқук ва эркинликларини қонун билан кўрикландиган манфаатларини химоя қилишга жиҳатдан аҳамият берилиши инсонпарварлик тамоилини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Бу борада нафакат қонунчилик ташаббуси ҳукуки субъектларининг, балки инсон ҳукуклари бўйича миллий институтларининг ролини оширишни тақозо этмоқда. Бизга маълумки, қонун ижодкорлиги фаолиятида нафакат қонунчилик ташаббуси ҳукуқига эга бўлган, балки бундай ташаббус ҳукуки бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар ҳам қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиши мумкин.

Айниқса, инсон ҳукуклари миллий институтларининг бу борадаги фаолияти кучли ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти

қонунчилик асосларини ривожлантиришда мухим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилдаги “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”<sup>1</sup>ги Конуннинг 8-моддасида қонунчилик ташаббуси хукукига эга бўлмаган давлат органларининг, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг конунлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиши белгиланган. Ушбу моддага асосан, қонунчилик ташаббусига эга бўлмаган давлат органларининг, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг конунлар лойиҳаларини ёки янги конун қабул қилиниши, конунга ўзgartиришлар, кўшимчалар киритилиши, шунингдек, амалдаги қонунни ёки унинг бир қисмини ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги таклифларни конунчилик ташаббуси хукуки субъекти кўриб чиқиши учун киритиши мумкин. Конунчилик ташаббуси хукукига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ёки фуқаролар томонидан киритилган конунлар лойиҳаларни ёки таклифларни конунчилик ташаббуси хукуки субъекти ўзи ишлаб чиқаётган конунлар лойиҳалари учун асос сифатида қабул қилиниши мумкин.

Конун лойиҳаларини ишлаб чиқишида конунчилик ташаббуси хукукига эга бўлган ва бундай хукукка эга бўлмаган субъектларнинг иштирок этиши конун ижодкорлик фаолиятининг самарадорлигини оширишда мухим омил бўлиб хисобланади. Кези келганда шуни айтиш керакки, гарчи хукукий адабиётларда конунчилик ташаббуси хукуки субъектларнинг фаолиятини ўрганишга эътибор қаратилаётган бўлсада, конунчилик ташаббуси хукукига эга бўлмаган давлат органларининг, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг конунлар лойиҳалари тайёрлашда иштирок этиш масалаларини тизимли равишда тадқик этиш эътибордан четда колаётган муаммолардан бири бўлиб хисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуклари бўйича вакили (Омбудсман) ҳам конунчилик ташаббуси хукукига эга бўлмаган субъект бўлиб саналади. Вакилнинг инсон хукуклари бўйича конун хужжатларини такомиллаштириш борасидаги фаолиятини ташкил этиш мухим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон хукуклари бўйича вакили (Омбудсман)

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари туплими, 2006 йил, 41-сов, 406-мода.

тўғрисида<sup>ти</sup> (янги таҳрири) Қонуннинг I-моддаси иккинчи кисмига кўра, Вакил Ўзбекистон Республикасининг инсон хукуклари тўғрисидаги конун хужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро хукуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат килади. фукароларнинг инсон хукуклари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади.

Конунда вакилнинг ваколат доираси кенг даражада белгиланганидан далолат беради. Биринчидан, вакил давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон хукуклари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги конун хужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириши, иккинчидан, инсон хукуклари тўғрисидаги конун хужжатларини такомиллаштириш, учинчидан, инсон хукуклари тўғрисидаги конун хужжатларини халқаро хукуқ нормаларига мувофиқлаштириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, тўртинчидан, фукароларнинг инсон хукуклари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишда кўмаклашиши кабилар шулар жумласидандир. Вакилнинг кайд этилган ваколат ва фаолиятининг муҳим йўналишлари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Энг муҳими, вакил қонунчилик ташабbusи хукукига эга бўлмаган мансабдор шахс сифатида инсон хукуклари тўғрисидаги конун хужжатларини такомиллаштириш борасида фаолиятни ташкил этади. Конунга кўра, вакилнинг конун ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки доираси аник килиб белгилаб қўйилган. Яъни бундай фаолият бевосита инсон хукуклари тўғрисидаги конун хужжатларини такомиллаштириш қолаверса, уни келгусида амалиётда татбик этишнинг самарадорлигини ошириш билан узвий боғлиқдир.

Вакил қонунчилик ташабbusи хукукига эга бўлмаган ўзига хос субъектдир. Вакилнинг қонунчилик ташабbusи хукукига эга бўлмаган субъект сифатида фаолиятнинг ўзига хос хусусияти инсон хукуқ ва эркинликларига риоя килиш устидан парламент назоратини амалга оширувчи миллый институт мақоминга эга эканлигида ёрқин намоён бўлади. Тизимли илмий-амалий таҳлиллар натижаси кўрсатишича, фукаролар хукуклари ва конуний манфаатлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш ва уни халқаро хукуқ нормаларига мувофиқлаштириш фаолияти нафакат уларнинг бу борадаги ишини сифатини оширади, балки қонунчилик ташабbusи хукуки субъектларига кўмаклашиши орқали конун ижодкорлик жараёнида билвосита иштирок этиш имкониятини

яратади. Инсон ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишта ажамият берилеётгандырып бөйсүннен үннинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш ҳам объектив жараёндир.<sup>1</sup>

Инсон ҳукуклари бүйича вакил фукаролар мурожаатларини, мониторинг тадкикотлари натижаларини ўрганиш ва тахлил этиш асосида қонунларнинг амалий самарадорлыгини баҳолайди, инсон ҳукуклари бузилишларини ва уларнинг сабабларини тадкик қиласади. Қонунчилықтардың аниқлайды, шунингдек норматив-хукукий ҳужжатларни уларнинг фукаролар ҳукуклари ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ келиши бүйича эксперт баҳолашини амалга оширади. Вакил томонидан унга берилген ваколат доирасида инсон ҳукуклари ва эркинликларига риоя этиш устидан парламент назоратини амалга ошириш баробарида қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда фаол иштирокининг таъминланиши улар манфаатларини самарали ҳукукий воситалар асосида ҳимоя қилишта ёрдам беради.

Вакил үзининг ҳукукий мақоми жихатидан қонунчилик ташаббусига эга бўлмаган субъект сифатида инсон ҳукуклари соҳасида миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга каратилган фаолиятни амалга оширади. Амалиётда, вакилнинг бу борадаги фаолияти инсон ҳукуклари соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга кўмаклашишини ўз ичига камраб олади. Вакилнинг бу борадаги фаолияти фукаролар шикоятлари ва мурожаатларини тахлил килиш; қонун ҳужжатлари номукаммаллиги сабабли мунтазам содир этилган ҳукуқбузарликларни аниқлаш; амалдаги қонун ҳужжатларини мониторинг қилиш; улардаги бўшликларни аниқлаш; қонун ҳужжатларини кўллаш билан боғлиқ ҳолда инсон ҳукуклари бузилиши сабабларини тахлил килиш; парламентда кўриб чикиш учун киритилган қонун лойиҳаларини экспертиза қилиш; қонунчиликда аниқланган номукаммаллик ҳолатлари бўйича қонунчилик ташаббуси ҳукуки субъектларига мурожаат қилиш; инсон ҳукуклари бўйича вакилнинг мъэрузаларида қонун ҳужжатларидан такомилига етмаган ҳолатлар тўғрисидаги ахборот тақдим этиш; инсон ҳукукларига оид қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни парламентда кўриб чикиш учун киритиш бўйича ишчи гурухлар таркибида фаолият юритиш; инсон ҳукукларига доир ҳалкаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги таклифлар

<sup>1</sup> Бу хадда матбуотда ҳам алқисда ажамият берилмоқда. Ражабова М. Омбудсмен фаолиятининг такомиллаштирилиши инсон ҳукукларини самарали ҳимоялашга хизмат юнади // Халқ сўзи, 2009 йил 26 марта.

тайёрлаш асосида амалга оширилади. Вакил қонунлар лойиҳалари бўйича уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳукукнинг умумъетироф этилган принциплари ва нормаларига мувофик ҳолга келтиришга, қонун ҳужжатларидағи зиддиятларни бартараф этишга, улардаги бўшлиқларни тўлдиришга қаратилган ўзгартиш ва кўшимчалар киритишга қаратилган таклифлар билан ҳулосалар тақдим этади. Ушбу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳукуклари бўйича вакилининг инсон ҳукуклари соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, уларнинг кўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Конунчилик палатаси депутатлари билан ўзаро ҳамкорлигига боғлиқдир. Бинобарин, вакилнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси кўмиталари билан ўзаро ҳамкорлиги нафақат инсон ҳукукларининг турли соҳаларини ўз ичига камраб оловчи балки инсон ҳукуклари билан боғлиқ қонун ҳужжатларига риоя этилиши мониторинги якунлари бўйича ахборот алмашища ҳам намоён бўлади. Шунингдек, бундай тусдаги ҳамкорлик инсон ҳукуклари соҳасида биргаликда учрашувлар, семинарлар, тренинглар давра сұхбатларини ташкил этиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Вакил нафақат конунчилик хокимиюти балки суд ҳокимиюти билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиши, инсон ҳукукларига оид қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашда муҳим ахамият касб этади. Айниска, судларда қабул қилинаётган ҳал қилув қарорларининг инсон ҳукуклари бўйича халқаро стандартларга мувофик келиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқища иштирок этиш Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Масалан, вакил Ўзбекистон Республикаси Олий суднинг “Бир қанча жиноят содир этилгандаги килмишларни тавсифлаш масалалари тўгрисида”ги, “Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш амалиёти тўгрисида”ги Пленум қарорлари лойиҳаларини ҳукукий экспертиздан ўтказища иштирок этганигини қайд этиш лозим.

Маълумки, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳукуклари бўйича вакили (Омбудсман) тўгрисида”ги Конуннинг 4-моддасига мувофик вакил шикоятларни кўриб чиқища, шунингдек ўз ташабbusи билан текширувлар ўтказища аникланиши

лозим бўлган ҳолатлар бўйича текширувда кўмаклашишни сўраб ташкилотларга ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиши мумкин. Шуни инобатга олиб, процессуал қонун хужжатларини вакил мурожаатини кўриб чишишнинг тартиби ва асосларини назарда тутувчи нормаларни ифода этиш максадга мувофиқ. Чунки, қонунда вакилнинг мурожаат қилиш хукуки кафолатланганигини инобатта олиб уни ҳал қилишнинг процессуал жихатларини белгилаш, судларда инсон хукукларини устивор ҳимоя қилишнинг мухим омили бўлиб ҳисобланади. Албатта, процессуал хукуқ доктринасида бундай ёндашув суд амалиёти нуктаи назаридан баҳсли бўлсада, аммо вакилга берилган ваколатларни амалга оширишнинг ишончли механизмини яратишга хизмат килади десак, муболага бўлмайди.

Бундан ташқари, ҳалкаро хукукнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳалкаро шартномаларини судларда кўлланиши мухим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида, фукароларнинг адолатли суд мухокамасига бўлган хукукини тўларок таъминлаш имкониятини яратади. Масалан, вакил томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумларининг “Судлар томонидан ҳалкаро хукукнинг умумэътироф этилган принцип ва меъёрларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳалкаро шартномаларининг кўлланиши тўғрисида”ги карорини хукукий экспертизадан ўтказиша иштирок этганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Дарҳақиқат, вакилнинг Олий суд ва Олий хўжалик суди Пленуми карорлари лойиҳалари юзасидан берилаётган таклиф ва тавсиялари тавсиявий тусга эга бўлса-да, уларнинг тегишли тартибда хукукни кўллаш амалиётида инобатга олиниши инсон хукуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Инсон хукуклари бўйича вакилнинг вазифаларидан бири инсон хукуклари соҳасидаги хукукий муносабатларни тартибга солувчи қонун хужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиших ҳисобланади. Вакил бундай таклифларни ишлаб чиқиша биринчидан, ўз фаолиятида инсон хукукларига оид қонун хужжатларини амалиётда татбик этишга, иккинчидан, хорижий мамлакатлар Омбудсманларининг бу борадаги иш тажрибасига таянади. Вакил фаолияти қонунларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат бўлиб қолмасдан ўзига хос мониторинг амалиётини ҳам юритади. Вакил томонидан инсон хукуклари ва эркинликларига риоя этиш ва ҳимоя қилишни амалга

оширишнинг мониторинги ўтказилади. Вакил қабул килинган қонунларни амалга ошириш бўйича парламент назоратини, амалдаги қонун хужжатларининг инсон хукуклари соҳасидаги - халқаро стандартларга мувофиқ келишини мониторинг асосида ташкил этади. Мониторинг натижалари давлат органларига ўз ишларини мувофикалаштириш ҳамда инсон хукуклари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича тезкор ва асосли қарорлар қабул килишда ёрдам беради. Вакилнинг инсон ҳуқук ва эркинликларига риоя этилиши бўйича мониторинг амалиёти ўзига хос ҳусусиятга эга бўлиб унинг тушунчаси, моҳияти, ҳуқукий мониторинг тизимида тутган ўрни, шакл ва усуслари, натижаларини баҳолаш ва келгусида унинг натижалари бўйича ишлаб чиқилган хulosса, таклиф ва тавсияларни ҳуқуқни кўллаш амалиётида татбиқ этиш механизmlарини ишлаб чиқиш зарурияти вужудга келмокда. Шу боис, инсон хукуклари бўйича вакилнинг бу борадаги шаклланган амалиётини инобатта олиб қонунчилик асосларини такомиллаштириш истиқболдаги муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Илмий ва амалий таҳлиллар кўрсатишича, қонунчилик ташаббуси ҳукуқига эга бўлмаган давлат органларининг, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш муаммоларини ўрганиш долзарб масаладир. Биринчидан, қонунчилик ташаббуси ҳукуқига эга бўлмаган давлат органларининг, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштирокининг умумий тавсифини баён этиб, унда бундай фаолиятнинг тушунчаси, ахамияти, моҳияти, шакл ва усуслари ҳамда уни амалга ошириш тартиби, асосларини, хорижий давлатларда қонунчилик ташаббуси ҳукуқига эга бўлмаган субъектларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштирокининг ўзига хос ҳусусиятлари ёритилиб берилиши лозим. Иккинчидан, қонунчилик ташаббуси ҳукуқига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштирокининг ўзига хос жихатлари тизимли тадқик этилиши зарур. Яъни қонунчилик ташаббуси ҳукуқига эга бўлмаган давлат органларининг қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштироки, қонунчилик ташаббуси ҳукуқига эга бўлмаган нодавлат ташкилотларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштироки, қонунчилик ташаббуси ҳукуқига эга бўлмаган нодавлат ташкилотларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашда катнашиши, фуқароларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштироки

масалалари назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш зарурияти пайдо бўлмоқда. Шунингдек, қонунчилик ташаббуси ҳукуки субъекти билан бундай ҳукуқка эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-услубий тартиби ва асослари айникса, давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари юридик хизматининг самарадорлигини ошириш муаммоларини тадқиқ этиб ўрганиш талаб этилмоқда. Энг мухими, қонунчилик ташаббуси ҳукуқига эга бўлмаган давлат органи, нодавлат ташкилоти ва фуқаролар томонидан қонун лойиҳаларини ёки янги қонун қабул қилиниши, қонунга ўзгартишлар, кўшимчалар киритилиши шунингдек, амалдаги қонунни ёки унинг бир қисмини ўз кучини йўқотган деб топилип зарурлиги тўғрисидаги таклифларни қонунчилик ташаббуси ҳукуки субъекти кўриб чиқиши учун киритиш тартиби, унинг мазмунига кўйиладиган талаблар ҳусусан, қонун лойиҳаларининг шакли, тузилиши, унинг баёнига тааллукли талаблар, матнида тушунчалар ва атамалардан фойдаланиш, унда ҳаволалардан фойдаланиш, таклифларга илова қилинадиган ҳужжатлар, қонунчилик ташаббуси ҳукуки субъекти томонидан таклифларни қабул килиш, кўшимча ўрганиш учун юбориш ва унинг ҳукукий асосларини таҳлил этиш лозим. Қонун ижодкорлиги фаолиятини янги сифат босқичига кўтаришда қонунчилик ташаббуси ҳукуки субъектларининг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича таклифларни киритиш тартиби ва услубий тавсияларни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда расмийлаштириш уларнинг бу борадаги фаолиятини тегишли тартиб ва таомиллар асосида амалта ошириш имконини беради.

Хулоса килиб айтганда, инсон ҳукуклари бўйича вакилнинг қонун ҳужжатларини такомиллаштиришдаги иштирокининг тамилланиши ва унинг бу борадаги фаолиятининг самарадорлиги оширилиши фуқаролар ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг мұхим омили бўлиб ҳисобланади.

# **У БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ**

## **5.1 §. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатура институтининг тутган ўрни ва роли**

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш мухим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида жиноий жазо тизимини либераллаштириш, амалда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш жараёнларига катта эътибор берилди. Адвокатура институти ислоҳ этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди, бутун суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга қаратилган бошқа бир қатор чора-тадбирлар амалиётта татбиқ этилди<sup>1</sup>. Демократик ислоҳотларнинг мухим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича ҳам кўп ишлар амалга оширилди.

Айтиш лозимки, “... мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари устуворлиги қатъий мустаҳкамланди. Конституциямизнинг ўзига хос хусусиятлари – унда ҳуқукий ва сиёсий тафаккурнинг энг юксак ютуқлари. Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибаси ҳамда ўзбек ҳалки маданияти ва миллий анъаналарининг чукур илдизларига таянилгани ҳисобланади”<sup>2</sup>.

Янги жамиятни барпо этишда адвокатура институти Конституция ва қонун устиворлигини таъминлашга хизмат қилади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширап экан, уни таъминлашда адвокатура ҳам ўзига хос ўрин

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва ҳуқуқ фуқаролик жамиятини барпо этиш устивор мақсадимиздир // Жаҳон инкоризининг оқибатларини енгизиш. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топлағ давлатлар диражасига кутарилаш сарни. Т.18. -Т. Узбекистон, 2010. - 129 б.

<sup>2</sup> Алихўжаев А. Чин ўзбек иши. -Т. Узбекистон, 2011. - 480 б.

тутади. Конун ижодкорлиги фаолиятида, айниқса, қонунларнинг инсон ҳуқук ва манфаатлари нуқтаи назаридан ижросини таъминлашда адвокатуранинг роли бекиёсdir. Инсон ва фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини амалга ошириш ҳам малакали юридик ёрдам кўrsatiш билан чамбарчас боғлиқdir. Адвокатура конституциявий институт бўлганлиги сабабли, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатини таъминланишида ҳам муҳим ўрин тутади. Давлат фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини таъминлашда бошқа химоя тузилмалари билан бир қаторда адвокатуранинг малакали юридик ёрдам кўrsatiшга ҳам таянади.

Ҳуқуқий адабиётларда тўгри таъкидланганидек, “адвокатура”, “фуқаролик жамияти” ва “давлат” ўзаро боғлиқ тушунчалардир. Адвокатура бу жамиятда барча шахсларнинг, яъни фуқаролик жамиятининг, ҳуқук ва манфаатларини химоя қилиш эҳтиёжи натижасида пайдо бўлган жамият фаолияти самарасидир. Адвокатуранинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини эса конун чиқарувчи ҳокимият орқали давлат белгилайди, яъни адвокатура бу конун устуворлиги, мустақиллик ва бошқа демократик принциплар асосида жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўrsatiш мақсадида фаолият олиб борадиган ҳуқуқий институтdir<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, адвокатура фуқаролик жамиятининг институти сифатида жамиятда турли кучларнинг мувозанатини таъминлашда, жамият аъзоларининг ҳуқуқий онгини оширишда ва давлат органлари нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ёрдам беради. Адвокатура ҳеч қандай давлат органи тизимиға кирмайди, ўз фаолиятини мустақил ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида амалга оширади. Адвокатура сиёсий ташкилот эмас, ҳар қандай шахс ҳам бундай фаолият билан шуғулланмасдан факат юрист-ҳуқуқшунослар жалб этилиб, давлатнинг инсон ва фуқароларнинг, қолаверса, юридик шахсларнинг конун билан қўриқланадиган манфаатларини химоя қилиш билан боғлиқ юридик ёрдам кўrsatiш вазифасини амалга оширади. Адвокатуранинг мустақиллиги унинг жамиятдаги ўрнини белгилаб беради. Унинг мөҳиятини икки жиҳатдан очиб бериши мумкин. Яъни, адвокатлар ҳамжамиятининг ва ҳар бир адвокатнинг мустақиллигини ўз ичига қамраб олади. Адвокатлар ҳамжамиятининг

<sup>1</sup> Рустамбоеев М.Х., Тухташева У.А. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти ва суд-ҳуқук ислоҳоти: истмий – публицистик нашир –Т : ТДЮИ, 2009 - 441 б.

мустақиллиги шу билан изоҳланади, унинг тузилиши ва фаолиятини амалга ошириш асослари устивор қонун билан белгиланади. Ҳар бир адвокатнинг мустақиллиги энг аввало, улар касбий фаолиятини амалга оширишда яққол намоён бўлади. Адвокатура ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқий институти сифатида қонун билан кафолатланган, инсон ва фуқаролар ҳуқук ва эркинликлари ҳимоя қилиш билан боғлик ҳуқуқни кўллаш амалиётини амалга оширувчи, ҳимояни таъминловчи мустақил нодавлат нотижорат гашкилотидир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодалаб берилиди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлинниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умумэътироф этилган халқаро ҳуқук нормаларининг эса миллий ҳуқуқий меъёрлардан устунлиги ҳам Конституцияда муҳрлаб қўйилди.

Мамлакатимизда ислоҳотларнинг изчил кечеётганлиги, ҳар бир ўзгариш аниқ максадни кўзлаган ҳолда, мукаммал узокни кўзлаб ишлаб чиқилган дастурлар асосида амалга оширилаётганлиги Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини накадар тўғри танлаганлигидан далолат беради. Фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган суд-ҳуқук соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиликлар мамлакат тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Суд-ҳуқук соҳасидаги ислоҳотларнинг ажralмас қисми бўлмиш адвокатура тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятини кучайтириш улар чинакам мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Жамиятда адвокатура институтининг мавкеини кўтариш, жисмоний ва юридик шахсларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш борасида адвокатура фаолиятини янада кучайтириш, ўз навбатида, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда адвокатура институтининг ролини оширишга замин яратади.

Шахс манфаатлари, унинг ҳуқук ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашда адвокатура институтининг роли бекиёсdir. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, конституциявий меъёрлар ва қонунларнинг устуворлиги, улар инсон

манфаатини кўзлаб иш тутишга ва шу доирада ижтимоий ўзаро муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги мамлакатда барқарорликни ҳукуқий жиҳатдан таъминлашнинг фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омилидир. Мамлакатимизда кенг кўламда, босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳукуқ тизими соҳасидаги ислоҳотлар ҳам айнан фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда инсон ҳукуқлари ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини ҳар томонлама таъминлашга қаратилгандир. Боз устига адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга ҳамда инсон ҳукуқлари ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган суд-ҳукуқ тизими соҳасидаги ислоҳотларнинг устивор вазифасидир.

Мамлакатимиз мустакилликка эришгач, адвокатура тизими тубдан қайта ташкил этилиб, фуқаролар ҳамда юридик шахсларга ҳукукий ёрдам кўрсатишнинг бозор муносабатлари талабларига мос бўлган тизими шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасига асосан тергов ва суд ишини юритишининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳукуки кафолатланиб. фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш каби мухим вазифалар адвокатура тизимиға юклатилди. Адвокатура – ҳукукий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустакил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Адвокатура Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофик Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади. Адвокатура ўзининг ҳукукий табиити жиҳатидан, аввало, фуқаролик жамиятининг институтидир. Зоро, ушбу институт бир томондан, нотижорат ташкилот макомига эга бўлса, иккинчи томондан, фуқаролик жамиятининг асосий талаби бўлмиш инсон, унинг ҳукуқлари ва эркинликларининг самарали ҳимоясини таъминлашга қаратилган мухим ҳукукий қадриятдир. Шу боис ҳам фуқаролик жамиятининг институтлари тизимида адвокатура мухим ўрин тутади. Адвокатура ҳукукий институт бўлиб, ўзининг фаолиятини мустакил олиб боради. Унинг фаолиятига тўқсинглик қилиш, аралашиш, тазиий үтказиш қатъий тақиқланади.

Президентимиз И.Каримов айтғанларидек, “Хозирги вактда мамлакатимизда прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда”<sup>1</sup>.

Хукукий адабиётларда тўғри таъкидланганидек, “Суд-хукук тизимининг демократик асосларини янада чукурлаштириш, миллий конунчиллик асосларини шакллантириш, жиноят процессуал конунчилигини такомиллаштириш ҳамда прокуратура органлари фаолиятини ҳозирги кун талаблари асосида қайта кўриб чикиб, уни шу кун талабларига мувофиқлаштириш ва бунда шахс ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олиш прокуратура органлари фаолиятини ҳамда унинг ҳукукий асосларини янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда”<sup>2</sup>. Зеро, демократик ислоҳотлар жараёнида адвокат ва прокурорнинг ҳукукий мақоми ва ваколатларини тенглаштириш нафакат жиноят процессида ўзаро тортишувликни таъминлашга балки, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлашга ҳизмат қиласди. Жамият ҳаётидаги чуқур ўзгариш ва янгиланишлар, инсон онгида демократик кадрнятларни мустаҳкамланиб бориши, янгича ҳукукий тафаккурнинг шаклланиши прокуратура тизимини ҳам жиддий ислоҳ қилишни тақозо этади. Сўнгги йилларда прокуратура органлари фаолиятини белгиловчи ҳукукий асослар такомиллаштирилиб, унинг ҳукукий мақомига бир катор ўзгартиришлар киритилди, прокуратурани ҳукукий химоялаш ваколатлари кучайтирилди. Эндиликда прокуратура инсон ва фуқаро ҳукуклари, давлат ва жамият манфаатлари химоячиси сифатида фаолият юритмоқда<sup>3</sup>.

Адвокатурани ривожлантириш, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини ошириш, айлов ва ҳимоянинг тенглигини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хукук ислоҳотларининг устувор йўналишларидан бири сифатида зътироф этилиб, бунинг учун зарур бўлган ҳукукий асослар яратилди. Суд-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунийлик палатаси ва Сенатининг ёзушма мажлисигидаги мавъузаси. - Т: Ўзбекистон, 2010. - 18 б.

<sup>2</sup> Пуллатов Б. Прокурор наторати. Дарслар – Т: Ўзбекистон, 2009. - Б. 5-6.

<sup>3</sup> Кодиров Р.Ҳ. Ислоҳотларнинг бош максади инсон манфаатларига ҳизмат килишидир. // Qonul himoyasida, 2005. 8-сон, Б. 6-7.

хукук тизимининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган адвокатура институтини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асоси сифатида 1996 йил 27 декабрда мамлакатимиз тарихида илк бор “Адвокатура тўғрисида”<sup>1</sup> ги Ўзбекистон Республикаси Конуни қабул қилинди. Мазкур соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар давом эттирилиб, 1998 йил 25 декабрда адвокатнинг даҳлсизлиги, адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва ижтимоий ҳимояси, юридик ёрдамни таъминлаш кафолатлари, адвокатура билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи яна бир муҳим Конун - “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”<sup>2</sup> ги Ўзбекистон Республикаси Конуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ташкил этилиши ва адвокатура тизимининг ислоҳ этилиши натижасида 2008 йил 31 декабрдаги “Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”<sup>3</sup> ги Ўзбекистон Республикаси Конуни билан адвокатура тўғрисидаги қонун хужжатлари уни ривожлантиришнинг янги имкониятини яратади. Шу билан бирга адвокатура фаолиятига оид Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Адлия вазирининг буйруқлари, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг қарорлари ва бошқа норматив-хукукий хужжатлар қабул қилиниб, амалда жорий этилмоқда. Шахс ҳукук ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юқлатилган, фуқаролик жамиятининг асосий ва муҳим институтларидан бири бўлган адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Адвокатура тизими ва адвокатлик фаолиятининг кафолатларини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми сифатида 2008 йил 1 майда Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида”<sup>4</sup> ги Фармон қабул қилинганилиги оламшумул аҳамиятга эга.

<sup>1</sup> Адвокатлик фаолиятининг ҳукукий асослари (ильмий-амалий қўлланма) ЎзР Президенти қўзуридаги Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институту. –Т. Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – 41 б.

<sup>2</sup> Адвокатурага оид норматив-хукукий хужжатлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги. –Т. Адюлат, 2011. – 32 б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2008 йил. 52-сон, 514-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил. 5-сон, 252-модда

Мазкур Фармон билан адвокатура институтини янада такомилаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилиши судхукук тизимининг мухим соҳаларидан бири ҳисобланган адвокатура институтини ислоҳ килишнинг янги босқичини бошлаб берди. Фармонга кўра, қўйидагилар адвокатура институтини янада ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди: биринчидан, инсон хукуклари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири бўлган адвокатуранинг самарали ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизимини ташкил қилиш; иккинчидан, адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни кучайтириш, уларнинг юридик соҳа бўйича иш тажрибасига эга бўлиши ва адвокатлик тузилмаларида амалиёт ўташини белгилаш, шунингдек адвокатларнинг мунтазам равишда касбга оид малакасини оширишнинг мажбурийлигини жорий қилиш; учинчидан, адвокатурани ҳалол ва касб маҳорати юкори мутахассислар билан тўлдиришни таъминлайдиган самарали лицензиялаш тизимини ташкил этиш; тўртинчидан, адвокатлик тузилмаларининг ваколатларини аниқлаштириш ва ҳукуқий мақомини белгилаб бериш; бешинчидан, жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳукуклари тенглигини таъминлаш; олтинчидан, ҳукукшунослик соҳасида маҳсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишида иштирок этишига йўл қўймасликка қаратилган тарафлар вакиллiği институтини босқичма-босқич такомиллаштириш; еттинчидан, адвокатлар томонидан касб этикаси қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш механизми ва адвокатларга нисбатан интизомий иш юритиш тизимини такомиллаштириш.

Қайд этилган Фармонда белгиланган адвокатура институтини янада ислоҳ қилишнинг қайд этилган йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳукукининг кафолатланишини таъминлашга хизмат қиласди.

Бинобарин, адвокатура институтини янада ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уни келгусида ривожлантиришга ёрдам беради. Хусусан, процессада айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳукуклари тенглигини таъминлашда, суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳукукини амалга оширишда ҳукукшунослик соҳасида маҳсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг

суд ишида иштирок этишига йўл қўйилмаслиги мухим аҳамият касб этади. Кайд этилган фармон Узбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизида барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этиш ҳамда унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларини ҳукукий жихатдан мустаҳкамлаб қўйди. Адвокатлар палатаси адвокатлик тузилмалари фаолиятини марказлашган ҳолда мувофиқлаштириб, Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий тузилмалари билан биргаликда адвокатуранинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этадиган бўлди. Конун ҳужжатларда адвокатлик тузилмаларининг ваколатларини аниклаштириш ва ҳукукий мақомини белгилаш адвокатура институтини янада ислоҳ килишининг асосий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди. Амалдаги конунчилик республикада адвокатлик тузилмасининг ташкилий шакллари сифатида адвокатлар бюролари, ҳайъатлари ва фирмалари, шунингдек адвокатлар бирлашмалари фаолият кўрсатишими назарда тутган бўлсада, мавжуд адвокатлик тузилмаларида фаолият кўрсатаётган барча адвокатларнинг ягона бирлигини таъминловчи адвокатуранинг ўзини ўзи бошқарув органларини ташкил этиш масалалари қонунчиликда ўз аксини топмаган эди. Муқаддам адвокатларнинг касбий бирлашмаси сифатида фаолият кўрсатган Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси ихтиёрий аъзоликка асосланган жамоат ташкилоти эканлиги боис, республикада касбий фаолият билан шуғулланаётган адвокатларнинг 2080 нафари Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясига аъзо ҳисобланар, улардан 1114 нафаригина мунтазам равишда аъзолик бадалларини тўлаб борарадилар. Аъзоларнинг кариб 80 фоизи адвокатлар ҳайъатида фаолият кўрсатаётган адвокатлардан ташкил топган бўлиб, адвокатлик фирма, бюроларида фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг касбий фаолияти, улар томонидан ахолига кўрсатилаётган юридик ёрдам сифати назоратдан четда қолиб кетаётган эди<sup>1</sup>. Илгари амалда бўлган адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тизими хозирги кун талабларига жавоб бермай колди. У лицензия олган шахсларнинг кўпчилигини амалда адвокатлик фаолияти билан шуғулланишини таъминлай олмади. Натижада

<sup>1</sup> Рушиязаров Ш. Ўзбекистонда демократлаштириши чукурлаштирилиш ва фўяролик жамиятини барпо этишда адвокатури институтининг тутган урки ва роли // Адвокатлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари мавзусидаги илмий-амалий конференция материяллари. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги конун ҳужжатлари мониторинги институти. -Т.: 2010. -Б. 26-27.

лицензия олган 7000 шахсдан факат 4000дан ортиги адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши<sup>1</sup>. Адвокатурани ривожлантириш, унинг жамият хаётида тутган ўрни ва ролини ошириш, айлов ва ҳимоянинг тенглигини таъминлаш мақсадида кўрилаётган чоратадбирлар адвокатлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган шахсларга қўйиладиган талаблар юқори даражада эканлигидан далолат беради. Яъни улар: олий юридик маълумотга эга бўлиш (бакалавр, магистр); қонунчилиқда белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш хукукини берувчи лицензияни олиш; Ўзбекистон Республикасининг фукароси бўлиши талаб этилади. Ўзбекистон Республикасининг фукаролик ва фукаролик процессуал қонунчилигига мувофик суд карори билан муомалага лаёкатсиз ёки муомала лаёкати чекланган деб топилган, шунингдек жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши таъқиқланади. Конун адвокатлик касбини танлаган фукароларга бир пайтнинг ўзида бошқа фаолият билан ҳам шуғулланишда айрим чекловларни белгилайди. Хусусан, адвокат илмий ва педагогик фаолиятдан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларидағи фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишга хақли эмас. Бунда илмий ва илмий педагогик фаолият деганда, маколалар, ўқув қўлланмалари, монографиялар, дарсликлар ёзиш, номзодлик ва докторлик диссертация тадқиқотларини амалга ошириш, таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларида дарс ўтиш. илмий маслаҳат ҳамда бошқа илмий тузилмалар фаолиятида катнашиш назарда тутилади. Адвокатлик фаолиятида бундай чекловнинг ўрнатилганлиги малакали юридик ёрдамни таъминлаш, адвокат томонидан бошқа ишларга чалғимасдан мунтазам ўз устида ишлаш ҳамда унга ишонч билдирувчи шахсларга (ҳимояси остидаги шахслар) самарали ҳимоя хукукини кафолатлашга қаратилгандир. Адвокатура ўз фаолиятини қонун устуворлиги, мустакиллик ва бошқа демократик принциплар асосида амалга оширади. Бу принциплар адвокатура тўғрисидаги қонунда мустаҳкамланган мустакил демократик давлатимизнинг хукукий сиёсати моҳиятини жаҳон стандартларига жавоб берадиган даражада ва ҳозирги жамият

<sup>1</sup> Рустамбоев М.Х., Тухташева У.А. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиёти ва суд-хукук испоҳоти: илмий – публицистик нашр – Т. ТДЮИ. 2009. - 445 б.

ривожининг йўналишларини ифодалайдиган, фуқароларнинг ҳукук ва манфаатлари йўлида хизмат киладиган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахлокий ва ҳукукий тасаввурларини акс эттирадиган етакчи ғоялар ҳамда асосий коидалар негизида шакллангандир. Адвокатура фаолиятининг принциплари адвокатура йўналишининг барча соҳаларида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустахкамланган конун устуворлиги, адолатлилик, инсонпарварлик, демократизм, фуқароларнинг конун олдида тенглиги, умуминсоний қадриятларнинг ҳалкимизга хос ва мос бўлган урф-одат, қадрият ва анъаналари ва умум зътироф этилган ҳалқаро ҳукук нормаларининг устуворлиги ҳамда бошқа тамойилларга асосланади. Адвокатура фаолиятининг принциплари адлия органининг адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи тузилмаларининг ҳукукий соҳасини тартибга солади ва ижро этиладиган вазифалари билан белгиланадиган ўзига хос мазмунга эгадир.

Таъкидлаш керакки, адвокатлик тузилмаларининг ташкилий шакллари устидан марказлашган ягона бошқарувни ташкил этиш, ўз навбатида, улар фаолиятининг уйғунлиги, корпоратив бирлигини, адвокатлик касбига кўйилган юксак талабларни таъминлаш, улар томонидан кўрсатиладиган малакали юридик ёрдам сифатини кафолатлаш, адвокатларнинг касб этикаси коидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, уларнинг касбий ҳукук ва эркинликларини ҳимоя қилиш имконини беради.

Мамлакатимизда демократик жараёнларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этишда адвокатуранинг туттан ўрни ва ролини оширишда бир катор ҳукукий омиллар муҳим ўрин тутади: Хусусан, фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти сифатида адвокатуранинг ҳимоя тизимида мавқеини янада ошириш чораларини кўриш: фуқаролик ҳукукий муносабатлар субъектларига бепул ва ҳақ эзвазига малакали юридик хизмат кўрсатишнинг роли ва таъсирчанлигини кучайтириш; адвокатлик тузилмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, айниқса, жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатишда улар масъулияти ва жавобгарлигини ошириш; миллий ҳукукий тизимда янги истиқболли йўналиш сифатида адвокатура конунчилигини тизимли ривожлантириш; таълим муассасаларида адвокатура фаолиятининг ҳукукий асосларини мустакил ўрганишнинг самарадорлигини ошириш; олий, ўрта ва маҳсус таълим

муассасаларида адвокатура фаолиятининг ўкув – услугий таълими бўйича амалий ишларни ташкил этишига эътиборни янада кучайтириш кабилар шулар жумласидандир. Адвокатурани ривожлантириш, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини ошириш, айлов ва ҳимоянинг тенглигини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хукуқ ислоҳотларининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилаётганлиги бежиз эмас. Зоро, адвокатура институти демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантиришда ўзига хос ўринга эга. Шундай экан, мамлакатимизда адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш, шу мақсадда хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш, миллый қонунчилигимизнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган холда янада тақомиллаштириш устувор вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Ўтмишдан фарқли ўлароқ, унинг асосан жиноят процессида иштирокчи эмас, балки унинг фукаролик, хўжалик, тадбиркорлик, банк, инвестиция ва бошқа бозор муносабатлари билан боғлиқ малакали юридик ёрдам кўрсатишда улар ролини ошириш зарур. Яъни жамиятда энг нуфузли касб сифатида улар мавқенини кучайтириш аҳоли айниқса, ёшларнинг хукукий маданиятини ошириш, уларга юридик ёрдам беришнинг хар қандай шакл ва усуллардан фойдаланиши тақозо этади. Кучли давлатдан-кучли жамият сари боришда бу муҳим хукукий институтни янада ривожлантириш демократик таракиёт учун хизмат қиласди.

Хулоса қилиб айтганда, фукаролик жамиятини барпо этишда адвокатура институтини фукароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ролини оширишни таъминланиши инсон хукуки ва манфаатларини ҳимоя қилишининг муҳим гарови бўлиб ҳисобланади.

## **5.2 §. Адвокатура фаолиятининг ташкилий-хукукий шакллари ва асослари**

Фукаролик жамиятининг институти бўлган адвокатура ўз фаолиятини қонун устуворлиги, мустакиллик ва бошқа умумий демократик принциплар асосида амалга оширади. Шу боисдан адвокатура фаолиятининг ташкилий-хукукий шакллари ва хукукий асослари билан боғлиқ масалаларни ўрганиш инсон хукуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш билан бир каторда адвокатура институтини янада ислоҳ этиш билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов давлат курилишини эркинлаштириш масалалари га тўхталар экан, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг зарурлигига эътиборни қаратади ва “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” деган сиёсий курилиш дастурининг мөдияти ана шунда яққол намоён бўлади<sup>1</sup>. деб таъкидлайди. Барчамизга маълумки, инсон ҳуқуqlари энг олий кадриятдир. Бугунги кунда кенг жамоатчиликнинг илғор ғояси, колаверса, биринчи галдаги саъй-харакати, фуқаролик жамиятини шакллантириш, ушбу жамиятда инсон ҳуқуqlарини олий даражага кўтаришга қаратилмоқда. Шу боис, давлатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқаронинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳукукини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш бўйича амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳакиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам, унинг ташкарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқукий химоя қилиш ва уларга ҳомийлик курсатишини кафолатлайди” - деб кўрсатилган бўлса, 116-моддасида “Айбланувчи химояланиш ҳуқуки билан таъминланади, тергов ва суд юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуки кафолатланади” деб мустаҳкамланган.

Ўз шаклланиши ва ривожланиш жараёни йўлида қабул килинган, адвокатура институтининг ташкилий-ҳуқукий асосларини белгилайдиган, бир катор норматив-ҳуқукий ҳужжатларнинг мавжудлигига қарамасдан бу институт янада ислоҳ қилинишга муҳтоҷ эди<sup>2</sup>. Натижада 2008 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикаси адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган бир катор устувор вазифалардан келиб чиқиб 2008 йил 31 декабрда “Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”<sup>3</sup>ги Ўзбекистон Республикаси Конуни қабул килинди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XI верга интиялмоқда: Биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисийнинг ўн тўртумчи сессиясидаги маъруза // Халқ сози, 1999 йил 14 апрель.

<sup>2</sup> Рустамбоев М.Х., Тухтишева У.А. Ўзбекистон Республикасида суд локимияти ва суд-ҳуқуқ ишлами-официаллик нашр-Т. ТДЮИ, 2009 - Б 442 - 443.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлары туплами. 2008 йил, 52-сон, 514-модда.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўпгина Европа давлатларида адвокатура институти иккита институт: адвокатура ва судда вакиллик қилиш сифатида шаклланган ва ривожланган. Бизнинг мамлакатимиз қонунчилигида эса адвокатура зиммасига барча жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуклари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, одил судловни амалга оширишда иштирок этиш, қонунийликка риоя қилиш вазифаси юқлатилган<sup>1</sup>.

Ғ.Эрматов ва П.Бакуновларнинг фикрича, “Эндиликда жиноят процессуал ҳукуқида адвокатларга далилларни тақдим этиш, тўплам имконияти яратиб берилди. Ўз мижози билан хоҳлаган пайтда учрашиш, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ҳатто қамоқда бўлсада жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органларининг рухсатисиз ҳам учрашувлар сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда учрашиш, тергов ҳаракатларида катнашиш имкониятлари берилди. Эндиликда адвокат жиноят процесининг кенг имкониятлар берилган иштирокчиларидан бирига айланди. Адвокатга яратилган имкониятлар кенг бўлиши баробарида унга хозирги кунда фан-техника таракқиёти ютукларидан фойдаланиш имконини берувчи экспертиза тайинлаш ваколатини берилиши жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниклаш янада мустаҳкамлаш имконини берган бўларди”<sup>2</sup>.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларнинг ҳимояланиш ҳукукини кафолатлабгина қолмай, балки бу ҳукукни амалга оширишнинг устувор асосини ҳам белгилайди. Бирор-бир фуқаро етарлича асосларсиз жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва судланмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида ҳам жиноят содир қилганликда гумон қилинувчилар, айбланувчилар ҳамда судланувчилар ҳимояланиш ҳукуки билан таъминланишлари белгилаб кўйилган. Бу ҳукук эса кўпроқ етарлича кенг имкониятларга эга бўлган адвокатлар томонидан амалга оширилади. Хусусан, жиноят-процессуал конун хужжатлари ҳимоячи-адвокатга суд босқичларида ҳам (суд муҳокамаси даврида, муайян иш юзасидан чиқарилган ҳукм ва ажримларнинг қонунийлиги ва

<sup>1</sup> Саломов Б. Процессуальные права и обязанности адвокатов в странах СНГ // Адвокат, 2001. № 2 (7). 48 с.

<sup>2</sup> Эрматов Ғ. Бакунов П Суд-ҳукук ислоҳотлари: ташылган натижалар ва ишор ғоҳлар кафолати // Суд-ҳукук тизимини ислоҳ қилиш самародорлиги (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” муръузаси асосида илмий-амалий конференция материяллари тўплами). – Т.: ТДКИ, 2011.-147 б.

амалиётида шахс тўловга кобилиятсизлиги сабабли кўрсатилган юридик ёрдам ҳакини тўлашдан озод этилганда, жиноий ишни кўриб чикишда катнашишга тайинланган адвокатнинг юридик ёрдами учун ҳак тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги конуннинг 12-моддасининг 1-2-қисмларига асосан, адвокат давлат ижтимоий сугуртаси бўйича барча нафака турларини олиш хукуқидан фойдаланади. Давлат ижтимоий сугуртасига бадаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорларда тўланади. Адвокатга давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар белгилаш ва тўлаш унинг давлат пенсия таъминоти ва жамғариворий бориладиган пенсия таъминоти қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Адвокатура институтини такомиллаштиришда ва адвокатларнинг хукуклари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилишда, адвокатлар ўз вазифа ва ваколатларини амалга оширишда адвокатлик палатасининг ўрни ва роли бекиёсдир. Маълумки, 2008 йил 1 майда давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти замирида хукукий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири – адвокатура тизимини янада такомиллаштириш ҳамда унинг давлат ва жамиятдаги хукукий мавқенини мустаҳкамлаш вазифаси ўзининг ифодасини топган. Ушбу Фармонда суд-хукуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишининг ҳар кандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш хукукини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш ҳамда уни юкори малакали кадрлар билан таъминлаш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш билан бир қаторда Адвокатлар ассоциацияси негизида мамлакатимиздаги барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этиш вазифаси белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида 2008 йил 27 майда 112-сонли “Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги қарори қабул

килинди. Мазкур норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 2008 йилнинг 12 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар ассоциацияси фаолиятини тутгатиш ва унинг негизида республикадаги барча адвокатларни бирлаштирадиган, кучли адвокатурани барпо этишга йўналтирилган ҳамда ўзининг худудий бошқармаларига эга бўлган мустаҳкам ва мустақил ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этиш тўғрисида карор кабул килинди.

Суд-хуқуқ тизимини ислоҳ этишда адвокатура институтини такомиллаштириш заруриятининг бир қатор омиллари мавжуддир. Энг аввало Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар ассоциациясини ташкил этишда унинг амалий асослари тўғри белгиланган эди. Бирок мазкур ассоциация демократик тараққиётимизнинг илк даврларида ташкил этилган бўлиб, уни янада такомиллаштириш зарурияти туғилган эди. Бинобарин адвокатларнинг касбий жамоат бирлашмаси сифатида фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар ассоциациясининг ҳуқуқий мақоми ҳамда унинг адвокатура тизимидағи ўрни ва ролини белгиловчи ҳуқуқий нормаларнинг амалдаги конун ҳужжатларида белгиланмаганлиги, шунингдек, адвокатлик тузилмалари фаолиятини марказлашган ҳолда мувофиқлаштириб бориш назарда тутилмаганлиги баъзи муаммолар (адвокатуранинг моддий-техник таъминоти, адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси, уларнинг касб малакаларини ошириш билан боғлиқ муаммолар)ни келтириб чиқараётган эди.

Юртбошимиз И.Каримов таъбири билан айтганда, “Биз ўз мустақаллигимизни қўлга киритиб, янги тараққиёт йўлига кадам кўйганимиздан сўнг ҳалқимизнинг ҳоҳиш-иродаси, асрий орзу-интилишларига таянган ҳолда, шўро давлатидан оғир мерос бўлиб қолган маъмурий-бўйруқбозлик тизимини тубдан ислоҳ килиш, унинг ўрнида моҳият эътибори билан бутунлай янги – эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этишга азм-у қарор қилдик. Табиийки, бу мақсадга эришиш учун қандай стратегик йўл, ислоҳотларнинг қандай усули маъкул экани ҳақида олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик, эл-юртимиз вакиллари билан биргаликда кўп ўйладик, атрофлича маслаҳатлашдик. Бу борада тараққий топган давлатлар мисолида ўзини оқлаган илфор тажрибаларни чукур ўргандик”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак мальяният - енгилмақ куч. Т. Манзаният, 2008. - 102 б.

Юртимизда боскичма-босқич тарзда амалга оширилаётган судхуқук ислоҳотлари натижасида мамлакатимизда мустақил ва кучли адвокатурани барпо этиш, унинг жамиятдаги роли ва маъқеини кучайтириш, фуқароларнинг ҳуқук ва конуний манфаатлари ҳимоясини таъминловчи хозирги замон адвокатурасини шакллантириш суд-хуқук соҳасида олиб борилаётган бугунги кундаги асосий истикболи йўналишга айланди. Натижада адвокатура институтини янада ривожлантириш, инсоннинг ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя килишда унинг обрў-эътиборини ва аҳамиятини ошириш янги боскичга кўтарилиб, Президентимизнинг юкоридаги Фармони асосида адвокатуранинг самарали ўзини-ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизим – Республика адвокатларининг мажбурий аъзолигига асосланган Узбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилди. Адвокатларнинг бундай марказлаштирилган тизими хорижий мамлакатлар, жумладан, Германия, Россия, Хитой, Япония каби давлатлар амалиётида ҳам ижобий самара бермоқда.

Адвокатлар палатаси адвокатлик тузилмаларининг фаолиятини марказлаштирилган ҳолда мувофиқлаштириб бориш, адвокатурани янада ривожлантиришга, унинг обрў-эътиборини оширишга, адвокатуранинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ролини кучайтиришга кўмаклашиш, аҳолининг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқукий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот чора-тадбирларини амалга ошириш, конун ҳужжатларини ва ҳуқуқни кўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқий тартибга солишининг яхлитлигини ҳамда қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда кўлланилишини таъминлашга доир таклифлар киритиш, адвокатура фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этиш, улар юзасидан таклифлар тайёрлаш шунингдек, “Адвокатура тўғрисида”ти конуннинг 12-2-моддаси 1-кисми 6-бандига асосан, “адвокатларнинг ҳуқуқлари ва конуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш, шу жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек судда уларнинг ҳуқуқлари ва конуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш”да адвокатлар палатасининг ўрни муҳим аҳамиятта эга. Палата адвокатларни уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ таъкиблардан, чеклашлар ва тажовузлардан ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш, адвокатларнинг касбий тайёргарлиги ва малака оширишини ташкил этиш, аҳолининг

юридик ёрдамдан фойдалана олиш имкониятини туманлар ва шаҳарларда юридик маслаҳатхоналар ташкил этиш орқали таъминлаш, адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш, адвокатларнинг ижобий иш тажрибасини оммалаштириш, адвокатлик тузилмаларига услубий ёрдам кўрсатиш, адвокатлар томонидан конун ҳужжатларига. Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳамда адвокатлар палатаси конун ҳужжатларига мувофиқ бошка вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги конунда нафақат адвокатларнинг ҳукуклари ва ваколатлари балки, адвокат мақомини тўхтатиб туриш, адвокатнинг интизомий жавобгарлиги, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш тартиби мустаҳкамланганлиги муҳим аҳамиятта эга. Адвокат мақомини тўхтатиб туриш адвокаттага гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан қўйидаги ҳолларда амалга оширилади: Яъни, адвокат адвокатлик фаолияти билан бирга олиб бориб бўлмайдиган доимий лавозимга сайланганда ёки тайинланганда - иш даврига; адвокат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилганда - бедарак йўқолган деб тўпиш хакидаги қарор суд томонидан бекор килингунига кадар бўлган даврга; адвокат харбий хизматга чакирилганда - харбий хизматни ўташ даврига; суд томонидан адвокаттага нисбатан тиббий йўсингидаги мажбуровлор чораларини кўллаш тўғрисида қарор қабул килинганда, агар суднинг мазкур қарори ушбу Конуннинг 16-моддасига мувофиқ лицензиянинг амал қилишини тугатиш учун асос бўлмаса - тиббий йўсингидаги мажбуровлор чоралари суд томонидан бекор килингунига кадар ёки ўзгартирилгунига кадар бўлган даврга; ушбу Конуннинг 15-моддасига мувофиқ лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганда - лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган даврга; адвокатлик тузилмаси тугатилганда ёки адвокат ундан чикқанида - адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошка адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига кадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига кадар бўлган даврга. Адвокатлик мақомини тўхтатиб туриш хакидаги қарор қабул килинган кундан эътиборан адвокат мақоми тўхтатилади. Адлия органи уч кунлик муддат ичida адвокатнинг гувоҳномасини олиб қўяди, бундан адвокат бедарак йўқолган деб топилган хол мустасно

сифатида ҳимояси остидаги шахсга етарлича ҳуқукий ёрдам кўрсата ололмаётган адвокатларни фаолиятини туттиши билан шуғулланувчи ишчи турх ташкил этиш лозим; адвокатларнинг малакасини ошириш, уларнинг судда иштирокини янада такомиллаштириш мақсадида чет эл адвокатлари билан ўзаро тажриба ва малака алманишдан янада самарали фойдаланиш; ҳимояси остидаги шахснинг ҳуқукларини таъминлаш жараёнидаги нормаларни тўлиқ қўллаш мақсадида амалиётдаги бу масалани амалга оширишга тўскинилк қилаётган ҳолатларни яъни, “ҳуқукий бўшлиқ”ларни бартараф этиш лозим; инсон ҳуқуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида, айниқса, фуқаролик ва хўжалик ҳуқукий муносабатларидан келиб чиқадиган ҳуқукий масалалар юзасидан юридик ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оиласалар ва фуқароларга адвокатлар томонидан йилига муайян соат бепул юридик маслаҳат беришнинг тартиби ва ҳуқукий асослари конунда мустаҳкамланса мақсадга мувофиқ бўлар эди ва бу таклиф халқаро стандартларга ҳам мос келади.

Хулоса қилиб айтганда, адвокатура фаолиятини ташкилий-ҳуқукий шакллари ва асослари улар иш юритувини ташкил этишда муҳим омил бўлиб ҳисобланиши баробарида адвокатурани асосий мақсади бўлган фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самарадорлигини ошишига хизмат қиласди.

### **5.3§. Инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатнинг ҳуқукий мақомининг ўзига хос ҳусусиятлари**

Демократик ҳуқукий далат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларида инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатнинг вазифаси ва унинг ваколатларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Адвокат ўз вазифасини амалга оширишда ўз профессионал фаолиятида амалдаги конун ҳужожатлари талаабларига, адвокатнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдига риоя этиши, ўзига юридик ёрдам сўраб мурожаат этган жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилишининг конунда назарда тутилган воситалари ҳамда усулларидан фойдаланиши лозим. Айтиш жонизки, адвокат муайян иш бўйича юридик ёрдам кўрсатаётган ёки илгари юридик ёрдам кўрсаттан шахсларнинг манфаатлари ишни олиб боришни сўраб мурожаат этган шахснинг манфаатларига зид келган

ёки у судья, прокурор, терговчи, суриштирув ўтказувчи шахс, жамоат айбловчиси, суд мажлиси котиби, эксперт, мутахассис, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили, гувоҳ, холис, таржимон сифатида иштирок этган ҳолларда, шунингдек агар ишни дастлабки тергов қилишда ёхуд судда адвокатнинг кариндоши бўлган мансабдор шахс иштирок этган ёки иштирок этаётган бўлса, худди шунингдек агар адвокат бевосита ёки билвосита шу ишдан шахсан манфаатдор бўлса бу ҳол унга ишонч билдирувчи шахснинг (химоя остидаги шахснинг) манфаатларига зид келса, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топшириқни қабул қилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”<sup>1</sup>ги конуннинг 7-моддаси 3-қисмига асосан, “Адвокат қайси шахснинг манфаатларини химоя қилиш топширигини олган бўлса, ўз ваколатларидан шу шахснинг зарарига фойдаланишга ҳамда гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини химоя қилишдан бош тортишга, агар уни бундан ишонч билдирувчи шахснинг (химоя остидаги шахснинг) ўзи озод этмаса, ҳақли эмас” деб мустаҳкамланган. Зеро, инсон ҳукуқ ва эркинликларини самарали ва сифатли химоя қилиш мақсадида адвокат ўз билимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, белгилантган тартибда адвокатлар палатаси томонидан уч йилда камида бир марта касбий малакасини ошириши лозим. Адвокат жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳукукий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар беради; ҳукукий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузади; фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга оширади; жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этади; тадбиркорлик фаoliяти субъектларига юридик хизмат кўрсатади. Адвокат қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа турдаги юридик ёрдам кўрсатишга ҳақлидир.

<sup>1</sup> Адвокатлик фаoliятининг ҳукукий асослари (юлий-амалий кўлланма) Узбекистон Республикаси Президенти хууридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. –Т.: Ғоғур Ғулом номидаги нацирёт-матбас ижодий уйи, 2009. - 41 б.

Адвокат ўз фаолиятини самарали ва сифатли амалга оширишида адвокатнинг хукуқлари ва вазифаси мухим ўрин тутади. Бизга маълумки, адвокат ўз касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида бир қатор хукуқларга эга. Хусусан, адвокат тегишли масалаларни ҳал этишга мақсадида ваколатли бўлган барча органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг топшириғига мувофиқ уларнинг манфаатларини ифода этиш ва хукукларини ҳимоя қилиши, судларда, шунингдек маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган органларда далил сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш. Юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан адвокат томонидан сўралган хужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда бериши шарт бўлган давлат органлари ва бошқа органлардан, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ҳамда бошқа хужжатларни сўраш ва олиш, юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хуносаларини, мутахассисларнинг маълумотнома-маслаҳатларини ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) розилиги билан сўраш ва олиш; ишга тааллуқли ахборотдан хабардор бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ва уларнинг розилиги билан ёзма тушунтириш олиши ҳамда тўпланган материалларни ўз ишонч билдирувчи шахсининг (ҳимоя остидаги шахснинг) иши юзасидан иш юритаётган судларга ва бошқа давлат органларига тақдим этиш шунингдек, адвокат юридик ёрдам кўрсатаётган ишдаги зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва хужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш, бунда давлат сирлари, тижорат сири ёки бошқа сирни ўз ичига олган ахборотни ошкор килмаслик ва ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан маҳфийлик таъминланган шароитларда (шу жумладан, уни қамокда сақлаб туриш даврида), учрашувларнинг сони ва уларнинг давом этиш вақти чекланмаган ҳолда қонун хужжатларида белгиланган тартибда холи учрашиши айниқса, ишга оид масалалар юзасидан мансабдор шахсларга илтимосномалар билдириш ва шикоятлар бериш ҳамда улардан ёзма шаклда асослантирилган жавоблар олиш билан бирга ўзининг касбга оид мулкий жавобгарлик хавфини сугурта қилиши ҳамда адвокат

ёрдамчига ва стажёрга эга бўлиши мумкин ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳаракатларни бажариши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги конуннинг 10-моддаси I-қисмига мувофиқ адвокатнинг касбга оид ҳукуклари, шательни ва қадр-киммати қонун билан қўриклиданади. Адвокатларнинг касбий фаолиятига у ёки бу тарзда аралashiш, улар ўз касбий вазифаларини бажараётганда олган муайян маълумотларни ошкор этишини талаб қилиш, шунингдек адвокатлар бирлашмаларининг мансабдор шахсларидан ва техник ходимларидан ҳудди шундай маълумотларни талаб қилиш тақиқланади. Адвокат ўз касбий вазифаларини бажараётганида унга бирор-бир шаклда таъсир ўтказишга йўл қўйилмайди. Инсон ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокат ҳимоячилик ёки вакиллик вазифасини бажараётганда ўзига маълум бўлиб қолган тафсилотлар юзасидан гувоҳ сифатида сўроқ килиниши, адвокат касбий вазифаларини бажариши муносабати билан қўлга киритган адвокатлик далиллари (ашёлари), ҳужжатлари ундан олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши, шунингдек унинг ўзи юридик ёрдам кўрсатаётган шахслар билан учрашиш ҳукуқи чекланиши асло мумкин эмас. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, адвокатнинг иш юзасидан ҳукуқий нуқтаи назари хусусида суриштирув органи, терговчи, прокурор тақдимнома киритиши, шунингдек суд хусусий ажрим чиқариши мумкин эмас. Адвокат ўз профессионал вазифасини амалга ошираётганда, адвокат қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатаётганлиги муносабати билан уни жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиш ёки бундай жавобгарликни қўллаш билан қўрқитиши мумкин эмас. Шу ўринда айтиш жоизки, амалдаги қонунчилигимизда адвокатни мустакиллиги ва дахлсизлигини таъминлаш мақсадида адвокатга нисбатан жиноий иш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпогистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қўзғатилиши муҳим аҳамиятга эга.

Адвокатларнинг меҳнатига жисмоний ва юридик шахслардан уларга юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун адвокатлик тузилмаларига келиб тушган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўланади. Юридик хизмат учун ҳақ тўлаш адвокат билан ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида ихтиёрий равишда тузиладиган битим (шартнома) асосида амалга оширилади. Ҳукукни қўллаш

асослантирилганлигини текшириш боскичларида), суриштирув ва дастлабки тергов даврида ҳам кенг хукукларни беради. Бу турдаги хукуклар доимо такомиллашиб бормоқда. Масалан, 1999 йилда Узбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига жиддий ўзгартиришлар киритилиб, уларга мувофиқ химоячи-адвокатларнинг ишда иштирок этишига айблов зълон қилинган вактдан ёки гумон қилинувчи деб зътироф этилганлиги тұғрисидаги карор зълон қилинган вактдан ёхуд шахс ушланган вактдан бошлаб рухсат этилади. Бунда улар ушлаб туриш баённомаси ёки эхтиёт чораси тарикасида камокқа олиш тұғрисидаги карор билан танишишлари, химоядаги шахс билан учрашишлари (бундай учрашувлар сони ва давомийлиги чекланиши мүмкін зemas), тергов ҳаракатларида иштирок этишлари ва бошқа шу каби ҳаракатларни амалга оширишлари мүмкін. Узбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 53-моддасида химоячининг ўз химоясидаги шахсни қамоққа олишнинг ёки қамоқ муддатини узайтирилишининг ноконунийлиги устидан шикоят келтириш ҳукуки белгиланган. Жиноят ишларыда иштирок этаёттан адвокат айбланувчини оқтайдиган ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ҳолатларни аниклаш мақсадида конунда күзда тутилган барча химоя воситалари ва усулларини құллаши ҳамда айбланувчига зарур юридик ёрдам күрсатиши шарт.<sup>1</sup> Жиноят ишларини күриш өғіда адвокат айбланувчининг химоячиси сифатидагина зemas, балки жабланувчининг, фукарөвий даъвогарнинг, фукарөвий жавобгарнинг манфатларини химоя килиш мақсадида уларнинг вакили сифатида ҳам иштирок этиши мүмкін. Конунга асосан адвокатура фаолиятининг ташкилий-хукукий шаклларига адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати, юридик маслаҳатхона киради. Белгиланган тартибда лицензия олған шахс адвокатлик фаолиятини ўз адвокатлик бюросини очиб, якка тартибда амалга оширишга ёхуд бошқа адвокатлар (шериклар) билан адвокатлик фирмасини ёки аъзоликка асосланған адвокатлар ҳайъатини тузишга ёхуд фаолият күрсатаёттан шундай адвокатлик тузилмаларидан бирига киришга ёки юридик маслаҳатхонада ишлаган ҳолда адвокатлик фаолиятини амалга оширишга хаклидири. Шуни алохидә қайд этиш позимки, адвокат ўз фаолиятини факат битта адвокатлик тузилмасида амалга оширишга хакли. Адвокатлик

<sup>1</sup> Строгович М.С. Процессуальное положение в процессуальные функции защитника / Защита по уголовным делам. - М.: 1948. - 39 с.

бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек юридик маслаҳатхоналарни хисобга олиш Узбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси белгилайдиган тартибда адлия органлари томонидан амалга оширилади. Адвокатлик тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти, кайта ташкил этилиши ва тугатилиши, тузилмаси, штатлари, вазифалари, маблағларни сарфлаш тартиби, раҳбар органларининг ваколатлари, уларни сайлаш тартиби хамда адвокатлик тузилмалари фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар уларнинг уставлари (низомлари), таъсис шартномалари билан тартибга солинади. Адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатлари юридик шахс мақомига эга бўлиб улар рўйхатдан ўтказилган кундан зътиборан фаолият юритадилар. Юридик маслаҳатхона эса, хисобга олинган кундан зътиборан ўз фаолиятини амалга оширишга ҳакли. Адвокатлик тузилмалари фукаролар ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатганик учун улардан тушадиган пул маблағлари (даромадлар) хамда конун хужожатларида такиқланмаган бошқа маблағлар хисобидан таъминот олади. Адвокатлар конунда белгиланган тартибда адвокатларнинг жамоат бирлашмаларини тузиши мумкин.

Адвокатлик бюроси - адвокатлик фаолиятини якка тартибда амалга ошириш учун адвокат томонидан таъсис этилган, нотижорат ташкилоти бўлган адвокатлик тузилмаси бўлиб адвокатлик бюросининг таъсис хужжати муассисе томонидан тасдиқланадиган устави хисобланади. Адвокатлик фирмаси шерикликка асосланган ва адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун адвокатлар томонидан таъсис этилган, нотижорат ташкилоти бўлган адвокатлик тузилмасидир. Адвокатлик фирмасининг таъсис хужжати унинг муассислари томонидан тасдиқланадиган уставдир. Адвокатлик фирмасини таъсис этган адвокатлар оддий ёзма шаклда ўзаро шериклик шартномасини тузади. Шериклик шартномасига кўра адвокатлар - шериклар барча шериклар номидан юридик ёрдам кўрсатиш учун ўз саъй-харакатларини бирлаштириш мажбуриятини олади. Шериклик шартномасида унинг амал қилиш муддати, шериклар томонидан карорлар қабул қилиш тартиби, бошқарувчи шерикни сайлаш тартиби, унинг ваколатлари ва бошқа муҳим шартлар кўрсатилади. Адвокатлик фирмасининг умумий ишларини юритиш, агар шериклик шартномасида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, бошқарувчи шерик томонидан амалга оширилади. Ишонч билдирувчи шахс (химоя остидаги шахс) билан юридик ёрдам

кўрсатиш ҳақидаги битим (шартнома) бошқарувчи шерик ёки барча шериклар номидан улар берган ишончномалар асосида бошка шерик томонидан тузилади. Ишончномаларда ишонч билдирувчи шахслар (химоя остидаги шахслар) ва учинчи шахслар билан битимлар (шартномалар) ҳамда келишувлар тузатган шерик ваколатларининг барча чекловлари кўрсатилади. Мазкур чекловлар ишонч билдирувчи шахслар (химоя остидаги шахслар) ва учинчи шахслар эътиборига етказилади. Шериклик шартномаси шериклик шартномасининг амал қилиш муддати тугаганда; шериклардан бири бўлган адвокатнинг мақоми тугатилганда ёки тўхтатиб турилганда, агар шериклик шартномасида бошка шериклар ўргасидаги муносабатларда ушбу шартноманинг кучда қолиши назарда тутилмаган бўлса; шериклардан бирининг талабига кўра шериклик шартномаси бекор қилинганда, агар шериклик шартномасида бошка шериклар ўргасидаги муносабатларда ушбу шартноманинг кучда қолиши назарда тутилмаган бўлса, уни бекор қилиш учун асос бўлади. Шериклик шартномаси тугатилган пайтдан эътиборан унинг иштирокчилари ишонч билдирувчи шахсларга (химоя остидаги шахсларга) ва учинчи шахсларга нисбатан ижро этилмаган умумий мажбуриятлар бўйича солидар тартибда жавобгар бўладилар. Шериклардан бири шериклик шартномасидан чиқсанда у ўзи юридик ёрдам кўрсатган барча ишлар бўйича иш юритишни бошқарувчи шерикка топшириши шарт. Шериклик шартномасидан чиқсан адвокат шериклик шартномасида ўзи иштирок этган даврда юзага келган умумий мажбуриятлар бўйича ишонч билдирувчи шахслар (химоя остидаги шахслар) ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлади. Шериклик шартномаси тугатилганидан кейин адвокатлар янги шериклик шартномасини тузишлари шарт. Агар янги шериклик шартномаси аввалги шериклик шартномасининг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан бир ой ичida тузилмаса, адвокатлик фирмаси адвокатлик тузилмасининг бошка шаклига ўзгартирилиши ёки тугатилиши керак. Шериклик шартномаси тугатилган пайтдан эътиборан ва адвокатлик фирмаси адвокатлик тузилмасининг бошка шаклига ўзгартирилгунига қадар ёхуд янги шериклик шартномаси тузилгунига қадар адвокатлар юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида битимлар (шартномалар) тузишга ҳақли эмас. Адвокатлар ҳайъати аъзоликка асосланган ва адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун адвокатлар томонидан таъсис этилган, нотижорат ташкилоти бўлган адвокатлик тузилмасидир. Адвокатлар ҳайъатининг таъсис ҳужжатлари унинг муассислари

томонидан тасдиқланадиган устав ҳамда улар томонидан тузиладиган таъсис шартномасидир. Таъсис шартномасида муассислар адвокатлар ҳайъатига ўз мол-мулкини ўтказиш шартларини, ушбу ҳайъат фаолиятида иштирок этиш тартибини, адвокатлар ҳайъатига янги аъзоларни қабул қилиш, муассисларнинг (аъзоларнинг) унинг таркибидан чиқиш тартиби ва шартларини, шунингдек адвокатлар ҳайъати муассисларининг (аъзоларининг) хуқук ва мажбуриятларини белгилайди. Адвокатлар ҳайъатлари таркибидаги аъзолар сони ўнтадан кам бўлмаслиги керак. Адвокатлар ҳайъатида юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимлар (шартномалар) адвокат ва ишонч билдирувчи шахс (химоя остидаги шахс) ўртасида тузилади ҳамда адвокатлар ҳайъатининг ҳужжатларида рўйхатдан ўтказилади. Адвокатлар ҳайъати юридик ёрдам кўрсатиш учун ўзи турган ердан ташқарида жойлашган филиаллар тузишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги қонуннинг 4-4-моддасига кўра, юридик маслаҳатхона - адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этиладиган ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган адвокатлик тузилмасидир. Юридик маслаҳатхона тегишли ҳудудда юридик ёрдамга бўлган эҳтиёжларни қаноатлантириш учун адвокатлик тузилмаларининг сони етарли бўлмаган ҳолларда Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этилади. Тегишли ҳудудлардаги юридик ёрдамга бўлган эҳтиёж Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатаси томонидан тасдиқланадиган нормативларга мувофиқ аниқланади. Юридик маслаҳатхонанинг моддий-техника таъминоти тартиби ва шартлари, юридик маслаҳатхоналарга ишлаш учун юборилган адвокатлар учун хизмат хоналари ва зарурат бўлганда, туаржойлар ажратиш билан боғлиқ масалалар Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан туман, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ҳал қилинади. Юридик маслаҳатхона Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаси томонидан тасдиқланадиган низомга асосан иш олиб боради.

Адвокатура фаолиятини тартиба солувчи нормаларни таҳдил қилиб амалиётда ушбу нормаларни кўллаш билан боғлиқ бўлган куйидаги хulosаларни чиқариш мумкин: адвокатура фаолияти билан шугулланиш хукуқига эга бўлган адвокатларни химоя усуслари ва химояни кўллаш тактикасини ўрганувчи ҳамда хукукий билим ва кўнижмасини етарли даражада ошира олмаётган, судда химоячи

ва Адвокатлар палатасининг тегишли худудий бошқармасига адвокат макоми тўхтатилганлиги ҳакида хабар беради. Адвокат мақомининг тўхтатиб турилиши адвокатнинг Адвокатлар палатасига аъзолиги тўхтатиб турилишига сабаб бўлади. Адвокат мақомининг тўхтатиб турилиши мазкур адвокатга нисбатан конунда назарда тутилган кафолатларнинг амал килиши тўхтатилишига олиб келади, ушбу Конун 10-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси Конунининг 6-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган кафолатлар бундан мустасно. Адвокат мақоми тўхтатиб турилган шахс адвокат мақомини тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳоллар тугатилганидан кейин уч ой ичидаги адвокатлик фаолиятига киришиши керак. Мазкур талабни бажармаслик лицензиянинг амал килиши ушбу Конуннинг 16-моддасида белгиланган тартибда тугатилишига сабаб бўлади. "Адвокатура тўғрисида"ти конуннинг 14-моддаси 1-кисмига асосан, адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги конун хужжатлари талаблари, Адвокатнинг касб этикаси коидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди бузилгавлиги унга нисбатан интизомий чоралар қўлланилишига сабаб бўлади. Интизомий иш юритиш Адвокатлар палатасининг тегишли худудий бошқармаси ёки адвокаттага гувоҳнома берган адлия органи томонидан кўзгатилади. Интизомий иш юритишни кўзгатиш учун адвокатура тўғрисидаги конун хужжатларининг, Адвокатнинг касб этикаси коидалари, адвокатлик сирининг ва адвокат қасамёдининг адвокат томонидан бузилиши Адвокатлар палатасининг худудий бошқармаси ёки адлия органи томонидан аниқланганлиги; адвокатнинг ноқонуний ҳатти-харакатлари юзасидан жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари; суднинг адвокатта нисбатан чиқарган хусусий ажрими асос бўлади. Интизомий иш юритишни кўриб чиқиш натижалари бўйича адвокатта нисбатан огохлантириш (малака комиссиясининг карорига асосан); лицензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш; лицензиянинг амал қилишини тугатиш каби интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин. Шуни алоҳида айтиш лозимки, малака комиссияси томонидан карор қабул қилингунига қадар адвокат интизомий иш кўзгатилишига сабаб бўлган шикоятни берган шахс билан ярашув чораларини кўришга ҳакли. Адвокатлик тузилмалари меҳнат интизомини бузганлик учун

адвокатга нисбатан меҳнат тўғрисидаги конун хужжатларига мувофик интизомий жазо чораларини кўллашга ҳакли.

Адвокатга гувохнома берган адлия органининг қарорига асосан лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш мумкин. Адвокат жиной жавобгарликка тортилганда, у айбланувчи тариқасида жалб этилган пайтдан бошлиб ва суд ҳукми конуний кучга киргунига қадар ёхуд реабилитация килувчи асосларга биноан уни жиной жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор кабул қилингунига қадар; адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги конун хужжатлари талаблари, Адвокатнинг қасб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди бузилганлиги аниқланганда (малака комиссиясининг қарорига асосан); Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармасининг ёки адлия органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган, шу жумладан, адвокатнинг зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юклайдиган қарорлари адвокат томонидан бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда (малака комиссиясининг қарорига асосан). Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати олти ойдан ошиши мумкин эмас, адвокат жиноят ишида иштирок этишга айбланувчи тариқасида жалб қилинган ҳол бундан мустасно. Лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни, агар улар бартараф этиб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлмаса, кўрсатилган муддатда бартараф этиши шарт. Адлия органининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш адвокат мақомининг тўхтатиб турилишига сабаб бўлади. Конунда лицензиянинг амал қилишини тугатиш ҳоллари ўзининг ифодасини топган. Хусусан, адвокат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда, агар ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) буни талаб қиласа, илгари қабул қилинган топширикни бажариб бўлганидан сўнг; агар талабгор лицензия бериш учун қарор қабул қилинганлиги тўғрисида билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан зътиборан уч ой ичидаги лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни адлия органига тақдим этмаган бўлса; ушбу Конун 3-1-моддасининг олтинчи қисмида ва 3-1-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган талаблар бажарилмаганда; лицензия соxта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги

факти аниқланганда; лицензия бериш тұғрисидаги қарорнинг ғайриқонунй эканлыги аниқланганда; адвокаттинг мұомала лаёқаты чекланганда ёки у белгиланған тартибда мұомалага лаёқатсиз деб топилғанда; суднинг адвокатни жиноят содир этишда айбдор деб топиш ҳакидаги айблов ұқми қонуний күчга кирғанда; касбига доир вазифаларини уч ой ичидә узрсиз сабабларла қура бажармаганда (малака комиссиясінинг қарорига аоссан); адвокат томонидан адвокатура тұғрисидаги қонун хұжжатлари талаблари, Адвокаттинг касб этикасы қойдалари, адвокаттык сири ва адвокат қасамёді мұнтазам равишида ёки бир марта күпоп равишида бузилғанда, адвокаттинг шағынның ва қадр-қимматига дөғ туширадиган хамда адвокатуралың обрүсіни туширадиган қылмыш содир этилғанда (малака комиссиясінинг қарорига асоссан); лицензиясінинг амал қилиши тұхтатиб турилған шахс лицензиянинг амал қилиши тұхтатиб турилишига олиб келған ҳолаттарни лицензиянинг амал қилиши тұхтатиб турилған муддаттарда бартараф этмаганда (малака комиссиясінинг қарорига асоссан); адвокат Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотғанда; адвокат вафот этганда ёки суднинг уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний күчга кирған ҳолларда адвокатта гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан амалга оширилади. Щунингдек, лицензиянинг амал қилиши суднинг қарорига қура хам тугатилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тугатиши лицензиянинг амал қилишини тугатиши тұғрисида қарор қабул килинған санадан эътиборан амалга оширилади. Адлия органининг лицензиянинг амал қилишини тугатиши тұғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тугатиши адвокат макомининг тугатилишига сабаб бўлади. Адлия органи уч кунлик муддатда Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасини адвокат макомининг тугатилғанлиги ҳақида хабардор киласи, шунингдек тегишли хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласи. Адвокат макомининг тугатилиши адвокаттинг Адвокатлар палатасига аъзолиги тугатилишига сабаб бўлади. Қайд этилған Қонун нормасининг ўнинчи ва ўн биринчи хатбошиларида назарда туттилған асосларга қура лицензиясінинг амал қилиши туттилған шахс уч йил мобайнида талабгор бўлишга ҳақли эмас.

Адвокатларни ҳуқуклари ва манфаатларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ўрни ва роли мухим аҳамиятта эта. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз

ваколатлари доирасида адвокатлик тузилмалари ва Адвокатлар палатасининг фаолиятига кўмаклашади; адвокатура фаолияти тўгрисидаги статистик маълумотларни ўрганади; адвокатларнинг малакасини оширишга доир тадбирларни амалга оширишга кўмаклашади; адвокатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек адвокатлик тузилмалари томонидан таъсис хужжатларига, уставда белгиланган фаолиятига, кайта рўйхатдан ўтиш ва тугатиш тартибига риоя этилишини назорат килади; адвокатлик гувоҳномасининг шаклини ва уни бериш тартибини тасдиқлади; ордер шаклини тасдиқлади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамманинг фойдаланиши учун очик бўлган Адвокатларнинг йигма давлат реестрини юритади. Адлия органлари адвокатларнинг тегишли давлат реестрларини юритади. Адвокатларнинг йигма давлат реестрини ҳамда адвокатларнинг давлат реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Хулоса килиб айтганда, мамлакатимизда инсон ҳукук ва эркинликларини ҳимоя қилиш баробарида адвокатура институтини янада ислоҳ этиш борасида олиб борилаётган демократик ислоҳотлар жамиятда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг мухим омили бўлиб ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бевосита инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳамда манфаатларини устувор ҳимоя қилишининг самарадорлигини ошириш айниқса уларнинг бу борадаги хуқукий маданиятини юксалтиришни тақозо этмоқда.

Зеро, инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси аҳамиятини ва бошқа инсон хуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ ҳалқаро хуқуқ нормаларини чукур ўрганиш ва уларга амал қилиш ўз навбатида, уни моҳиятини чукур тушуниш нафакат эҳтиёж балки объектив заруриятдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, алоҳида инсон хуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва кўнимкамаларни шакллантириш, пировард натижада эса инсон хуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш ғоят мухимdir. Инсоннинг ўз хуқуқ ва мажбуриятларидан яхши ҳабардор бўлиши шахс хуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шарти бўлиб қолиши керак<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, инсон хуқуқлари бўйича ҳалқаро ва миллий институтлар ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон хуқуқ ва эркинликлари ҳамда конуний манфаатларини ҳимоя қилиш фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва хуқукий маданиятини ошириш ҳамда жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга замин ҳозирлаши шубҳасиздир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси умумътироф этилган ҳалқаро хуқуқ нормаларига мувофиқ эканлиги, унинг барча қоида ва талаблари ҳамда инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари Асосий Конунимиз ва амалдаги қонунчилигимизда ўз ифодасини топган. Шуни алоҳида таъкидлаб айтиш лозимки, инсон хуқуқларига оид норма ва қоидаларни ҳар бир шахс қалби ва онгига сингдириш ўз навбатида, миллий ўзликни англашта ҳамда хуқукий фаол жамият аъзосини тарбиялашта хизмат қиласи. Таҳдиллар кўрсатишича, инсон хуқуқлари бўйича миллий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ҳазирги босқичда демократик ислоҳотларни чукурлаштиришнинг муҳом вазифалари. / Янгича фикрларни ва ишларни давр талаби. Т.5.-Т.:Ўзбекистон, 1997.-Б. 119-120.

институтлар фаолиятига ҳам муайян талаблар қўйилади. Бинобарин, улар эркин, юридик ва сиёсий жиҳатдан мустақил ҳамда кенг ваколатлар доирасига эга бўлишлари лозим; улар фуқаролар учун очик бўлиши лозим; инсон хукуклари бўйича миллий институтлар фаолиятининг мустаҳкам ҳукукий негизи яъни ҳукукий асослари мавжуд бўлиши талаб этилади. Миллий институтларнинг муайян давлатларда фаолият юритиши инсон хукуклари ва қонун билан қўриклиланадиган фуқароларнинг манфаатларини ҳукукий химоя қилишнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қиласди.

Бинобарин, “... инсон хукук ва эркинликларини ҳар томонлама химоя килиш, қонун устуворлиги принципига оғишмай риоя этилишини таъминлашга қўмаклашади”.

Ўзбекистонда инсон хукуклари бўйича миллий институтларнинг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш баробарида инсон хукуклари ва эркинликларини химоя қилишнинг юридик ва амалий жиҳатдан реал ҳаётда самарали таъминлашга эришиш ўз навбатида, инсон хукук ва эркинликларига оид норматив-хукукий ҳужжатларни тизимлаштириш, инсон хукуклари ва эркинликларини ҳар томонлама ҳукукий жиҳатдан химоя килиш ҳамда ҳукукни қўллаш амалиётини мунтазам тизимли таҳлил этиб боришни ҳам тақозо этади.

Зоро, Президентимиз И.Каримов айтганларидек, “Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати – инсонийлик, эзгулик қонунларига асосланади ҳамда фуқаролар осойишталиги ва миллий муроса сиёсати бўлиб қолади”<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда инсон хукуклари бўйича миллий институтларнинг шаклланиши ва ривожланиши муаммоларини ўрганиш пировардида инсон хукук ва эркинликларига оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга оид илмий-назарий ҳамда амалий асослантирилган хulosса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятини яратди.

**I. Ўзбекистонда инсон хукуклари бўйича миллий институтларнинг шаклланиши ва ривожланиши бўйича илмий назарий хulosалар:**

1) Инсон хукуклари бўйича миллий институтлар шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ масалаларни ҳар томонлама ўрганиш нафакат илмий балки, инсон хукуклари, эркинликлари ва қонуний

<sup>1</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни ўрганиш бўйича меъзуза матти. ЎзР Адлия вазирлиги ТДЮИ. –Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2011. – 62 б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилиноси эришини остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. - 404 б.

манфаатларини самарали ва сифатли ҳимоя қилишнинг амалий натижаси бўлиб ҳисобланиши баробарида инсон ҳукуқлари бўйича миллий институтлар мавзусига оид илмий тадқиқот ишларини олиб боришни янада кучайтириши талаб этмоқда.

2) Мамлакатимизни демократик янгилашнинг энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳукуки ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳукуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш билан бир қаторда ҳукукий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва ахолининг ҳукукий онги ва маданиятини юксалтиришни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

3) Демократик ҳукукий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳал этилиши лозим бўлган кўйидаги айрим ташкилий-ҳукуқий масалаларни ижтимоий ҳаётда тўлиқ амалга оширишга эришиш лозим: Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримовнинг жамиятда ҳукукий маданиятини юксалтириш ҳақидаги гоёя ва қарашларини кент тарғиб қилиш ҳамда ахолининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишларини кенг ташкил этишини янада кучайтириш; Иккинчидан, диний ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси қонунлари расмий нашрларидан шу жумладан, электрон дастурлардан кенг фойдаланишни йўлга кўйиш ва диний ташкилотлар фаолиятига доир норматив-ҳукуқий ҳужжатларни амалий қўлланма сифатида чоп этиш; Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Конунининг мониторингини ўтказиш натижалари бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чикиш ҳамда ҳукукий ва маърифий тарғибот ишларига диний ташкилотлар масъуль ходимларини кенг жалб этиш; Туртунчидан, диний ходимларнинг ҳукукий билим ва савияларини ошириш бўйича ўқув машғулотларини мунтазам ташкил этиш ҳамда дунёвий фан нуқтаи назаридан диний ташкилотлар фаолиятига оид устувор илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш бўйича монография, илмий тўплам ва рисолалар чоп этишини йўлга кўйиш; Юридик фаннинг тегишли ихтисослик шифрлари бўйича миллий-ҳукуқий меросни ўрганиш мақсадида илмий ишларни амалга оширишни янада кучайтириш ва диний ходимлар иштирокида ўтказиладиган ўқув машғулотларида улардан самарали фойдаланиш; Бешинчидан,

“Умумисоний ва миллий қадриятлар, виждон эркинлиги ҳамда диний ташкилотлар фаолиятига оид қонун хужжатлари диний ходимлар нигохида” мавзусидаги туркум телекүрсатув ва радиоэшигтиришларни ташкил этиш; Олтинчилан, диний ходимларнинг ҳукукий маданиятини юксалтириш чора-тадбирларини мунтазам равишда кўриб боришни таъминлаш, диний ташкилотларга малакали юридик ёрдам кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш, мамлакатимиздаги диний ташкилотларнинг диний, маърифий-хукукий, маънавий ишлар бўйича ижобий тажрибаларини оммалаштириш, энг яхши диний ва дунёвий илм тарғиботчиси кўрик танловини ўтказиб бориш ва танлов ғолибларини рағбатлантириш чораларини кўриш ва диний ташкилотларнинг ҳукукий ахборот таъминотини мунтазам яхшилаш чора-тадбирларини куриб бориш; диний ташкилотларга юридик таълим муассасалари томонидан ўкув-услубий ёрдам кўрсатишнинг ҳукукий билимлар тарғиботи бўйича самарадорлигини ошириш. Айниқса, маҳалланинг роли ва мавқеини юксалтириш, дунёвий-маърифий давлат, фукаролик жамияти, виждон эркинлиги, диний ташкилотларнинг ҳукукий мақоми ва диний ҳафсизликнинг муаммоли-максадли жиҳатлари бўйича давра сухбати, семинарлар ва конференциялар ташкил этиш, кўргазмали ҳукукий тарғибот воситаларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш.

4) Инсон ҳукуки маданиятининг умумий андозалари куйидаги коидалар билан тавсифланади: демократия ва инсон ҳукуклари ҳамда эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш – бу давлат мажбуриятидир; инсон ҳукуклари ва эркинликлари кафолати ҳалқаро ҳукукий андозаларга мос келиши ва бу соҳада ҳалқаро ҳукукнинг устуворлиги; инсон ҳукуклари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқлидир, яъни табиий ҳукуқ ғояси назарияси эътироф этилиши; ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳукуклари ва эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлиги; инсон ҳукуклари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этишлиги; фукароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши; инсон ҳукук ва эркинликларини амалга ошириш бошка шахс ҳукукларини бузмаслиги.

5) Инсон ҳукуқларининг олий қадрият сифатида тавсифи куйидагиларда намоён бўлади: Инсон ҳукуки у туғилганидан бошлаб вужудга келади, унинг мутлоқ ҳукуки бўлиб хисобланади; инсон ҳукуки давлат ҳимояси остида бўлиб, ҳар бир шахснинг тенг

хукуқлилиги ва кафолатланган хукуқлар мажмуасига эга бўлишда ёркин намоён бўлади;

инсон хукуки – олий қадриятдир, уни ҳурмат килиш унга риоя этиш ва ҳимоялаш давлатнинг устувор мажбуриятидир. Бу мажбуриятни бажармаслик инсон хукуқ ва манфаатларига птур етказилишига сабаб бўлади. Шу боис ҳар қандай демократик давлат инсон хукуқ ва эркинликларига риоя қилиш масаласига давлат сиёсатининг устувор вазифаси деб қарайди; инсон хукуклари – давлат ҳокимияти устидан назорат қилишнинг муҳим воситаси бўлиб, ҳалқаро ва миллий институтлар томонидан унинг ҳимояси кафолатланади; инсон хукуқ ва эркинликлари таъминланиши уни ҳар қандай белгилар бўйича камситиш билан номутаносибdir; инсон хукуқ ва эркинликларининг амалга оширилиши бошқа шахсларнинг хукукларини бузмаслиги лозим;

шахсий, сиёсий, иқтисодий ва маданий хукуқ ва эркинликлар ўзининг аҳамияти ўзаро яқин узвийлиги, ажралмаслиги билан тенг равиша да баҳоланади ва олий қадриятлар бўлиб ҳисобланади. Энг муҳими инсон хукуклари ҳимоясини таъминлашда умумэтироф этилган ҳалқаро хукуқ нормалари билан бир қаторда Конституция ва қонунлар ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

6) Инсон хукуки маданияти кучли демократик хукукий давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг ноёб фазилатидир. Том маънода инсон хукуки маданияти фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий хукукий фаолликларини, шу жумладан, улар хукукий маданияти ва хукукий онгини рӯёбга чиқаришга кўмак берадиган хукукий тизимнинг етуклик кўрсаткичи бўлиб улар қуидагиларда намоён бўлади: Жамият ва давлатни инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришнинг энг муҳим воситаси ва ғоятда зарур шарти ҳисобланади. Инсон ижтимоий гурӯхлар ва жамиятнинг умуман конституциявий-хукукий институтларга тегишлича муносабатда бўлишларини шакллантиришга таъсир кўрсатади. Шахснинг фуқаролик фазилатларини (хукуқни инсон хукуклари орқали идрок этиш, фуқаролик фаоллиги, жамият ва давлат манфаатларини англаш ва ўз ҳатти-харакатлари учун жавобгарлик) ривожлантириш имконини беради. Хукукий онг бузилиши ва хукукий нигилизмни бартараф этишнинг муҳим воситасидир. Инсон хукукларини ҳимоя килишнинг конституциявий муносабатини ўзгартиради, ундан

фойдаланиш кўникмаларини самарадорлигига ишончни шакллантиради.

7) Фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти сифатида адвокатуранинг ҳимоя тизимида мавқеини янада ошириш чораларини кўриш; фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектларига малакали ҳақ эвазига юридик хизмат кўрсатишнинг роли ва таъсирчанлигини кучайтириш лозим.

**И. Ўзбекистонда инсон ҳуқуклари бўйича миллий институтларнинг шаклланиши ва ривожланишига оид қонунчилик асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

1) Инсон ҳуқуклари умумжаҳон декларацияси ва Конституцияга асосланган миллий қонунчилигимиз инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишининг кафолати бўлиб хизмат қиласи. Шунинг учун Конституцияда белгиланган инсон ҳуқукларига оид нормаларни амалдаги қонун ҳужжатлари мазмуни ва моҳиятига янада тўлиқ сингдириш лозим.

2) Омбудсман институтининг назарий ва амалий муаммоларини шу жумладан, бу борадаги хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш мавжуд қонун ҳужжатларини амалиётта қўллаш даражасидан ортда колмоқда. Бошқача айтганда, Омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий асосларини амалиётта қўллаш ҳолати, муаммолари ва уни ҳал қилиш бўйича маҳсус илмий тадқиқот ишларини амалга оширишни жадаллаштириш талаб этилмоқда.

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуклари бўйича вакили (Омбудсман) миллий ҳуқуқий тизимда нисбатан янги ҳуқуқий институт бўлиб ҳисобланади. Шу боис, вакил фаолиятининг қонунчилик асосларини тизимли таҳлил этиш вакил фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ошириш истиқболдаги муҳим вазифаларни ҳал этиш қўйидагилар билан белгиланади: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуклари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”<sup>1</sup>ги қонуннинг мониторингини ўтказиб уни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чикиш; “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуклари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”<sup>2</sup>ти қонунга шарҳлар тайёрлаш; вакил фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишига оид илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларин туплами, 2004 йил, 38-сон, 420-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2004 йил, 38-сон, 420-модда.

вакилнинг минтақавий тузилмалари хукукий мақомини аниқлаш; ихтисослашган вакилнинг мақоми хукукий асосларини ишлаб чикиш, вакил ҳукукларини амалга оширишнинг процессуал тартиб ва асосларини такомиллаштириш ўзининг ечимини кутаётган масалалар бўлиб хисобланади.

4) Илмий ва амалий таҳлиллар кўрсатишича, қонунчилик ташаббуси хукукига эга бўлмаган давлат органларининг, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш муаммоларини ўрганиш долзарб масалалардан бири бўлиб улар куйидагилар билан тавсифланади: Қонунчилик ташаббуси хукукига эга бўлмаган давлат органларининг, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштирокининг умумий тавсифини баён этиб, унда бундай фаолиятнинг тушунчаси, аҳамияти, моҳияти, шакл ва усуслари ҳамда уни амалга ошириш тартиби, асосларини, хорижий давлатларда қонунчилик ташаббуси хукукига эга бўлмаган субъектларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштирокининг ўзига хос хусусиятларини, қонунчилик ташаббуси хукукига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштирокининг ўзига хос жиҳатлари тизимли тадқик этилиши зарур. Яъни қонунчилик ташаббуси хукукига эга бўлмаган давлат органларининг қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштироки, қонунчилик ташаббуси хукукига эга бўлмаган нодавлат ташкилотларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштироки, қонунчилик ташаббуси хукукига эга бўлмаган нодавлат ташкилотларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашда катнашиши, фуқароларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштироки масалалари назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш зарурияти пайдо бўлмоқда. Шунингдек, қонунчилик ташаббуси хукуки субъекти билан бундай хукукка эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-услубий тартиби ва асослари айникса, давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари юридик хизматининг самарадорлигини ошириш муаммоларини тадқик этиб ўрганиш талаб этилмоқда. Энг мухими, қонунчилик ташаббуси хукукига эга бўлмаган давлат органи, нодавлат ташкилоти ва фуқаролар томонидан қонун лойиҳаларини ёки янги қонун қабул килиниши, қонунга ўзгартишлар, қўшимчалар киритилиши шунингдек, амалдаги қонунни ёки унинг бир қисмини ўз кучини

йўқотган деб топиш зарурлиги туғрисидаги таклифларни конунчилик ташаббуси хукуки субъекти кўриб чиқиши учун киритиш тартиби, унинг мазмунига қўйиладиган талаблар хусусан, конун лойиҳаларининг шакли, тузилиши, унинг баёнига тааллукли талаблар, матнида тушунчалар ва атамалардан фойдаланиш, унда ҳаволалардан фойдаланиш, таклифларга илова қилинадиган хужжатлар, конунчилик ташаббуси хукуки субъекти томонидан таклифларни кабул килиш, қўшимча ўрганиш учун юбориш ва унинг хукукий асосларини таҳлил этиш лозим.

5) Адвокатлик тузиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, айникса, жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатишда улар масъулияти ва жавобгарлигини ошириш ҳамда миллий хукукий тизимда янги истиқболли йўналиш сифатида адвокатура конунчилигини тизимли ривожлантириш;

6) Адвокатлар томонидан химояси остидаги шахснинг хукукларини таъминлаш жараёнидаги нормаларни тўлиқ кўллаш максадида амалиётдаги бу масалани амалга оширишга тўскинлик килаётган ҳолатларни яъни, “хукукий бўшлик”ларни бартараф этиш лозим.

**III. Ўзбекистонда инсон хукуклари бўйича миллий инстигутларнинг шаклланиши ва ривожланишига оид ўкув-услубий ўрганишини сямарали амалга ошириш бўйича тавсиялар:**

Янги сиёсий-хукукий вокелик шароитида, ахолининг хукукий маданиятини юксалтиришнинг назарий асосларини, ахолининг, болалар ва ёшларнинг хукукий маданиятини юксалтиришнинг ташкилий-хукукий асосларини, депутатлик корпушлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, суд ва хукуки мухофаза килувчи органлар, таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш, ахолининг хукукий маданиятини юксалтириш жараёнидаги замонавий шакл ва усувлардан, ахборот коммуникация технологиялари ва оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш ва ахолининг хукукий маданиятини юксалтиришнинг ўкув-услубий асосларининг самарадорлигини ошириш борасида қуйидагилар таклиф этилади:

1) Ахолининг хукукий маданиятини юксалтиришнинг назарий асосларини ўрганиш борасида: Энг аввало, демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда давлат ва хукук назарияси нуқтаи назаридан ахолининг хукукий маданияти ва хукукий онги тушунчаси ва илмий категорияларининг

назарий асосларини, ҳуқукий маданият вазифаси, ҳусусияти, принциплари ва функцияларини тадрижий тадқик этиш; фуқаролик жамиятини шакллантиришда конунчиллик, ижро, суд ҳокимияти, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари, таълим муассасалари, ижрочи, ахоли, айниқса ёшларнинг ҳуқукий маданиятини юксалтиришдаги роли ва ахамиятини очиб бериш; умуминсоний маданият, одоб-ахлок. ҳуқукий ахлок, ҳуқукий хулқ-атвор, юксак маънавият, ҳуқукий эрк-ҳоҳиш, юридик жавобгарлик, ҳуқукий қадрият, ижтимоий онг, ҳуқукий онг, ҳуқукий ғоя, ҳуқукий маданият, юридик хизмат, ҳуқукий таълим, ҳуқукий тарбия, ҳуқукий маданият психологияси, ҳуқукий маданият социологияси, ҳуқукий нигилизм ва унинг олдини олиш, ҳуқукий таргигот, ҳуқукий идрок, ҳуқукий ҳиссият, ҳуқукий эътиқод, ҳуқукни кўллаш, инсон хавфсизлиги, ҳуқукбузарлик, инсон ҳуқуклари бўйича маданият, жамоатчилик фикри ва назорати, сиёсий маданият, иқтисодий маданият, касбий ҳуқукий маданият, процессуал ҳуқукий маданият, ҳуқукий фаолият тушунчаларининг ўзаро нисбати ва алокаси бўйича тадқикот ишларини бажариш; ҳуқукий маданиятнинг юридик лингвистик, юридик хавфсизлик, юридик танқидчилик каби тушунчалар билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш; ахолининг ҳуқукий маданиятини юксалтириш бўйича фундаментал. амалий ва инновацион тадқикот мавзуларини белгилаш ва унинг долзарб устувор йўналишлари бўйича илмий-тадқикот ишларини янада кучайтириш; ахолининг ва турли хил соҳа вакилларининг ҳуқукий маданияти бўйича социологик тадқикотларни амалга ошириш; ахолининг ҳуқукий маданиятини оширишнинг ташкилий-ҳуқукий шакллари, усуллари ва истиқболлари бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларини тайёрлаш бўйича замонавий тадқикот ишларини жадаллаштириш; умумэътироф этилган ҳалқаро ҳуқук нормаларини ва ахолининг ҳуқукий маданиятини ошириш бўйича ривожланган давлатларнинг тажрибасини қиёсий ўрганиш юзасидан тизимли тадқикот ишларини бажариш; ҳуқукий маданиятни давлат-ҳуқукий ва ҳусусий ҳуқукий институт сифатида табиатини очиб бериш; ҳуқукий онгнинг таркибий қисмлари: ҳуқуқни билиш, ҳуқуққа муносабат ва унинг кўрсатмаларини бажаришни илмий тадқик этиш; ахолининг, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик, шу жумладан оиласвий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқукий маданиятини юксалтириш муаммоларини тадқик этиш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари ҳусусий

тадбиркорлик ва оиласвий бизнесни ташкил этиш ва ривожлантириш борасидаги вазифаларини амалга ошириш бўйича тизимли тадқикот ишларини бажариш лозим.

2) Аҳолининг, бола ва ёшларнинг ҳукуқий маданиятини ташкилий-ҳукукий асосларини юксалтириш борасида: Чунончи, “Жамиятда ҳукукий маданиятни юксалтириш миллий дастури”нинг мониторингини ўтказиб, мавжуд муаммолар, уларни хал қилиш чоралари ишлаб чикиш; “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да назарда тутилган норматив-ҳукукий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини ёритиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиб унинг ижросини таъминлаш; ҳукукий тарғибот бўйича идоралараро Кенгаш тузиш ва уни мувофиқлаштиришнинг самарали тизимини йўлга қўйиш; янги сиёсий-ҳукукий воқелик шароитида ҳукукий маданиятни юксалтириш бўйича аддия, суд ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлари ролини янада ошириш чораларини кўриш; юридик таълимни табакалаштирилган тарзда тадрижий такомиллаштириш концепциясини ишлаб чикиш ва амалиётда татбиқ этиш; ҳукукий тарбияни кўллаб-қувватлаш бўйича нодавлат нотижорат ташкилот сифатида ижтимоий фонд ташкил этиш; жамоатчилик юридик маслаҳатхоналари ва экспертизасини ташкил этиш ва улар фаoliyatining мониторингини юритиш; мактаблар, лицейлар ва қасб-хунар коллежларида ҳукукий маданият асосларини ўрганиш бўйича ишларни самарали ва оқилона ташкил этиш ҳамда ҳукукий фанлар бўйича дарс берувчи ўқитувчилар малакасини оширишнинг мақбул шакл ва усусларини янада такомиллаштириш; фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида аҳолининг ҳукукий маданиятини ошириш бўйича юридик хизматларни ташкил этиш; ҳукукий маданиятни юксалтириш бўйича театр, санъат, радио, кино, телеведения имкониятларидан кенг фойдаланиш; давлат ва ҳусусий корхоналари, нодавлат ташкилотлари, таълим муассасалари, барча ҳўжалик юритувчи субъектларда ойлик “Ҳукукий билимлар куни”ни жорий этиш; ҳукук нормаси ҳар қандай бузилишининг олдини олишга каратилган мустаҳкам ва оқилона маънавий ҳукукий иммунитетини шакллантириш чораларини кўриш; ҳар йили фукаролар мурожаатлари мониторингини ўтказиб бориш ва унинг натижалари бўйича аҳолининг ҳукукий хабардорлигига эҳтиёж мавжуд бўлган соҳалар бўйича тарғибот ишларини кучайтириш; нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ҳукукий тарғиботда

фаоллигини ошириш чораларини кўриш; ҳуқуқий тарбиянинг ишонтириш, огоҳлантириш, рагбатлантириш, мажбурлаш, жазолаш каби асосий усууларидан самарали фойдаланиш зарур.

3) Депутатлик корпслари, давлат хокимияти ва бошқарув органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида: Ҳусусан, янги сиёсий-ҳуқукий воқелик шароитида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича депутатлик корпслари, сенаторларнинг истиқболга мўлжалланган маҳсус режа ва дастурларини ишлаб чикиш; аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда парламент, ижро, суд журналистикаси имкониятларидан самарали фойдаланиш; аҳолининг ва ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳабардорлик даражасини ошириш мақсадида қонун ҳужжатларининг расмий манбалардан (шу жумладан электрон дастур шаклида) фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш; ҳуқукий таълим ва маърифатга ҳамда ҳуқукий билимлар тарғиботи учун масъул бўлган мансабдор ва масъул шахсларнинг тасдикланган режа ва дастурлар ижросини таъминлаш борасидаги масъулиятини ошириш; ҳуқукий нигилизмнинг ҳар қандай кўринишларига ҳусусан, онгли равишда қонун ва қонун ости ҳужжатлар талабларини бузиш ҳолатлари билан боғлиқ чораларни кўриш; ҳуқукий маданият қонун ижодкорлик фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мезони эканлигини инобатга олиб комплекс чора-тадбирлани ишлаб чикиш.

4) Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш жараённида замонавий шакл ва усуулардан, ахборот коммуникация технологиялари ва оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш борасида: Чунончи, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг медиа режаларини ҳар йили ишлаб чикиб, уни ижросини тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш; Республика ва вилоятлар миқёсида ҳуқуқий тарғиботга оид маҳсус телекўрсатув ва радиоэшилтиришларни, уларнинг эфир вақтларини катъий белгилаб, уни тизимли амалга ошириш чораларини кўриш; ҳуқуқий мавзуларда ёзадиган журналистларни тайёрлаш, уларни ихтисослаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кабул қилиш ҳуқукига эга бўлган субъектлар матбуот хизматларининг бу борадаги ваколатларини белгилаш ва уни такомиллаштириш чораларини кўриш; Кўп тиражли маҳсус ҳуқуқий нашрларни жорий этиш ҳамда уларни олис қишлоқ ва тоғли худудларга етказишнинг амалий чораларини кўриш;

мамлакатда Концепция, режа ва дастурлар асосида қабул қилинаётган янги норматив-хукуқий хужжатлар мазмун-моҳияти ҳақида мунтазам маҳсус ахборот бериб боришининг самарадорлигини ошириш чораларини кўриш; хукуқий маданиятни юксалтириш бўйича замонавий ахборот коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланиш (масалан, Интернет орқали) фуқароларнинг хукуқий саволларига мунтазам жавоб бериб бориш амалиётини йўлга кўйиш; кўргазмали тасвирий ва турли хил хукуқий мавзудаги давра сұхбати, семинар ва конференцияларда видео техника воситаларига асосланган хукуқий тарғибот шаклларидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш; уяли телефонда хабар жўнатиш орқали мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар ҳақида фуқароларни боҳабар қилиб бориш (бунда қабал қилинаётган қонуннинг номи кўрсатилиб, унинг тўлиқ матни билан Адлия вазирлигининг Интернетдаги [www.lex.uz](http://www.lex.uz) сайти орқали танишиш мумкинлиги кўрсатилади) каби амалий чораларни кўриш зарурияти вужудга келмоқда.

5) Аҳолининг хукуқий маданиятини юксалтиришнинг ўқув-услубий асосларининг самарадорлигини ошириш борасида: Яъни, аҳоли айниқса, бола ва ёшлар учун оммабоп хукуқий адабиётларни нашр этиш; мансабдор шахслар учун уларнинг хукуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ўқув-услубий ва амалий қўлланмаларни нашр этиш; таълим муассасалари, кадрларни қайта тайёрлаш марказ ва курсларида хукуқий маданиятининг ихтиосослашуви йўналишларидан келиб чиқиб маҳсус дастур ва қўлланмалар тайёрлаш; аҳолининг хукуқий маданиятини юксалтириш бўйича давлат органлари ва нодавлат ташкилотларининг ижтимоий шерикчилигига қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; турли хил соҳаларнинг хусусиятларини ўз ичига олган маҳсус, тизимлаштирилган электрон маълумотлар порталини яратиш; амалдаги қонун хужжатлари шарҳлари, савол-жавоб шаклида тайёрланадиган амалий қўлланмаларни мунтазам нашр этиш чораларини кўриш талаб этилмоқда.

6) Таълим муассасаларида адвокатура фаолиятининг хукуқий асосларини мустақил ўрганишнинг самарадорлигини ошириш; олий, ўрта ва маҳсус таълим муассасаларида адвокатура фаолиятининг ўқув – услугубий таълими бўйича амалий ишларни ташкил этишга эътиборни янада кучайтириш зарур.

7) Адвокатура фаолияти билан шуғулланиш хукуқига эга бўлган адвокатларни ҳимоя усуслари ва ҳимояни кўллаш тактикасини ўрганувчи ҳамда хукукий билим ва кўникмасини етарли даражада ошира олмаётган, судда ҳимоячи сифатида ҳимояси остидаги шахсга етарлича хукукий ёрдам кўрсата ололмаётган адвокатларни фаолиятини тугатиш билан шуғулланувчи ишчи гурӯҳ ташкил этиш лозим.

8) Адвокатларнинг малакасини ошириш, уларнинг судда иштирокини явада такомиллаштириш мақсадида чет эл адвокатлари билан ўзаро тажриба ва малака алмасиши имкониятларидан янада самарали фойдаланишини талаб этмоқда.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА МИЛЛИЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИННИГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.....</b>	<b>7</b>
1.1.§. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тушунчаси, тизими шаклланиши ва ривожланиши.....	7
1.2.§. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти ва моҳияти.....	17
1.3.§. Инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг халкаро ва миллий кафолатлари.....	36
<b>II БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАДАНИЯТИНИ ЎКСАЛТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ....56</b>	<b>56</b>
2.1 §. Инсон ҳуқуқлари маданияти ва миллий кадриятларнинг ўзаро алоқаси ҳамда уларни уйғунлаштириш масалалари.....	56
2.2 §. Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда дунёвий ва диний кадриятларнинг ўрни ва нисбати.....	68
2.3 §. Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантиришда инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришнинг истикболлари.....	76
2.4 §. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичи сифатида юксак ҳуқуқий маданиятнинг зарурити ва муаммолари.....	90
<b>III БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.....101</b>	<b>101</b>
3.1.§ Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари.....	101
3.2.§. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги роли, вазифаси ва ваколатлари.....	110
<b>IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ВАКИЛИ (ОМБУДСМАН) ФАОЛИЯТИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ.....123</b>	<b>123</b>
4.1.§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолияти конунчиллик асосларининг ривожланиши.....	123
4.2.§. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг фукаролар ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ваколатлари.....	136

4.3. §. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг конун ҳужжатларини таомиллаштиришда иштироки.....	140
<b>V БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ.....</b>	<b>151</b>
5.1. §. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатура институтининг тутган ўрни ва роли.....	151
5.2. §. Адвокатура фаолиятининг ташкилий-ҳукуқий шакллари ва асослари.....	161
5.3. §. Инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатлар ҳукукий макомининг ўзига хос хусусиятлари.....	169
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>181</b>

**ШУҲРАТ РЎЗИНАЗАРОВ  
ОБИДЖОН МАДАЛИЕВ  
ЖАМОЛИДДИН АБДУРАҲМОНХЎЖАЕВ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ  
ИНСТИТУТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

Мухаррир: *Қ.Матқурбонов.*

Техник мухаррир: *А.Боймаматов.*

Компьютерда сахифаловчи: *Т.Аширов.*

Босишга руҳсат этилди 22.06. 2012й.  
Формат 60x84 1/16. Ҳажми 12.25 б.т. Буюртма №9.

Адади 80.

“INTELLEKT - EKSPERT” Давлат унитар  
корхонасининг матбаа бўлимида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси 59.